

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

А.Р. Ходжабоев, И.А. Хусанов, У.Н. Нишоналиев

КАСБИЙ ТАЪЛИМ МЕТОДОЛОГИЯСИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ – 2006

Муаллифлар: профессор А.Р. Ходжабоев, доцент И.А. Хусанов,
профессор У.Н. Нишоналиев,

Мазкур ўқув қўлланма Олий ўқув юртлирининг магистратура 5А 140901 – касб таълими (соҳалар бўйича) 5А 14200 – Касб таълими (соҳалар бўйича) таълим йўналишлари бўйича таҳсил олаётган “Касб таълими” факультети талабалари учун мўлжалланган бўлиб, қўлланмада талабаларнинг “Касб таълимининг методологик асосларидан эгаллаши лозим бўлган билим, амалий кўникма ва малакаларнинг минимумини эгаллаши учун зарурий билимлар мажмуаси берилган.

Ушбу қўлланма таълим соҳасидаги ислохотлар, касб-таълими ва уни амалга ошираётган педагог кадрларга қўйиладиган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган қўлланмадан ўрта махсус, касб ҳунар тизимида фаолият кўрсатувчи педагог кадрлар, услубчилар, аспирантлар ва тақиқотчилар фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар:

п.ф.д., проф. Э.Т. Чориев
п.ф.н., доц. Н.А. Муслимов
п.ф.н., доц. Ш.С. Шарипов

Қўлланма Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Олий ўқув юртлиарио илмий-педагогик бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг “таълими” илмий бирлашмасининг 2006 йил «___» «_____» даги сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

©Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти қошидаги босмаҳона

КИРИШ

Маълумки, тарихий аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1-чақириқ IX-сессиясида И.А. Каримов ҳаётимизни ҳал қилувчи муҳим масалалар қаторида таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни замон даражасига кўтариш, баркамол авлодимиз келажагига даҳлдор қонунлар лойиҳаси устида батафсил тўхталиб ўтди. Мустақил республикамиз ривожини, тараққиётини этиши энг илғор давлатлар сафида бўлиши учун яъни бугунги жамиятимиз олдида қўйган буюк мақсадларга эзгу ниятларга эришиш, жамиятимизни янгилаштириш, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболли амалга оширилаётган ислохотлар тақдири кўп жиҳатдан замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқ.

Шунинг учун “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 4 октябр 2001 йилдаги “Ўрта махсус, касб-ҳунар талими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 400-сонли қарорларини бажарилишини таъминлаш кўп жиҳатдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари учун педагог, муҳандис-педагогларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида таълим мазмунини янгилаш, чуқурлаштириш, ўқув-тарбиявий жараёнини замонавий педагогик-ахборот технологиялари асосида ташкил этиш, унда фаол таълим усулларини қўллаш, ўқув-услубий мажмуалар билан таъминлаш, масофавий таълимни ташкил этиш ва бошқаларга боғлиқдир.

Ҳозирги даврда Республикамиз Олий ўқув муассасаларида фаолият кўрсатаётган кўпчилик касб таълими факультетларида ўқув услубий фаолиятни амалга ошириш бўйича маълум ишлар амалга оширилмоқда, яъни ўқув дастурлари, услубий кўлланмалар, дарсликлар, маъруза матнлари ишлаб чиқилмоқда. Бу амалга оширилаётган ишлар мутахассисларни тайёрлаш сифатини бошқаришга мажмуавий ёндошишга асос бўлади. Бироқ, бу амалга оширилган ишлар “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” томонидан бўлажак касб-ҳунар таълими ўқитувчиларини тайёрлашга қўйилган талабларни қондираолмайди. Чунки, ўқув-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва янгилашда улар мазмунини давлат таълим стандартлари талабларини бажаришга қаратиш, улар таркибига фан, техника, маданият, илғор ишлаб чиқариш, педагогик тажрибалар ютуқларини киритиш билан биргаликда умумий ўрта таълим мактаб, касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари, иш берувчилар, бозор иқтисодиёт талабларига жавоб беришларини таъминлашдек мураккаб вазифалар турибди.

“Касб таълимининг методологик асослари” курсининг мақсади, бўлажак мутахассисларни “Таълим тўғрисида” ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” да белгиланган вазифалар ҳамда Давлат таълим стандартларида қўйилган талаблар даражасида касбий таълимнинг назарий ва услубий асослари билан изчил қуроллантиришдан иборат.

“Касб таълимининг методологик асослари” фани бўйича магистр талабалар:

- Ўзбекистонда касб-ҳунар таълими тарихи ва ривожланиш истиқболлари; касб-ҳунар таълимининг асосий тушунчалари ва таърифлари; ишлаб чиқариш ва назарий таълимнинг методологик асослари; ўқитиш усуллари; ўқитишни ташкил қилиш шакллари, типологияси; Давлат таълим стандартлари (ДТС); ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар; ўқув жараёнида фанлараро алоқадорлигини қўллаш; ишлаб чиқариш режаларини тузиш; ишлаб чиқариш амалиётини ташкил қилиш ва ўтказиш; ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш усуллари; муҳандис – педагогларнинг таълим-тарбиядаги ўрни; очиқ дарсларни режалаштириш ва ташкил қилиш; касбларга бўлган қизиқишларни шакллантиришда илғор ишлаб чиқариш тажрибаларининг ўрни; ўқув муассасаларининг ўқув ишлаб чиқариш базаларини ташкил қилиш асослари ҳақидаги билимларга эга бўлиш;

- Касб – ҳунар таълимидаги асосий тушунчалар ва таърифларни; касбий таълимнинг ташкилий шакллари; ўқитиш усуллари; ДТС ларини ишлаб чиқиш асосий қоидаларини; ўқув режалар мазмунини; ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқишга қўйиладиган талабларни; ишлаб чиқариш таълими усулларини; касблар бўйича ишлаб чиқариш ишлари руйхатини тузишни; ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш методикасини; билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш усулларини; ишлаб чиқариш таълими устасининг ўрни ва аҳамияти; услубий ишлар мазмунини; илғор педагогик тажрибаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш усулларини; ўқитиш воситалари классификациясини; ўқув кабинетлари, лабораториялар, ўқув устахоналарини ўқитиш воситалари билан жиҳозлаш услубларини билишлари ва қўллай олишлари;

- Ўқитиш усулларини танлаш; ДТС лари, режалар ва дастурлар мазмунини таҳлил этиш; ўқув предметлари мазмунида фанлараро алоқаларни ўрната олиш; назарий ва ишлаб чиқариш таълими режаларини тузиш; истиқболли – тематик режаларни ишлаб чиқиш; ишлаб чиқариш амалиёти режа ва дастурларни ишлаб чиқиш; ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш; назарий ва ишлаб чиқариш таълими асосларини таҳлил этиш; услубий ишлар режаасини тузиш; очиқ дарсларни таҳлил ва муҳокама қилиш; ўқув кабинетлари, лабораториялар ва ишлаб чиқариш устахоналарини жиҳозлаш режасини тузиш бўйича тажрибага эга бўлишлари зарур.

“Касб таълимнинг методологик асослари” курси педагогика, психология, фалсафа, педагогик маҳорат, касбий таълим педагогикаси, касб таълими методикаси, касб таълимида янги педагогик технологиялар, махсус фанларни ўқитиш методикаси, меҳнат ва муҳандислик психологияси, ахборотлар технологияси ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқдир.

Таълим жараёнида талабаларга берилаётган билим кўникма ва малакалар чуқурроқ, пухтароқ ўзлаштирилиши учун янги педагогик технологиялар, таълимнинг техник воситалари: мультимедиялар, компьютерлар, кино-диапроектлар, кино-видео ускуналардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

I – БОБ. КАСБ ТАЪЛИМИНИ АМАЛГА ОШИРИШ АСОСЛАРИ

§ 1.1. Ўзбекистонда таълим ислохотлари, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш истиқболлари

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади ва вазифалари

«Кадрлар тайёрлаш милли дастури» «Таълим тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлари асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолиққа, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Мазкур дастурнинг мақсади – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қўйидаги вазифалар ҳал этилишини назарда тутди:

- «Таълим тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қилиш, давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув-илмий-ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш;
- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнига мослаш;
- кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;
- кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш;
- таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатида баҳо беришнинг холис тизимини жорий қилиш;

- янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда таълимнинг талаб қилинадиган даражаси ва сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалда фаолият кўрсатиши ва барқарор ривожланишининг кафолатларини, устуворлигини таъминловчи норматив, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;
- таълим, фан ва ишлаб чиқариш самарали интеграциялашувини таъминлаш, тайёрланаётган кадрларнинг миқдори ва сифатига нисбатан давлатнинг талабларини, шунингдек нодавлат тузилмалари, корхоналар ва ташкилотларнинг буюртмаларини шакллантиришнинг механизмларини ишлаб чиқиш;
- узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари мамблағлар, шу жумладан чет- эл инвестициялари жалб этишнинг реал механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
- кадрлар тайёрлаш соҳасида ўзаро мамнфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич рўёбга чиқарилади.

Биринчи босқич (1997-2001 йиллар) – мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш.

Биринчи босқич бажарилишининг мониторинги асосида Миллий дастурни рўёбга чиқариш йўналишларига аниқликлар киритилади.

Иккинчи босқич (2001-2005 йиллар) – Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритилади ҳамда;

- Мажбурий умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига, шунингдек ўқувчиларнинг қобилиятлари ва имкониятларига қараб, табақалаштирилган таълимга ўтиш тўлиқ амалга оширилади;
- Таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланади, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади;
- Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, ўқув-тажриба жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади;
- Таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилади, ўқув-тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланади. Узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш амалга оширилади;

- Таълим хизмати кўрсатиш бозорини шакллантириш механизмлари тўлиқ ишга солинади.

Учинчи бсқич (2005 ва ундан кейинги йиллар)-тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Бу босқичда таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамланади, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланади. Миллий (элита) олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш амалга оширилади. Касб-хунар таълими муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўзини ўзи бошқариши шакллари мустаҳкамланади. Таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олинади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури моҳияти

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини моҳиятини англаш учун бу – дастурни қабул қилишга қандай сабаб ва оқибатлар туртки бўлганлигини қараб чиқмоғимиз, 1997-йилгача мавжуд бўлган эски таълим-тарбия тизимининг камчиликлари ва муаммоларини таҳлил қилиб кўрмоғимиз керак. Эски кадрлар тайёрлаш тизимининг камчилик ва муаммолари қуйидагилардан иборат эди:

- кадрлар тайёрлаш тизимининг демократик ўзгаришлар ва бозор ислохотларини талабларига мувофиқ эмаслиги;
- ўқув жараёнининг моддий-техника ва ахборот базаси етарли эмаслиги, юқори малакали педагог кадрларнинг етишмаслиги;
- сифатли ўқув-услубий ва илмий адабиёт ҳамда дидактик материалларнинг камлиги;
- таълим тизими, фан ва ишлаб чиқариш ўртасида пухта ўзаро ҳамкорлик ва ўзаро фойдали интеграциянинг йўқлиги.
- таълим тарбия ва ўқув жараёнларининг таркиби, босқичларини бир-бири билан узвий боғлаш, яъни узлуксиз таълим-тарбия тизимини ташкил қилиш муаммолари ҳал қилинган эмас.
- амалдаги таълим тизими замонавий, тараққиёт топган демократик давлатлар талабларига жавоб бера олмаётганлиги;
- мутахассислар тайёрлаш, таълим-тарбия тизими жамиятда бўлаётган ислохот, янгиланиш жараёнлари талаблари билан боғланмаганлиги;

Юқоридаги камчилик ва муаммоларни ҳал қилишни кўзда тутган қуйидаги омиллар мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимини ислох қилишга туртки бўлди:

- Республиканинг демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;
- мамлакат иқтисодиётида туб ўзгартиришларнинг амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан хом ашё йўналишидан рақобатбардош пировард маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳиятининг кенгаётганлиги;
- давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлиги қарор топганлиги;
- миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат;
- Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрў-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётганлиги.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳақида ҳукумат даражасидаги бу фикрни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистоннинг 1996-йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти якунлари ҳамда 1997-йилдаги иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишлари» га бағишланган маажлисидаги нутқида баён этди:

«1997-йилда биз яхши, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор беришимиз керак.

Таълим тизими тубдан қайта кўриб чиқиш вақти етди, профессионал билимларни эгаллаш имкониятларини кенгайтириш, мамаъмур-менежерларни тайёрлашни йўлга қўйиш, янги шароитларда, янги замонавий технологияларда ишлашга қобил ишчи ва мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозим.

Биз бугун шунга тайёрмизми? Бунинг учун зарур куч ва ресурсларимиз борми?

Мана шу минбардан туриб, қатъий айтаманки, ҳа Ўзбекистон ана шундай куч-қувват ва ресурсларга эга» («Маърифат» газетаси, 1997 йил 1 март).

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмлари

Улар қуйидагилардан иборат: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш.

Шахс-кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

Давлат ва жамият – таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул олишнинг кафиллари;

Узлуксиз таълим – малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларининг кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

Фан – юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

Ишлаб чиқариш - кадрларга бўлган эҳтиёжини, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини моддий-техника жиҳатидан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очиқ бўлишини ва ҳаёт ўғаришларига мосланувчилигини таъминлайди.

Узлуксиз таълимнинг моҳияти

Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи, шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техникавий ва маданий эҳтиёжларини қондирувчи устувор соҳадир.

Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шахс шаклланиши ва юқори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрлашниши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, турли дараалардаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади ва қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади:

- ✚ мактабгача таълим;
- ✚ умумий ўрта таълим;
- ✚ ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;
- ✚ олий таълим;
- ✚ олий ўқув юртидан кейинги таълим;
- ✚ кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
- ✚ мактабдан ташқари таълим.

Мактабгача таълим

Мактабгача таълим бола соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди.

Умумий ўрта таълим

Тўққиз йиллик (I-IX синфлар) ўқишдан иборат умумий ўрта таълим мажбурийдир. Таълимнинг бир тури бошланғич таълимни (I-IV синфлар) қамраб олади ҳамда ўқувчиларнинг фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишларини, уларда билим ўзлаштириш эҳтиёжини, асосий ўқув-илмий ва умуммаданий билимларни, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган маънавий-ахлоқий фазилатларни, меҳнат кўникмаларини, ижодий фикрлаш ва атроф-муҳитга онгли муносабатда бўлишни ва касб танлашни шакллантиради. Умумий ўрта таълим тугалланганидан кейин таълим фанлари ва улар бўйича олинган баҳолар кўрсатилган ҳолда давлат томонидан тасдиқланган намунадаги аттестат берилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

Умумий ўрта таълим негизида муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими узлуксиз таълим тизимидаги мустақил турдир. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши – академик лицей ёки касб-ҳунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

Академик лицей – давлат таълим стандартига мувофиқ ўрта махсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Касб-ҳунар коллежи - тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

Олий таълим

Олий таълим ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негезига асосланади ҳамда икки (бакалавриат ва магистратура) босқичга эга.

Олий таълим муассасаларига талаблар қабул қилиш давлат грантлари негезида ва пуллик-шартномавий асосда амалга оширилади.

Бакалавриат - мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Магистратура – аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негезида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим

Олий ўқув юртидан кейинги таълим жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга,

шахснинг ижобий таълим-касб-ҳунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг касб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларидаги ўқиш натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ёки сертификат топширилади.

Мактабдан ташқари таълим

Болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган, яқка тартибдаги, ортиб боровчи талаб эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этадилар.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусияти мустақил равишдаги тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини жорий этишдан иборатдир. Бу эса, умумий таълим дастурларидан ўрта махсус касб-ҳунар таълими дастурларига изчил ўтилишининг таъминлайди.

Умумий таълим дастурлари: мактабгача таълим бошланғич таълим (I-IV синфлар), умумий ўрта таълим (I-IX синфлар), ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини қамраб олади.

Касб-ҳунар таълими дастурлари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий (бакалаврият, магистратура) таълим ва олий ўқув юртидан кейинги таълимни, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни қамраб олади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мазмуни

Умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими узлуксиз таълим тизимидаги мустақил турдир. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши – академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим беради. Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Касб-ҳунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради; ўқувчиларнинг

касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

Касб-ҳунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибини танланганлиги, ўқув жаарёниининг ташкил этилиш жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-ҳунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билими олиш имконини беради.

Академик лицелар ва касб-ҳунар коллежларида таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танлаган ихтисосликларга эга бўлишини таъминлайди.

Касб-ҳунар коллежлари ва уларнинг тайёрлов соҳалари

Маълумки, иқтисодиётнинг барча соҳаларини ривожланиб боришини эътиборга олган ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини тайёрлов йўналишлари ва ихтисосликлар, таснифларига биноан касб-ҳунар таълими тизимида таълим; **гуманитар фанлар ва санъат; ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ; фан; муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари; қишлоқ хўжалиги; соғлиқни сақлаш ва жтимоий таъминот ва хизматлар каби 8 та билим соҳаси бўйича 300 дан ортиқ тайёрлов йўналишлари** учун кичик мутахассислар тайёрлаш амалга оширилмади.

Касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва ривожлантириш шарт-шароитлари

Касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва ривожлантириш шарт-шароитлари қуйидагилардан иборат:

- Касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатишининг меъёрий асосларини такомиллаштириш ва жорий этиш;
- Касб-ҳунар коллежлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- Давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- Касб-ҳунар коллежлари учун умутаълим ва касб-ҳунар дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;
- Географик-демократик шароитлар ва мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжлари ҳисобга олиб касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларни оқилона жойлаштириш, уларга ўқувчиларни имкон қадар оиласидан ажратмай қамраб олиш;
- Касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш ва бошқалар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида II босқичида касб-ҳунар таълими ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларига:

- Касб-ҳунар таълимининг узлуксизлигини таъминлаш;
- Касб-ҳунар таълими учун педагогик ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- Касб-ҳунар таълим жараёнини мазмунан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш;
- Касб-ҳунар таълимида самарали маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлашни амалга ошириш;
- Касб-ҳунар таълимида иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш;
- Касб-ҳунар таълими тизимини оқилона бошқариш;
- Касб-ҳунар таълими сифатини назорат қилиш тизимини шакллантириш;
- Касб-ҳунар таълими тизимини етарлича молиялаш;
- Касб-ҳунар таълимининг моддий-техника таъминотини яратиш;
- Касб-ҳунар таълими тизимининг яхлит ахборот маконини вужудга келтириш;
- Касб-ҳунар таълими хизмати кўрстаиш бозорини ривожлантириш;
- Касб-ҳунар таълимининг ижтимоий кафолатларини таъминлаш ҳамда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- Фан билан касб-ҳунар таълими жараёни алоқадорлигини ривожлантириш;
- Ишлаб чиқариш ва касб-ҳунар таълими интеграциясини ривожлантириш;
- Касб-ҳунар таълими ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик каби муаммолар киради.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. Т.: 1997. й.
2. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Т.: 1997 й.
3. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. 29-август 1997 й.
4. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 – май “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари” 204 сонли қарори.
5. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тайёрлов йўналишлари касб ва ихтисосликлар умумдавлаттаснифлагичи. -Т.: 2004.
- 6.

§1.2. Узлуксиз таълимни стандартлаштириш асослари

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилингандан кейин уни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг биринчилар қаторида қабул қилган қарори 1998-йил 5-январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида» ги 5 сонли қароридир.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ республикада идоравий бўйсунуши ва мулкчилик шаклларида қатъи назар таълим муассасаларининг барча турлари учун мажбурий бўлган давлат таълим стандартлари (ДТС) белгиланади.

ДТС кадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига нисбатан қўйиладиган талабларни; таълим олувчилар тайёргарлигининг зарур ва етарлича даражасини ҳамда таълим муассасаларини битирувчиларга нисбатан қўйиладиган малака талабларини; ўқув юкчасининг зарур ҳажмини; таълим муассасалари фаолиятини ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш тартиби ва механизмни белгилайди.

ДТС таълим жараёнини ва таълим муассасалари фаолиятини баҳолашни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатларни яратиш учун асос ҳисобланади.

Давлат таълим стандартларининг мақсад ва вазифалари. Давлат таълим стандартлари жорий этилиши қўйидаги мақсадлар амалга оширилишини назарда тутаяди:

- таълимнинг юксак сифатини ҳамда мамлакатда амалга оширилаяётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар, ривожланган демократик давлат барпо этиш талабларига жавоб берувчи кадрлар тайёрланишини таъминлаш;
- мамлакатнинг ижтимоий ва ижтимоий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқиб кадрлар тайёрлаш мазмунини тартибга солиш;
- таълимнинг демократиялашуви, инсонпарварлашуви ва ижтимоийлашуви, таълим олувчиларнинг ҳуқуқий иқтисодий билимлари даражасини, шунингдек таълим жараёни самарадорлигини ошириш;
- сифатли таълим хизматларини кўрсатиш, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида шахсинг, жамият ва давлатнинг манфатларини ҳимоя қилиш;
- кадрлар тайёрлаш сифатини ва таълим фаолиятини баҳолаш мезонларини ва тартибини белгилаш;

- таълим жараёни ва кадрлар тайёрлашнинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлаш, таълимнинг барча турлари ва босқичларида ўқув-тарбия жараёнини мақбуллаштириш;
- меҳнат ва таълим хизматлари бозорида рақобатбардошлиликни таъминлаш;

Давлат таълим стандартларининг вазифалари:

- таълим сифатига ва кадрлар тайёрлашга, кўрсатиладиган таълим хизматлари номенклатурасига нисбатан қўйиладиган мақбул талабларни белгилаш;
- таълимга ва унинг пировард натижаларига, таълим олувчиларнинг билими ва касбий малакаси даражасини вақти-вақти билан баҳолаш тартиби ва тартиботига, шунингдек таълим фаолияти сифати устидан назорат қилишга нисбатан қўйиладиган тегишли талабларни белгиловчи меъёрий базани яратиш;
- халқнинг бой маънавий мероси ва умуминсоний қадриятлар асосида таълим олувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакллари ва усуллари жорий этиш;
- таълимнинг барча турларида улар мазмунини ҳамда олиб бориладиган таълим ва тарбияни келишиб олиш уларнинг ўзаро боғлиқлигини, узлуксиз таълим тизимида ва кадрлар тайёрлашда изчилликни таъминлаш;
- ўқув-тарбия ва таълим жараёнига, узлуксиз таълим тизимининг педагогик технологияларига ва ахборот билан таъминланишига, таълим даражасини назорат қилишга, таълим муассасаларида таълим олувчилар ва уларни битирувчиларнинг малакасига нисбатан меъёрлар ва талабларни белгилаш;
- таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатига баҳо беришнинг ҳолис тизимини, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилишни жорий этиш;
- кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш;
- миллий стандартлар талабининг таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга нисбатан халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш;

Таълимнинг стандартлаштириладиган турлари. ДТС-таълимнинг қуйидаги турлари учун белгиланади:

- *Умумий ўрта таълим, шу жумладан бошланғич таълим;*
- *Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари);*
- *олий таълим (бакалавриат, магистратура).*

Мактабгача, мактабдан ташқари, олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш учун

давлат бошқарувининг ваколатли органлари томонидан давлат талаблари белгиланади.

Таълимнинг стандартлаштириш объектлари. Қуйидагилар таълимнинг стандартлаштириш объектлари ҳисобланади:

- *Таълим фанларининг тузилмаси, мазмуни, ўқув юклармаси ҳажми, таълим олувчилар ва битирувчиларнинг малака даражаси ва тайёрлаш сифати;*
- *Талаблар, меъёрлар ва қоидалар, педагогик ва ахборот технологиялари, таълим усуллари ва воситалари, шунингдек таълим тизимида фойдаланиладиган атамалар, тушунчалар ва категориялар;*
- *Таълим олувчилар билим даражасига ва касбий малакасига ташхис қўйиш тартиби, битирувчилар сифатини, таълим фаолияти, педагог ва илмий-педагог ходимлар сифатини баҳолаш.*

Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар Қуйидагилар ДТС ишлаб чиқишга қўйиладиган асосий талаблар ҳисобланади:

- *Кадрлар тайёрлаш миллий дастурлари мақсадлари, вазифалари ва қоидалари сўзсиз амалга оширилишига қаратилганлик;*
- *Таълим ва касб-ҳунар дастурларида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий маданий анъаналар, халқнинг интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойилларини ҳисобга олиш;*
- *Таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малака шаклланишини таъминлаш;*
- *Халқаро тажриба, техника, технологиялар, фан ривожланиши даражаси, кадрлар тайёрлашга нисбатан амалиёт томонидан қўйиладиган талаблар ҳисобга олинган ҳолда таълим стандартларининг илмий асосланиши;*
- *Таълим турлари ва босқичлари бўйича стандартларнинг келишилганлиги ва изчиллиги, шахснинг ҳар томонлама ривожланишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг мужассамлигини таъминлаш;*
- *Ўқув юклармаси мақбуллигига қаратилганлик, таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига боғлиқ равишда таълимнинг табақалаштириш имкониятларини ҳисобга олиш;*
- *Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари ва тартиботини белгилаш;*

- *Стандартнинг технологиклиги-унинг бажарилишини назорат қилиш ва унинг меъёрлари ва талаблари бузилишининг олдини олиш имконияти;*
- *Стандартларга тажрибада текширувдан ўтган таълим фаолиятининг илғор меъёрларини киритиш;*
- *Давлат таълим стандартлари Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидалари талабларини қониқтириши керак.*

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими стандартлари давлат тизими


Таълимни стандартлаштириш – бу бутун дунё касб-ҳунар таълимини ислохотлаштиришдаги энг йирик тенденциялардан биридир. Уни кризисни енгиб ўтишнинг асосий воситаси сифатида ҳисоблайдилар.

Жамиятда содир бўлаётган бугунги янгиликлар ҳамда иқтисодий ўзгаришлар таълим тизимига хусусан ўрта махсус касб ҳунар таълимига бошқача ёндашишни талаб қилади. Шундай экан ўрта махсус касб ҳунар таълими стандартларини ишлаб чиқмасдан туриб, жаҳон бозорига чиқа оладиган, касбий моҳирлик даражаси юқори бўлган рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаб бўлмайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий амалга ошириш вазифаларидан бири таълим олувчиларнинг тайёргарлик сифати ва ихтисосига зарурий талабларни, уларнинг маданий ва маънавий – руҳий даражаларини аниқлаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва татбиқ этишдир.

Халқаро талабларга жавоб берувчи ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат стандартларини (ДТС) ишлаб чиқиш биринчидан, Ўзбекистон Республикаси ва ривожланган мамлакатларда касб-ҳунар таълими эквивалентлигини ҳамда ўз навбатида мамлакатимизнинг халқаро меҳнат бозорида тўсиқларсиз иштирок этишини таъминлайди, иккинчидан таълим хизматлари сифатига аниқ (катъий) талабларни белгилаб қўйиш натижасида кадрлар тайёрлаш сифатини оширади ҳамда таълим муассасалари ишининг самарадорлигини назорат қилиш тизимини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 октябрдаги 400 –сонли «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат стандартларини тасдиқлаш» тўғрисида»ги қарорига асосан Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат стандартлари тасдиқланди. Тармоқ стандартлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан босқичма-босқич янгидан ташкил этилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида уларни апробация қилиш тугагандан сўнг тасдиқланади. 1-расмда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат стандартлари тизими келтирилган.



1-расм. Ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат стандартлари тизими

ЎМКХТ ни стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари таъминлари ва нозорат турлари юқоридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган ЎМКХТ ДТС «Асосий қоидалар», стандартида белгилаб берилган.

ЎМКХТ стандартларининг жорий этилиши қуйидаги мақсадлар амалга оширилишини назарда тутди:

- ЎМКХТ нинг юксак сифатини ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни,

ривожланган демократик давлат барпо этиш талабларига жавоб берувчи рақобатбардош кадрлар тайёрланишини таъминлаш;

- мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқиб кадрлар тайёрлаш мазмунини тартибга солиш;
- ЎМКХТ нинг демократлашуви, инсонпарварлашуви ва ижтимоийлашуви, таълим олувчиларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий билимлари даражасини, шунингдек таълим жараёни самарадорлигини ошириш;
- сифатли таълим хизматлари кўрсатиш, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида шахснинг, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- кадрлар тайёрлаш сифатини ва таълим фаолиятини баҳолаш мезонларини ва тартибини белгилаш;
- ЎМКХТ жараёнини ва кадрлар тайёрлашнинг изчиллиги ва узлуксизлигини таъминлаш;
- меҳнат ва таълим хизматлари бозорида рақобатбардошликни таъминлаш.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат таълим стандартларининг вазифалари:

- ЎМКХТ сифатига ва кадрлар тайёрлашга, кўрсатиладиган таълим хизматлари турларига нисбатан қўйиладиган мақбул талабларни белгилаш;
- ЎМКХТ га ва унинг пировард натижаларига, таълим олувчиларнинг билими ва касб малакаси даражасини вақти-вақти билан баҳолаш тартибига, шунингдек таълим фаолияти сифати устидан назорат қилишга нисбатан қўйиладиган тегишли талабларни белгиловчи меъёрий негизни яратиш;
- халқнинг бой ақл-заковат мероси ва умуминсоний қадриятлар асосида таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш;
- ЎМКХТ ўқув-тарбия ва таълим жараёнига, педагогик ва ахборот технологиялари билан таъминлашга, таълим даражасини назорат қилишга, таълим муассасаларида таълим олувчилар ва уларни битирувчиларнинг малакасига нисбатан меъёрлар ва талабларни белгилаш;
- кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш.

ЎМКХТ ни стандартлаштириш тамойиллари:

- таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги;

- мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши фан-техника ва технологияларнинг истиқболли ривожланиши, жамият талаблари ва уларнинг замонавий ҳолатини ҳисобга олиш;
- таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мужассамлиги;
- матнлар баёнининг аниқлигини ва ягона қийматлилигини
- фан ва техника ҳамда технологиянинг замонавий ютуқларига республикадаги ва чет эллардаги илғор тажрибаларга мос келиши;
- ЎМКХТ мақсад ва вазифаларининг амалга оширилиши.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими сифатини назорат қилиш

ЎМКХТ сифатини назорат қилиш қуйидаги усулларда олиб борилади:

- **Ички назорат** - ЎМКХТ муассасаси томонидан амалга оширилади; ўқитиш сифатининг ички назорати таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи тасдиқлаган «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида» ги Низом асосида рейтинг-назорат шаклида ўтказилади.

Назоратнинг рейтинг тизими қуйидаги назорат тадбирлари ўтказилишини кўзда тутаяди:

- **жорий назорат** – оғзаки сўров, коллоквиумлар, семинарлар, ёзма ишлар, лаборатория ишлари, техникавий диктант, курс лойиҳалари, уй вазифаси ва ҳоказо, яъни ўқитувчи ўз амалиётида қўллайдиган барча сўров турларини ўз ичига олади.
- **оралиқ назорат** – фаннинг маълум бир қисми, бўлими якунлангандан сўнг ўтказилади. Оралиқ назоратнинг ўтказилиш тартиби, шакли таълим муассасасининг илмий-педагогик кенгаши томонидан белгиланади.
- **якуний назорат** – семестр тамом бўлганда ва ўқув дастурининг тегишли бўлими тугаллангандан кейин амалга оширилади. Якуний назоратнинг ўтказилиш тартиби, шакли таълим муассасасининг илмий-педагогик кенгаши томонидан белгиланади.
- **ташқи назорат** - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат Тест Маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси томонидан тайёрланган «Таълим муассасалари ва педагогик кадрларнинг давлат аттестацияси ва аккредитацияси ҳақидаги Низом» ва амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади;
- **Давлат-жамоат назорати** – таълимни бошқарувчи ваколатли давлат органи ва у билан келишилган ҳолда жамоат

ташкilotлари ва кадрларга талабгорлар томонидан амалга оширилади;

- **Якуний давлат аттестацияси** – давлат имтиҳонлари ва малакавий битирув диплом иши (лойиха)ни ҳимоя қилиш билан якунланади.

ЎМКҲТ тайёрлов йўналишлари касблар ва ихтисосликлар тармоқ стандартларини ишлаб чиқиш

Касб-ҳунар таълими стандартлари тузилиши ва мазмуни унинг хусусиятидан яъни, жамиятдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва шахс талабларининг чамбарчас боғлиқлигидан келиб чиқади. Касб-ҳунар таълими стандарти таълимий, ижтимоий, иқтисодий сиёсатнинг интеграцияси ва меҳнат бозори сиёсатига бориб тақалади. Стандартларни ишлаб чиқишда ҳунар маданияти соҳасида юз йиллар мобайнида йиғилиб келаётган энг яхши миллий анъаналар сақланиб қолади ва улар шогирдлик шаклида ўтиб келаётганлиги ҳамда турли турдаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар бўйича касб-ҳунар коллежлари ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга. Кўплаб мамлакатларда касб-ҳунар таълимини стандартлаштириш жамиятнинг ривожланишини таъминлайдиган асосий омиллардан бири эканлиги тан олинган. Шундай экан, миллий стандартлар дунёвий тажрибаларга таянган ҳолда, миллий анъаналарни ҳисобга олиб, ишлаб чиқилмоғи лозим.

«Стандартлаштириш» тушунчаси универсал бўлиб, қуйидагича таърифланади:

Стандартлаштириш – Мавжуд ёки бўлажак масалаларга нисбатан умумий ва кўп марта фойдаланиладиган қоидаларни белгилаш орқали маълум соҳада энг мақбул даражада тартиблаштиришга йўналтирилган фаолият.

Шуни таъкидлаш жоизки, стандартлаштириш бу фаолиятнинг янги тури эмас, балки дунё сингари қадимийдир. Бу тушунчани тўғри маънода тушуниш лозим, модомики табиатнинг ўзи мисли кўрилмаган стандартлаштириш намуналарини ато этади. Масалан, стандартлаштириш нуқтаи-назаридан қараганда, кислороднинг атоми ёки сув молекуласидан кўра мукамалроқ нарса йўқдир.

Тартибга солишнинг мақбул даражаси деганда муросага келтирувчи ечимни топишга йўналтирилган меъёрлар, қоидалар, талабларни барча қизиққан томонлар билан келишилган ҳолда мақсадга мувофиқлигини ва уни қабул қилишнинг имконияти борлиги тушунилади.

СТАНДАРТ – консенсус асосида ишлаб чиқилган ва фаолиятнинг ҳар хил турларига ёки уларнинг натижаларига тегишли бўлган умумий ва такрор фойдаланиладиган қоидалар, умумий принциплар ёки тавсифлари белгиланган ва маълум

соҳада энг мақбул даражали тартиблаштиришга йўналтирилган, тан олинган идора томонидан тасдиқланган ҳужжат.

Касб-ҳунар таълими стандарти – меъёрий ҳужжат бўлиб, тегишли малакадаги мутахассислар тайёрлаш сифатини, касбий ва умумтаълим тайёргарлик даражаларини кетма-кетликда амалга оширишнинг талаблари, қоидалари ва тамойилларини ўрнатади.

Касб-ҳунар таълими стандарти ўзининг аниқ якуний мақсадига эга: кишиларнинг маълум бир касбий фаолият соҳасида ўз билим, кўникма, малака ва қобилиятларини қўллашга тайёрликларини шакллантириш. Касб-ҳунар таълими стандартини ишлаб чиқишнинг методологияси заминда маълум бир касбдаги мутахассисларни тайёрлашнинг якуний масалалар мажмуасини шакллантириш фаолиятига тизимли ёндашув қўйилган. Шу муносабат билан касб-ҳунар таълими муайян касб мутахассисининг мажмуавий якуний мақсади - унинг фаолиятини яхлит тизим сифатида тасаввур қилиб, стандарт даражасида ўрнатиладиган талабларни ўзлаштириш зарурлигидан келиб чиқиши лозим.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини мураккаб ташкил этилган таълим тизимининг яхлит бир «тизимча» си деб қаралиб, у малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизимчалари билан боғланган бўлиши зарур.

Халқаро талабларга жавоб берувчи ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат стандартларини (ДТС) ишлаб чиқиш:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси ва ривожланган мамлакатларда касб-ҳунар таълими эквивалентлигини ҳамда ўз навбатида мамлакатимизни халқаро меҳнат бозорида тўсиқларсиз иштирок этишини таъминлайди;

Иккинчидан таълим хизматлари сифатига аниқ (қатъий) талабларни белгилаб қўйиш натижасида кадрлар тайёрлаш сифатини оширади ҳамда ўқув муассасалари ишининг самарадорлигини назорат қилиш тизимини тартибга солади.

Тармоқ таълим стандартларини ишлаб чиқиш босқичлари

Стандартларни ишлаб чиқишда, улар қайси моделга мўлжалланган бўлишидан қатъий назар, ҳал қилувчи омиллар, стандартларнинг сифати, тан олиши ва ҳаётга тадбиқ этилишига кўрсатади. Стандартларни ишлаб чиқишда қуйидагилар зарур:

- 1. Турли хил касбларда жорий ва келгуси эҳтиёжларни аниқлаш.*
- 2. Умумий хусусиятларга таянган ҳолда ҳудудий ўзига хосликларни ҳисобга олиш.*
- 3. Касб-ҳунар таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва маъсулларни ҳисобга олиш, ҳамда экспертлар гуруҳини жамлаш, стандартларни ишлаб чиқиш.*

Касб-ҳунар таълими стандартларини ишлаб чиқишда қуйидаги экспертлар иштирок этиши зарур:

- ЎМКХТР институти илмий ходимлари;
- ЎМКХТ ўқув муассасалари ўқитувчилари;
- Иш берувчилар вакиллари, ишлаб чиқариш (ижтимоий ҳамкорлар);
- Касбий фанлар билан боғлиқ изланишлар билан шуғулланувчи экспертлар (олимлар);
- Тармоқ вазирликлари, ишлаб чиқарувчилар палатаси вакиллари ва ҳақозо.

Таълим стандартларини ишлаб чиқишда ривожланган Европа ва МДХ давлатлари тажрибаларини ўрганиб чиқиб ҳамда шахсий тажрибаларга таянган ҳолда ЎМКХТ стандартларини ишлаб чиқиш учун қуйидаги бажарилаётган иш тартибини тавсия этамиз (2-расм):

1-босқич. ЎМКХТ стандартини ишлаб чиқишга буюртма бериш.

Буюртма меҳнат бозори эҳтиёжларини таҳлил қилиш асосида маълум тайёрлов йўналишлари, касб ва ихтисосликлар бўйича берилади. Буюртмалар тармоқ вазирликлари ва маҳаллий ҳокимият билан келишилган ҳолда берилади.

2-босқич. Буюртмани кўриб чиқиш ва қабул қилиш.

Буюртмани кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш.

Стандартни ишлаб чиқиш ёки янгилаш тўғрисида буюртмани кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан қабул қилинади. Буюртмани кўриб чиқиш мазмун нуқтаи-назаридан ва меҳнат бозори талабларига кўра, давлатнинг таълим сиёсати аспектларини ҳисобга олган ҳолда (яъни «Таълим тўғрисидаги» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунлари асосида) амалга оширилади.

3-босқич. Ишчи (ижодий) гуруҳини ташкил этиш.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қарорига биноан стандартларни ишлаб чиқиш ижодий ишчи гуруҳи ташкил этилади. Ушбу ишчи гуруҳига қуйидагилар киради:

- тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар бўйича иш берувчилари вакиллари;
- фан вакиллари (тармоқ вазирликлари ва уларнинг илмий текшириш институтлари шу соҳа бўйича экспертлари);
- таълим муассасалари вакиллари;
- ЎМКХТРИ вакиллари.

4-босқич. Стандарт лойиҳасини тайёрлаш.

Стандарт лойиҳасини тайёрлашдан олдин, мутахассисликларнинг касбий тавсифномасини аниқлаш учун меҳнат бозорини таҳлил қилиш зарур. Кейинчалик стандартнинг ҳар бир компоненти қайтадан кўриб чиқилади.

ЎМКҚТ тармоқ стандарти қуйидаги компонентлардан ташкил топади:

- 1) Қўлланиш соҳаси.
- 2) Меъёрий иловалар.
- 3) Таърифлар.
- 4) Стандартнинг мақсад ва вазифалари.
- 5) Касбий тавсифнома.
- 6) Касбий тайёргарлик мазмунининг мажбурий минимуми.
- 7) Намунали ўқув режаси.
- 8) Стандарт талабларининг бажарилишини назорат қилиш.

Биринчи компонентда ушбу тайёрлов йўналиши бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тармоқ стандартининг қўлланиш соҳаси кўрсатилади.

Иккинчи компонентда тармоқ стандарти лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган ҳамда асос бўладиган меъёрий ҳужжатлар рўйхати кўрсатилади.

Учинчи компонентда стандартнинг мақсади ва вазифалари ҳамда билимларни ўзлаштириш ва малака даражалари келтирилади. Стандартдан фойдаланувчилар давлат, иш берувчилар, таълим тизими ва шахс ҳисобланиб, мақсад ва вазифалар уларнинг талабларидан келиб чиққин ҳолда аниқланади.

Стандартнинг **тўртинчи компонентида** стандартда фойдаланилаган асосий атамаларнинг таърифи ва уларга изоҳ берилган.

Бешинчи компонентда иш берувчиларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда мутахассиснинг касбий хусусиятлари кўрсатилган бўлади.

Иш берувчиларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда мутахассиснинг касбий тавсифномаси ишлаб чиқиш зарур.

Тармоқ таълим стандартининг энг асосий компоненти **«Касбий тавсифнома»** бўлиб, бу компонентда иш берувчининг талаблари акс эттирилади. Кўпчилик ривожланган Европа мамлакатларида иш берувчилар ҳар бир касб бўйича касбий стандартларни ўзлари ишлаб чиқишади. Иш берувчилар ишлаб чиқиб касбий стандартлар асосида таълим берувчилар касб – ҳунар таълими стандартларини ишлаб чиқишади.

Касбий тавсифномани ишлаб чиқиш учун аввало шу мутахассис, ишчи ўрни таҳлил қилиниши, мутахассиснинг амалга ошираётган касб фаолият турларининг кетма-кетлиги, иш жараёнининг технологияси, касбга қўйилган махсус талаблар ва шу касб мутахассиси эгаллаши лозим бўлган кўникма ва билимлар ҳақида маълумотлар бўлиши лозим. Тармоқ таълим стандартининг энг асосий компоненти **«Касбий тавсифнома»** бўлиб, бу компонентда иш берувчининг талаблари акс

эттирилади. Кўпчилик ривожланган Европа мамлакатларида иш берувчилар ҳар бир касб бўйича касбий стандартларни ўзлари ишлаб чиқишади. Иш берувчилар ишлаб чиқиб касбий стандартлар асосида таълим берувчилар касб – ҳунар таълими стандартларини ишлаб чиқишади.

Касбий тавсифномани ишлаб чиқиш учун аввало шу мутахассис, ишчи ўрни таҳлил қилиниши, мутахассиснинг амалга ошираётган касб фаолият турларининг кетма-кетлиги, иш жараёнининг технологияси, касбга қўйилган махсус талаблар ва шу касб мутахассиси эгаллаши лозим бўлган кўникма ва билимлар ҳақида маълумотлар бўлиши лозим.

Касбий тайёргарлик мазмунининг мажбурий минимуми қуйидаги кўринишга эга («Ошпаз» ихтисослиги мисолида):

Умумий талаблар (ишлаб чиқариш- нинг технологик схемасига асосан фаолият турлари)	Махсус талаблар	Малакалар	Билимлар
1	2	3	4
Ошпаз			
Озиқ-овқатларни тайёрлаш учун ускуналарни ҳозирлаш	Ускунанинг типи. Ускунани ишга ҳозирлаш, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофазасига риоя қилиш. Санитария ва гигиена. Ускунани ўрнатиш бўйича талаблар	Таом тайёрлай-диган механик ва иссиқлик (Электр, газ, оловли ва электрон) ускуналарни шунингдек назорат ўлчов асбобларини ҳозирлаш. Ускуналарнинг носозликларини жойларини аниқлаш. Иш биносида нис-бий намликни олиб туриш, иш жойларини ташкил этиш, техника хавфсизлиги, санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилиш.	Механик ва иссиқлик ускуналарини тайёрлаш, ёқиш ва ўчириш. Иссиқлик ускуналарини ишини меъёрлаш, электр ҳитларини тавсифномаси (жойлашган жойи, биноларнинг ёнмаёнлиги ва ҳақозо). Авария ёритиши асбобларининг. Иш жойини ташкил этиш қоидалари. Техника хавфсизлиги қоидалари. Меҳнат муҳофазаси, санитария ва гигиена талаблари.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тайёрлов йўналишлари бўйича ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқиш асослари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000-йил 16-октябрдаги «Ўрта махсус касб-ҳунар таълими Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» ги 400-сонли қарори билан

тасдиқланган ЎМКҚТ ДТС «Асосий қоидалар» стандартида ЎМКҚТ таянч ўқув режасини ишлаб чиқиш бўйича қўйидагилар келтирилган:

1. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими стандартининг таянч ўқув режалари таълим мазмунидан келиб чиқиб академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари тайёрлов йўналишлари бўйича алоҳида тузилади.

Таянч ўқув режалари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ишчи ўқув режаларини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

2. Таянч ўқув режасида ўқув йили 40 ҳафта ва 2 семестрдан иборат. Ҳар бир семестр 20 ҳафтани ўз ичига олади.

ДТС тасдиқлангандан сўнг 40 ҳафта семестрларга 20 ҳафтадан тақсимланганлиги амалда маълум бир ноқулайликларга олиб келганлиги сабабли бугунги кунда 1-семестр 17 ҳафта ва 2-семестр 23 ҳафта қилиб қабул қилинган. Бу асосан 1-семестр декабр охирида ўқувчиларнинг янги йил арафасида 1-семестрни тугатиб икки ҳафталик таътилга чиқишларини кўзда тутилиб қилинди.

3. Таянч ўқув режаларида умумий 4560 соатдан 80-220 соат таълим муассасаси илмий-педагогик кенгаши қарори билан киритиладиган фанлар учун ажратилади.

4. Таълим муассасалари ўқувчиларининг ҳафталик юкламаси 54 соатни ташкил этади. Бундан 16 соати мустақил ишлашга ажратилади.

5. Таълим муассасалари илмий-педагогик кенгашларига ишчи ўқув режаларини тузишда таянч ўқув режаларини таълим стандартлари талаблари доирасида 15-20 % гача ўзгартириш ҳуқуқи берилади.

6. Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун таянч ўқув режалари қўйидаги жадвалларда келтирилган.

1-жадвал

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ЎҚУВ РЕЖАСИ МОДЕЛИ

	Фанлар	Соатлар сони	Умумий юкламага нисбатан фойиз ҳисобида
I.	Умумтаълим фанлари	1940	42,5%
II.	Чуқурлаштирилиб ўқитиладиган фанлар	1400	30,7%
III.	Қўшимча чуқурлаштирилиб ўқитиладиган фанлар	650	14,2 %
IV.	Махсус фанлар	230	5%
	Давлат аттестацияси	70	1,6 %
	Факультатив курслар	270	6%
V.	Жами:	4560	100%

Изоҳ: Академик лицейларнинг ўқув режалари тайёрлов йўналишларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида тузилиб, чуқурлаштирилиб ва қўшимча чуқурлаштирилиб ўқитиладиган фанлар учун ажратилган соатлар миқдори умумий ажратилган соатлар ҳажмига нисбатан 5% гача ўзгариши мумкин.

2-жадвал

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ЎҚУВ РЕЖАСИ МОДЕЛИ

	Фанлар	Соатлар сони	Умумий юкламага нисбатан фоиз ҳисобида
I.	Умумтаълим фанлари	1960	42,5%
II.	Касбий таълим фанлари (умумкасбий ва махсус фанлар)	1180	25,9 %
III.	Ўқув амалиёти	600	13 %
IV.	Ишлаб чиқариш амалиёти	648	14,3 %
V.	Диплом иши	76	1,7 %
VI.	Коллеж илмий-услубий кенгаши қарори билан киритиладиган фанлар	116	2,6 %
	Жами:	4560	100%

Изоҳ: Касб-ҳунар коллежларнинг ўқув режалари тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида тузилиб, касбий таълим фанлари (умумкасбий ва махсус фанлар) га, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётига ажратилган соатлар миқдори умумий ажратилган соатлар ҳажмига нисбатан 10% гача ўзгариши мумкин.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРНИНГ ЎҚУВ РЕЖАСИ

Ўқув жараёни графиги

Ҳ а ф т а л а р

Ўқиш муддати 3 йил

Курслар	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17		18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40								
I																		Т	Т																														
II																		Т	Т																														
III																		Т	Т																													Д	Д

Ш а р т л и б е л г и л а р



Назарий ва ўқув амалиёти



Т Таътил



Д Давлат аттестацияси

Ўқув жараёни режаси

Т/р	ЎҚУВ ФАНЛАРИ	Жами Соат	Соатларнинг курслар бўйича тақсимооти		
			1 курс	2 курс	3 курс
Умумтаълим фанлари					
1.	Нутқ маданияти ва Давлат тилида иш юритиш	80			80
2.	Она тили ва адабиёт	120	120		
3.	Хорижий тил	160	80	80	
4.	Рус(ўзбек) тили	120	80	40	
5.	Тарих	160	80	80	
6.	Шахс ва жамият	40			40
7.	Математика	200	120	80	
8.	Информатика	120	80	40	
9.	Физика	160	100	60	
10.	Астрономия	40			40
11.	Кимё	80	80		
12.	Биология	80	80		
13.	Иқтисодий география	40	40		
14.	Ёшларни чакириққа тайёрлаш (Ё Ч Т)	140		60	80
15.	Жисмоний тарбия	160	80	40	40
16.*	Ахборот технологиялари	40			40
17.	Давлат ва ҳуқуқ асослари	80		80	
18.	Маънавият асослари	40	40		
19.	Оила психологияси	40			40
20.	Эстетика	40	40		
	Жами:	1940	1160	420	360
Чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар					
	Жами:	1452	160	760	532
Қўшимча чуқурлаштирилиб ўқитиладиган фанлар					
	Жами:	664	80	180	404
1.	Махсус фанлар	196	40	80	76
2.	Давлат аттестацияси	72			72
3.	Факультатив курслар	236	80	80	76
Ҳафталик юклама		38	38	38	38
Ж а м и:		504	120	160	224
ҲАММАСИ:		4560	1520	1520	1520

Изоҳ информатика фанида бошланғич компьютер сабоқлари ва замонавий компьютер дастурлари, ахборот технологиялари фанида эса янги ахборот технологиялари, интернет ва локал компьютер тармоқлари бўйича билим ва кўникмалар ўрганилади.

КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРНИНГ ЎҚУВ РЕЖАСИ

4-жадвал

Ўқув жараёни графиги

Ҳ а ф т а л а р

Ўқиш муддати 3 йил

Курслар	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17		18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	37	38	39	40				
I																		Т	Т																										
II																		Т	Т																А	А	А	А	А	А	А	А	А	А	А
III																		Т	Т															А	А	А	А	А	А	А	А	А	Д	Д	

Ш а р т л и б е л г и л а р

Назарий ва ўқув амалиёти

Т Таътил

А Ишлаб чиқариш амалиёти

Д Диплом иши

Ўқув жараёни режаси

Т/р	ЎҚУВ ФАНЛАРИ	Жами Соат	Соатларнинг курслар бўйича тақсимоги		
			1 курс	2 курс	3 курс
Умумтаълим фанлари					
1.	Нутқ маданияти ва Давлат тилида иш юритиш	80		40	40
2.	Она тили ва адабиёт	120	80	40	
3.	Рус (ўзбек) тили	120	80	40	
4.	Хорижий тил	160	80	40	40
5.	Тарих	160	80	60	20
6.	Шахс ва жамият	40			40
7.	Математика	200	80	60	60
8.	Информатика	120	80	40	
9.	Физика	160	80	80	
10.	Астрономия	40			40
11.	Кимё	80	80		
12.	Биология ва экология	80	80		
13.	Иқтисодий география	40	40		
14.	Ёшларни чақирикка тайёрлаш (ЁЧТ)	140		70	70
15.	Жисмоний тарбия	160	80	40	40
16.	Давлат ва ҳуқуқ асослари	80			80
17.	Маънавият асослари	40	40		
18.	Ахборот технологиялари	40		20	20
19.	Эстетика	40	40		
20.	Оила психологияси	40	40	20	20
21.	Ўзбекистон конституцияси	40	40	20	20
22.	Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар	40	40	20	20
23.	Иқтисодий билим асослари	40	40	20	20
	ЖАМИ:	1994	920	530	490
Касбий таълим фанлари (умумкасбий ва махсус фанлар)					
	ЖАМИ:	1300	480	370	450
	Ўқув амалиёти:	480	120	180	180
	Ишлаб чиқариш амалиёти	648		360	288
	ЖАМИ:	1128	120	540	468
	Диплом иши	76			76
	Ж А М И:	4444	1520	1440	1484
	Ҳафталик юклама		38	36-38	36-38
	Коллеж илмий-услубий кенгаши қарори билан киритиладиган фанлар	116		80	36
	ҲАММАСИ:	4560	1520	1520	1520

Изоҳ: Касб-ҳунар коллежларнинг ўқув режалари тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида тузилиб, касбий таълим фанлари (умумкасбий ва махсус фанлар)га, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётига ажратилган соатлар миқдори умумий ажратилган соатлар ҳажмига нисбатан 10% гача ўзгариши мумкин.

ДТС лари тасдиқланган пайтда умумтаълим блокада 20 та фан мамвжуд эди. Шунинг учун ҳам «Умумтаълим фанлари» ДТС да 20 та фан келтирилган ва бунга умумий 1940 соат ажратилган. Кейинчалик «Умумтаълим фанлар» блокига яна 3 та фан яъний «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар», «Ўзбекистон конституцияси» ҳамда «Иқтисодий билим асослари» фанлари киритилди ва умумий соат 1994 га етказилди.

Ўқув дастурларни ишлаб чиқиш

Ўқув дастурлари алоҳида ўқув предметлари бўйича билим, кўникма ва малакалар мазмуни ва ҳажмини, уларни ўрганиш кетма-кетлигини белгилайди.

Ўқув дастурлари қўйидаги талабларини қаноатлантириши керак:

1. Тарихийлик: Фан тарихи, ривожланишининг хусусиятларини акс эттириш. Фанга улкан ҳисса қўшган олимлар ва тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти билан таништириш.

2. Замонавийлик: Фаннинг ҳозирги даражасига мувофиқ билим бериш.

3. Гуманитарлик: Инсонпарварлик, элпарварлик ва эзгулик ғояларига амал қилиш.

4. Халқаро стандарт: Таълим тизими турлича бўлган камида иккита ривожланган хорижий давлатда амалда бўлган мутаносиб ўқув дастурлари билан муқояса қилинганлик.

5. Рақобатбардошлик: Ривожланаётган давлатларда амалда бўлган ёки ишлаб чиқиляётган мутаносиб ўқув дастурларига нисбатан илғорлик.

6. Миллийлик: Марказий Осиёда яшаган ёки фаолият кўрсатган, ўзбек тилида ижод қилган олимлар ва тарихий шахсларнинг фан ривожланишига қўшган ҳиссасини чуқур ва илмий асосланган тарзда баён қилиш.

7. Изчинлик: Фан ҳақида систематик, мантиқий муқобил ҳамда умумий ўрта таълим ва олий таълимга тааллуқли мутаносиб фан дастурлари билан мувофиқлаштирилганлик.

8. Жозибадорлик: ўқувчиларни фанга қизиқтириш ва қизиқишини ўстириш, осондан мураккаб томон баён услубини қўллаш.

9. Амалийлик: Фанни ҳаёт билан, назарияни амалиёт билан узвий боғлайдиган услубиётига риоя қилиш.

10. Новаторлик: Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўлидан ривожланиш стратегияси ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» талаблариджан келиб чиқиб, новаторлик, янги педагогик технологиялар, таълим соҳаси инновацияларига очиқлик.

Ўқув дастурларининг тузилиш

Фаннинг номи:

1. Тушунтириш хати.

2. Фаннинг мақсади:

3. Фаннинг мазмуни.

4. Намунавий мавзулар режаси

5. Ўқитиш воситалари:

§1.3. ЎМКХТ мидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар умумдавлат таснифлагичи

Таснифлагич лойиҳаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Марказининг Давлат таълим стандартлари бўлими ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти томонидан ишлаб чиқилди. Мазкур таснифлагич лойиҳаси:

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт, молия, қишлоқ ва сув хўжалиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, халқ таълими, маданият ишлари бўйича, ички ишлар, фавқултда ҳолатлар ва адлия вазирликларида;

Ўзбекистон Республикаси тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва давлат мулкани бошқариш, статистика, рақобатчиликни ривожлантириш ва монополиядан чиқариш, солиқ, давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси, табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, минерал манбалар ва геология, қурилиш ва архитектура, жисмоний ва спорт, давлат кадастри ва картография, геодезия, ер ресурслари давлат қўмиталарида;

Ўзбекистон Республикаси ташқи алоқалари бўйича, иқтисодий алоқалар, Ўзбекистон Республикаси ахборотлаштириш ва алоқалар, ахборотлар ва матбуот стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш, Ўзкоммунхизмат, автомобиль ва дарё транспорт воситалари «Ўзархив» агентликлари ва Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ҳуқуқлари агентликларида;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказида;

Ўзбекистон Республикаси: учиш хавфсизлигини назорат қилиш, электроэнергияни назорат қилиш, тоғ ва саноат хавфсизлик ишларини олиб боришини назорат қилиш, юкларни темир йўл орқали ташиш хавфсизлигини назорат қилиш бўйича Давлат инспекциялари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги катта ва муҳим сув хўжалик объектларини ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат

инспекцияси, газ ва нефт маҳсулотларидан фойдаланишни назорат қилиш, Давлат нон инспекцияларида кўриб чиқилди ва маъқулланди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидаги тайрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар умумдавлат Таснифлагичи Ўзбекистон Республикасида техникавий-иқтисодий ва ижтимоий ахборотларни таснифлаш ва кодлаштириш бўйича ягона тузилма таркибига киради ва Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларининг ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 1998 йил 5 январдаги 5-сонли қарори асосида тайёрланган.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар умумдавлат Таснифлагичи Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунига, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим Вазирлигининг меъёрий ҳужжатларига асосланиб тузилган.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлари Таснифлагичининг таснифлаш объектлари ҳисобланади.

Мазкур Таснифлагичда тайёрлаш йўналишлари номи, коди ва шу тайёрлов йўналишлари туркумига кирувчи касблар номи ва коди ҳамда ихтисосликлар рўйхати келтирилган.

Қўлланиш соҳаси

Мазкур Таснифлагич ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мутахассисларини иш билан таъминловчилар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, дастурлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқувчилар, таълим муассасалари раҳбарлари, Республика ва маҳаллий бошқарув ташкилотлари мутахассислари, вазирликлар, муассасалар ва бошқа республикаимиз хўжаликларини ривожлантиришда фаолият кўрсатаётган субъектлар учун мўлжалланган.

Мазкур Таснифлагични ишлаб чиқишда қуйидаги меъёрий ҳужжатларга асосланган:

Ўз ДСТ 1.02-92 Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш давлат тизими. Асосий қоидалар.

ГОСТ 1.5-93. Давлатлараро стандартлаштириш бўйича иш юритиш қоидалари. Стандартларнинг тузилиши, баён қилиниши, расмийлаштирилиши ва мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.

Ўз ДСТ 1.8-94. Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш давлат тизими. Раҳбарий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш, тасдиқлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва тавсиялар.

Ўз ДСТ 6.01-95. Ўзбекистон Республикасининг техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотларини кодлаштириш ва таснифлашнинг ягона тизими. Асосий қоидалар.

Ўз ДСТ 1.9-95. Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш давлат тизими. Соҳа стандартларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби.

Ўз ДСТ 6.01.2-95. Ўзбекистон Республикаси техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотларни кодлаштириш ва таснифлашнинг ягона тизими. Таснифлагичларни ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби.

Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси (ТХСК) ЮНЕСКО, 1997.

О'з ДТ 008: 2000 с 01.08.2000 Ўзбекистон Республикаси машғулотлар миллий стандарт таснифлагичи.

Мазкур Таснифлагичда қуйидаги таърифлар қўлланилган:

Тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликларнинг умумдавлат таснифлагичи (ТЙКИУТ) - ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларида кичик мутахассисларни тайёрлаш бўйича тайёрлов йўналишлари, касблар ва мутахассисликларнинг тизимлаштирилган рўйхати.

Малака-мутахассиснинг касбий тайёргарлиги даражаси, ундаги маълум ишни бажариш учун зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларнинг мавжудлиги.

Мутахассиснинг малакасини белгиловчи кўрсаткич бўлиб, тоифа ёки дипломнинг мавжудлиги ҳисобланади.

Кичик мутахассис - бу таълим дастурини муваффақиятли ўзлаштирган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларига бериладиган малака даражасидир.

Кичик мутахассис:

Назарий ва амалий билимлар мажмуасига, касбий билим, малака ва кўникмаларга эга;

Мазкур жамиятда ўзининг мувоффақиятли ҳаёт даражасини таъминлайдиган умумий ва касбий маданиятга, ижтимоий аҳамиятли хусусиятларга ва шахсий сифатларга эга;

Кичик мутахассислар қуйидаги вазифаларни бажаради:

- компьютер ва бошқа техникалардан, техникавий ва физикавий фанлар соҳасига фойдаланиш усуллари қўллаш билан боғлиқ техник топшириқларни бажаради; техник-жиҳоз ва транспортларни ишлатади; машиналар, механизмлар, қурилмалар, мосламалар ҳамда муҳандис-техник жиҳозлар ва асбобларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш, метал-конструкцияларни ўрнатиш, дастгоҳларни ўрнатиш ва бошқа ишларни амалга оширади;
- хом-ашё қазиб олиш ва қайта ишлаш, металлургия, қурилиш, бинолар ва иншоотларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрстиш соҳасида ўз касбий билимларини тадбиқ этади; босиш (қолиплаш) ишларини бажаради; озик-овқат маҳсулотлари, тўқимачилик маҳсулотлари, ёғоч ва метал буюмлар, шу жумладан бадиий ҳунармандлик буюмларини ишлаб чиқаради ва

қайта ишлайди;

- болалар боғчаси ва бошланғич мактабларда таълим ва тарбия ишларини амалга оширади.
- соғлиқни сақлаш, гигиена, инсонларга ғамхўрлик қилиш, қишлоқ хўжалигида ўсимликларни, ҳайвонларни парвариш қилиш, етиштириш бўйича зарур ишларни амалга оширадилар;
- кадрларни жой-жойига қўйиш ва уларнинг ижтимоий таъминоти, солиққа тортиш ва туризмга алоқадор давлат хизматлари, бухгалтерия ҳисоби, ҳуқуқий, статистик, иш юритиш корхоналарни бошқариш, тижорат, молия ва савдо-сотиқ соҳасидаги билимларни техник қўллаш билан боғлиқ маъмурий ва ишлаб чиқариш вазифаларини бажарадилар.

Одамлар ва юкларни миллий чегаралардан ўтказилиши устидан назоратни амалга оширади.

Ижтимоий масалалар бўйича ёрдам кўрсатадилар ва маслаҳат берадилар.

Спорт ва бошқа қизиқарли тадбирларни ташкил этадилар ва ўтказадилар, маданият ва санъат соҳасида ижодий фаолият кўрсатадилар;

Диний маросимларни ўтказишда аҳолига ёрдам кўрсатадилар.

Касбий фаолият соҳаси (КФС)-касбий билим, малака ва кўникмаларнинг қўлланиш доирасидир, унинг номланиши иқтисодий соҳалари номлари билан мослаштирилади.

ЎМКҚТ таълим муассасаларидаги тайёрлов йўналишлари-аниқ касбий фаолият соҳасида мутахассисларга касбий таълим бериш доирасидир. Мутахассисларнинг касбий фаолиятининг аниқ соҳаси бўйича тайёрлов йўналишларининг номи меҳнат фаолиятининг мазмуни ва хусусияти орқали аниқланади.

Касб-маҳсус тайёргарлик ва иш тажрибаси натижасида маълум бир соҳада касбий фаолиятни амалга ошириш учун назарий билимлар мажмуасини, амалий кўникма ва малакаларни эгаллаган, унга жисмоний имконият, ақлий қобилият ва юридик ҳуқуқларни таъминловчи инсоний меҳнат фаолиятининг (машғулотининг) туридир.

Ихтисослик - бирорта касб доирасида маълум бир фаолият тури учун маҳсус тайёргарлик ва иш тажрибалари билан эришилган зарурий билимлар, кўникма ва малакалар мажмуаси.

ЎМКҚТ тайёрлов йўналишлари ва касблар коди – касбий фаолият соҳаларига мувофиқ касблар ва ихтисосликлар бўйича тайёрлов йўналишлари ихтисослаштирилган рўйхатининг рақамли белгисидир.

Таснифлагичда қуйидаги тўққизта билим соҳаси назарда тутилган:

100000 – таълим;

200000 – гуманитар фанлар ва санъат;

300000 – ижтимоий фанлар;

400000 – фан;

500000 – муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари;
 600000 – қишлоқ хўжалиги;
 700000 – соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот;
 800000 - Хизматлар;

Таснифлагичда таълим босқичлари ва таълим соҳалари, тайёрлов йўналишлари ва касблар етти рақамли код билан белгиланади.

Таълимнинг халқаро классификациясига биноан таълим босқичи-ўрта махсус, касб-ҳунар таълими 3-рақами билан белгиланади. Масалан: 3144610, 3210210, 3380110 ва бошқалар.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими кодларида:



Биринчи рақам - таълим дастури босқичи коди;

Иккинчи рақам - билим соҳаси коди;

Учинчи рақам - таълим соҳаси коди;

Тўртинчи ва бешинчи рақамлар - тайёрлов йўналиши коди;

Олтинчи ва еттинчи рақамлар - касблар коди.

Узлуксиз таълим тизимидаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим (бакалаврият)да узвийликни таъминлаш мақсадида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари кодлари олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари кодларига мослаштирилган.

Таснифлагичдан қуйидаги вазифаларни ҳал этишда фойдаланилади

- Ҳудудий бандлик дастурларини ишлаб чиқиш.
- Миллий ва ҳудудий меҳнат бозорларида ижтимоий меҳнат соҳасидаги жараёнларни тахминлаш ва тартибга солиш.
- Иш кучининг самарадорлигини ва иш кучига кетадиган сарфларни аниқлаш.
- Меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш ва меъёрлаштиришни такомиллаштириш.
- Халқ хўжалигининг кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш ва асосланган узлуксиз таълим дастурини ишлаб чиқиш.
- Меҳнат статистикаси соҳасида ахборотнинг халқаро миқёсда таққосланишини таъминлаш.

«Кичик мутахассис» малакаси тоифасига кирмайдиган шахсларни мутахассисликларининг белгиланиши

- Таснифлагичнинг 4-устунида интеллектуал лаёқати(ақлий ривожланиш хусусиятлари) бузилган шахсларни ўқитиш мумкин бўлган бирдан-бир ихтисосликлар битта юлдузча (*) билан кўрсатилган. Ушбу мутахассисликлар Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган ақлий ва жисмоний жиҳатдан камчиликка эга шахсларни ўқитиш мумкин бўлган касблар ва мутахассисликлар асосида белгиланган. Ўқиш муддати касаллик даражасига қараб 1 йилдан 2 йилгача.
- Таснифлагичнинг 4-устунида иккита юлдузча (**) билан жисмоний ривожланиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ва имкониятлари чекланган шахсларни ўқитадиган бирдан-бир ихтисосликлар кўрсатилган. Мазкур мутахассислар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган, жисмоний ривожланишида камчилиги бор ва болалиқдан ногирон шахслар учун мўлжалланган махсус мактабларнинг битирувчилари учун тузилган ҳамда касблар ва мутахассисликлар кўрсатилган рўйхат асосида белгиланган. Ўқиш муддати 2 йил.
- Таснифлагичнинг 4-устунида учта юлдузча (***) билан академик лицейларнинг битирувчилари эгаллайдиган касбга йўналтирувчи ихтисосликлар белгиланган. Ўқиш муддати 3 йил (чуқурлаштирилган умумтаълим тайёргарлиги билан қўшиб олиб борилган ҳолда).
- Таснифлагичнинг 4-устунида тўртта юлдузча (****) билан 11 йиллик умумтаълим мактаб-ларининг битирувчилари олий ўқув юртига киролмаган ҳолларда, янги бозор муносабатларига ўтиш даврида уларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида мўлжалланган ихтисосликлар кўрсатилган. Таснифлагич бундай

шахслар тоифасига нисбатан тўққиз йиллик таълимга тўлиқ ўтгунга қадар амал қилади. Ўқиш муддати 1 йил.

Ўқишни тугатадиган битирувчиларга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган намунада тасдиқланган дипломлар ва сертификатлар берилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар Таснифлагичга ўзгартиришлар киритиш тартиби

Мазкур таснифлагич тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликларнинг асос бўлувчи рўйхати бўлиб, у қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш учун очикдир.

Таснифлагичга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига тақдим этилади.

Таснифлагичга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан амалга оширилади

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Т.: 1997 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 5-январдаги “Узлуксиз таъли тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида” ги 5 сонли қарори.
3. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тайёрлов йўналишлари касб ва ихтисосликлар умумдавлаттаснифлагичи. -Т.: 2002, 2004.

II-БОБ. КАСБ ТАЪЛИМИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИ АСОСЛАРИ

§2.1. Ишлаб чиқариш таълимнинг умумий масалалари

Касбий таълимдаги асосий тушунчалар ва уларнинг таърифлари.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (ЎМКХТ- Умумий таълим тизимидаги мустақил таълим тури бўлиб, умумий ўрта таълим негизида амалга оширилади. ЎМКХТ олий ўқув юртларида (муассасаларида) ўқишни давом эттириш ёки касбий фаолият билан машғул бўлиш ҳуқуқини таъминлайди.

Касб-ҳунар таълими-аниқ касб ва ихтисослик бўйича маълум даражада билимлар, кўникмаларни эгаллаш жараёни ва натижаси.

Касб- махсус тайёргарлик ва иш тажрибаси натижасида маълум бир соҳада касбий фаолиятни амалга ошириш учун назарий билимлар мажмуасини амалий кўникма ва малакаларни эгаллаш, унга жисмоний имконият, ақлий қобилият ва юридик ҳуқуқларни таъминловчи инсоний меҳнат фаолиятининг тури.

Ихтисослик-бирор касбдоирасида маълум бир фаолият тури учун махсус тайёргарлик ва иш тажрибалари орқали эриштилган зарурий билимлар, кўникма ва малакалар мажмуаси.

Касбий фаолият соҳаси-касбий билим, малака ва кўникмаларнинг қўлланиш доираси. Унинг номланиши иқтисодий-ижтимоий соҳалари номлари билан мослаштирилади.

Касбий тайёргарлик-аниқ касбий фаолият доирасида иш бажаришга имкон берувчи билимлар, кўникма ва малакаларни шакллантирувчи жараён.

Малака-муайян меҳнат фаолиятини бажариш учун лозим бўлган назарий ва умумтаълим ва касбий билим, малака ва кўникмалар мажмуасининг мажмуаси.

Ишлаб чиқариш таълими ва унинг мазмуни

Маълумки, педагогика фани асосида шаклланиб (дидактика) ташкил топган янги соҳа касбий педагогика (касбий техника) бўлиб, у асосан ишлаб чиқариш таълими назарияси ва амалиёти билан шуғулланади.

Ҳозирги пайтда касб-ҳунар ўқув муассасаларида малакали мутахассисларни тайёрлаш иккита мустақил қисмдан иборат, яъни **назарий ва ишлаб чиқариш таълими.**

Яқин кунга қадар «Ишлаб чиқариш таълими» деганда фақатгина бирорта касбга тайёрлашда амалий ўқитишни тушунилиб келган бўлса, 1958-60 йилларда мактабларга ишлаб чиқариш таълими киритилиши муносабати билан назарий ва амалий ўқитиш амалга оширила бошланди.

Назарий таълим

Касб-хунар билим юртларининг ўқув режаларида назарий ва ишлаб чиқариш таълими кўзда тутилган. **Назарий билимнинг вазифаси**, мазмуни, усуллари, ташкилий шакллари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, битта мақсадга яъни юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга қаратилади. Шунинг учун назарий ва ишлаб чиқариш таълими ўқув муассасаларидаги ўқув жараёнининг мустақил, аммо ўзаро алоқадор қисмлари ҳисобланади.

Таълимда назарий дарс соатлари билан амалий машғулотларнинг соатлари маълум нисбатда бўлиши лозим. Бунда ўқувчилар ўрганилаётган фан билан таниш эмаслигини, ўзлаштириладиган билимлар улар учун янгилигини назарда тутиш зарур.

Шундай қилиб, **Назарий таълим** ўқувчиларнинг умумий билим, ижтимоий, умумқасбий ва махсус фанларни ўрганишларини ўз ичига олиб, уларда ўрганилаётган касбни онгли тарзда мустаҳкам ва чуқурроқ эгаллашлари учун зарур ҳажмдаги билимлар системасини шакллантириш ҳамда ишлаб чиқариш малакасини янада оширишни мақсад қилиб қўяди.

Билим деганда бир мақсадга қаратилган педагогик жараён, мустақил ўқиш, ҳаётий ва ишлаб чиқариш тажрибаси натижасида шаклландиган ва хотирада мустаҳкамланиб қоладиган ўқувчиларнинг фанлар ва реал воқелик ҳодисалари ҳақидаги, табиат ва жамият қонунлари ҳақидаги тасаввурлари, тушунчалари ва мулоҳазалари тушунилади.

Умумқасбий фанлар ўз мазмуни ва ўқув жараёнидаги ўрни жиҳатидан умумий таълим ва махсус туркумдаги фанлар ўртасидаги ўзига хос боғловчи бўғин ҳисобланади.

Махсус фанларни ўрганишнинг вазифаси-ўқувчиларнинг муайян касбга мувофиқ машиналар, мезанизмлар, аппаратлар, асбоблар ва шу кабиларнинг системаси ҳақида, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш, материаллар тўғрисида билим олишларидан иборатдир.

Ишлаб чиқариш таълими

Ишлаб чиқариш таълимининг асосий вазифаси -келгусида малакали мутахассис бўлиб етишадиган ўқувчиларни муайян касб соҳасида бевосита фаолият кўрсатишга тайёрлашдан, яъни билимларни амалиётга тадбиқ этишга ўргатишдан, зарур касб кўникмаси ва малакасини шакллантиришдан иборат.

Малака - ўқувчиларнинг меҳнат жараёнидаги ҳаракатни (ёки ҳаракатлар мажмуаси) муайян шароитда мақсадга мувофиқ бўлган ҳаракат усулларида фойдаланиб ва шу тўғрисида меҳнатда ижобий

натижаларга эришиб, онгли ва тўғри бажаришга тайёр (қобилиятли) бўлишларидир.

Кўникма-малаканинг таркибий қисми бўлиб, ҳаракатнинг айрим қисмларини ниҳоятда аниқ, тез ва мақсадга мувофиқ тарзда ўз-ўзидан бажариш қобилиятини ифодалайди ва бу нарса ўқувчиларда кўп мартатақдорлаш- машқлар натижасида юзага келади.

Ишлаб чиқариш таълими-малакали тайёрлаш жараёнининг ғоят муҳим таркибий қисми бўлиб унга умумий ўқув вақтининг катта қисми ажратилади.

Ишлаб чиқариш таълимининг асосий муаммолари:

1997 йилда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида касб-хунар таълимига асосий эътибор қаратилган бўлиб, уни ҳар томонлама ривожлантиришни кўзда тутди ва бу муаммо шу куннинг асосий эканлигини такидланадиган унинг назарий ва амалий томонларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Касб-хунар таълимида ишлаб чиқариш таълимини ишлаб чиқариш ва ўқитиш муаммолар билан чамбарчас боғланган.

Ишлаб-чиқариш таълимининг асосий муаммоларидан бири бўлиб:- унинг мазмунини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

- ❖ Ишлаб чиқариш таълимида назарий ва амалий билим бериш мазмунини қайта кўриш;
- ❖ Ишлаб чиқариш таълими тизими бўлиб, у мазмун, ўқитиш усуллари ва ўқитиш жараёнини биргаликда хал этишни тақозо этади.

Касбий таълим муаммолари

Касбий таълим умумий таълимдан ўзининг таълим мақсади, ўргатиш мақсади, ўзларининг дастурлари ва дастур мазмунининг танланиши, ўқитишда амалий фаолият билан боғланиш (устахоналарда кенгаш, корхоналарда ишлаш ва ўқитиш усуллари) ва бошқалар билан оширилади.

Касбий таълимда касбий фанлар дастурини ишлаб чиқишда касбий тавсифнома талабларидан келиб чиқади. Умумтаълим ва касбий таълим жараёнлари асосида бир-бирига ўхшаш бўлсада, чунки кўп холларда бир хил дидактик принциплар, методик усуллар қўлланилади, касбий таълимда назарий ва амалий ўқитиш жихатлари билан тубдан ажралади. Чунки, бу ерда таълим жараёни кўпинча ишлаб чиқариш билан биргаликда олиб борилади, у ерда улар ўрганилади, ишлаб чиқарилади, фаолият кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш таълими босқичлари

Ўқувчиларнинг кўпчилик касблар бўйича ишлаб чиқариш таълими учта асосий босқичга: а) ўқув устахоналарида, ўқув майдонларида, ўқув лабораторияларида, билим юртининг ўқув хўжаликларидаги ишлаб чиқариш таълими; б) ишлаб чиқариш шароитлари (корхоналарда, қурилишларда, хўжаликларда) ишлаб чиқариш таълими; ва ниҳоят в) ишлаб чиқариш тажрибасига бўлинади. Ҳар бир босқич ўзига хос мақсадга ва ўқув жараёнида ўз ўрнига эга бўлиб, касб хусусиятига қараб улар турли муддатли бўлади ва у ишлаб чиқариш таълими дастури билан белгиланади. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими устози раҳбарлигида амалга оширилади. Бу устоз ўзига бириктирилган группага билим юртидаги таълимнинг бошидан охиригача раҳбарлик қилади.

Педагогикада таълим жараёни (ўқув жараёни) деганда ўқитувчининг ҳамда унинг раҳбарлигидаги ўқувчиларнинг билимлар, кўникмалар ва малакалар системасини онгли ва мустақам ўзлаштиришга, уларни ҳаётга тадбиқ этиш масаласини шакллантиришга мустақил фикр юритишга, билиш қобилиятларининг ривожлантиришга ақлий ва жисмоний меҳнат маданиятини эгаллашга қаратилган изчил ва ўзаро боғлиқ ҳаракатларнинг мажмуи тушунилади.

Ўқув жараёнининг бир қисми ҳисобланган ишлаб чиқариш таълими учун унинг барча умумий қонуниятлари ҳам ҳосдир. Ишлаб чиқариш таълимининг ўзига хос жихати аввало шундан иборатки, бунда ўқув жараёни ўқувчиларнинг унумли меҳнати давмида амалга оширилади. Бу эса ўқув жараёнининг ўзига хослигини (унинг мазмуни, ўқувчиларнинг ўқув фаолияти, устознинг таълим бериш фаолияти, таълим воситаларини, яъни унинг барча асосий такбий қисмларини) келтириб чиқаради.

Ишлаб чиқариш таълимининг мазмуни тегишли касбдаги ишчининг меҳнат фаолиятини ҳамда малака даражасини (разряд, синф, категория ва ҳакозоларни) таҳлил қилиш асосида белгиланади. Бундай таҳлил шуни кўрсатадики, ишчининг меҳнат фаолияти касбидан қатъий назр қуйидаги вазифаларни режалаштириш; тайёргарлик; амалга ошириш; назорат ва; ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш вазифаларини ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш топшириқ билан танишишни, материалларни, технология жараёнлари, асбоблар, мосламаларни танлашни, зарур ҳисоблаш ишларини, ишни ижро этиш режасини тузишни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш жараёнига тайёргарлик-материаллар, асбоблар, ускуналарни ишхга тахт қилишдир.

Ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш-қўлда бажариладиган операцияларни амалга ошириш, ишлаётган ускуналарни бошқариш, аппаратлар ва қурилмаларда рўй бераётган технология жараёнларини сошлаб туришдир.

Ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш технология жараёнининг боришини, ишчининг ўз фаолияти, ускуналар иши, маҳсулот сифатини текхширишни ва баҳо беришни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш ускуналарга қаров, носозликларни бартараф этиш, иш ўрнин ташкил қилшдан иборатдир.

Демак, ўқув муассасасида ўқувчиларга ишлаб чиқариш таълими беришнинг асосий вазифаси –уларга ўз касблари учун хос бўлган ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш, тайёрлаш, амалга ошириш, назорат қилиш ва хизмат кўрсатишга ўргатишдан иборат.

Мутахассис бажарадиган ана шу вазифаларнинг тегишли касбга ва малака даражасига мувофиқ аниқ мазмуни касбий маҳорат тавсифномасида акс этади. Бу ҳужжат ишчининг бажарадиган иш ва касблари бўйича умумдавлат ягона таъриф-маҳорат маълумотномаси асосида тузилади. Унда ўқувчи билим юртидаги таълим олиш давомида эгаллаши лозим бўлган билим ва малакаларга асосий талаблар қайд этилган. Маҳорат тавсифномаси билим юртида мутахассисларни тайёрлаш моҳиятини белгиловчи асосдир. Ҳозирги кунда бу вазифани давлат таълим стандартлари бошқаради. Бу асосда дастур тузилади.

Ишлаб чиқариш таълими мазмунини белгиловчи асосий давлати ҳужжати бўлган ишлаб чиқариш таълими дастурларида баён қилинади. Ишлаб чиқариш таълими дастурида ўқув материалнинг мураккаблигига қараб меҳнат жараёнларини бажаришнинг ўзаро боғлиқ йўллари, операциялари ва усуллари муайян тартибда жойлаштирилган мавзуларга (оддийдан мураккабга томон) бирлаштирилади.

Ишлаб чиқариш таълими жараёни таълимнинг турли методларидан фойдаланилган ҳолда турли кўринишда амалга оширилади. Таълим шакллари деганда ўқувчиларнинг ўқув ишлаб чиқариш фаолияти хусусиятини белгиловчи таълим жараёнини тузиш усуллари, бу фаолиятўқитувчи (устоз) раҳбарлиги ва машғулот тузилиши тушунилади. Ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари билан ўқитувчи ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этишда шаклларини фарқлай олиш керак.

§ 2.2. Ишлаб чиқариш таълимининг ташкилий шакллари

Педагогикада ишлаб чиқариш таълимининг ташкилий шакллари муаммоси

Ташкилий шакл деганда ўқитувчининг, ишлаб чиқариш таълимини устасининг қўйилаган мақсадга эришиш учун касб-ҳунар

таълими ўқув муассаслари ўқувчиларининг ўқув ишлаб чиқариш фаолияти хусусиятини белгиловчи таълим жараёнининг тузиш усуллари, ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш усули тушунилади.

Ишлаб чиқариш таълимини ривожлантириш, такомиллаштириш ва уни амалда қўллаш учун ташкилий шаклларнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш имкониятларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ишлаб чиқариш таълимининг ташкилий шакллари муаммоси бўйича хилма хил фикрлар, мулохазалар, хулосалар мавжуд бўлиб А.А. Бударнўй жамоавий (коллективной), гуруҳли ва яқка шаклларни ташкилий шаклларини киритса; практикум, семинар, факультативлар, экскурсиялар, уй вазифаси ва қўшимча дарслари; (Ю.К.Бабанский, М.Н. Скатский, Г.И. Поташник, С.М.Тюников); дидактикада меҳнат таълимини шаклларини 2 гуруҳга бўлинади; ўқув устахоналарида амалий машғулотлар ва ишлаб чиқаришдаги таълим. Шу сабабли ҳам академик С.Я.Батишев биринчилардан бўлиб таълимнинг ташкилий шаклларини туркумлаштириш (классификация) гуруҳларни тавсия этади. Яни;

- таълим жараёнининг бошқариш бўйича ўқитувчининг фаолияти турлари ва мазмуни:
- таълим жараёнида ўқувчиларнинг фаолият турлари ва мазмуни:
- таълим ўтказиш жойи.

Кўпчилик муаллифлар таълимининг ташкилий шакллари деганда ўқувчиларнинг фаолиятини ташкил қилиш билан боғлашади.

Кўпчилик муаллифларнинг таълимининг ташкилий шакллари ҳақидаги мулохазаларини эътиборга олган ҳолда ташкилий шаклларнинг қуйидаги туркумини тавсия этиш мумкин:

- ўқув жараёнини характерловчи дарс, экскурсия, маслаҳат бериш (консультация) ишлаб чиқариш таълимининг ташкилий жараёнлари;
- ўқувчиларнинг ўзаро характдаги характкери билан боғлиқ таълимнинг ташкилий шакллари, фронтал звеноли, бригадалари ва яқка тартибда (индивидуальный)
- ўқув жараёнини ўтказиш жойи билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш таълимининг ташкилий шакллари;
- ишлаб чиқариш таълим устасининг гуруҳга боғланганлик йўли (способ) билан боғлиқлик ташкилий шакл.

Юқорида қараб чиқилган таълимнинг ташкилий шакллари шартли равишда белгиланган бўлиб, кўрсатилган биринчи шакл кенг ёритилган бўлганлиги сабабли биз кейингиларга кўпроқ тўхталиб ўтамиз. Аммо, шуни таъкидлаш зарурки, бу таълимнинг ҳамма шакллари битта мақсадга қаратилган, яъни ўқув жараёнини мақбуллашган ҳолатини ташкил этиш ва мақсадга эришиш.

2. Ишлаб чиқариш таълимнинг баъзи тушунчалари.

Антонина Павловна Беляеванинг фикри бўйича ишлаб чиқариш таълими жараёни бу ўргатувчи, шакллантирувчи ва ривожлантирувчи жараёндир. Шунинг учун ҳам бу жараёни бошқариш мосланувчан (гибкой) ижодий ва тезкор бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш таълими бу ақлий, физик фаолият натижасида касбий билим, малака ва кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган ўқув жараёнидир.

Таълимнинг ташкилий шаклларида қуйидаги атамалар кўа ишлатилади (шакл, мазмуни, ташкилий шакл).

Шакл бу мазмунининг хар хил кўринишдаги (модификация) кўриниши – кўрсатиш, ифодаланиш ва турлардир.

Мазмун деганда ташкил этувчи жараён ёки элементларнинг маълум тартибда умумлаштирилиб ташкил этувчи ходиса ёки предмет тушунилади.

Форма бу ўқув жараёни элементларининг ўзаро узвий боғланган, тузилиш жихатидан умумлашган шаклдир.

Шундай қилиб ишлаб чиқариш таълими **ташкилий шакли**нинг асосий вазифаси бутун ўқув жараёни тизими тузилишини ташкил қилишдан иборатдир.

Ишлаб чиқариш таълимни ташкилий шакллари типологияси

ИЧТ такомиллаштириш ИЧТ мазмунидаги хилма хил элементларни ажратиб олиш, уларни тартибга солиш ва ИЧТ ташкилий шакллари типологиясини тарғиб топтириш билан боғлиқ.

Типология деганда одатда илмий тушуниш–(познания) усулини тушунилади, унинг асосида маълум хусусиятига эга бўлган объектлар тизими ва уларнинг туркумини умумлаштирилган модели ёки тури тушунилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимидаги ўқув муассасларидаги ўқув ишлаб чиқариш жараёнининг етакчи характеристикасидан бири бўлажак мутахассисларнинг унумли меҳнатда иштирок этишидир.

Тажрибалар шуни кўрсатадики ишлаб чиқариш таълимни амалга ошириш мумкин бўлган объектларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: **ўқув, ўқув ишлаб чиқариш объектлари ва ишлаб чиқариш, муассасси.**

- **Ўқув объектларига** ўқувчиларнинг унумли меҳнатда иштирок этмасликлари, ёки улар маҳсулот чиқаришда қатнашмасликлари; ўқув устахоналари, лабораториялар, тренажерлар ва бошқалар. Бу объектларда ўқувчилар асосан машқли уларни амалга ошириб умуммеҳнат ва касбий малака ва кўникмаларни шакллантиради;

- **Ўқув ишлаб чиқариш объектларига;** ўқув массасасидаги ўқув цехлари, ўқув ишлаб чиқариш корхоналари ўқув ишлаб чиқариш устахоналари ҳада корхоналарда ташкил қилинган ўқув цехлари. Бу объектларнинг асосий вазифаси ўқув объектларида ишлаб чиқариш таълими жараёнида шаклланган умуммеҳнат касбий малака ва кўникмаларни такомил-лаштиришдир. Шу билан бирга бу объектларда таянч корхонанинг буюртмаси бўйича реал маҳсулотларни ҳам чиқаришади. Ҳамма ўқув ишлаб чиқарилиш корхоналарида ишлаб чиқариш ахамиятига эга бўлган ўқув ишлаб чиқариш ишлари бажарилади. Бу цехларда ҳар доим корхоналарнинг (заводнинг) инжинери, устаси ёки тажрибали ишчиси қатнашади. Улар технологик интизомни сақлаш, маҳсулотларни комплектация циклини кузатишади. Бу цехларда ўқувчиларга педагогик раҳбарлик қилишини ИЧТ устаси бажаради.
- Ишлаб чиқариш муассасси ишлаб чиқариш таълими жараёни амалга ошириладган орхоналар цехлари киради. Бу цехларда ўқувчилар ишлаб чиқариш таълимини ва амалиётини амалга оширишлари мумкин бўлиб, ўқувчиларга малакали ишчилар биритирилган бўлади ва ишлаб чиқариш таълими устасининг ўрни бироз бўшади. Бу ерда ўқувчилар режадаги маҳсулотларни тайёрлашади ва иш ҳаққи олишади

Ишлаб чиқариш таълимнинг шакллари.

Ишлаб чиқариш таълими жараёни таълимнинг турли методларида фойдаланилган ҳолда турли кўринишда амалга оширилади.

Таълим шакллари деганда ўқувчиларнинг ўқув ишлаб чиқариш фаолияти хусусиятининг белгиловчи таълим жараёнини тузиш усуллари, бу фаолиятга устознинг раҳбарлиги ва машғулот тузилиши тушунилади. Ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари билан ўқувчилар ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш шакллари бир бирдан фарқлай олиши керак.

ИЧТ асосий вазифаси ўқувчиларда ўқиш фаолиятини униг ҳар хил босқичларида шакллантиришдан иборатдир.

ИЧТ қуйидагича класификацияланади:

1. Ўқув жараёнини ўтказиш жойига қараб;
2. Ўқувчиларнинг ўқув фаолияти турли кўринишига қараб;
3. Ишлаб чиқариш устасининг ўқувчиларга бириктириб қўйилганлигига қараб.

ИЧТ жараёнида иш объектлари бўлиб: лаборатория, тринажёрлар, ўқув устахонаси, ўқув ишлаб чиқариш устахонаси, ўқув цехи, корхона цехи.

Ўқув жараёнини ўтказиш жойи билан боғлиқликдаги ишлаб чиқариш таълимини ташкилий шакллари.

Кўп ҳолларда ишлаб чиқариш таълими (ИЧТ) хилма хил жойларда ташкил қилинади. Яъни:

- Ишлаб чиқариш таълимини ўқув муассасининг ўқув устахоналарида ташкил қилиш;
- ИЧТ лабараторияларида ташкил қилиши;
- ИЧТ полигон шароитларида ташкил қилиши;
- ИЧТ тренажерларда ташкил қилиши;
- ИЧТ ўқув цехларида ташкил қилиш;
- ИЧТ базавий корхоналар цехларида ташкил қилиш;
- ИЧТ ажаратилган (штатли) ишчи жойларда ташкил этиш.
- ИЧТ ишлаб чиқариш шароитида ташкил қилиш.

1. ИЧТ ўқув устахоналарида ташкил этиш. Бунда ҳар бир ўқув муассасида ҳар битта касб бўйича ўқув устахоналари ташкил этилган бўлади. Бу ўқув устахоналари жихозланган бўлиб, унинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг техника ва технология асосларининг ўрганишга, унумли меҳнатни ташкил қилиш ва умуммеҳнат, касбий кўникма ва малакалар асосларини ўзлаштиришга асос яратади. Ўқув устахоналари ўз навбатида ўқув устахоналари ва ўқув ишлаб чиқариш устахоналарига бўлинади. Ўқув устахоналарида асосан машқлар орқали умуммеҳнат ва касбий малака ва кўникмалар шакллантирилади. Бунда унумли меҳнат амалга оширилмайди яъни қатнашишмайди.

Ўқув ишлаб чиқариш устахоналари эса ишлаб чиқариш шароитига мослаштирилган бўлиб, бу ерда ўқувчилар ишлаб чиқариш таълими дастури асосида малака ва кўникмаларга эга бўлиш билан бирга унумли меҳнат билан шуғулланиладилар.

Ўқувчиларга ўқув устахоналари ва ишлаб чиқаришнинг ўқув участкаларида ишлаб чиқариш таълими бериш жараёнини ташкил этишнинг асосий шакли дарсдир.

Ишлаб чиқариш таълими дарси ўқувчилар ёшига қараб одатда 6 ёки 7 соат давом этади.

Ишлаб чиқариш таълими дарсининг тузилиш учта асосий элементни; кириш инструктажи, ўқувчиларнинг машқи (мустақил иши) ҳамда уларга устознинг жорий инструктаж бериши, яқунловчи инструктажни ўз ичига олади.

Кириш инструктажнинг асосий вазифаси—бўлажак ўқув ишлаб чиқариш жараёнининг мақсадлари, унинг шарт-шароитлари, бажариш воситалари, усуллари ва хусусиятлари шунингдек назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш усуллари ҳақида тўла ва кенг тасаввур беришдан иборат. Устознинг ўқувчиларга **жорий инструктаж** беришининг асосий вазифаси – ўқув ишлаб чиқариш ишлари бажарилаётганида уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш, ўқувчиларнинг эришган мувафақиятларини назоарт ҳамда таҳлил қилиш, уларнинг

билимлари, кўникмалари, малакаларини текшириш ва баҳолашдан иборат.

Якунловчи инструктаждан мақсад—дарсга яқун ясашдир.

2. ИЧТ лабораторияларида ташкил этиш. Баъзи касблар бўйича ИЧТ дастурларида лаборатория ишларини бажариш кўзда тутилади. Масалан радиомеханизмларни маиший хизмат ва радио телевизион аппаратураларини созлаш, таъмирлаш бўйича мавзуларни ўтишда лаборатория иши кўзда тутилган.

Лаборатория ишларини ўтишда ўқувчиларда назарий билимлар мустахкамланиб, ўрганиш жараёнида ҳисоблаш ишлари бўйича малака ва кўникмалар шаклланади.

Ўқув лабораторияларида ўқув тадқиқот ишлари ҳақида ҳам ишлар амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар махсус ускуналар, приборлар, ҳаракатланувчан моделлар, мocketлар, машина ва механизмлар билан жихозланган бўлиб лабораторияларда ўқув фаолият бригада, звено шаклида ташкил қилинади.

3. ИЧТ полигон шароитида ташкил қилиш кўп ҳолларда ўқув шароитида ўқувчиларда малака ва кўникмаларни шакллантириш учун ишлаб чиқариш аниқ шароит воситасини ташкил этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам касбий малака ва кўникмаларни шакллантиришни амалга ошириш бўйича конструкциялар, катта габаритли қурилмалар машиналар, механизмлар билан жихозланган майдонлар ташкил қилинади. Бу майдончаларни полигонлар деб аталади. Полигонларга: автотранспорт воситалари жойлашган, ўқув қурилма майдони хилма-хил қурилма, машина ва механизмлар, кранлар ҳаракат майдонига очиқ майдонлар, геологик ва геодезик ишларни амалга ошириш учун ўқув далалар ва бошқалар киради.

Ўқув полигонларида қуйидаги ишлар амалга оширилади. К/х йўналишидаги ўқув муассасаси полигонда машина ва механизмларни ишга тайёрлаш ва бошқариш, техникавий тизмат кўрсатиш; қурилиш йўналиши бўйича юклаш, тушириш, ташиш, кўтариш ўрнатиш ва ҳакозолар.

Шундай қилиб полигонлар ўқувчиларда ишлаб чиқариш шароитига мос келган ҳолда уларда малака ва кўникмалари. Шакллантириш муаммолари ҳал қилинади.

4. ИЧТ тренажёрларида ташкил қилиш. Тренажёрлар бу ишлаб чиқариш воситасини аниқ тасвирловчи ва назорат ахборот қурилмасидир. Тренажёрлар ёрдамида ўқувчиларни ишлаб чиқариш шароитига тайёрлаш ва касби бўйича малакага эга бўлишини таъминлайди. Яъни, тренажёрлада кўп марталаб машқлар қилиниб кўникма ва малакалар шакллантирилиб сўнгра ишлаб чиқариш шароитига ўтилади яъни реал мослама ва қурилмаларга.

5. Ўқув цехларида ИЧТ ташкил этиш. Бу янги ташкилий шакл бўлиб, бунда ишлаб чиқариш объекти ишлаб чиқариш шароитига аниқ мослаштирилган. Яъни кейинчалик ишлаши мумкин бўлган мухит. Бу

ерда реал махсулотларни чиқариш технологияси асосида жихозлар жойлаштирилган бўлади ва реал цех шароитини ташкил қилади ва ўқувчилар махсулот ишлаб чиқаради.

Ҳозирги вақтда кўп ўқув цехлари мавжуд. Булар айниқса саноат йўналишидаги, маиший хизмат кўрсатиш, савдо сотиқ ва хакозо йўналишларида.

6. ИЧТ таянч корхоналарда ташкил этиш. Бунда асосан ўз билимларини чуқурлаштириш, касбий малака ва кўникмаларни талаб даражасига кўтариш, илғор ишлаб чиқариш тажрибаларини ўрганиш, мустақил ишлашга ва ишлаб чиқариш амалиётини ўтказишга тайёрлашни амалга оширилади.

7. Штат иш жойларида ИЧТ амалга ошириш. Бунда асосан ишлаб чиқариш битирув амалиётлари амалга оширилади. Чунки корхоналар амалиётга келган талабалардан ўзларига раҳбарлар тайинлашади, бу эса жуда муҳим.

8. ИЧТ ишлаб чиқариш шароитида амалга ошириш. Ўқувчилар ишлаб чиқариш шароитида таълим олаётганларида ўқув жараёнларини ташкил этишнинг шакллари қуйидагиларнда иборат бўлади.

- Ўқувчиларнинг ўқувчилар бригадалари таркибида таълим олиши;
- Малакали ишчилар бригадалари таркибида таълим олиши;
- Ўқувчиларнинг малакали ишчиларга яқка тартибда бириктириб қўйилиши.

Юқорида айтиб ўтилганидек ишлаб чиқариш таълимини ташкил этиш шакллари билан ўқувчилар ўқув ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш шакллари фарқлай олиш керак. Фронтал–группавий, бригада ва яқка тартибдаги фаолият ана шундай шакллар жумласига киради. Улардан ҳар бири ўз афзалликларига ва камчиликларига эга бўлиб, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълимидаги муайян шароитларига қараб тадбиқ этилади. Ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари билан ўқувчилар фаолияти шакллари биргаликда кўриб чиқиш керак.

Ишлаб чиқариш жараёнининг барча асосий таркибий қисмлари, яъни мақсади, мазмуни, ўқувчиларнинг ўқув фаолияти ҳамда устознинг ўқитиш фаолияти (таълим бериш шакллари ва методлари), таълим воситалари ўзаро чамбарчас боғлангандир. Ўқув жараёнининг турли босқичларида таълимнинг мақсадлари унинг мазмунини белгилайди; таълим методлари ва воситалари кўп жиҳатдан таълим мазмунига боғлиқ. Ўқувчиларнинг ўқув фаолияти ҳамда устознинг ўқитиш фаолияти ўзаро чамбарчас боғланган бўлиб, биргаликда кечади ва бир-бирига тузатишлар киритиб туради.

Ишлаб чиқариш таълими ўқув жараёнини ўтказиш жойи билан боғлангандир.

II. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятига қараб ишлаб чиқариш таълимининг ташкилий шакллари

Ўқувчиларнинг ўқув фаолияти билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш таълимининг ташкилий шакллари туркумлашда (классификациялашда) асосан ўқув материалининг мазмунида келиб чиқилади ва кўпчилик муаллифлар классификациясида

Ишлаб чиқариш таълимини ташкил қилишнинг-яъни ўқувчилар фаолиятининг қуйидаги шакллари мавжуд фронтал, группали (бригада, звено) ва индивидуал (якка-якка).

Ўқувчиларнинг бирор ишни бажаришда фронтал ва индивидуал ишлаб чиқариштаълими шаклларишартлидир, чунки, ўқувчилар фронтал иш бажаргани билан ҳар битта ўқувчи ўзи индивидуал иш бажаради. Шунинг учун бу ерда иш бажариш охириги натижага йўналтирилган бўлиши билан уни ҳар битта ўқувчи енгил бажаради. Олинган натижа бригадаси (фронтал) бўлади бажарилиши индивидуал. Шунинг учун комплекс характерга эга бўлгани учун уни коллективли яъни жамоавий дейиш мумкин.

Шу сабабли ишлаб чиқариш таълимини ташкил қилишнинг иккита шакли бор деса ҳам бўлади, яъни: жамоавий ва индивидуал.

Ўқув жамоавий шакл ўз ичига: группали, бригадали ва звеноли ишлаб чиқариш таълимини ташкил қилиш шакллари олади.

Шундай қилиб:

- **Таълимнинг фронтал** шаклида ҳамма ўқувчилар бир хил асбобда бир хил, иш бажаради ва бир хил материални бир вақтда ўрганишади.
- **Таълимнинг группали** шаклида ўқитиш группанинг ҳамма аъзоларини ишлаб чиқариш таълими мавзусини ўрганишади ва уларда бир хил малака ва кўникмалар ўқитиш воситалари ёрдамида амалга оширилади. Таълимнинг бу шакли ўқувчиларда бошланғич режани ва кўникмаларни шакллантириш билан характерланади.
- **Таълимнинг бригада шаклида** ўқитиш усулида бригада аъзоларининг (группасининг) ишлаб чиқарадиган маҳсулотининг ўзаро боғлиқлиги билан характерланади, (нооперация шакли) ва жамоавий жавобгар ҳисси шаклланади. Агарда охириги натижа бригада аъзолари орқали олинмаса у ҳолда звеноли ўқитиш шаклидан фойдаланилади. Бу мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришда қўлланилади. Звеноли ўқитиши шаклини ўқув ишлаб чиқариш устахоналарида, ўқув цехларида ва қисман ишлаб чиқаришда қўллаш мумкин.
- Якка тартибда ўқитишни ташкил қилиш шакли асосан лаборатория шароитида ишчилар жамоасидаги ИЧТда ва бўлажак шахсий иш жойларидаги амалиёт даврида қўллаш мумкин.

III. Ўқув жараёнини бошқариш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш таълимининг ташкилий шакллари

а) Ишлаб чиқариш таълими устасининг фаолиятини ташкил қилиш.

Янги таълим мазмунини ўқув жараёнига қўллаш ишлаб чиқариш усталар фаолиятини қайта қараб чиқишни тақозо этмоқда. Яъни илгари ҳар бир уста битта группага бириктириб қўйилиб фақат шу группа билан иш олиб борган бўлса, энди бу таълим мазмуни уларни ихтисослаштиришни тақозо этмоқда. Чунки, ишлаб чиқариш таълими бўлимлари мураккаблашиб бормоқда. Шунинг учун уста унинг ҳаммасини мукамал билиши қийин.

Хозирги пайтда баъзи ўқув муассасаларида ишлаб чиқариш усталарини ўқув устахоналарига, лабораторияларга ҳамда гуруҳларга бириктириб қўйилмоқда. Устахона ёки лабораторияларга бириктирилган усталар ўқув режа ва дастур мазмунига оид ҳамма гуруҳларда дарс олиб боради. Шу билан бирга гуруҳга бириктирилган ишлаб чиқариш устаси лаборатория ёки устахонага бириктирилган уста билан бирга ўзининг педагогик фаолиятини олиб боради. (Бу ВНИИ протехобразованининг баъзи ўқув муассасаларининг химия профилида яхши натижа беради).

Ўқув устахонасига бириктирилган ишлаб чиқариш устаси ишлаб чиқариш таълими жараёнида бир вақтнинг ўзида тарбиявий ишларни ҳам олиб боради.

Гуруҳга бириктирилган уста ўз гуруҳидаги ўқувчиларда билим олишга бўлган интилишларни ошириш, қизиқтириш. Уларда интизомни мустаҳкамлаш, ўқишдан ташқари фаолиятни бошқариш каби хусусиятлари учун жавобгарлар бўлади.

Ишлаб чиқариш усталари ўртасида режалаштириш ишларини олиб боришнинг қуйидаги турлари тавсия этилади.

Режалаштириш ҳужжатлари:

лаборатория-устахоналар устаси.

- ҳамма гуруҳлар учун лаборатория.
- Амалий машқлар ва ишлаб чиқариш ишлари рўйхатини ҳамма гуруҳлар учун тузиш;
- бир ойлик иш режаси ҳамма гуруҳлар учун тузиш;
- истиқболли-тематик иш режа (ишлаб чиқариш учун);
- ишлаб чиқариш таълимининг мажмуавий-услубий таълимнинг тематик рўйхати;
- ишлаб чиқариш таълимининг дарс режаси;
- ишлаб чиқариш таълимини назорат қилиш ишлар рўйхати;
- ўқув устахона, лабораторияларни жиҳозлаш режаси;
- техник ижадкорлик иш режаси;
- мустақил услубий ишлар рўйхати.
- Ўқув гуруҳи устаси тузади:
- гуруҳнинг бутун ўқув даври учун тарбиявий ишлар истиқболи режаси;

- бир ойлик тарбиявий ишлар режаси;
- мустақил бажарадиган услубий ишлар.
- ўқув устахонаси-лаборатория устаси билан унинг иш режаларини тузишда қатнашиш.

б) Ҳисобга олиш ҳужжатлари. Ўқув устахонасига бириктирилган уста:

- дастур бўйича ишлаб чиқариш таълими ҳисобга олиш журнали;
- ўқув устахонасида гуруҳлари томонидан ишлаб чиқариш фаолиятининг бажарилишини ҳисобга олиш.

Гуруҳ устаси:

- Базавий корхоналар, цехларда ишлаб чиқариш ишларининг бажарилиши ҳисоби;
- Малакавий имтиҳонлар топшириш баённомалари.

в) Ҳисобот ҳужжатлари. Устахонага бириктирилган уста:

- Ҳамма гуруҳларнинг ўқув устахонада бажарилган ишлаб чиқариш таълими натижалари;
- устахона (лаборатория) ларнинг ўқув услубий таъминоти режасининг бажарилганлиги.

Гуруҳ устаси:

- гуруҳларнинг ишлаб чиқариш таълим фаолияти бўйича бажарилган ишлар йиғма (умумлашган) ҳисоботи.
- ишлаб чиқариш амалиёти ўтказилганлиги ҳақида ҳисобот.
- тарбиявий ишларнинг бажарилганлиги ҳақида ҳисобот.

Ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида бажариладиган ишларга: ижтимоий, психологик, физиологик жихатдан ишлаб чиқариш шароитига кўникиш билим ва малака ва кўникмаларини аниқлаштириш ва мастахкамлаш, мустақил иш бажариш, илғор технологияларни, янги жихоз ва ускуналарда, механизациялаштириш воситаларини, юқори унумли асбоблар ва мосламаларни, исғор, наватор ишлаб чиқариш ходимларининг ишлари билан танилиши, завод-корхоналарнинг техника-технологик ҳужжатлари билан танишиш, иш жойини илмий асосда ташкил этиш, билимларини амалда қўллашни ўргатишлари киради.

Амалиёт жараёнида ўқувчиларнинг амалиётини ташкил этиш: ўқув гуруҳлари, ўқув бригадалари, малакали ишчилар бригадасида, мустақил иш жойида ташкил қилиниши мумкин.

§ 2.3. Ишлаб чиқариш таълимини режалаштириш

Ўқувчиларнинг билим даражаси, касбий кўникма ва малакалари ҳамда унинг сифати кўп жихатдан ўқув тарбиявий жараёни тўғри ташкил этиш, машғулотларни **режалаштириш** ва уларга **тайёргарлик** кўришга боғлиқдир.

Режалаштириш-тайёргарликнинг бир қисми бўлиб, режалаштириш ҳужжатларида устознинг машғулотларга тайёргарлик натижалари акс эттирилади.

Ишлаб чиқариш таълимини режалаштиришга оид асосий ҳужжатлар қуйидагилардан иборат.

А) Касб бўйича ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг руйҳати;

Б) Гуруҳнинг 1 ойлик ўқув-ишлаб чиқариш таълими режаси;

В) Ишлаб чиқариш таълимининг дарс режаси.

РЕЖАЛАШТИРИШ ҲУЖЖАТЛАРИ:

Касб бўйича ўқув ишлаб чиқариш ишларининг руйҳати

Бу руйҳатни катта устоз ишлаб чиқариш таълими устози билан биргаликда тутуди. Ҳар қандай ишлаб чиқариш таълими дастурида ўқувчилар ўқув тарбиявий жараёнида қандай меҳнат усуллари ва иш турларини билим, унга эга бўлишлари кўрсатилган бўлади. Шунинг учун ҳам касб бўйича ўқув ишлаб чиқариш ишлари руйҳати ўқув муассасининг катта устози билан биргаликда ишлаб чиқариш таълими устози билан биргаликда тузилади. (2-жадвал).

Ўқув-ишлаб чиқариш ишлари руйҳатини тузишнинг асосий ўқувчилар касб бўйича зарур кўникма ва малакаларини ўзлаштирадиган иш объектларини танлашдир.

Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини танлашда қуйидаги талабларга амал қилиш зарур:

- ишлар касбга хос бўлиши лозим;
- ўқув ишлаб чиқариш ишларини бажарилаётганида ўқувчилар эгаллайдиган кўникма ва малакалар ўқув дастурига мос бўлиши лозим;
- ишлар мураккаблик, аниқлик ва уларнинг сифатига нисбатан талаблар даражаси бўйича ўқувчиларнинг таълимнинг мазкур босқичидаги касб маҳорати ва уларнинг техника билимлари даражасига мувофиқ бўлмоғи лозим;
- танланадиган ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бир мавзу доирасида ҳам мавзудан-мавзуга ўтиб борган сари ҳам аста-секин мураккаблашиб бормоғи лозим;
- танланадиган ўқув-ишлаб чиқариш ишлари шакли, конфигурацияси, материаллари хажми, техника талаблари, бажаришда қўлланиладиган усуллар, сарфланадиган вақт ва хоказолар бўйича хилма-хил бўлиши керак. Бу эса ишларнинг турли усуллари, операциялари ва ҳаракатларини бажаришда касб кўникмалари ва малакаларининг кенг доираси шакллантириш имконини беради.

Ўқув ишлаб чиқариш ишлари таянч корхоналарнинг буюртмаларидан, ҳунар таълими органларининг ишлаб чиқариш буюртмаларидан, шунингдек ускуналарнинг ремонт қилиш, ўқув устахоналаридаги асбоб-ускуналар ва мосламаларни, билим юртининг

хоналари ва лабораториялари учун кўргазмали қуроллар ва приборлар тайёрлаш соҳасидаги ишлардан танлаб олинади.

Ўқув ишлаб чиқариш ишлари рўйхатига нисбатан муҳим талаблардан бири унинг барқарор бўлишидир. Бу нарса ўқув устухоналарининг ўқув материал базасини вужудга келтириш ва мустаҳкамлашда, ишлаб чиқариш таълимини зарур йўриқномали ва технологик ҳужжатлар билан таъминлашда ёрдам беради.

Таълимнинг бошланғич даврида ўқув-ишлаб чиқариш ишларини операциялар бўйича бажаришни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ўқув ишлаб чиқариш ишлари рўйхатига киритилган ҳар битта ишга ўқув техникавий ҳужжатлар: чизма, технологик карта ишлаб чиқилади. Чизма техник талаблар асосида чизилган, аниқ, ўлчамлари тўғри, допусклари қўйилган (рухсат этилган четланишлар) бўлиши керак. Технолгик картада заголовка ўлчамлари, ишлатиладиган асбоб-ускуналар, мосламалар, ўлчаш асбоблари, ишлов бериш режалари, ишлов бериш вақтиҳамда ишни бажаришга оид кўрсатмалар берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқув-ишлаб чиқариш ишлар рўйхати

Тасдиқлайман
Ўқув ишлаб чиқариш ишлари
бўйича директор муовини
«__» _____ 200__ й.

Ўқув йили, ярим йиллик ўқув йили

Гуруҳ № _____ Касби _____ Курси _____

1. Мавзунини ўрганиш ойи, куни	2. Дастурдаги мавзу, мавзуча	3. Мавзу ва мавзучаларни ўрганишга ажратилган вақт				4. Ўқув ишлаб чиқариш ишлари		9. Ишнинг мураккаблиги	10. Иш вақти нормаси	11. Ўқувчилик иш вақти нормаси	12. Битта ўқувчи бажарадиган ишлар сони	13. Бажарганлик ҳақида белги
		5. хаммаси	6. бундан			7. Номи	8. Чизма, деталлар номери					
			4. Инструкта ж учун	5. Машқлар учун	6. Ишлаб чиқариш фаолияти учун							

2. Гуруҳнинг 1-ойлик ўқув ишлаб чиқариш таълими иш режаси

Гуруҳнинг ишлаб чиқариш фаолиятининг режасидир. Бу режа бир гуруҳ ўқувчиларнинг ўқув ишлаб чиқариш топшириқларининг аниқ мазмунини, уларни бажариш изчиллигини ва ташкил этилишини белгилаб қўяди.

У ўқув ишлаб чиқариш ишлари рўйхати, ўқув режаси ва ишлаб чиқариш таълими дастури асосида бир ойга мўлжаллаб тузилади (жадвал - 3).

3-жадвал

Гуруҳнинг ўқув устахонасидаги бир ойлик ўқув ишлаб чиқариш фаолияти режаси

Гуруҳ № _____ 200__ йилнинг декабрь ойи

Касби _____ 200__ йил. Курси (босқичи) _____

Ишлаб чиқариш таълими устаси _____
(исми, шарифи, фамилияси)

Гуруҳдаги ўқувчилар сони _____

Гуруҳнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун ўқув вақтининг умумий ҳажми _____ соат.

Дастурнинг мавзуси ва мавзучаси	Мавзу ва мавзучага ажратилган соат	Ўқув ишлаб чиқариш ишлари номи	Гуруҳ бажарадиган ишлар сони	Битта ишни бажариш учун ўқувчига ажратилган вақт меъёри (нормаси)	Гуруҳга ажратилган умумий соат	Эслатма

Группа ишлаб чиқариш таълими (ишлаб чиқариш фаолияти) режаси тузилаётганда группа ишлаб чиқариш фаолиятига ажратилган ўқув вақтининг умумий фонди асосий омил бўлиб, бу қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқилади.

$$T_{и.ч.ф} = (T_{и.ч.т.} - T_{и.} - T_{м.}) \times T_{п.}$$

Бу ерда

$T_{и.ч.т.}$ – ўқув дастурига мувофиқ муайян давр учун ишлаб чиқариш таълимига ажратилган вақтнинг умумий миқдори;

$T_{и.}$ – кириш ва яқунловчи инструктажлар ўтказиш учун зарур вақт (қунига 1 соат қабул қилинган);

$T_{м.}$ – амалий машқларини бажаришга ажратилган вақт;

T_n – гуруҳдаги ўқувчилар сони;
 $T_{и.ч.ф.}$ - ҳисоблаб чиқилаётганда айрим ўқувчиларнинг сони.

Бетоблиги ва бошқа сабабларга кўра ўқув вақтининг йўқотишлари эътиборга олинмайди яъни соф вақт бўйича олиб борилади.

Бир ойлик ишлаб чиқариш таълими режасини тузишда режага киритилган иш бирлигига ўқувчилар учун вақт нормасини белгилаш зарур. Ўқувчиларнинг вақт нормаси қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$T_{ўқ} = T_d + T_{т.я.} / Z \times K$$

Бу ерда:

T_d – данобой вақт нормаси (иш бирлигини бажаришнинг ҳисобдаги нормасиёки таянч корхонада қабул қилинган вақт нормаси олинади);

$T_{т.я.}$ – тайёргарлик, яқунловчи вақт (маълумотнома бўйича ҳисоблаб чиқилади ёки билим юрти тажрибасига асосан ҳисобга олинади);

Z-туркумдаги деталлар (буюмлар, ишлар) сони;

K-ўтказиш коэффициенти (ишнинг мураккаблигига ва таълим даврига қараб жадваллар бўйича белгиланади).

Ўтказиш коэффицентини белгилаш учун коэффицентлар жадвалидан фойдаланиш ҳам мумкин.

Ишлаб чиқариш таълимини режалаштириш ҳужжатлари жумласига ўқув-ишлаб чиқариш ишлари ёппасига бажарилмаганда ўқувчиларнинг бир иш ўрнида иккинчисига ўтказиш графиги, ўқув хўжалигида (колхоз, совхозда) йил мавсумига қараб қишлоқ хўжалик ишларини бажариш режаси, машина, трактор агрегатларда ишлашга тайёргарлик бўйича машғулотлар ўтказиш режаси, машина хайдашга ўқувчиларни яқка тартибда ўргатишнинг-режа графиги киради. Бу ҳужжатларнинг шакллари ва мазмуни ҳам инструкцияда келтирилган.

3. Ишлаб чиқариш таълимида истиқболли тематик режа

Дарс режаси-мавзу бўйича аниқ дарс ўтказиш учун асосий режалаштирувчи ҳужжатдир. У устоз тайёргарлик ишининг нтижаси бўлади. Дарс режаларини бир андазадаги мажбурий шакллари белгилаб қўйилмаган, чунки режа шакли унинг мазмуни, ўтказиш методлари, мавзу материални ёритиш даражаси каби дарс мазмунига, унинг таълим ва тарбия мақсадларига, келгусида ишлар хусусиятига, машқларни ташкил этишга, устознинг маҳоратига қараб ўзгариб туради. қуйида ремонтчи, слесарчи слесарлар учун «Кесиш» мавзусини ўргатиш пайтида ишлаб чиқариш таълими дарси режасининг намунаси келтирилади. Унда дарсларнинг ана шундай режаларини намуна сифатида фойдаланиш мумкин.

Ишлаб чиқариш таълими устози учун ишлаб чиқариш таълими истиқболли режасини тузиш мажбурийдир. Бунда ҳар битта мавзу (дастурдаги) дарсларга бўлинади. Масалан: металлларга ишлов бериш йўналишидаги токар ихтисослиги бўйича дастурдаги «Ташқи юзаларга ишлов бериш, чеккаларини кесиш ва қирра (чизиқлари) охирини кесиш» мавзусини дарсларга қуйидагича бўлиш мумкин: текис цилиндрни юзаларга ишлов бериш, кичик диаметрли ўсимталар ва ҳоказо. Қуйида ишлаб чиқариш таълими дарси режасини намуна сифатида қараб чиқамиз.

Ишлаб чиқариш таълими дарси режаси

1. Мавзу: Қавариқ қийшиқ чизиқли юзаларни эговлаш, юзаларни эговлашда узил-кесил ишлов бериш.

Мақсад: Ўқув мақсади- ўқувчиларда қавариқ қийшиқ чизиқли юзаларни эговлаш малакаларини шакллантириш ва эговлаб бўлингандан кейин юзаларга ишлов бериш.

Тарбия бериш - асбоб-ускуналар ва материалларга эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш, ишда тартиблилик одатини тарбиялаш.

Ривожлантириш - кўз билан чамалаш ва ғадир-будир юзаларни фарқлай билиш қобилиятини ўстириш.

2. Ўқув ишлаб чиқариш ишлари: юмалоқ муҳрали болғанинг қийшиқ чизиқли юзасига ишлов бериш. Болға юзасига узил-кесил ишлов бериш.

3. Дарсинг ўқув моддий жиҳозланиши: эговлар тўплами, ўлчов асбоблари, инструкцион карталари, чизмалар тўплами, (ўқувчилар сога қараб) Плакат ва «Қийшиқ чизиқли юзаларни эговлаш» диафильми. Ўқувчилар сонига қараб юмалоқ муҳрали болғалар тайёрлаш.

Дарсинг бориши:

1. Ташкилий қисм-5 минут (ўқувчиларни сафга турғозиш, навбатчининг рапорти, ўқувчиларнинг дарсга тайёгарлигини текшириш).

2. Кириш инструктажи- 35 минут.

Мавзу ва дарсинг мақсадини (ўқув ва ривожлантирувчи) маълум қилиш.

Ўқувчилар билимини текшириш. Ўқувчиларга қуйидаги саволларни бериш:

Қавариқ қийшиқ чизиқли юзаларни эговлашда эговларнинг қандай турлари қўлланилади.

Ишлар қандай кетма-кетликда бажарилади?

Болғага узил-кесил ишлов беришда қандай асбоблар ишлатилади?

Қийшиқ чизиқли юзаларни эговлаш сифатини контрол қилишнинг қандай усуллари мавжуд?

3. *Ўқувчиларга дарс материали бўйича кириш йўриғини ўтказиш.* Қавариқ қийшиқ чизикли юзҳаларга ишлов бериш тартибини баён қилиш (диафильм кўрсатиш).

Қавариқ қийшиқ чизикли юзаларни эговлашнинг кетма-кетлиги ва асосий усулларини кўрсатиш (инструкцион карта мувофиқ). Эҳтимол тутилган ҳатоларни кўрсатиш (шаблоннинг профилга тўғри келмаслиги, ҳаракатнинг нгтўғри кординацияси, эговланган юзанинг дағал узил-кесил ишланиши).

Ҳатоларга йўл қўймасликнинг асосий усулларини кўрсатиш.

Эговлаш сифатини контроль қилишнинг асосий методлари; усулларини кўрсатиш. Ўқувчиларни операцияларни бажаришга кетадиган вақт нормаси билан таништириш.

Маҳсулот сифатига қўйиладиган талаблар билан таништириш. Хавфсизлик техникаси қоидаларини эслатиш.

4. *Кириш инструктаж материални мустаҳкамлаш.* Ўқувчиларга қуйидаги саволларни бериш:

Берилган муҳранинг қийшиқ чизиклиқ юзасининг эговлағиш сифати аниқлансин.

Ўлчамларнинг чизмага тўғри келишини аниқлаш.

Ишлов берилган юзанинг тозалигини қандай-яхшилаш мумкин?

Берилган заготовкада томонларнинг паралелигини кўз билан чамалаб аниқлаш.

Берилган муҳраларнинг қайси бири энг тоза ишлов берилганлигини кўз билан чамалаб аниқлаш. Қайси бирига сифатсизроқ ишлов берилган?

Баъзи ўқувчиларга кўрсатилган усулларни такрорлашни тавсия қилиш.

5. *Ўқувчиларнинг мустақил ишлари ва жорий инструктаж - 5 минут.*

1. Ишнинг тартиби ва мазмуни. Ўқувчилар болға муҳраси қавариқ қийшиқ чизикли юзасини эговлаш ва унга узил-кесил ишлов бериш бўйича мустақил ишни бажарадилар.

2. Ўқувчиларнинг иш ўринларини айланиб чиқишдан асосий мақсад:

2.1. Хавфсизлик техникаси, иш ўрнини ташкил қилиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш.

2.2. Иш усулларининг тўғрилигини текшириш.

2.3. Ўқувчиларнинг ишларидаги асосий хоталарни, уларни бартараф қилиш усулларини кўрсатиш, коллектив инструктаж ўтказиш.

6. *Якуний инструктаж – 15 минут.*

Инструктаж асосий масалалари: ўқувчилар ишини текшириш ва қабул қилиш.

Ўқувчилар йўл қўйган типик хатоларни таҳлил қилиш. Энг яхши ишларни қайд этиш.

Дарсда ҳар бир ўқувчининг иш якунини эълон қилиш.

7. Уйга вазифа бериш: юмалоқ муҳрали болға тайёрлашнинг инструктор-технологик картасини тузиш.

Ишлаб чиқариш таълими устаси _____ / имзо /

Назарий таълим дарсининг режаси

1. Дарс мавзуси - Тикувчиликда қўлда бажариладиган ишлар учун фойдаланиладиган асбоб ва мосламалар.

2. Мақсад:

а) таълим бериш-ўқувчиларда қўлда бажариладиган ишлар учун зарур бўлган асбоб ва мосламалар уларнинг турлари, ишлатилиши тўғрисидаги тушунчалар ва билимларни шакллантириш;

б) тарбия бериш- асбоб ускуналарга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ва улардан хавфсизлик чораларига риоя қилган ҳолда фойдаланиш одатини тарбиялаш;

в) ривожлантириш- ҳар бир асбоб ва мосламанинг турини билаган ҳолда, уларни бажариладиган шунга қараб мос равишда номлай олиш қобилиятини ўстириш.

3. Дарсининг ўқув моддий таъминоти.

Дарсининг бориши:

1. Ташкилий қисм (навбатчи тайинлаш, давоматни аниқлаш ва ўқувчиларни дарсга тайёргарлигини текшириш).
2. Утилган материални саволлар бўйича такрорлаш: а) қўлда бажариладиган ишлар учун иш ўрни қандай ташкил этилади? б) иш вақтида зарур бўладиган асбоблар ишчининг қайси томонида бўлиши керак? в) иш давомида детал ва чала фабрикатларни жойлаштириш учун қандай мослама зарур бўлади? г) қўл турларини юзаришда қандай хавфсизлик чораларига риоя қилиш керак?
3. Дарсининг мавзуси ва таълим бериш мақсадини эълон қилиш.
4. Янги материални саволлар бўйича ўрганиш: а) қўлда бажариладиган турларда ишлатилладиган асбоблар; б) қўл ишлари, уларнинг турлари ва вазифалари; в) ишлар уларнинг турлари ва ишлатилиши; г) ангишвона, унинг вазифаси ва турлари; д) тикувчиликда фойдаланиладиган қайчилар, уларнинг вазифалари ва турлари; е) сантиметр лента ва унинг вазифаси; ж) пичоқли ҳалқа, унинг вазифаси; з) қозикча ва уларнинг вазифаси.
5. Ўқув кинофильмининг фрагментларини намоиш қилиш; «Тикувчиликда асбоб ва мосламалардан фойдаланиш».
6. Дарслик билан мустақил ишлаш: дарсликдан фойдаланиб асбобларнинг ўлчамлари бўйича тақсимланган талицани чизиш.
7. Материални саволлар бўйича мустақамлаш: а) қўлда бажариладиган ишларда қандай асбоб ва мосламалар ишлатилади? б) қўл ишларида ишлатилладиган игна, қайчи,

ангишвона ва ипларнинг қандай турлари мавжуд? в) сантиметр лента қандай вазифани бажаради? г) монекли қандай вазифани бажаради?

8. Уйга вазифа: ўтилган мавзуни ўқиб, ўрганиб, тикувчиликда ишлатиладиган ва леколлар, расмларини дафтарга чизиш, ўқиб, ўрганиб келиш. (Дарслик) Адабиёти: Т.Т. Труханова «Тикувчилмик технологияси асослари» Т. «Ўқитувчи» нашр. 1996 й. 66. 74 бетлар.
Дарсни яқунлаш: (дарсга фаол қатнашган ўқувчиларни баҳолаш).

Касбий таълим ўқитувчиларнинг машғулотларига тайёрлаш

Машғулотларга тайёргарлик уч босқичдан иборат, яъни:

1. Перспектив (истикболли) тайёргарлик-ўқув йилига ва навбатдаги мавзусини ўтишга тайёргарлик;
2. Мавзуни ўрганиш-тайёргарлик. Тайёргарликнинг ҳар бир босқичи устознинг шахсан тайёргарлигини, ўқув материал қуролларини тайёрлашни ва ўқув жараёнини режалаштиришни ўз ичига олади. Устоз тайёргарлиги мазмунининг асосий масалалари.
3. Жорий тайёргарлик- навбатдаги дарсга тайёргарлик.

Касбий таълим ўқитувчисининг ўқув йилига тайёргарлиги

Шахсий тайёргарлиги:

- касб буйича касбий тавсифларни, амалий касбий таълим режаси ва дастурларини, техник ва педагогик адабиётларни ўрганиш;
- педагогик конференциялар ва илгор тажриба мактаблари ишларида иштирок этиш; илгор корхоналарда малака ошириш;
- ўқувчиларни касбга йўллаш ишларида коллежга ва гуруҳга ўқувчилар қабулида иштирок этиш;
- ўқув - ишлаб чиқариш ишларидан намуналар тайёрлаш.

Ўқув - моддий жиҳозлашга тайёргарлиги:

- ўқув дарсларида, меҳнат муҳофазаси меъёрлари ва қоидалари талабларига мос ҳолда ўқув устухоналари, лабораториялари, ўқув ишлаб чиқариш майдончалари ҳамда касбий таълим ўқитувчиси иш ўринларини ўқув йилига тайёрлаш;
- мосламалар, жиҳозлар, кўрсатмали қўлланмалар ҳамда таълимнинг техник воситаларини тайёрлаш ва таъмирлаш.

Ўқув жараёнини режалаштириш:

- ўқув - ишлаб чиқариш ишлари руйхати ва гуруҳнинг ўқув тарбиявий ишлари истиқболли режаларини тайёрлашда, ўқув ишлаб чиқариш фаолияти режалари, вақт (ишлаб чиқиш) меъёрлари ва ўқув ишлаб чиқариш ишларига техник талабларни ҳамда амалий касбий таълимнинг мажмуавий ўқув – методик таъминоти режаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- ўқув - техник ҳужжатлар, ёзма йўриқнома ҳужжатлари ва баҳолаш

мезонларини ишлаб чиқиш.

*Касбий таълим ўқитувчисининг мавзуни
ўрганишга тайёргарлиги*

Шахсий тайёргарлик. Мавзу бўйича методик ва техник адабиётлар ҳамда ахборот материалларини ўрганиш.

Мавзу материаллари бўйича ёзма йўриқнома ҳужжатлари, мажмуавий фанлараро вазифалар ва уйга вазифаларни тайёрлаш ёки ишлаб чиқиш.

Ўқув - моддий жиҳозлашга тайёргарлиги. Мавзунинг ўқув материалига тааллуқли ўқув - ишлаб чиқиш ишларини аниқлаш, материаллар танлаш ва махсус асбоб – ускуналарни тайёрлаш.

Мавзуни ўрганишда қўлланиладиган ўқув - моддий жиҳозлар, ўқув ва техник ҳужжатларнинг мавжудлигини текшириш ва уларни фойдаланишга тайёрлаш.

Ўқув жараёнини режалаштириш. Ўқувчилар томонида ўрганилган ва мавзу материали билан боғлиқ махсус ва умумкасбий фанларнинг ўқув материаллари таҳлили.

Мавзу материалларини кичик мавзулар ва дарсларга тақсимлаш, дарслар, дарслар мазмуни ва мақсадини белгилаш.

Мавзуни ўрганишнинг истиқболли - мавзуий режасини тузиш.

Ўқувчиларнинг иш ўринлари, иш турлари ва ҳ.к. лар бўйича алмашилиш жадвалини ишлаб чиқиш.

*Амалий касбий таълим ўқитувчисининг
дарсга тайёргарлиги*

Шахсий тайёргарлиги. Ўтилган дарс мавзуни бўйича илғор тажриба материаллари, методик ва техник адабиётлар ҳамда ахборотлар материалларини ўрганиш.

Иш бажариш бўйича меҳнат усулларини кўрсатишга тайёргарлик кўриш.

Ўқув - моддий жиҳозлашга тайёргарлиги. Дарсда ўқув ишлаб чиқариш ишларини бажариш учун материаллари, махсус асбоб - ускуналар ва бошқа жиҳозларни тайёрлаш ва текшириб кўриш.

Дарсда фойдаланиш учун ўқув ва техник ҳужжатлар, кўрсатмали қўлланмалар ва таълимнинг техникавий воситаларини тайёрлаш.

Ўқув жараёнини режалаштириш. Олдинги машғулотларнинг яқунларини таҳлил қилиш, кейинги дарснинг мавзуси, мақсади ва мазмунини аниқлаш.

Дарснинг тузилиши ва унинг ҳар бир таркибий қисми бўйича вақтини белгилаш.

Кириш йуриғини ўтказиш мазмуни, методлари ва методик усулларини аниқлаш.

Дарс режаси ва кириш йўриғининг матнини тузиш, ўқувчиларга бериладиган уйга вазифаларни белгилаш.

III-БОБ. КАСБИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

§ 3.1. Педагогикада ўқитиш методларининг асосий масалалари

Ўқитиш методлари таълим жараёнида ўқитувчи ва талабалар фаолиятининг йўналишини, ўқитиш жараёнининг қандай ташкил этилиши ва олиб борилиши ҳамда ўқитувчининг иш харакатларини белгилайди. Бу методлар ўқувчи томонидан ўқувчилар билим, малака ва кўникмаларни ўзлаштириш учун қўлланиладиган усуллар йиғиндисини ўз ичига олади.

Таълим тизимида ўқитиш методлари билан бирга «усул» ва «восита» деган атамалар ишлатилади.

Усул-маълум ўқув материални ўтишда қўлланаётган асосий ўқитиш методи билан бирга иккинчи бир ўқитиш методининг айрим элементларидан фойдаланиб иш кўришдир.

Восита ўқитиш методларини амалга ошириш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материаллари-асбоб, қурол, аппарат ва шу кабилардан фойдаланишдир.

Таълим методлари ўқитиш жараёнида ва педагогик тафаккурнинг кўп асрлик ривожланиши тарихида муҳим ўзгаришларга дуч келади. Педагогикада таълим методларини таснифлаш ва белгилашга бир хил ёндашиш мавжуд эмас. Айрим муаллифлар методларни белгилашда билиш манбаларининг хусусиятларини асосий деб хиисоблайдилар.

Метод нима? Метод грекчада-изланиш йўли, ўрганиш, тушуниш демақдир.

Ўқитиш методлари-бу ўқитувчининг ишлаш услуби бўлиб, у бу услуб орқали ўқувчиларда билим ва кўникмаларни шакллантиришга қаратади (М.А.Далилов, Б.Б.Есенов).

Бабаский Ю.К.-таълим методи таълим-тарбия мақсадига эришишга қаратилган ўқитувчи билан талабалар фаолиятидир.

Метод-ўқитиш услуби, ўз харакатидир.

Касбий таълимда таълим методлари дидактиканинг энг асосий категориясидан хиисобланади. Агар таълим мазмуни нимага ўқитиш керак деган саволга жавоб берса, методи эса қандай ўқитиш керак деган саволга жавоб беради.

Фан, техника ва ишлаб чиқариш тараққий этиб бориши муносабати билан меҳнат ва касб таълими методлари доимий равишда ривожланиб ва такомиллашиб бормоқда. Бу методларнинг ривожланиши ва такомиллашуви илффор педагогик тажрибанинг тўпланиши, илмий-методик тадқиқотларнинг кенгайиб ва чуқурлашиб бориши асосида дидактик принципларнинг, меҳнат ва касб таълими системаларининг такомиллашиб бориши билан ўзаро боғланган ҳолда рўй бермоқда.

Ишлаб чиқариш таълими жараёнининг энг муҳим жиҳатларидан бири таълим методларидир. Ишлаб чиқариш таълими методлари деганда устоз билан ўқувчиларнинг биргаликда ташкил қилинган фаолиятининг шундай усуллари тушуниладики, уларнинг ёрдамида ўқувчилар амалий билимларни, кўникма ва малакаларини эгаллайдилар, уларнинг касбий маҳорати, меҳнатга муносабати асослари шакллантирилади, ақлий ва жисмоний кучлар, ижодий қобилиятлари ривожлантирилади.

Ишлаб чиқариш таълими жараёнида қуйидаги методлардан фойдаланилади. Улар билим ва кўникма манбалари жиҳатидан:

нутқий(тушунтириш, суҳбат, ёзма йўриқнома ва ҳоказолар);

кўргазмали (меҳнат усуллари ва ҳаракатларини кўрсатиш, кўргазмали қуролларни намойиш қилиш, экран воситаларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг кузатишлари ва ҳоказо); амалий (машқлар, лаборатория-амалий ишлар); ишлаб чиқариш-техника вазифаларини ҳал этиш;

билимлар, меҳнат кўникмаларини;

малакаларини текшириш ва тадқиқот методларини фаол излаш ва (ҳоказо) усулларга бўлинади.

Нутқ методларидан одатда кириш инструктажи ўтказилаётганида, шунингдек талабалар иш жараёнида жорий инструктаж билан танишишлари давомида фойдаланилади. Кўргазмали методлар ҳам кириш инструктажи учун хосдир. Бу метод иш усуллари ва операцияларини ўрганиш даврида алоҳида аҳамиятга эга. Ишлаб чиқариш таълими учун **амалий методлар**-аввало машқлар ғоят муҳимдир.

Кейинги пайтларда ишлаб чиқариш таълимида таълим беришнинг «фаол» методлари деб аталадиган ишлаб чиқаришга оид амалий ўйинлар, реал ишлаб чиқариш вазиятини, ишлаб чиқариш ҳужжатларини таҳлил қилиш, рационализация таклифларини жамоа муҳокамасида ўтказиш, ўқувчилар ишлаб чиққан оригинал технология жараёнларини жамоада муҳокама қилиш тобора кенг қўлланилмоқда.

Таълимнинг бошқа ҳар қандай жараёни сингари ишлаб чиқариш таълими жараёни ҳам муайян таълим воситаларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Ўқув-ишлаб чиқариш ускуналари, асбоблар ва мосламалар, приборлар, ҳужжатлар (ўқув ва ишлаб чиқариш ҳужжатлари), ишлов бериладиган ва фойдаланиладиган материаллар, кўргазмали қуроллар, таълимнинг бошқа воситалари ва ҳакозолар яъни ишлаб чиқариш жараёни нормал кечиш учун бўладиган ва уни таъминлайдиган барча нарсалар ишлаб чиқариш таълими воситалари жумласига киради. Ишлаб чиқариш таълими жараёнининг самарадорлиги кўп жиҳатдан, баъзан эса ҳал қилувчи даражада таълим воситаларининг мавжудлиги сифати ва ҳолатига боғлиқ бўлади.

Энди юқорида санаб ўтган ҳар бир методни алоҳида кўриб чиқамиз.

Касб таълимининг оғзаки нутқ методлари

Материални оғзаки баён қилиш. Бу метод ўқув материални шундай баён қилишни назарда тутадик, бунинг натижасида янги техника, меҳнат тушунчалари очиқ берилади. Умуман меҳнат усуллари ва топшириқларини бажариш юзасидан тушунтиришлар берилади. Бу метод асосида ўқувчиларнинг, устанинг жонли сўзи ётади, бу сўз эса талабаларга кучли ҳиссий таъсир кўрсатади, уларнинг тасаввурини бойитади, ижодий фикр юритишга ундайди, кўпгина шахсий ижобий сифатларни таркиб топтиришга ёрдам беради.

Ўқитувчи (уста) оғзаки баён қилиш жараёнида ўз ёзувлари, ҳисоблар, ҳисоб-китоблар, эскизлардан кенг фойдаланади. Ўқув материални баён қилиш мунтазам, мантқан изчил ва тугалланган бўлиши керак. Бунда талабалар материални осон англаб олишлари учун ўқитувчи (уста) билан ўз тушунтиришини ўқувчиларга саволлар бериш билан бўлиб туриши, уларнинг ўзлаштиришини ва диққатини текшириш керак.

Оғзаки баён қилиш методи айрим камчиликларга эгадир (баъзи ўқувчиларнинг пассивлиги ва уларнинг дарслардан яхши ўзлаштирмаслиги кузатилади), натижада ўқитувчи (уста) кўпинча дарснинг ўзлаштирилиши жараёнини тез бошқариш имконидан маҳрум бўлиб қолади. Бу камчиликларга барҳам бериш учун дарсда реторик саволлар бериш (яъни булар шундай саволларки, уларга ўқитувчининг ўзи жавоб қайтаради), шунингдек кўргазмали қўлланмаларни намойиш қилиш, технология ҳужжатларини, кинематик схемаларни таҳлил қилиш, ҳисоб-китоблар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи (уста) мавзунини баён қилишни тамомлар экан, ўқув материалнинг асосий қоидаларига қисқача яқун ясаши лозим.

Суҳбат. Бу меҳнат ва ҳунар таълимининг шундай усулидирки, унда ўқитувчи тўғри қўйилган саволлар ёрдамида ўқувчиларда илгари ўзлаштирилган билимларни эсга туширади ва шу асосда мустақил равишда янги билимлар ҳосил қилишга ундайди.

Меҳнат ва касб таълими методи бўлган суҳбатдан янги материалларни ўрганиш вақтида кўпроқ фойдаланилади ва илгари ўзлаштирилган билимлар ва амалий тажриба унинг базаси бўлиб хизмат қилади.

Ўқувчиларнинг янги ўқув материални суҳбат усули билан ўрганиши ўқувчилардан машғулотга пухта тайёргарлик кўришни талаб қилади. Бу тайёргарлик шундан иборат бўладики, ўқитувчи (уста) дарс режаси тузиш вақтида суҳбатнинг асосий мазмунини белгилаб олади, асосий саволларни тузиб чиқади, бутун суҳбатнинг боришини, ўқувчилар бериши мумкин бўлган жавобларнинг мазмунини ўйлаб олади, қисқача кириш ва яқунловчи суҳбатларни тайёрлайди.

Талабалар суҳбатининг бориши жараёнида ўқитувчининг саволларига жавоб берар эканлар, ўзларига илгариги материаллардан маълум бўлган фактлар, қоидаларни таҳлил қиладилар, янги яқунларни ифодалайдилар ва умумий хулосалар чиқарадилар.

Касб таълими бўйича ўтказиладиган машғулотлар, ўқув материалининг мазмуни суҳбат методидан фойдаланиш учун катта имкониятлар яратади. Масалан, ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида ишлатиладиган машиналар, механизмлар ва асбобларни, технология, меҳнат жараёнлари ва операцияларни, меҳнат планлаштириш ва ташкил этишни ўрганиш, қиёсий таҳлил қилиш асосида талабаларнинг фикрлаш фаоллигини ривожлантиради. Уларнинг олган билимларини этиқодга айлантиради.

Касб таълими дарсларида фойдаланиладиган суҳбат методининг афзаллиги шундаки, у талабаларнинг билишга оид қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради, уларнинг фикрини фаоллаштиради, таълим жараёнини жадал бошқариш учун шарт-шароитлар яратиб беради. Бироқ бу методни универсал метод деб ҳисоблаб бўлмайди, чунки у талабаларда меҳнат кўникмалари ва малакаларини таркиб топтиришни таъминламайди.

Инструктаж методи

Инструктаж-ишлаб чиқариш таълимининг амалий ўқитиш жараёнида талабаларда касбий малака ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилган мхандис-педагог (устанинг) асосий иш услуги-кўрсатмаси.

Инструктаж-бу тушунтириш ва кўрсатиш методларининг биргалиқдаги қўлланишидир.

Методик нуқтаи назардан инструктаж бу тушунтириш ва амалий ҳаракат ва услубларга биргалиқда бажаришдир.

Тушунтириш ва кўрсатишни биргалиқда ҳар хил ишлатиш натижасида бўлажак мутахассисларда техник, технологик тушунчаларни, техникавий фикрлашни, меҳнатни севиш, қизиқиш ва касбларга меҳрни тарбиялайди.

Инструктаж ташкилий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, кўп ҳолда амалий ишларни бажаришдан олдин, иш жараёнида ва иш охирида ўтказилади.

Инструктаж ўз навбатида: кириш инструктажи, жорий инструктаж ва якуний инструктажлардан иборат.

Кириш инструктажини машғулотнинг ташкилий шаклига кўра **бутун группага, бригада** ва айрим талабаларга амалий иш бажаришдан олдин ўтказилади.

Бу инструктажда-талабаларга машғулот мавзуси, мақсади айтилади.

Машғулотнинг таъминоти (ускуналар, приборлар, асбоблар, мосламалар, материаллар) билан таништиради ва иш жойларининг ташкилий тамойилларини айтиб ўтади;

- ички бажариш кетма-кетлигини тушунтиради ва бажариш услулари кўрсатади;
- техник ва технологик ҳужжатлар билан таништиради;
- иш жараёнида учрайдиган ўзига хос камчиликларнинг пайдо бўлиши ҳақида огоҳлантиради;
- ўз-ўзини назорат қилиш ва назорат усуллари билан таништиради;
- иш бажариш вақтида ҳавфсизлик чораларига этибор беришни тушунтиради.

Кириш инструкциясида талабаларга зарурий ҳажмдаги техник технологик билимларни беради. Шунинг учун ҳам кириш инструкциясида оддий дарс шакллари элементлари мавжуддир, яъни тушунтириш, суҳбат, ҳикоя, китоб билан ишлаш, кўрсатиш, кузатиш ва бошқалар.

Четда ишлаб чиқариш таълимида кириш инструкциянинг катта аҳамиятга эга бўлгани сабабли бунга чуқур тайёргарлик кўриш ва режалаштириш керак.

Жорий инструктажда устоз талабаларнинг амалий ишларни бажариш жараёнида уларнинг меҳнат фаоллиятига тузатишлар киритади ва тўғри бажаришга уларни йўналтиради.

Жорий инструктаж жараёнида ўқувчилар иш фаолиятини фақат назорат қилмасдан уни бошқариш ва режалаштириб бориш керак. Жорий инструктажда ўқувчиларнинг иш жойларини ташкил қилганликларини (асбоблар жойлашишини, технологик хариталар, заготовкалар), меҳнат жараёнини амалга ошираётган қирраларни, кесувчи асбобларнинг станокларда жойлашиши, асбоблар ва деталларнинг маҳкамланганлигини ва ҳоказоларни кузатади.

Якуний инструктаж ҳар бир машғулот мантиқий якунланган бўлиши керак. Якуний инструктаж ҳам группали, бригадали, якка тарзда бўлиши мумкин. Якуний инструктажда тушунтириш, суҳбат, кўрсатиш ва намоиш этиш услулари биргаликда қўлланилади.

Касб таълимининг кўргазмали методлари

Кўргазмали қўлланмаларни намоиш қилиш меҳнат ва ҳунар таълимининг ўрганилаётган объектларни кўргазмали-ҳиссий идрок қилишга асосланган методидир. Бу метод ўқув материални баён қилиш жараёнида қуйидагиларни кўрсатишни назарда туттади:

1. табиий намуналар: машиналар, станоклар, механизмлар, мосламалар, асбоблар, заготовкалар, материаллар ва ҳоказолар;
2. ясси ва ҳажмдор қўлланмалар (плакатлар, схемалар, жадваллар, диаграммалар, макетлар, моделлар ва ҳоказолар);

3. экранли қўлланмалар (диапозитивлар, диафильмлар, ўқув кинофильлари ва ҳоказолар).

Кўргазмали қўлланмаларни намойиш қилиш вақтида муайян изчилликка амал қилиш, талабалар кузатаётган объектни баён қилаётган материал мазмуни билан боғлаш керак.

Касб-ҳунар таълими дарсларида кўргазмали қўлланмалардан фойдаланиш методининг самарали бўлиши қуйидаги талабларга риоя қилишга боғлиқдир:

1. Кўргазмали қўлланмаларни намойиш қилиш вақтида уларнинг барча талабаларга яхши кўринадиган бўлишини таъминлаш зарур.

2. Кўргазмали қўлланмалар ўқув материали мазмунининг энг муҳим белгиларини акс эттириш лозим.

3. Ортиқча кузатиш объектлари бўлмаслиги лозим, чунки улар талабалар диққатини чалғитиши мумкин.

4. Ўқитувчи кўрсатилаётган нарсанинг талабалар томонидан идрок этилиши жараёнига аниқ раҳбарлик қилиши лозим.

Меҳнат усулларини кўрсатиш меҳнат ва ҳунар таълимининг меҳнат усуллари, жараёнлари ва уларнинг қисмларини ўрганиш вақтида фойдаланиладиган алоҳида методи бўлиб янги меҳнат ишларини ўрганиш вақтида фойдаланиладиган алоҳида методдир. Янги меҳнат ишларини ўрганиш вақтида ўқитувчи ундан талабалар ўзлаштириб олиши зарур бўлган энг муҳим меҳнат усулларини алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур.

Меҳнат усулини кўрсатишни шартли равишда тўрт босқичга бўлиш мумкин:

1. Ўқитувчининг меҳнат усулини иш жараёнида кўрсатиш.

2. Меҳнат усулини алоҳида қисмларга (иш ва иш бажаришдаги ҳаракатларга) ажратиш ва улардан ҳар бирини секин суръат билан кўрсатиш.

3. Меҳнат усулини иш жараёнида такрорий кўрсатиш.

4. Талабаларнинг кўрсатилган меҳнат усулини (унинг қисмларини) синов тариқасида бажариш билан ўзлаштиришларини текшириш.

Меҳнат усулини кўрсатиш вақтида унинг талабаларга яхши кўринадиган бўлишини таъминлаш зарур.

Мустақил кузатишлар меҳнат ва касб таълимининг шундай методидирки, у ўқувчиларнинг табиий шароитларда ходисалар ва ишлаб чиқариш жараёнларини бевгосита идрок қилишни таъминлайди. Бу методдан технология ва меҳнат жараёнларининг боришини, машиналар ва уларнинг иш режимини ўрганиш учун, станоклар, машиналарнинг ишидаги нуқсонларни аниқлаш, меҳнат усулларини ва уларнинг айрим қисмларини ўрганиш вақтида фойдаланиш мумкин.

Мустақил кузатишлар жараён талабаларда технология ёки меҳнат жараёнининг боришини тўғри ва тез аниқлаб олишга оид айрим кўникмалар ва малакаларнигина эмас, балки бир-бирига ўхшаш

хусусиятлар, ҳодисалар, фактларни гуруҳларга ажратишда, улардаги ўхшаш ва фарқ қилувчи белгиларни топишда, хулосалар чиқаришда намоён бўладиган ақлий фаолиятни ривожлантириш ҳам рўй беради.

Талабаларнинг мустақил кузатишларини қуйидаи схема асосида ташкил этиш ва ўтказиш мақсада мувофиқдир.

1. Ўқитувчининг кузатиш объектларини танлаши.
2. Кузатишга оид яқка тартибдаги ва жамоа топшириқларини тайёрлаш ва бериш (Бу топшириқларда кузатиш вақтида аниқланиши лозим бўлган масалар аниқ ифодаланган бўлиши лозим).
3. Бевосита кузатишларнинг бажарилиши (кузатишни қандай олиб бориш, қандай системада ва ишчиликда ўтказиш кераклиги ҳақида йўл-йўриқ берилади).
4. Кузатиш натижаларини ёзма, график ҳисоблар тарзида расмийлаштириш.
5. Кузатиш натижаларини жамоа тарзида муҳокама қилиш ва уларга баҳо бериш.

Меҳнат ва касб таълими дарсларида мустақил кузатишга оид топшириқлар ўз мураккаблигини, хусусияти ва мазмунига қараб ўқитувчи (уста)томонидан турли муддатларга берилиши мумкин.

Касб таълимининг амалий ўқитиш методлари

Амалий метод деганда ўқув материални машқлар, мустақил топшириқлар, амалий ва лаборатория ишлари асосида ўзлаштиришнинг шакллари тушунилади. Ишлаб чиқариш таълимида бу методга иш усуллари, меҳнат операциялари, комплекс ишлар ва вазифалари бажаришда мустақилликни ривожлантиришга қаратилган ишлар, тренажерга оид машқлар, лаборатория-амалий ишларига эса технологик жараёни бошқариш **машқлари** киради.

Машқлар методи- кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида муайян ҳаракатларни кўп марта такрорлашдир. Ишлаб чиқариш таълимидаги машқларга асосан қуйидаги талаблар қўйилади, машқларни ўқувчилар онгли ва мақсадга мувофиқ йўсинда бажаришлари; машқлар методикага асосланиши, тизимли, изчил, узлуксиз бўлиши ва такрорланиши; ўқувчиларнинг ишдаги мустақиллиги мунтазам ривожланиб бориши керак.

Машқларни ўрганилаётган барча меҳнат жараёнлари юзасидан эмас, балки ўқувчиларнинг ўзлаштириши учун анча қийин бўлган жараёнларга нисбатангина тадбиқ қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай жараёнларга арралаш ва қирқиш, рандалаш ва эговлаш, парчинлаш ва кесиш, дастаки асбоблар билан пармалаш ва резьба қирқиш ҳамда металлга ишлов бериш вақтидаги ишлар, автомобиль,

трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик техникасини бошқариш ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Машқлар жараёнида меҳнат ва ҳунар усулларини бажаришнинг сифатли бўлишига, ўқувчилар фаолиятини синчиклаб назорат қилишга этибор бериш керак. Меҳнат ва касб усуллари ва жараёнлари ўзлаштириш мақсадида машқларни бажариш соҳасида ўз-ўзини назорат қилиш учун қайтиш алоқаси принципига таъсир қиладиган унча мураккаб бўлмаган хилма-хил мосламалардан: тўғрилагич, андазалар, асбоблар, уларга монтаж қилинган датчиклардан, асбоблар ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришга доир мосламалардан, автомобиль, тракторни бошқариш ва ҳайдаш қоидаларини ўрганишда тренажерлардан фойдаланиш катта роль ўйнайди.

Машқлар жараёнида юқорида санаб ўтилган техник воситаларни қўллаш талабаларга меҳнат ҳаракатларини бажаришдаги кўпгина хатолардан ҳалос бўлишга имкон беради. Касб усулларини бажариш учун сарфланадиган вақтни қисқартириш ва иш сифатини оширишга ёрдам беради. Лекин бу воситалардан узоқ вақт фойдаланиш фойда ўрнига зарар етказиши мумкин. Улар меҳнат ва касб усулларини эгаллаш вақтида ўзига хос мўлжал ролини ўйнайди, шунинг учун ҳам улардан меҳнат ва касб таълимининг дастлабки босқичларидагина фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Меҳнат ва касб усулларида оид машқларни бажариш вақтида қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим:

1. Ўқув-моддий шароитлар яратилган бўлиши (яхши ишлайдиган асбоб-ускуналар, мосламалар ва тренажерларнинг мавжуд бўлиши).
2. Меҳнат ва касб усулларининг ёрқин ва қулай кўрсатилишини ҳамда талабаларнинг бу усулларни тўғри ва тўлиқ ўзлаштиришини таъминлаш.
3. Бевосита кузатиш ва назорат қиладиган қурилмалардан фойдаланиш йўли билан меҳнат ҳаракатларини мустақил назорат қилиш вазифасини амалга ошириш учун йўл-йўриқлар бериш.
4. Ўқувчиларнинг меҳнат ва касб усулларида йўл қўядиган камчиликларга тезда барҳам бериш йўллари ўйланган бўлиши керак.

ИЧТ жараёнида тренировкали, ишлаб чиқариш, ишчи ва махсус машқларни ташкил қилиш мумкин. Яъни,

-тренировка (ўрганиш) машқларини одатда талабаларда мураккаб бўлмаган оддий ишчи ҳаракатларни бажариш босқичида қўлланилади. Бу машқлардан сўнг бирорта маҳсулотни тайёрлаш кўзда тутилади. Булар пайрахани намунавий олиш, станокни берилган режимга ростлаш, кесувчи асбобни қўл ёки механик узатиш орқали етказиш. Ўрганиш машқлар тез қайтарилиши ва кўп марталиги билан характерланади.

-ўқув ишлаб чиқариш машқлари кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг иккинчи ва учинчи босқичлари асосини ташкил

қилади. Бу машқлар давомида ўқувчилар металлларга ишлов беришни усул ва операцияларни ўрганилади ва амалий натижалар тайёрлашга тайёр бўлишади;

-ишчи машқларни ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида базавий корхоналарда ўтказишади. Бунда ўқувчиларда юқори даражали мустақиллик намоён бўлади. Бу машқлар ишлаб чиқаришга қўйиладиган техникавий талабларни бажаришга йўналтирилган.

-маҳсус машқлар меҳнат ҳаракатларини хусусиятларини белгиловчи малака ва кўникмаларни ўстиришга қаратилган бўлади. Масалан, мураккаб шаклга эга бўлган юзаларни токар станокда ишлов беришда қўл ҳаракатларининг аниқ бўлиши керак. Бу мақсадда аввал тренажёрлардан фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Мустақил ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш

Касб таълими методи бўлган мустақил ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришдан ўқувчиларнинг машқлар жараёнида ҳосил қилган меҳнат ва касб кўникмалари, малакаларни тўла-тўқис шакллантириш, янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланилади.

Мустақил ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш вақтида ўқувчилардан мустақиллик намунасини кўрсатишни, ишда зарур аниқликка, меҳнатни ташкил этишда пухталиқка, оз жисмоний ва ақлий меҳнат сарфлаган ҳолда ишнинг унумли бўлиши ва унга ижодий ёндашишга риоя қилишни талаб этиш лозим.

Меҳнат бўйича амалий машғулотлар доирасида мустақил ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш дарснинг бошқа қисмларга нисбатан кўп вақт олади. Бинобарин, машғулотнинг бу қисми талабаларнинг меҳнат ва касб таълими ҳамда тарбиясига оид кўпгина масалаларни ҳал қилишда етакчи роль ўйнайди.

Қуйидаги шартлар мавжуд бўлгандагина талабаларнинг мустақил ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда таълим-тарбия муваффақиятларига эришиш мумкин:

1. Талабалар бажарадиган ишнинг мазмунини яхши тушунишлари ва уни бажариш тартибини аниқ тасаввур қилишса;
2. Талабалар топшириқни қандай асбоб-ускуналар билан бажариш кераклигини, уларнинг тузилиши ва ишларига оид хусусиятларини, уларни иш режимига мослаш усулларини ва ишдаги нуқсонларининг олдини олиш чораларини билишса;
3. Иш ўрнини тўғри ташкил этиш, бунинг учун иш ва ўлчов асбобларини, заготовкларни, технология ҳужжатларини тўғри жойлаштириш усулларини билишса;
4. Бракнинг типи ҳолларини, унга барҳам бериш ҳамда тузатиш усулларини билсалар;
5. Ишни бажаришнинг ҳамма босқичларида унинг сифатини назорат қилишнинг энг оқилона усулларидадан фойдалана билсалар;

6. Хавфсизлик техникаси, саноат санитария ва меҳнат гигиенаси қоидаларига риоя қилиш зарурлигини билсалар.
7. Топшириқларни бажариш изчиллигини ва унинг натижаларини таҳлил қила билиш ва ҳулосалар чиқаришга эришсалар.

Талабаларнинг ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш вақтидаги мустақиллиги типик ишларни бажариш вақтида, яъни ташқи кўриниши жиҳатдан ҳам, тайёрлаш технологияси жиҳатдан ҳам кўпгина умумийликка эга бўлган ишларни тайёрлашда кўпроқ намоён бўлиши лозим. Бундай ҳолда, масалан, металлни тискиларда қирқиш вақтида (ўқувчилар плитада қирқишни ўрганиб олганлар) ўқитувчи инструктаж ўтказишни қуйидаги режа асосида суҳбат ўтказиш билан алмаштириш мумкин.

Ишлаб чиқариш таълими методларини танлаш кетма-кетлиги

1. Ишлаб чиқариш таълими дастурлари мазмуни дидактик таҳлили. Бунда стандарт талаблари асосида:

-ўқувчиларнинг ўзлаштириши зарур бўлган билимлар тизимини ажратиш;

-ўзлаштириш даражасини аниқлаш (танишиш, ўзлаштириш, ижодкорлик);

-билимлар тизимини туркумлаштириш (илмий факт, ҳодиса, жараён, техник-технологик тушунчалар, илмий назорат, қонун ва қоидалар);

-касбий билимларни шакллантириш учун зарур бўлган билим, малака ва кўникмалар тизимини ажратиш;

-меҳнат функциялари натижасида шакллантирилган малака ва кўникмаларни таҳлил этиш;

-ўқувчилардан маънавий-маърифий хусусиятларни шакллантиришга оид ўқув материалларини танлаш ва баҳолаш;

2. Касбнинг истиқболи ва бу билан боғлиқ бўлган талаблар таҳлилида касб эгасига қўйиладиган талаблар, унинг бошқа касб билан ўрнини алмаштира олиш имконияти, касбий фаолиятининг истиқболи ва шунга ўхшаш келажак билан боғлиқ масалалар.

3. Келажакдаги касбий фаолият шароити таҳлили. Бунда ишлаб чиқариш тури (шахсий, кичик сериядаги ёки йирик сериядаги ишлаб чиқариш), меҳнатнинг ташкил қилинганлик шароити, ишлаб чиқаришнинг механизациялашган ёки автоматлаштирилган даражаси.

4. Дидактик таҳлил натижасини ҳисобга олиш, яъни ишлаб чиқариш дастури мазмунидан келиб чиқадиган дидактик мақсад: ўқувчиларнинг ўқув-ўрганиш, ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида қўйилган мақсадларга эришиш учун зарур бўлган талабларни бажариш ва ўқувчиларнинг мустақил ишлай олишига эришиш.

5. Асосий дидактик мақсадларга эришишни белгилаш (таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи).

6. Тайёрланаётган бўлажак касб эгаларининг касбий фаолияти шароитида ва бу касбнинг истиқболда ривожланишини ташкил этиб ҳисобга олиш (касбий зарур бўлган ижобий сифат белгилари, билим, малака ва кўникмалар рўйхати).

7. Ишлаб чиқариш таълими даражаларининг аниқ мақсадларини шакллантириш, ифодалаш.

8. Уйга берилган топшириқни текшириш. Ўқувчилар билими ва кўникмалар даражасини текширишнинг бу методи бутун текшириш системасида асосий методларидан бири ҳисобланади.

Психологларнинг тасдиқлашларича, ўқув материални китоб бўйича ёки ўқитувчининг сўзларидан эслаб қолиш йўли билан бир марта ишлаб чиқилганда, ҳатто кучли ўқувчилар ҳам унинг тахминан 70-75 % ини яхши ўзлаштиришга муваффақ бўладилар. Демак, уйга берилган топшириқларни текшириш, назорат нинг бошқа методлари билан бир қаторда, ўқув материални ўзлаштириш сифатини оширишда ҳал қилувчи ахамиятга эгадир.

Уйга берилган вазифаларни текшириш вақтида фақат бир методга кўпроқ эътибор бериш ва бошқа самаралироқ методларни инкор этиш яхши натижаларга олиб келмайди.

9. Амалий-лаборатория ишларини текшириш. Амалий – лаборатория ишлари таълим методи сифатида ўқувчиларда мустақиллик даражаси, топшириқларнинг тўғри бажарилганлигини, бажарилган ўлчовлар, тузилган эскизлар, чиқарилган хулосаларнинг тўғрилигини текширади ва қайд қилади.

Шундай қилиб амалий-лаборатория ишлари жараёнида ўқитувчининг текшириши натижасида аниқланган маълумотлар ва тайёрланган ёзма ҳисоботларнинг натижаларини бутун гуруҳ иштирокида муҳокама қилиш, йўл қўйилган камчиликларни кўрсатиб ўтиш ва умумлаштириш зарур.

Техник вазифаларни ҳал қилишни текшириш.

Касб таълимида муаммоли таълим методлари

Касб таълими дарсларидаги муаммоли таълимнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, ўқувчиларга билимлар тушунтириш-тасвирлашга асосланган таълимдаги каби тайёр ҳолда баён қилинмайди, балки улар олдига мустақил ҳал этиш учун битта ёки бир қанча муаммолар қўйилади. Мустақил изланиш жараёнида ўқувчилар ҳосил қилган илмий-техник билимлар етарли даражада мустаҳкам, анланган бўлади.

Муаммоли таълим ўз навбатида дидактикага янги атамаларни, яъни «Муаммоли вазият», «муаммо», «билишга оид вазифа» ва ҳақозо атамаларни киритишни талаб қилади.

Муаммоли вазият анланган қийинчилик бўлиб, уни енгил йўллари номаълум бўлади, уларни излаш талаб қилинади. Муаммо шундай вазиятки, уни ўқувчиларда мавжуд бўлган воситалар

(билимлар, кўникмалар, излаш фаолияти тажрибаси) асосида ҳал қилиш мумкин. Шунинг учун ҳар қандай муаммо вазиятни ўз ичига олади, лекин ҳар қандай масала муаммо бўлавермайди. Билишга оид вазифа шундай муаммоки, уни муайян шароитда ёки параметрларда ҳал қилиш мумкин. Бундай вазифанинг мазмунида шундай муаммо ётадики, маълум нарса ўртасидаги зиддият унинг пайдо бўлишига олиб келади.

Муаммоли таълим учта методларнинг мустақил ижодий фаоллигига нисбатан қўйиладиган талаблар асосида қуйидаги тартибда жойлаштирилади.

а) ўқув материални муаммоли баён қилиш.

б) изланишга оид суҳбат ўтказиш.

в) тадқиқотчилик методи.

Ўқув материални муаммоли баён қилиш. Бу методдан фойдаланишда ҳақиқатни излашни (билишга оид вазифани ҳал қилишни) ўқитувчининг ўзи амалга оширади. Бунда у муаммонинг моҳиятини ва унинг асосида чиқарилган якуний ҳулосаларни маълум қилиш билан чекланмай, бу муаммонинг пайдо бўлиш манбаларини, унинг учун нима сабаб бўлганлигини, уни ҳал қилиш жараёни қандай бўлишини, бунда қандай қийинчиликларга дуч келгани ва ҳакозоларни батафсил баён қилади.

Бу методнинг педагогик қиммати шундан иборатки, ўқувчилар ўқитувчи (уста)нинг қизиқарли гапларига берилиб, диққат билан қулоқ соладилар. Улар гўё мазкур тадқиқотнинг иштирокчиларига айланиб қоладилар ва тадқиқотчи билан биргаликда муваффақият қувончларини ҳамда мағлубият аламларини бирга бошдан кечирадилар.

Демак, ўқув материални муаммоли баён қилишда ўқувчиларнинг янги билимларни эгаллашга мутлақо бошқача кайфият билан қарашлари сезилади, бу эса уларда ижодий фаолликни шакллантириш учун билимларни ахборот тарзида баён қилган вақтидагина бир қадар кучли рағбатлантирувчи восита ҳисобланади.

Ўтмишга ана шундай экскурсия қилиш ўқувчиларга ихтирочиларнинг енгизишига тўғри келган қийинчиликларни тасаввур қилиш имконини беради, гўё улар ихтирочилар билан биргаликда янги конструктив ечимларни излашда қатнашгандек бўладилар.

Янги билимларни муаммоли тарзда баён қилишнинг ўқитувчи томонидан танланган методи ўқувчиларнинг юксак фаоллигини таъминлайди.

Янги илмий-техник билимларни муаммоли баён қилиш-таълим методи бўлган тушунтириш-тасвирлаш методидан изланишга оид суҳбатга ва тадқиқотчилик методига ўтиш усули ҳисобланади.

Изланишга оид суҳбат ўтказиш. Бу методдан фойдаланганда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими ва меҳнат дарсларида ўқув материални ўзлаштиришдаги мустақиллиги ортади. Меҳнат ва касб

таълимига оид бу методнинг моҳияти шундаки, ўқитувчи ўқув материални баён қилганда вақти-вақти билан сўзини бўлиб, ўқувчиларга: «Сиз тадқиқотчининг ўрнида бўлганингизда, бу муаммони қандай ҳал қилган бўлар эдингиз?»-деган савол билан муржаат қилади.

Ўқувчилар муаммони ҳал қилишга оид ўз вариантларини, баъзан жуда содда ва унчалик мукамал бўлмаган вариантларни таклиф этадилар. Лекин бу методик усулнинг бутун аҳамияти шундаки, ўқувчилар ўқитувчини (устани) зўр қизиқиш билан кузатиб борадилар, воқеаларнинг бундан кейинги жараёнини ўзларича олдиндан кўрадилар ва ўқитувчи уларга савол бериб мурожаат қилиши биланоқ, изланишга киришиб кетиш учун тайёр турадилар.

Масалан, ўқув устахонасидаги слесарлик станокларида бажариладиган ишларни (металлни қирқиш, эговлаш ва хоказолар) ўрганишга киришилار экан, ўқитувчи мавзуни ўқувчиларга тайёр ҳолда баён қилиб бермай, балки уларнинг физика курсида қаттиқ жисмлар, пона ва хоказоларнинг хоссалари ҳақидаги билимларга таянади, ўқувчилар олдига янги муаммо қўйиб, уни қўйидагича ифодалайди: «Нима учун металлдан тайёрланган слесарлик зубилос, эгов, қайчи ва бошқа қирқиш асбоблари металлни қирқа олади?» Агар ўқитувчи бу мавзуларни оддийгина қилиб: «Металлни қирқиш», «Металларни эговлаш» ва хоказо тарзда баён қилганда, бу ўқувчиларда дарсга бўлган қизиқишни, ҳиссий кўтаринкиликни вужудга келтирмайди, чунки ижодий фикрлаш ва қўйилган саволларга мустақил жавоб излашга зарурат бўлмайди.

Бу мавзуларни муаммоли шаклда ифодалаш ўқувчиларда алоҳида қизиқиш ўйғотади, чунки унда ўқувчилар ҳал қилиши лозим бўлган зиддият элементи мавжуддир, бир қарашда бир металл билан бошқа бир металлни қирқиш мумкин, деган гапни тасдиқлаш ғалати туюлиши мумкин. Лекин худди ана шу зиддият ўрганилаётган металлнинг аслий моҳиятини, ўқувчилар диққатини жалб қилиши лозим бўлган моҳиятини (асбобсозликда ишлатиладиган ва кўп тарқалган пўлатларнинг маркалари ва физик-механик хоссалари, уларни термик ишлаш, қирқувчи асбобларнинг бурчаклари (геометрияси) ва уларнинг ишлов берилаётган металлнинг қаттиқлигига ва бошқа хоссаларига боғлиқлиги ва хоказоларни) билиб олишга ёрдамлашади.

Шундай қилиб, изланишга оид суҳбатдан меҳнат ва касб таълими методи сифатида фойдаланиш ўқувчилар фаолиятини жадаллаштиришга олиб келади. Шунинг учун ҳам бу метод кўпинча қисман изланиш методи деб аталади. Ўқувчилар учун бу метод қулай бўлиб, тадқиқотчилик методидан фойдаланишда аниқ замин бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотчилик методи. Бу методдан фойдаланганда ўқувчиларнинг бирор муаммони ҳал қилиш вақтида энг юқори

даражага кўтарилган мустақиллигига эришилади. Лекин ўқувчи ўз олдига қўйилган муаммони ҳал қилиш учун уни тўла-тўқис тушуниб олиши лозим. Бу эса ўқувчи ана шу муаммони мустақил ҳал қилишга тайёрланиши лозимлигини билдиради. Ўқувчиларнинг ана шундай тайёрланиш даражасига ўқитувчи таълим жараёнида хилма-хил методлар системасидан ва тушунтириш-кўрсатиш тарзидаги усуллардангина эмас, балки билимларни муаммоли баён қилиш ва тадқиқотчилик методини жорий қилишдаги ўтиш босқичи бўлган изланишга оид суҳбат методидан ҳам фойдаланганда эришиш мумкин.

Ўқувчи муаммони тушуниб олгандан кейин уни ҳал қилишга: кўзда тутилган натижани ифодалашга, уни амалга оширишнинг энг қулай йўллари белгилаб чиқишга, қарорни текширишнинг самарали усуллари таклиф қилишга, сўнгра муаммони ҳал қилишга ва текшириш усулини, хулосаларини ўйлаб ва баён қилишга ҳамда уларнинг тўғрилигини исботлашга киришади.

§ 3.2. Касбий таълимда фаол ўқитиш усуллари мазмунини танлаш, амалга ошириш

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий соҳасидаги ўзгаришлар таълим ислоҳатлари билан чамбарчас боғлиқдир. «Таълим тўғрисида» ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунларига асосан, ўхшаши йўқ, янги турдаги таълим тури ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (ЎМКХТ) шаклланди. ЎМКХТ ўқув муассасаларида юқори малакали ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига эга бўлган кичик мутахасисларни тайёрлаш давлат миқёсида дастурлаштирилмоқда. Шунинг учун таълимнинг моделлари ҳам сифат жиҳатдан ўзгариши керак: замонавий усуллар, воситалар, таълимнинг шакллари ва усуллари таълим олувчиларда қўйидаги хусусиятларни шакллантиришни таъминлашга қаратилган: жараёний маҳоратларни; ахборотлардан мустақил фойдаланиш қобилиятини; муаммони ҳал этишда ижодий ёндошишни; ташкилотчилик кўникмаларини ва ҳоказолар.

Бўлғуси кичик мутахасисларни Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида тайёрлаш даврида ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган ушбу билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, ҳамда таълим олувчиларнинг фикрлаш жараёни ва фаолиятини фаоллаштириш усуллари танлаш энг асосий муаммо бўлган ва шундай бўлиб қолади. Бунинг учун педагогик жараён нимани англатишини кўриб чиқамиз.

Жараён – (лотинча *prozessus* сўзидан олинган бўлиб), олдинга ҳаракат, ўзгариш деган маънони англатади.

Педагогик жараён – таълим берувчи билан таълим олувчи ўртасидаги белгиланган мақсадга эришишга йўналтирилган ва белгиланган натижага олиб келувчи ўзаро таъсир жараёнидир.

Таълим жараёни бевосита қуйидагилар билан боғлиқ:
таълим берувчи билан таълим олувчининг ўзаро муносабатига;
таълим технологияларига.

Усул – (грекча Metodos сўзидан олинган бўлиб, изланиш ёки билиш йўли, назария, таълимот маъносини анлатади) конкрет вазифани ечишга бўйсундирилган, борлиқни амалий ёки назарий ўзлаштириш операцияларининг ёки йўллариининг йиғиндиси.

У таълим технологияларида замонавий усуллар, шакллар, воситаларда муҳим ўринга эга.

Таълим жараёнида усулларсиз, қўйилган мақсадга, белгиланган мазмунни амалга оширишга, билиш фаолиятини фаоллаштиришга, сезиларли натижаларга эришиш мумкин эмас.

Усуллар натижага эришишни таъминлайди. Усуллар таълим мазмунини амалда қўллашни таъминлайди, бунда таълим берувчи фаолиятини ташкил этиш йўли – дарс бериш усуллари дир, таълим олувчининг фаолияти эса – ўрганиш усуллари дир.

Мақсадлар таълим олувчилар билан биргаликдаги фаолиятида воситалар ёрдамида амалга оширилади, усуллар эса, уларни амалий бажарилишини таъминлайди.

Ўқитиш усули – ўқитишда белгиланган мақсадга эришиш учун таълим олувчи ва таълим берувчининг ўзаро боғлиқ фаолиятини ташкил этишнинг тартибга солинган усули дир.

Дарс бериш усуллари – таълим берувчининг фаолиятини ташкиллаштириш воситаси дир, ўқитиш усуллари эса, таълим олувчининг фаолиятини ташкил қилиш воситаси дир.

Таълим мақсадларига эришиш бўйича ўқувчи ва ўқитувчининг биргаликдаги иш фаолиятини ташкил қилиш таълим усуллари тизимини қуйидаги белгилари бўйича гуруҳларга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳ – ўқувчиларнинг ўзлаштириш, тушуниб етиш, билимини мустаҳкамлаш бўйича перцептив (Перцептив-ўзлаштириш) иш фаолиятини таъминлайдиган, тайёр ҳолатда ўқувчиларга баён қилинган ўқитиш ва билим олиш усуллари:

- маъруза, ҳикоя, тушунтириш;
- намойиш, иллюстрация, видеоусул.

Иккинчи гуруҳ – ўқувчиларнинг билимини ўзлаштириш, сингдириш, мустаҳкамлаш бўйича репродуктив фаолиятни таъминловчи, маҳорат ва малакани алгоритм (намуна) бўйича ўқитувчиларнинг бевосита бошчилигида ташкил этишга асосланган ўқитиш ва билим олиш усуллари:

- китоб билан ишлаш;
- лаборатория усули;
- оғзаки ёки ёзма, амалий машқлар.

Учинчи гуруҳ – таълимга муҳокама ва ривожлантирувчи характер берувчи, таълим олувчиларни маҳсулдор фаолиятини таъминловчи дарс бериш ва ўқитиш усуллари:

- ўқув суҳбати;
- давра суҳбати;
- баҳс;
- мияга ҳужум (брейнсторминг);
- ишбилармон ёки ролли ўйин;
- «пинборд»;
- баҳолаш.

Туртинчи гуруҳ – ўқувчилар томонидан муаммони тушунтириш ва ечиш, мустақил билим олишни кучайтирадиган ва шунга ундайдиган усуллар:

- муаммоли топшириқлар усули;
- индивидуал (амалий) усул;
- ўз-ўзини аттестация қилиш;
- лойиҳалаш усули;
- вазиятларни ўрганиш.

Таълим усуллари гуруҳи моҳияти ва мазмуни

1. Маъруза, ҳикоя, тушунтириш – ўқув материални баён қилиш усули вербал (лот.т. Verbalis – оғзаки) ҳисобланади. Одатда бу усуллар намоёиш, видеоусул, кўргазма усуллари билан қўшилган ҳолда олиб борилади. Улар ўқувчиларнинг билимини ўзлаштириш, эслаб қолиш ва тушунишга қаратилган рецептив фаолиятни таъминлаб беради ва ўқувчи томонидан тайёр ҳолда баён этилади.

1.1. Маъруза – катта ҳажмдаги ўқув материални нисбатан узоқ вақт давомида монологик баён этиш. Бу усулнинг асосий вазифаси - таълим бериш, ўргатишдир.

Бу усулнинг самарадорлик шартлари қуйидагилардан иборат:

- маърузанинг батафсил режасини тузиш;
- маъруза режасини эшиттириш;
- режанинг ҳар бир пунктини ёритишдан сўнг қисқача умумий хулоса қилиш;
- маърузанинг бир қисмидан бошқа қисмига (бўлимига) ўтишида мантиқий боғлиқликни таъминлаш;
- муаммоли (проблемали) баён қилиш;
- ёзиб олиш зарур бўлган жойларни ажратиш (ёздириш);
- маърузаларни унинг алоҳида ҳолатларини батавсил таҳлил қилиш имконини берувчи семинар машғулотлари ва амалий машғулотлар билан қўшиб олиб бориш.

Маъруза ўтказишнинг фаол услубларига: муаммоли маърузалар; маъруза – конференциялар; конспектсиз маърузалар – фикрни сўз билан ифодалаш; муаллифлик маърузалари; маъруза – мунозаралар; қайтар алоқа техникаси қўлланган маърузалар; аниқ вазиятни таҳлил қилиш маърузалари киради.

1.2. Ҳикоя – унча катта бўлмаган, тарифловчи характерга эга бўлмаган, ўқув материални монологик, ҳикоя қилувчи, хабар берувчи баёнидир.

1.3. Тушунтириш – баён қилинаётган материални турли ҳолатларини таҳлил қилиш, тушунтириш, изоҳ бериш ва исботлаш ёрдамида ўқув материални баён қилиш. Бу усуллар биргаликда билимни мантиқий, тартибли, тушунарли, ҳис-ҳаяжонли қилиб етказиш учун қўлланнилади.

1.4. Намойиш – ўқувчиларни табиий ҳолатда ҳодисалар, жараёнлар, объектлар билан кўргазмали – ҳиссий таништириш. Бу усулнинг етакчи вазифаси – ўқитиш. Намойишдан ўрганилаётган ҳодисалар динамикасини очиб бериш учунгина фойдаланиш мумкин. Бу усул бирор нарсанинг ташқи кўриниши билан таништириш, унинг ички тузилиши ёки шунга ўхшаш нарсалар қаторидаги ўрни билан таништиришга хизмат қилиши мумкин.

Намойиш усулининг таълимий функцияси самарадорлигини таъминлаш қуйидагиларга боғлиқ: объектларни тўғри танлаш; ўқувчилар диққатини намойиш қилинаётган ҳодисаларнинг муҳим тарафларига йўналтириш; намойиш жараёнини шундай ташкил қилиш керакки, ўқувчилар намойиш қилинаётган объектларни нафақат кўз билан кўра билишлари, иложи бўлса, уларни барча сезиш аъзолари билан қабул қилишлари лозим; ўқувчилар эътиборини имкони борича объектнинг муҳим тарафларига жалб этиш; ўқувчиларга объектнинг ўрганилаётган сифатларини мустақил ўлчаш имконини яратиш.

1.5. Иллюстрация – ҳодиса, нарса, жараёнларни тасвирий шаклда схема, репродукция, ясси моделлар ёрдамида кўрсатишдир.

Бу усулнинг асосий вазифаси – ўргатиш. Иллюстрация усулининг воситаси бўлиб суратлар, жадваллар, рангли хариталар, альбомлар ва атласлар хизмат қилади.

Кўргазма қуролларини ва иллюстрация шаклларини танлаётганда унинг билим олиш жараёнидаги таълим тарбиявий вазифасини, жойини ва ролини пухта ўйлаб кўрмоқ лозим. Тажриба шуни кўрсатдики, катта хажмдаги иллюстрация материаллари ўқувчини ўрганилаётган ҳодисаларнинг туб моҳиятини аниқлашдан чалғитади.

Иллюстрацияларни олдиндан тайёрлаб қўйилади ва улардаги ўқитиш жараёнида керак бўлгандагина кўрсатилади.

1.6. Видеоусул – ахборотни кўпроқ кўргазмали ўзлаштиришга асосланган бўлиб, унда кинескоп, кодоскоп, проектор, киноаппарат, ўқув телевидениеси, видеомагнитофон, ахборотни дисплейда акс

эттирувчи компьютерлардан фойдаланилади. Ўқув жараёнида видеоусулдан фойдаланиш, таълим - тарбиявий вазифаларни унумли ечишини таъминлайди, яъни:

- Янги билимларни баён этиш, яъни жуда секин кечадиган жараёнлар билан танишиш, бевосита кузатиш мумкин бўлмаган (ўсимликлар ўсиши, суюқликда диффузия ҳодисаси ва ҳ.к.), шунингдек, тез содир бўладиган жараёнлар, бевосита кузатишлар ҳодисаларнинг моҳиятини очиқ бера олмаган ҳолда (қайишқоқ таналарнинг урилиши, моддаларнинг кристалланиши ва ҳ.к.) қўлланилади;
- Мураккаб механизмлар ва машиналарнинг ишлаш тамойилларини динамикада тушунтириш;
- Турли хил иш фаолиятини бажариш алгоритминини тушунтириш;
- Чет тили дарсларида ўзига хос тил муҳитини яратиш;
- Видеохужжатларни тақдим этиш;
- Машқ қилиш ишларини бажариш, жараёнларни моделлаштириш, керакли ўлчамларни олиб бориш;
- Ўқув-машқ ва тадқиқот ишларини олиб бориш учун маълумотлар базасини (банкни) яратиш;
- Таълимни ташкил қилишга дифференциялашган ёндошувни ташкил қилиш ва б.

2. Китоб билан ишлаш, лаборатория усули, машқлар. Ушбу гуруҳ усуллар, ўқувчиларнинг нафақат тайёр билимларини ўзлаштириши ва хотирада сақлаб қолиши, балки, бевосита таълим берувчининг раҳбарлиги остида алгоритм (наъмуна) бўйича ҳаракатларни бажариш маҳорати ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилган репродуктив фаолиятни таъминлашга хизмат қилади.

Китоб билан ишлаш усули барча функцияларни бажаради: таълим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш, асослаш.

Китоб билан ишлаш усулига қуйидагилар киради: унинг тузилиши билан танишиш; кўз югуртириб чиқиш; алоҳида бобларни ўқиш; саволларга жавоб қидириш; материални ўрганиш; реферат ёзиш; қисқача баён тузиш; вазифа ва машқларни ечиш; тест синовларини бажариш; материални хотирада сақлаб қолиш.

2.2. Лаборатория усули – бу шундай таълим усулики, унда ўқувчи ўқитувчи раҳбарлигида олдиндан белгиланган режа асосида тажрибалар ўтказди ёки амалий вазифаларни бажаради. Лаборатория усулининг асосий функцияси – ўргатиш ва ривожлантириш. Бу усулни қўллаш билан, биз ўқувчиларда қуйидаги имкониятларни таъминлайди:

- асбоб-ускуналардан фойдаланиш кўникма ва малакаларини эгаллаш;
- мустақил тадқиқотнинг янги йўллари танлаш ва маълум бўлганларини текшириш;

- амалий малакаларни эгаллаш: ўлчаш ва ҳисоблаш, натижаларни қайта ишлаш ва илгари олинганлари билан таққослаш.

Айниқса, муаммоли (тадқиқий) лаборатория усули самаралидир, бунда ўқувчилар ўзлари гипотезани илгари сурадилар, уни амалга ошириш йўлини аниқлайдилар, керакли асбоб-ускуналар ва материалларни танлайдилар.

Лаборатория усули мураккабдир. У, махсус ва кўпинча қиммат ускуналар бўлишини, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг пухта тайёргарлик кўришини талаб қилади. Ундан фойдаланиш жуда кўп энергия ва вақтни сарфлаш билан боғлиқ. Лаборатория иши вақтида ўқувчилардан намоиш усулига қараганда анча катта фаоллик ва мустақиллик талаб қилинади, улар бу ерда суст кузатувчи бўлиб эмас, тадқиқотларнинг қатнашчиси ва бажарувчиси сифатида ҳаракат қиладилар.

2.3. Машқ - таълим усули бўлиб, ўтилган материални амалиётда қўллаш мақсадида, режа билан ташкил этилган амалларни кўп маротаба бажаришдир.

Бу усулнинг асосий функциялари: ўргатувчи ва ривожлантирувчи. Ушбу усулнинг афзаллиги шундан иборатки, у, кўникма ва малакаларни самарали шакллантиришни таъминлайди, камчилиги-мотивацион функцияни суст бажаришдадир.

Машқларни қуйидаги турлари мавжуд: махсус; шарҳланган; ёзма; оғзаки; ишлаб чиқариш – меҳнат; лаборатория – амалий.

Шарҳланган машқлар ўқув жараёнини фаоллаштиришга, ўқув вазифаларни онгли равишда бажарилишига хизмат қилади. Уларнинг моҳияти шундан иборатки, ўқитувчи ва ўқувчилар бажарилаётган ишларни шарҳлайдилар, натижада улар ўзлаштирилади ва тушуниб етилади. Аввал бунга энг яхши ўқувчилар жалб этилади, кейин эса материални тушунтиришда бутун гуруҳ иштрок этади. Шарҳланган машқлар усули ўқув машғулотининг юқори суръатини таъминлайди, материални барча ўқувчилар томонидан онгли равишда, мустақам ўзлаштирилишига ёрдам беради.

Оғзаки машқлар таълим олувчиларнинг нутқ маданияти ва мантиқий тафаккурни тараққий эттириш, уларнинг билим имкониятлари билан боғлиқ.

Ёзма машқлар. Уларнинг асосий вазифаси – керакли кўникма ва малакаларни шакллантириш, чуқурлаштириш ва мустақамлашдан иборат. Шунинг учун, улар етарли миқдорда ва ҳар хил бўлиши керак.

График машқлар математика, физика, чизмачилик, география, расм дарсларида, ишлаб чиқаришни ўрганиш жараёнида ишлатилади.

Лаборатория-амалий машқлари меҳнат қуролиларидан, лаборатория асбоб-ускуналаридан (жиҳозлар, ўлчов аппаратлари) фойдаланиш малакаларини эгаллашга имкон беради, конструкторлик-техник маҳоратни ривожлантиради.

Ишлаб чиқариш-меҳнат машқлари ўқув ва ишлаб чиқариш характеридаги алоҳида ишлаб чиқилган тармоқни ташкил этади. Улар оддий ва мураккаб бўлади: биринчиси – алоҳида меҳнат усулларини бажариш машқлари, иккинчиси – ишлаб чиқариш – меҳнат ишларини бутунлигича ёки уларнинг талай қисмини (станокларни созлаш, детал қисмларини тайёрлаш ва ҳ.к.) кўзда тутилган.

3. Суҳбат, баҳс, мияга ҳужум, ишбилармонлик ўйини. Булар таълим олувчиларнинг сермахсул фаолият кўрсатишларини таъминловчи, таълимга муҳокама қилувчи ва ривожлантирувчи тус берувчи дарс бериш ва ўқитиш усуллари дидир.

3.1. Суҳбат – ўқитиш ва ўқишнинг диалогик, савол-жавоб усули.

Бу усулнинг етакчи функцияси – мотивация қилиш: аниқ мақсадни кўзда тутадиган ва моҳирона қўйилган саволлар ёрдамида ўқитувчи ўқувчиларни ўз билимларини берилган мавзу бўйича эсга олиш ва баён этишга, бошқа ўқувчилар билан муҳокама қилишга ундайди.

Суҳбатнинг афзаллиги яна шундан иборатки, у, фикр юритишни максимал фаоллаштиради, ўқувчининг билим олиш кучини тараққий эттиришга имкон беради. Белгиланган мақсади бўйича суҳбатлар қуйидагиларга бўлинади:

- кириш ёки ташкил қилувчи (дидактик вазифаси: ўқувчиларни машғулотда ишлашга тайёрлаш);
- янги билимлардан хабардор қилиш (дидактик вазифаси: ўқувчиларни янги материал билан таништириш);
- синтезловчи ёки мустаҳкамловчи (дидактик вазифаси: таълим олувчилар томонидан билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш, эслаб қолиш ва англаш).

3.2. Мунозара фаол таълим усули бўлиб, муҳокама, маълум муаммо бўйича фикр алмашинув кўринишида ўтади. Мунозара усули барча функцияларни бажаради. Ушбу усулдан қуйидаги мақсадлар учун фойдаланади: янги билимларни шакллантириш; ўқувчиларда у ёки бу саволларни чуқур ўйлаб кўриш, туб маъносига етишга мотивацияни таъминлаш; ўқувчиларга дадил ва дадилга асосланган хулоса орасидаги фарқни тушуниб етишни ўргатиш; коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, ўқувчиларга ўз фикрида мустаҳкам туриш ва уни ҳимоя қилишга ёрдам бериш.

Мунозара ривожланиши мумкин, қачонки: эркин мунозара бўлса; ёки бирор йўналишда – бошқариладиган мунозара бўлса.

3.3. Мияга ҳужум - ғояларни генерация қилиш усули. қатнашчилар бирлашган ҳолда қийин муаммони ечишга ҳаракат қиладилар: уни ечиш учун шахсий ғояларни илгари сурадилар (генерация қилади).

Бу усул барча функцияларни бажаради: лекин унинг асосий вазифаси – муаммони мустақил тушуниш ва ечишга таълим олувчиларни мотивациясини уйғотиш.

3.4. Пинборд (инглизчадан: pin-мустаҳкамлаш; board-доска). Бу ўқитиш услубининг моҳияти шундан иборатки, унда мунозара ёки ўқув суҳбати амалий усул билан боғланиб кетади. Унинг афзаллик функциялари – ривожлантирувчи ва тарбияловчи вазифадир: ўқувчиларда мулоқот юритиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади, ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади.

3.5. Ишбилармонлик ёки ролли (вазиятли) ўйинлар – муаммоли вазифанинг бир туридир. Фақат бу ўринда, матнли материал ўрнига ўқувчилар томонидан роллар ўйналадиган ҳаётий вазият саҳналаштирилади.

Ишбилармонлик ва ролли вазиятли ўйинлар ўқув усули сифатида қуйидаги вазифаларни бажаради: ўргатувчи: умумтаълим маҳоратни шакллантириш; ижодий қобилиятни ўстириш; шу жумладан: янги вазиятларни тушунтириш, аниқлаш вав таҳлил қилиш; ривожлантирувчи: мантиқий тафаккурни, нутқни, атроф-муҳит шароитига ўрганиш қобилиятини ўстириш; мотивацион: ўқувчиларни ўқув фаолиятига ундамоқ, мустақил хулосага келишига рағбатлантирмоқ; тарбиявий: масъулиятни, коммуникативликни шакллантириш.

Ролли ўйин, ишбилармонлик ўйини каби, вазиятда кўрсатилган муаммони ечиш бўйича қатнашчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришларига асосланган. Мавзу қатнашчиларнинг биттамажбурий мақсадлари бор – муаммони ечиш. Ролли ўйин қатнашчиларининг ҳар бирини мақсади - ғалаба қозониш, ўзини кўрсатиш.

Ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган ўйин мумкин қадар ҳаётий бўлиши керак, лекин қатнашчилар учун жуда мураккаб ва қийин бўлмаслиги лозим.

3.6. Бунда таълим оловчилар мақсадга қай даражада эришганликларини аниқлайдилар. Таълим оловчилар таълим берувчи орқали ёки ўзаро бир-бирини баҳолашади.

4. Муаммоли вазифалар усули, индивидуал (амалий) усул, лойиҳалар усули.

4.1. Муаммоли вазифалар усули – ўқувчиларга муаммоли вазиятларни ва уларнинг фаол билиш фаолиятини ташкил этишга асосланган усулдир. У аниқ вазиятларни таҳлил қилиш, баҳолаш ва кейинчалик қарор қабул қилишдан иборат. Бу усулнинг етакчи функциялари: ўргатувчи: билимларни актуаллаштириш; ривожлантирувчи: таҳлилий тафаккурни, алоҳида фактлар орқасидаги ҳодиса ва қонунийликни кўра билишга шакллантириш; тарбияловчи: коммуникатив кўникмаларни шакллантириш.

Муаммоли вазифалар усули ўқувчиларнинг мустақил ишларини мураккаблаштиришга, илмий тушунчаларни, амалий кўникма ва

малакаларни шакллантириш асосида ётган у ёки бошқа материални чуқур мантиқий таҳлил қилишга асосланган.

Муаммоли вазиятларни яратиш усулларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўқувчиларни қарама-қаршилик томон олиб борасиз ва унинг ечимини мустақил равишда ўзлари топишларини таклиф этиш;
- амалий фаолиятда дуч келадиган қарама-қаршиликни маълум қилиш;
- бир саволга турли нуқтаи назардан қарашни баён қилиш;
- ўқувчиларга ҳодисани турли вазият орқали кўриб чиқишни таклиф этиш (масалан, ҳуқуқшунос, молиячи, ўқитувчи ва ҳ.к.);
- ўқувчиларни ўқитувчи таклиф қилган вазиятни таққослашга, умумлаштиришга, ҳулосалар чиқаришга, фактларни солиштиришга даъват этиш;
- аниқ саволлар қўйиш (умумлаштирувчи, асословчи, аниқлашга, мантиқий фикр юритишга);
- муаммоли назарий ва амалий вазифаларни белгилаш (масалан, илмий-текшириш);
- муаммоли вазифаларни қўйиш (масалан, ортиқча ёки етарли бўлмаган дастлабки маълумотлар билан, саволни қўйишда ноаниқлик билан, қарама-қарши маълумотлар билан, билиб қилинган хатолар билан, белгиланган вақт ичида, руҳий сустрликни енгиш ва ҳ.к.).

4.2. Индивидуал (амалий) усул. Индивидуал (амалий) усул лаборатория усулидан шуниси билан фарқланадики, унда кўпинча, ўқувчилар фаолиятида олинган билимлар вазифасини ечишга қаратадилар. Назарий амалда тадбиқ қила билиш биринчи ўринга чиқади. Ушбу усул билимни, маҳоратни чуқурлаштириш вазифасини бажаради, шунингдек, ўрганиш фаолиятини кучайтиришни таъминлайди. Амалий усул ўқувчиларни вазифаларни виждонлик билан бажаришга, меҳнат жараёнини пухта ташкил этишга бошқа усуллардан кўра кўпроқ кўмаклашади. (иш сифатини синчиклаб текшириш, ҳулосаларни таҳлил қилиш).

4.3. Лойиҳалар усули билим ва малакаларни, таҳлил қилиш ва баҳолашни амалий қўллашни назарда тутувчи таълимнинг мажмуавий усулини амалга оширади. Бошқа усулларга қараганда, бу усулда ўқувчилар режалаштиришда, ташкил қилишда, текширишда, таҳлил қилишда ва бажарилган ишнинг натижаларини баҳолашда кўпроқ иштирок этадилар.

Лойиҳалар усулида таълим беришда фақат натижалар эмас, балки жараённинг ўзи кўпроқ қимматлироқдир. Лойиҳа индивидуал бўлиши мумкин, лекин, одатда ҳар бир лойиҳа ўқув гуруҳининг биргаликдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир.

Лойиҳа бир фанга оид, фанлар орасида ёки фандан ташқари бўлиши мумкин.

Лойиҳа устида ишлаш жараёнида, ўқитувчининг фаолияти куйидагилардан иборат бўлади: ўқувчиларга ахборот қидиришга ёрдам бериш; ўзингиз ахборот манбаи бўлишингиз; бутун жараёни мувофиқлаштиришингиз; ўқувчиларни қувватлашингиз ва тақдирлашингиз; узлуксиз қайтар алоқани қўллаб-қувватлашингиз.

Таълим усуллари танлаш

Ўқитиш усуллари танлашда асосий эътиборни таълим мақсади ва вазифаларига қаратилмоғи лозим. Чунки, ўқитиш усуллари билан таълим мақсади ўзаро боғлиқлик мавжуддир ва таълим мақсади ўртасида яқин ўзаро боғлиқлик мавжуд.

Ҳар қандай таълимнинг мақсади – билимни ҳамда уни амалда қўллай билиш кўникмалари ва малакаларини шакллантириш, шунга зарур шахс сифатлари ва кўрсатмаларини ишлаб чиқиш. ўқув фаолияти ҳаракатида мақсаднинг барча компонентлари амалга ошар экан, турли усуллари биргаликда қўллаш зарур. Шунинг учун, усул танлашда энг асосий омил бўлиб аниқ ўқув машғулотининг дидактик вазифаси хизмат қилади.

Шуни эътиборга олиш керакки, Усул танлаш нафақат мақсаддан, балки ўқув материал мазмунига ва бу фанни қанчалик қийин деб ҳисоблашга боғлиқ.

Ўқув усулини танлашда унинг самарадорлигини эътиборга олиш ҳам аҳамиятга эга.

3-расмда ўқитиш «пирамидаси» кўрсатилган, ўқувчиларнинг ахборотни эслаб қолиш кўрсаткичларига ўқитиш усуллари таъсири куйидаги ўқитиш пирамидасида акс эттирилган.



Ахборотни эслаб қолиш

Ўқитиш пирамидаси

1	Маъруза, доклад	- 5%
2	Ўқиш	- 10%
3	Видео, расм, кўргазмаларни кўриш	- 20%
4	Тажрибани намойиш қилиш	- 30%
5	Мунозара	- 40%
6	Машқ	- 50%
7	Ишбилармон ўйин, лойиҳа усули	- 75 %
8	Бошқаларни ўқитиш	- 90%

Психологлар, вербал (оғзаки) ўқув усулларидан фойдаланганимизда (маъруза, ҳикоя, тушунтириш) ўқувчилар маълумотнинг 5% ни эслаб қолишларини исботлаганлар.

Китоб ўқиш маълумотнинг 10% ни сақлаб қолишга имкон беради, видеофиль, расм, кўргазмали қуролларни кўриш, кўрган маълумотларни 20% ни ўзлаштиришни таъминлайди.

Лойиҳалаш усули ва ишбилармонлик ўйини энг самарали ҳисобланади, бунинг натижасида ўқувчилар онгида маълумотнинг 75% и сақланиб қолади. Лекин ўқув-амалий машғулотларнинг ўқувчилар томонидан олиб борилиши ундан ҳам самаралироқ ҳисобланади, бунда 90% маълумот ўзлаштирилади.

«Пирамида»да, поғона кўринишида, ўқув натижаларига эришишда ҳар бир усулнинг ҳиссаси кўрсатилган.

«Пирамида» асосида таълим усулларининг энг унумлилари ўрин олган.

Юқорида кўриб чиқилган таълим усулларининг танлаш мезонлари қуйидаги жадвалда келтирилган.

Танлаш мезонлари		
Усуллар	Дидактик вазифалар	Таълим берувчининг вазифалари
Маъруза	Янги материал билан тизимли танишиш, мураккаб тизимлар, ходисалар ва ҳоказоларни баён қилиш	Материални мантиқан тизимли, муаммоли баён этиш, айтиб туриш, нутқ техникасини билиш, таълим олувчиларни педагогик усуллар билан фаоллаштириш.
Ҳикоя тушунтириш	Янги материални баён этиш, тушунтириш, таҳлил қилиш, ҳар хил ҳолатларни дадиллари билан исботлаш.	Ўз фикрларини, мантиқан ишонарли, ҳиссиёт билан ва тўғри баён этиш, асосийсини ажратиш ва унга эътиборни қаратиш.
Намойиш этиш.	Янги материал билан кўргазмали танишиш, тушунчаларни шакллантириш ўрганиш ва англаш, кузатиш, таҳлил қилиш, амалларни бажариш.	Объектни тўғри танлай билиш, унга таълим олувчиларнинг диққатини қаратиш, намойиш этиш техникасини билиш.
Иллюстрация	Тушунчаларни шакллантириш, ўрганилаётган предмет ва ходисаларни муҳим белгиларини очиб бериш.	Энг қулай ҳажмдаги иллюстрация материални танлай билиш, кўрсатиш техникасини билиш.
Видеоусул	Янги материал билан танишиш ва ўрганиш, мустаҳкамлаш, умумлаштириш,	Муаммога олиб киришни билиш таълим олувчилар фаолиятини йўналтириш,

	тизимлаштириш, моделлаштириш кўникмалари	уларга индивидуал ёрдам кўрсатиш.
Китоб билан ишлаш	Танишув, англамоқ, Янги материални ўзлаштириш, билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, реферат ёзиш, ўз-ўзини назорат, мустақил таълим олиш, китоб ўқишга бўлган одатлари, «эркин ўқишни» билиш, конспект қилиш, структуравий-мантиқий схемалар тузиш, таянч конспектлари, адабиётни танлаш кўникмаларини шакллантириш.	Зарур адабиётларни танлаб олиш, конспект қилиш, структуравий- мантиқий схемалар тузиш, Ушбу методни амалга ошириш йўлларини билиш, китоб билан ишлашда дидактик талабларни билиш шва амалга ошириш.
Лаборатория усули.	Янги метериални қабул қилиш, англаш, ўзлаштириш, мустаҳкамлаш ва билимларни чуқурлаштириш, мустақил тадқиқот қилишни билиш муаммоларини рационал ҳал этиш, унумли ижодий тафаккурни ривожлантириш, асбоб-ускуналар билан муносабатда бўлиш, ўлчов ишлари олиб бориш.	Тажриба, эксперимент, изланиш ўтказиш техникасини эгаллаш, лаборатория ускуналари билан ишлаш кўникмалари.
Машқ	Билимларни чуқурлаштириш, ўрганилаётган материални амалиётда фойдаланиш учун маҳорат ва кўникмаларни ишлаб чиқиш, такрорлаш, мустаҳкамлаш.	Ҳар хил турдаги Машқларни бажаришни ташкил этишни билиш.
Сухбат.	Таълим олувчиларни ишга тайёрлаш, ахборот бериш, танишув, тизимлаштириш, мустаҳкамлаш, эсда қолиш, билимларни янада чуқурроқ англаш, ўзлаштириш.	Асосий ва ёрдамчи саволларни ифодалаш, уларни бериш, умумлаштириш ва хулосалар қилиш, савол- жавоб усулининг техникасини эгаллаш.
Давра суҳбати.	Тартиблаштириш, мустаҳкамлаш, эслаб қолиш, чуқурроқ англаш, билимларни ўзлаштириш, билишга қизиқишни рағбатлантириш ва шакллантириш, коммуникация кўникмаларини, ўз фикрларини мантиқан баён этиш, саволларни шакллантириш, хулосаларни аргументлаштириш.	Асосий ва ёрдамчи саволларни шакллантириш, умумлаштириш ва хулосалар чиқариш, савол- жавоб техникасини эгаллаш.
Мунозара.	Билимларни ўзлаштириш, тартибга солиш	Таълим олувчиларини мунозарага тайёрлаш,

	мустаҳкамлаш, билишга қизиқишни, коммуникация кўникмаларини, ўз фикрларини мантииқан баён этиш, саволларни шакллантириш, хулосаларни аргументлаштиришни рағбатлантириш ва шакллантириш.	мунозарани ишлаб чиқиш ва уни бошқариш.
Мияга ҳужум.	Билимларни ўзлаштириш, тартибга солиш, мустаҳкамлаш, билишга қизиқишни рағбатлантириш ва шакллантириш.	Муаммоли масалаларни туғри ифодалашни билиш. Таклифларни тайёрлаш ва аргументли шакллантириш.
Ишбилармонлик ўйини	Саволларни шакллантириш, хулосаларни аргументлаштириш, хулқ-атворни коррекция қилиш, вазиятдан чиқа билиш, тўғри қарор қабул қилиш.	Ишбилармонлик ўйинини режасини тузиш, вазиятни мазмунини ва қатнашувчи шахсларни тавсияномасини ишлаб чиқиш, иштирокчиларнинг ҳаракатларини йўналтириш, яқунлар ясаш, натижаларни баҳолаш.
Пинборд.	Билимларни тартибга солиш ва мустаҳкамлаш, ўз фикрларини оғзаки ва ёзма равишда ифодалашни баён этишни билиш, мантииқий вав тизимли тафаккурни ривожлантириш, муомала маданиятини шакллантириш, мунозара юритиш.	Вазифани ифодалаб бериш, таклиф этилган жавоблар ўртасида ўзаро мантииқий алоқа ўрнатиш, хулосалар чиқариш.
Муаммоли вазифалар усули.	Ўқитишнинг долзарблиги, предметга нисбатан қазақашни шакллантириш, вазиятдан чиқибкета билиш ва тўғри қарор қабул қилиш.	Муаммоли вазифани ишлаб чиқиш, муаммо чегараларини ифодалаб бериш, таълим олувчиларнинг фаолиятини уларни ҳал этишга йўналтириш, яқун ясаш, хулосалар чиқариш.
Индивидуал (амалий) усул	Билимларни ва малакаларни чуқурлаштириш, назарий билимларни амалда қўллаш, билиш фаолиятини Рағбатлантириш, ташкилий компетентлигини, мустақиллигини, шакллантириш.	Махсус тайёргарлик.
Лойиҳалар усули.	Таълимни актуаллаштириш, билимларни чуқур ва ҳар томонлама ўзлаштириш, ўларни амалда қўллаш, таҳлил	Мавзунини аниқлаш ва лойиҳа чегараларини шакллантириш, таълим олувчиларнинг фаолиятини

	қилишни, баҳолашни, ташкилий компетентликни, мустақилликни шакллантириш.	йўналтириш (бошқариш).
--	--	------------------------

Юқорида санаб ўтилган анъанавий ва ноанъанавий таълим усуллари шубҳасиз таълим муассасаларида таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

§ 3.3. Касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларида замонавий дарсга қўйиладиган талаблар Дарс ва унинг турлари.

Дарс деганда ўқитувчининг ўқув гуруҳига (бригадага) уюшган тайёргарлик даражаси бир хил, таркиби ўзгармас ўқувчилар билим машғулоти ўтказиши тушунилади.

Дарс касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларида ҳам таълимни ташкил этишнинг асосий шакли ҳисобланади.

Ҳар бир дарс жараёнининг бир қисми ҳамда билим, кўникма ва малакаларини эгаллашнинг бир бутун мантиқий якунланган босқичидир.

Дидактик мақсадлар бўйича дарснинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. **Янги билимларни ўрганиш дарси.** Бундай дарсларда мавзу ва кўзланган мақсад айтилиб, янги ўқув материали баён этилади ва ўқувчиларнинг мустақил ишлаши уюштирилади, уйга топшириқлар берилади, дарснинг бу хили ўқув материални ўзлаштириш осон ҳолларда ўтказилади.
2. **Умумий ёки аралаш дарс.** Бундай дарсларда ҳар хил дидактик масалалар ҳал этилади-уй топшириқларини ва ўқувчиларнинг билимларини текшириш, янги материални баён қилиш ва бошқалар амалга оширилади. Улар махсус фанларни ўрганишда бир-бирига энг яқин звеноларини ўз ичига олади, бу эса ўқувчилар билимларини пухта ва онгли ўзлаштиришини таъминлаш учун муҳимдир.
3. **Билимларни мустаҳкамлаш дарси.** Бундай дарсларда олдин ўрганилган материаллар юзасидан ўқувчилар билан суҳбатлар ўтказилади, кинофильмлар кўрилади, билимлар эсга солинади, фактлар ва натижалар ўқувчиларнинг хотирасида мустаҳкамланади. Натижада билимлар анча пухталашади.
4. **Синаш-текшириш дарси.** Бундай дарсларда мавзу, бўлим юзасидан оғзаки савол-жаоблар, тест ёрдамида ёзма ки график усулда текшириш ишлари ўтказилади. Улардан кўзланадиган мақсад-ҳар бир ўқувчининг тайёргарлик даражасини асосли баҳолаш учун керакли маълумотлар олиш, яъни билимларни қанчалик онгли ва пухталигини аниқлашдан иборат.

5. **Муаммоли дарс.** Бу дарслардан мақсад ўқувчилар қўйилган муаммоларни еча олиш ёки еча олмаслигини аниқлашдир. Бундай дарслар ўқувчилар махсус фанлардан маълум билим, кўникма ва малакага эга бўлганларидан кейин ўтказилади.

Дарснинг ана шу асосий турлари структураси қуйида келтирилади

I. Янги билимларни ўрганиш дарси: 1. Ташкилий қисм. 2. Янги ўқув материални баён қилиш ва мустакамлаш. 3. Уйга топшириқ бериш. 4. Дарсни яқунлаш.

II. Умумий ёки аралаш дарс: 1. Ташкилий қисм. 2. Уйга топшириқни текшириш. 3. Ўқувчилар билимини оғзаки (якка тартибда) текшириш. 4. Янги ўқув материални баён қилиш. 5. Янги ўқув материални мустаҳкамлаш. 6. Уйга топшириқ бериш. 7. Дарсни яқунлаш.

III. Билимларни мустаҳкамлаш дарси: 1. Ташкилий қисм. 2. Уйга топшириғини текшириш. 3. Ўқувчилардан сўраш, ўқув материални мустаҳкамлаш. 4. Уйга топшириқ бериш. 5. Дарсни яқунлаш.

IV. Синаш-текшириш дарси: 1. Ташкилий қисм. 2. Ўқитувчининг топшириғини текшириш. 3. Ўқувчиларнинг саволларига жавоб бериш. 4. Ўқувчиларнинг топшириқларини бажаришни текшириш. 5. Бажарилган ишлари ўқитувчига топшириш. 6. Уйга топшириқ бериш. 7. Дарсни яқунлаш.

V. Муаммоли дарс: 1. Ташкилий қисм. 2. Муаммони баён қилиш. 3. Муаммони ҳал қилиш йўллари кўрсатиш ва ал этиш. 4. Натижаларни муҳокама қилиш. 5. Ўқитувчининг изоҳлаши ва умумлаштириши. 6. Уйга топшириқ бериш. 7. Дарсни яқунлаш.

Касб-ҳунар таълимида дарсларга қўйиладиган талаблар.

Замонавий дарс, масалан, махсус ва умутехника фанлари бўйича дарс қандай бўлмоғи лозим? Энг аввало, у ҳозирги вақтда педагогика, психология, таълим методикаси эришган ютуқларга асосланиши, шунингдек ўрганилаётган касб соҳасидаги фан-техника тараққиётини жадаллаштириш тенденциясини ҳисобга олиш керак. Унинг мазмуни ва методикаси ҳозирги кунда ўрта махсус, касб-ҳунар муассасалари олдида турган долзарб вазифаларини ҳал қилишга қаратилмоғи лозим.

Замонавий дарсга қўйиладиган талабларни шартли равишда қуйидаги группаларга ажратиш мумкин: ғоявий-сиёсий талаблар, дидактик, психологик, маънавий-ахлоқий, гигиеник, техник талаблар.

Ғоявий-сиёсий талаблар деганда дарсларнинг ғоявийлиги ва ҳаётга йўналганлиги, таълим процессида ҳукумат қарорларини амалга ошириш тушунилади.

Дидактик талаблар - бу дарс яхши режалаштирилган, тайёрланган, ташкил этилган, яхши жиҳозланган бўлиши ва яхши суръатларда ўтказилиш керак.

Дарсни тузишга аниқ мақсадни кўзлаб, илмий асосланган ҳолда ёндошиш – бунда педагог ва ўқувчилар бирга ишлайдиган аниқ шароитнинг энг яхши варианты танланади ва қуйидагилари ўз ичига олади:

- дарс вақтидан тўғри ва рационал фойдаланиш;
- дарснинг мақсад ва вазифаларини белгилаш, асосий ва иккинчи даражали ваифаларни ажратиб олиш;
- умуман ва ҳар бир структура элементи учун ўқув материални белгилаб олиш, ўқитувчи ўқув материални танлашда дарснинг мақсади, касб хусусияти, фан техника тараққиётининг ютуқларини ҳисобга олади;
- асосий дидактик тамойиллари ва ҳозирги замон ишлаб чиқариши талабларини ҳисобга олиш;
- таълимнинг мақбул метод ва приёмларини танлаш, методлар ўрганиладиган предметнинг мақсади, спецификаси, таълимнинг оптимал шароитларини ҳисобга олиб танланади.
- зарур кўргазмали қуроллар ва таълимнинг ўқитиш воситаларини танлаш.

Дарсда ўқувчиларнинг жамоавий ва индивидуал иш формаларини бирга тўғри қўшиб олиб бориш зарур. Ўқитувчи ўқувчиларга тайёр билимларнигина бериб қолмай балки уларни мустақил равишда билимларини тўлдириш ва чуқурлаштиришга ўргатиш, дарснинг барча босқичларида билиш фаолияти ва фаолликни шахсий ва ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш керак.

Дарс пайтида ўқувчиларнинг ўрганилаётган материални ўзлаштириш даражасини доимий назорат қилиш, яъни қайтиш алоқасини ўрнатиш зарур.

Психологик талаблар қуйидагилардан иборат: педагоглар ўқувчиларнинг индивидуал, ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олишлари керак. Масалан, ўқитувчи пастки курсларда одатда таълимнинг асосий шакли сифатида суҳбат, ҳикоя қилиш ва юқори курсларда эса лекция, семинар машғулоти, проблемали характерга эга бўлган топшириқларни танлайди.

Таълимда - алоҳида ёндашиш тамойили ўқитувчилардан ўқувчиларнинг хотира, фикрлаш, тайёргарлик даражаси, ўқишга муносабат, билим юртига кириш сабаблари қизиқиш ва майиллари каби психологик ва физиологик хусусиятларни ҳисобга олишни талаб этади.

Маънавий-ахлоқий талаблар энг аввало педагогнинг шахсиятига тааллуқлидир. Касб таълими ўқитувчиси ахлоқий жиҳатдан қатъиятли, сиёсий жиҳатдан саводли, ғоявий этиқодли, хуш

муомалали бўлиши, ўз касбини, фанини, ўқувчиларни севиши лозим; ўз нутқи, кўринишига эътибор бериши даркор, бундай сифатларга эга бўлган ўқитувчи ўқувчиларни ўз шахсий ибрати, намунали юриштириши билан тарбиялайди.

Гигиеник талабларга ҳарорат режимига, ёритиш нормаларига риоя қилиш, ўқув аудиториялари, кабинет, лаборатория, кўргазмали қуроллар (плакат, диопозитив ва кинофильмлар) нинг эстетик жиҳатдан яхши жиҳозланиши киради.

Дарсга бўлган **техник талаблар** – бу хавфсизлик техникаси, ёнғинга қарши техника, ўсмирлар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича талаблар. Ҳар бир лаборатория, ўқув-устахоналарида полигонда хавфсизлик техникаси ва ёнғинга қарши техника бўйича инструкцияга эга бўлиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, ўқитувчи дарсларни шундай режалаштириши, тайёрланиши, ташкил қилиши ва ўтиши лозимки, бунда ўқувчиларнинг ҳар бир дарсда таълим олиши, тарбияланиши ва билиш хусусиятларини ривожлантириши учун яхши шароит таъминласин.

Замонавий дарснинг мақсадлари

Аристотель эзгулик ҳамма жойда иккита шартга: ҳар қандай фаолиятнинг пировард мақсадини тўғри белгилашга ва унга эришишнинг тегишли восита ва усулларини танлашга боғлиқлиги ҳақида гапирган эди. Дарсни муваффақиятли ўтказиш учун аввало дарсни ташкил қилиш бўйича педагог ифаолиятининг мақсадини, у нимага эришмоқчи эканлигини аниқлаб олиш, кейин мақсадга эришишга ёрдам бериш воситани белгилаш, сўнгра эса мақсадга эришиш учун қандай ҳаракат қилиш усулини аниқлаб олиши зарур.

Мақсад нима? амалий жиҳатдан таърифланганда, мақсад-бу тахмин қилинадиган, олдиндан бирор объектни / бу ўринда ўқувчиларни / ўзгартириш бўйича режалаштирилаётган фаолият натижасидир.

Педагог қачон ва қандай мақсадларни ўз олдига қўяди? Гап дарс ҳақида кетаётган экан, дарсга тайёрланиш вақтида унинг мақсади учта конкрет мақсадга «тақсимланади»: таълим бериш /ўқитиш/, тарбиялаш ва ривожлантириш.

Таълим бериш, тарбиялаш ва ривожлантириш бирлиги принципини М.И. Махмутов **триада** принципи, яъни таълимнинг барча босқичларида яққол сезилиб турадиган ва бир-бири билан боғланган учта принцип деб атайди. Чунончи дарсга тайёргарлик кўриш босқичида бу принцип талаблари шундай ифодаланадики, педагог ўқув материалини таҳлил қилар экан, ўқитиш жараёнида таълим бериш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг ўзаро боғлиқлиги ва бирлигини таъминлашга интилади.

I. Таълимнинг мақсади ўқувчиларда янги тушунчалар ва ҳаракат усулларини, илмий билимлар тизими ва бошқаларни шакллантиришни кўзда тутди. Мақсадни аниқлаштириш зарур. Умумий равишда таълим мақсадининг қуйидаги турларини тавсия қилиш мумкин.

Таълим мақсадини турлари қуйидагилардир: янги тушунчани шакллантириш, ўқувчиларнинг қонунларни, хусусиятлар, белгилар ва хоссаларини билиб олишларини таъминлаш; ҳаракат қилишнинг янги усулини ўргатиш; малакалар (қандай) ҳосил қилиш, ҳаракат қилишнинг маълум усулларини мустаҳкамлаш; ўқувчиларни намуна бўйича топшириқларни бажаришга ёки янги вазиятда билимларни қўлай билишга ўргатиш; дунёқараш ғоялари ва муаммоларини ажратиб кўрсатиш ҳамда турли даражада уларни ўзлаштиришда ёрдам бериш; ўқувчиларни воқеаларга синфий (эстетик) нуқтаи назардан баҳо беришга ўргатиш; уларни муайян хулосага олиб келиш; фанларни ўзлаштиришга эришиш ва бошқалар.

Таълимнинг айтиб ўтилган мақсадларини аниқлаштириш зарур. Бунинг учун, энг аввало, ўқув дастури талабларини, ўқувчилар билими ва кўникмаларининг мазмуни ва ҳажмини, уларнинг ўқишга бўлган муносабатларини ҳисобга олиш зарур. Бошқача қилиб айтганда, таълимнинг мақсадлари мазкур предметнинг объектив имкониятларига, педагогик процессни методик жиҳатдан таъминлашга /дидактик воситалар, таълимнинг техник воситалари ва бошқалар/ ўқувчиларнинг олган дастлабки таълим даражасига мувофиқ қилиши зарур.

Энг асосийси – ҳозирги замон ишлаб чиқаришнинг илмий асосларини, уни интенсифлаштиришнинг етакчи йўналишларини чуқур ўрганиб чиқиш, бунда баъзи корхоналарининг спецификасини ҳисобга олиш зарур, шуни ҳам таъкидлаб ўтамизки, таълим мақсадини ҳар бир дарсда ҳар хил қўйиш шарт эмас, бу мақсадга бир неча дарс давомида эришиш мумкин.

II. Тарбиянинг мақсади ўқувчиларда шахснинг муайян хусусиятлари ва характер сифатларини шакллантиришни кўзда тутди. Психологияда шу нарса аниқланганки, шахснинг бирор сифати ва характерини бир дарс мобайнида тарбиялаб бўлмайди. Тарбия – узоқ давом этадиган жараён.

Умумий тарзда дарсда тарбиянинг қуйидаги мақсадларини тавсия қилиш мумкин.

Ватанпарварликни тарбиялаш: Ватанимиз тарихига оид билимларни ҳозирги вақтда содир бўлаётган муҳим воқеаларни маълум қилиш; Республика, мамлакат келажагига қизиқишни шакллантириш; ўз Ватани, унинг меҳнаткаш кишилари, ишлаб чиқариш новаторлари билан ғурурланиш ҳиссини тарбиялаш, табиат, халқ бойлигига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни тарбиялаш;

Ватан олдидаги бурчни, унинг ҳимояси учун тайёр туришни шакллантириш.

Байналминалликни тарбиялаш: бошқа халқлар илм-фани, маданияти ва санъатига қизиқишни; меҳнат кишиларига чуқур ҳурматни, ҳар бир миллат, элатнинг қадр-қимматини, хусусиятлари, манфаатларига эътибор билан қарашни шакллантириш.

Жамоавийликни тарбиялаш: ижтимоий аҳамиятли хулқ-атвор мотивларини тарбиялаш: ўқиш ва меҳнатда ўртоқларига ёрдам кўрсатиш одатларини шакллантириш; жамоа олдидаги масъулиятни таркиб топтириш, ўзига ва ўртоқларига бўлган талабликни ривожлантириш, гурпуада жамоатчилик фикрини шакллантириш; ўз жамоаси шарафини ҳимоя қилиш эҳтиёжларини тарбиялаш.

Инсонпарварликни тарбиялаш кишиларга меҳрибонлик, ғамхўрлик билан муносабатда бўлишни; ғайрий инсоний ҳатти-харакатларга муросасизликни тарбиялашни ўз ичига олади.

Меҳнат мотивларини, меҳнатга виждонан муносабатда бўлишни тарбиялаш, жамият фаровонлиги йўлида ишлашга ўз имкониятларига қараб фойда келтиришни шакллантириш, меҳнат кишиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш; меҳнатга бўлган эҳтиёжни шакллантириш; халқ хўжалигига ва шахснинг ўзига керак бўладиган касбни ўқув юртида эгаллашга ўқувчиларни йўналтириш; ҳар қандай ишни ўз вақтида бажариш одатини тарбиялаш; иш натижаларини юқори сифатли бўлишига интилишни шакллантириш; касбга бўлган қизиқишни тарбиялашни назарда тутати.

Билимлар, таълимга бўлган ижодий муносабатни тарбиялаш: билишга бўлган эҳтиёжни шакллантиришда; шахс ва жамият учун муҳим ва зарур бўлган билимларга яхлит муносабатни; таълимнинг бутун мазмунини, дунёқарашга доир ғояларини чуқур ўзлаштиришга бўлган интилишни; ҳодисаларга давр талабларидан келиб чиққан ҳолда мустақил баҳо бериш эҳтиёжини шакллантириш; таълимнинг билишга қизиқиш, бурч ва бошқа мотивларини ривож топтиришда; шахснинг маънавий эҳтиёжларини шакллантиришда; ўқув фаолият мақсадларни қўя билиш ва уларга эришишга интилишни шакллантиришларни тарбиялашда ифодаланади.

Интизомни тарбиялаш: ўз ҳулқи, ўқиши, меҳнати учун маъсулиятни тарбиялашни; қоидалар ва ахлоқий нормаларни тез ва аниқ бажариш одатларини шакллантиришни; Совет давлатининг нормалари ва қонунлари ҳақидаги билимларни маълум қилишни; давлат нормалари ва қонунларига маъсулият билан муносабатда бўлишни шакллантириши ўз ичига олади.

Эстетик қарашларни тарбиялаш юксак хулқ-атвор ва нутқ маданиятини ўстириш, ҳал қилинган масала, бажарилган ишдан эстетик завқ олишни шакллантириш; ижодкорлик, новаторликка интилишни тарбиялаш билан боғлиқдир. Дарс режасида тарбия

мақсадини амалга ошириш учун дарсда қандай материалдан фойдаланиш зарурлигини кўрсатиш.

Ривожлантириш

Ҳозирги куннинг талаби фақат маълум билимларни маълум қилиб қолмай, балки предметни ўзлаштириш учун зарур бўлган ўқув ва малакани шакллантириш ва ривож топтиришдан ҳам иборатдир.

Ўқув малакалар предметнинг мазмуни каби таълимнинг зарурий таркибий қисмлари ҳисобланади. Шунинг учун ўқитувчи предметнинг спецификасига қараб ўқувчиларда қандай аниқ малака ва ўқувчиларни ривож топтириш кераклигини билиши муҳимдир.

Ўқув муассасаларининг педагоглари ҳар бир тарбияланувчида барча ақл-идрок, фикрлаш сифатларини ривожлантиришлари шарт.

Шундай қилиб, биз ривожлантириш мақсадлари ҳақида сўз юритар эканмиз, дарсда асосан ўқувчилар шахснинг психик сифатларини ривожлантиришни назарда тутамиз. Бу сифатлар интеллект /диққат, хотира, фикрлаш/ ва билиш қобилиятларидир. Психологик адабиётни анализ қилиш қуйидаги ривожлантириш мақсадларини таклиф қилиш мақсадаларини беради.

Фикрлашни ривожлантириш: муҳим белгилар ва хусусиятларни ажрата билишни, воқеликдаги ҳодисалар ўртасида алоқа ва муносабатлар ўрнатиш ва ҳоказоларни шакллантириш ягона, умумий белгиларни аниқлаш маҳоратини ривожлантириш, ўрганиладиган материал планини тузиш, бирор қурилма ва шу кабиларнинг ишлаш принципини билиб олиш; фактларни классификация қилиш малакаларини ривожлантириш, умумлашма хулосалар чиқариш, умумий ва муҳим белгиларни, боғланиш ва муносабатларни белгилаш, билимларни амалда қўллаш маҳоратини ўстириш; фикрлашнинг ижодий компонентларини ривожлантириш-ностандарт ечимларни топа билиш.

Умуммеҳнат политехник малакаларни ривожлантириш конструктив-техник малакаларни ривожлантиришни энг турли-туман вазифаларни ҳал қилишга шаблон тарзда эмас ижодий ёндошишни, шарт-шароитларни анализ қилиш, умумлашмалар қилиш, асосий фикрлар тузиш, уларни эксперимент қилиш, моделлаштириш эскизлаштириш ва ҳақозо; ташкилий-технологик малакаларни ўстириш-фаолият вазифасини аниқлаб олиш, бирор мураккаб вазиятда йўл топа олиш, зарур воситалар танлаш, иш режасини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган режани баҳолаш, прибор ва асбоблардан фойдалана билиш малакаларини баҳолаш, ўз хатти-ҳаракатини тартибга солиш ва назорат қила билиш маҳоратини ривожлантиришни ўз ичига олади.

Ўқув меҳнатини ривожлантириш лозим даражадаги суръат билан ишлаш, ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш чизиш. Конспект олиш, малакани

ривожлантириш ўқув меҳнати одатини машғулотга тайёрлик, уюшқоқликни ривожлантириш таълимнинг зарур методларидан фойдаланиш; эсда сақлаб қолиш приёмларини ўргатиш, материални маъно, группаларига ажратиб, таянч нуқталарини ажратиб кўрсатиш, режа тузиш; кузатиш приёмларини кузатиш мақсади ва унинг изчиллигини, кузатадиган объектлар таркибини шакллантиришни назарда тутди.

Ирода ва мустақилликни ривожлантириш ташаббусини, ўз кучига ишончни ривожлантиришга; қатъиятликни ўстириш, кўзланган мақсадга эришиш учун қийинчиликларни енга билиш малакасини ривожлантириш; мустақил ҳаракат қилиш малакасини ўстириш; билимларни эгаллаш, қандай ҳаракат қилиш фаолиятини шакллантириш, уни қандай амалга ошириш ва бировнинг ёрдамисиз ўз-ўзини назорат қила билиш ва ҳоказоларни ривожлантиришга қаратилган.

Билиш малакаларини ўстириш малакаларини шакллантиришни, билимларни тайёр ҳолда қабул қилиш ва фикрлашни энг асосийсини ажратиб кўрсатишни, режада, тезислар тузишни, конспект олишни, кузатишни, ўлчашни, тажрибалар ўтказишни; қисман изланувчанликдан иборат билиш фаолияти, малакасини ўстириш-қисман муамолар қўйиш, гипотезани илгари суриш, уни ҳал қилишни; изланувчанликдан иборат (ижодий) билиш фаолиятини ўстириш-муаммони мустақил равишда кўриш, уни шакллантириш гипотезаларини илгари суриш, далилларни асослашни акс эттиради.

Агар таълим, ўқувчиларнинг билимларини шакллантириб ва уларни аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда тарбиялаб, билиш қобилиятларини такомиллаштирилса, у ҳолда **ривожлантирувчи таълим** деб эътироф қилинади.

Дарсларда ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш методлари.

Ҳозирги вақтда педагогикада ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил қилиш ва амалга оширишнинг қуйидаги методлари маълум:

1. Ўқувчиларга ўқув ахборотни бериш ва ўқувчиларнинг уни эшитиш воситасида идрок қилишни таъминлайдиган методлар;
2. Амалий фаолият (тушунтириш-кўрсатиш) методлари:
 - оғзаки (вербель) методлар ҳикоя қилиш, тушунтириш, лекция, суҳбат, семинар, мунозара ва ҳоказолар;
 - кўргазмали методлар-кузатиш, кўрсатиш, намойиш қилиш; амалий методлар:
 - машқ лаборатория ва амалий ишлар, демонтаж ва ремонт ишлари ва ҳоказо;

3. Таълимнинг мантиқий ва ўқувчилар билиш фаолиятининг характерини белгиловчи методлар:

- Индивидуал, дедуктив, аналитик, синтез, анализ қилиш, таққослаш, умумлаштириш, системалаштириш ва бошқа методлар;
- Ўқувчиларнинг мустақиллиги даражасини характерловчи методлар:
- Ўқитувчининг раҳбарлигидаги ўқув ишлари - китоб билан ишлаш, лаборатория ишлари, жорий инструктаж билан олиб бориладиган мустақил иш ва бошқалар; ўқувчиларнинг мустақил ўқув фаолият методлари-курс ва диплом ишини лойиҳалаштириш; тажриба участкаси, полигон, устахоналардаги ишлар, монтаж, демонтаж ва ремонт қилиш ишлари ва бошқалар.

4. Ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини рағбатлантириш ва асослаш. Ўқишга бўлган қизиқишни шакллантириш; ишга доир ўйинлар, билишга доир тортишув, ўқув баҳслари вазиятини анализ қилиш ва бошқалар.

5. Таълимда бурч ҳисси ва масъулиятини шакллантириш. Тарбия методларига киради ва улар қуйидагилардан иборат: эътиқод, далил, асосли тушунтириш, педагогик талаб, жамоатчилик фикри, талаблар, рағбатлантиришлар ва бошқаларни бажариш малакаларини ишлаб чиқиш бўйича машқлар.

6. Ўқув-билиш фаолиятининг самарадорлигини назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари: оғзаки ёзма, дастурлаштирилган (машинада, машинасиз), комбинациялашган (аралаш), амалий методлар, график метод ва бошқилар;

Ўз-ўзини назорат қилиш методлари: оғзаки ва ёзма равишда эсга тушириш, ўргатувчи машиналардан, «ўзингни текшириб кўр» стендларидан фойдаланиш ва бошқалар.

Дарсларни ташкил қилиш ва ўтказишдаги типик камчиликлар: ҳар бир дарс муваффақиятли ўтиши учун ўқитувчи таълим амалиётда йўл қўйиладиган энг типик камчиликларни билиши керак. Уларга қуйидагилар киради:

1. Дарсни, шаблон тарзда қуриш. Дарс дарҳол уй вазифани текширишдан бошланади (одатда икки-уч ўқувчи доскага чиқарилади), кейин янги материал тушунтирилади. Педагог ўз материални мустаҳкамлаш деб аталадиган материални шошилиш равишда ташкил қилади, ниҳоят, шундан кейин уйга вазифа берилади. Бу ҳол дарсдан-дарсга такрорланаверади. Дарсни бундай ташкил қилишда ўқувчилар ўқитувчининг хатти-ҳаракатларига тез мослашадилар. Кўпинча фақат шундай дарсларда зиддиятли вазиятлар вужудга келади. Педагог дўқ-пўписа билан ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини аниқлаштиришга ҳаракат қилади.

2. Ўқувчиларда дарсга диққат қилишнинг йўқлиги: бу нарса шу билан изоҳланадики, баъзи ўқитувчилар ўқувчилар эътиборини «Диққат қилиб тингланг», «Эътибор беринг» ва бошқа огоҳлантиришлар билан қувватлашга ҳаракат қилади. Ҳис-ҳаяжон билан ҳикоя қилиш, ахборотни муаммоли тарзда, вазифаларни аста-секин мураккаблаштира бориш элементлари билан илгари суриш, ўқувчиларда муаммоли қарашларни шакллантириш буларнинг ҳаммаси педагог ва усталарга аниқланган камчиликларнинг олдини олишга ёрдам беради.

3. Жавоб берувчи ўқувчи-педагог принципи бўйича ишлаш. Фронтал ишни индивидуал иш билан қўшиб олиб бора билмаслик. Алоҳида-алоҳида бериладиган топшириққа индивидуал ёндашмаслик шу нарсага олиб келадикки, ўқитувчи бутун дарс давомида ҳамма ўқувчиларни фойдали иш билан банд қила олмайди. Натижада ўқувчиларда ўргатилаётган материалга пассив муносабатда бўлиш намоён бўла бошлайди. Дарсда ўқувчиларни уюштириш усулларини қайта кўриб чиқиш зарур.

4. Ўқувчиларнинг жавобини диққат билан эшитмаслик баъзи педагоглар ишида ягона ҳол эмас. Диққатсизлик ўқитувчининг ўқувчиларга нисбатан юзаки муносабатда бўлиши, ўртоқлари жавобини анализ қилишга бутун группани жалб қила олмаслик билан характерланади. Ўқитувчини ўқувчининг бераётган жавобига шошилиб, ўйламасдан аралашуви анча хавфлидир. Буларнинг ҳаммаси ўқувчини ўқишга қизиқтиришдан кўпроқ совилади.

5. Ўқувчиларнинг ўқув-билиш имкониятларига етарли баҳо бермаслик ёки, ортиқча баҳо бериш. Бундай ҳолларда ўқув материали бу нарса камроқ талаб қилинадиган жойда енгиллашади ёки мураккаблашади: дарсни бундай ташкил қилишда ҳам бўш, ҳам кучли ўқувчиларда ўқишга бўлган қизиқиш сўна бошлайди. Шунда ўқитувчи ўқувчини фақат мажбур қилиш усуллари билан тарбиялашга ҳаракат қилади: ақлий меҳнатга бўлган қизиқиш йўқолади.

К.Д. Ушинский педагог ишидаги бу камчиликни кўрсатиб, мажбурлаш билан олинган таълим фаол ва ривожланган ақл эгаларини вужудга келтиришга ёрдам бериши гумон, деб таъкидлаган эди.

Ҳар бир ўқувчининг имкониятларини ўз вақтида аниқлай олиш ва шуни ҳисобга олган ҳолда уларга бериладиган топшириқларни секин-аста мураккаблаштириб бориш, уларга ўзларининг ўсиб бораётганликларини сезишларига имкон бера олиш-аниқланган камчиликнинг олдини олишнинг энг самарали шартларидан биридир.

6. Энг бўш ўқувчига кучлироқ ўқувчиларнинг билим ва жавоблари мисолида «унга ўхшашга ҳаракат қил» принципи бўйича таълим бера олмаслик, педагогнинг ҳамма ўқувчиларни ҳам шундай ишга торта олмаслиги билан эмас, балки «қимматли» вақтини «янги» ахборот учун сақлаб қолишга интилиши билан ҳам изоҳланади.

Кучли ўқувчи ўз наъмунаси ва ҳаракатлари билан бўш ўқувчиларга зарур ёрдам кўрсатиши учун уларнинг ўзаро ҳаракатларини синчиклаб ўйлаб кўриши керак.

7. Таълимда индивидуалликнинг бўлмаслиги. Индивидуалликни таълимни алоҳидалаш ўқувчиларни қизиқиш ва қобилиятларига қараб группаларга ажратиш билан чалкаштириб юбориш мумкин эмас. Топшириқни бевақт мураккаблаштириш ўқувчининг ўз кучига ишонмаслигини келтириб чиқади. Унда секин-аста ўқишга доимий барқарор ишончсизлик пайдо бўла бошлайди. Бундай ҳолларда баъзи педагогнинг энг тиришқоқлик билан изланишлари ҳам ўқишга қизиқиш уйғота олмайди, муваффақият келтирмайди. Ўқувчи ўз мойилликлари, қизиқишлари ва имкониятларига топшириқ олгандагина индивидуал таълим амалга ошади.

8. Ўқувчиларнинг ўқув билиш қобилиятларининг ўсишига етарлича имконият бермаслик кўпинча соҳта активлик билан алмаштирилади: бунда педагогнинг саволлари-ўқувчиларни ўйлашга мажбур қилмайди. Одатда ташқари активлик деб аталадиган активлик бўлажак ишчиларнинг ақлий ривожланишида из қолдирмайди, олинган билимлар системалаштирилмайди, хулоса ва умумлашмаларда мустаҳкамланмайди балки хотирани жуда кўп маълумотлар билан банд қилиб қўяди. Билимларни фақат тайёр ҳолда тақдим қилиш ярамайди, балки уларни тиришиб олишга ўргатиш керак, ўқувчи хотирасини бой фактлар ва ахборот оқимлари билан банд қилмасдан (ўқувчи унда фарқ бўлиб кетиши мумкин) балки уни ривожлантириш лозим-бу аниқланган камчиликни енгишга ёрдам берадиган шарт ҳисобланади.

9. Дарсда вақтни рационал тақсимламаслик (ўқувчида сўрашни чўзиб юбориш, янги материални баён қилиш ва мустаҳкамлашга вақтни қисқартириш). Масалан, янги материални тушунтириш ўрнига ўқувчидан сўраш ҳисобига вақтни бой берадиган ўқитувчилар. Ўқув материали мазмунини оддийдан аста-секин мураккабга ўтиб боришини ҳисобга олган ҳолда планлаштириш билан мазкур камчиликнинг олдини олишга ёрдам беради.

10. Ишнинг фойдали турига ҳамма ўқувчиларни жалб қила олмаслик ёки уларни уюштира олмаслик. Бундай пайтда педагог «Сиз менинг ишлашимга ҳалақит беряпсиз», «Битта нарсани неча марта такрорлаш мумкин» ва ҳоказо баҳоналардан фойдаланмайди.

Бундай эътирозлар ўқувчиларнинг педагог талабларига масъулият билан муносабатда бўлишларини тарбиялашга ёрдам бермайди, натижада ўқувчилар бу фикрларини писанд қилмай қўяди.

11. Ўқувчиларнинг фаол мантиқий фикрлашларини ривожлантириш бўйича системали иш олиб бориш ўрнига янги материални тушунтиришга ҳаддан ташқари берилиб кетиш. Педагогнинг хис-ҳаяжонига тўла ва ишончли баёни ўқувчиларнинг

бўлган қизиқишини жиддий равишда оширади. Меъёр туйғусига амал қилиш муҳимдир.

12. Дарсда ва уйда вазифаларни бажаришда мустақил ишлаш малакаларига етарлича ўргатмаслик. Шундай педагоглар ҳам борки, улар дарсларни қизиқарли, мароқли ўтказадилар, ҳатто ҳар бир ўқувчига эътибор берадилар, аммо мустақил фикрлашни, қизиқувчанликни, диққатини, касбга ҳавасини тарбиялашни назардан қочирадилар.

13. Кўргазмали қўлланмалардан фақат баён қилиш ва тушунтириш учун таянч сифатида фойдаланиш, уларни билимларнинг мустақил манбаига айлантира олмаслик. Ўқувчилар кўргазмали қўлланмаларда нима тасвирланган бўлса, шуларни баён қилиб қўя қоладилар, лекин хулоса ва умумлашма фикрларни чиқара олмайдилар. Ўқувчиларни у ёки бу кўргазмали қўлланма асосида ўзларининг шахсий хулоса ва умумлашма фикрларини баён қилишга, доим йўналтириб туриш муҳимдир.

14. Таълимнинг нораціонал методларни танлаш, янги шароитларни ҳисобга олмай ўзгаларнинг тажрибасини эски асосда ўз ишига кўчириш дарс самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Ҳоялар ва тажриба ўқув жараёнига автоматик тарзда жорий қилинавермайди, барча янгилик илғор организация тажрибаларидан ижодий равишда фойдаланиш зарур.

15. Ҳар бир дарсни ўқувчилар енгизи зарур бўлган қийинчиликларни ҳисобга олишга эътиборсиз муносабат. Бу ҳол ўқувчини секин-аста эза бошлайди; ўзига ишонмаслик ва ўқишга салбий муносабатда бўлишни келтириб чиқаради.

16. Ўқитувчининг ўқувчилар билан масъулиятсиз муносабатда бўлиши **биринчидан**, педагог уларни яхши билмаслиги, **иккинчидан**, ўқувчиларнинг ички дунёсига бефарқ қараши, **учинчидан**, ўз фаолияти системасини тўғри тузмаслик ва ўзларига бўлишида намоён бўлади. Бундай педагоглар ҳар бир ўқувчи шахсига самарали таъсир кўрсатиш усулларини қидирмайдилар, балки бошқалар қиладиган ишни механик равишда ўз ишларига кўчириб қўя қоладилар. Бу педагоглар ҳар бир ўқувчининг муваффақиятига оптимизм ва ишонч ила қараш билан ажралиб турмайди. Улар бошқалардаги қобилиятни кўрмай, ўзларида бор қобилиятни ҳам аста-секин йўқотиб борадилар.

17. Ўқитувчининг фақат бўш ўқувчиларга диққат эътиборини қаратавериши кучли ўқувчилар учун дарсни зерикарли қилиб қўяди. Фақат ҳамма ўқувчиларни самарали ишлашга жалб қила билиш билан бу камчиликни енгизиш мумкин. Бўш ўқувчилар ҳам, кучли ўқувчилар ҳам ўзларининг камолга етиб бораётганликларини доимо ҳис қилиб туришлари керак.

IV-БОБ. КАСБИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ

§ 4.1. Лаборатория-амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш методикаси

Касб-ҳунар коллежида таълим жараёни бир-бири билан узлуксиз боғланган назарий ва ишлаб чиқариш таълимидан иборатдир. Ўқув жараёнида ўқув режа ва дастурлари асосий ҳужжат ҳисобланади.

Ўқув режасида кўрсатилган ўқув предметлари, уларни ўрганиш тартиби, ҳар бир ўқув предметни ўрганиш учун ажратилган вақт маслаҳат ва назоратлар барча ўқув гуруҳлари учун мажбурийдир.

Ўқув режаси касб ҳунар коллежининг тури, мақсади ва вазифаларини, ўқувчиларининг сони ва ўқиш муддатини белгиловчи давлат ҳужжати дир.

Ўқув режасига кирган ҳужжатларни малака тавсияномаси, мавзулар режаси ва ўқув дастурлари ташкил этади.

Малака тавсифномаси - бўлажак мутахассиснинг билими ҳамда касбий савиясига қўйиладиган асосий талаблар мужассамланган норматив ҳужжатдир. Унда мутахассис у ёки бу касбий фаолият доирасидаги ишларни онгли ва тўғри бажарилиши учун эгаллаши зарур бўлган билимлар ифодаланади.

Тармоқ таълим стандартининг таркибий қисмлари бўлган малака тавсифномасида касб ва ихтисосларнинг аниқ номлари, техник ва махсус билимлар, меҳнат кўникма ва малакалари, малака ошириш бўйича йўл-йўриқлар ифодаланади.

Бу ҳужжат ўқув режаси ва дастурларини тузишда асос бўлади, шунингдек битириш ишларида ўқувчиларнинг билимларини сифатли аниқлаш учун хизмат қилади.

Мавзулар режаси ўқув дастурининг бир қисмини ташкил этиб, унда мавзуларнинг тартиби ва номи, уларни ўтиш учун, шу жумладан, назарий, лаборатория, амалий машғулотлари ва ишлаб чиқариш таълими учун ажратилган вақтлар кўрсатилади.

Ўқув дастурлари ушбу предметнинг ҳажмини, уни ўқитишнинг мазмуни ва тартибини белгилайди.

Янги ўқув режа ва дастурларда материаллар ўқув йиллари бўйича тақсимланган, ўқувчиларни янги техника бўйича билим ва малакалар билан қуроллантириш, ўқув устахоналарида, лаборатория ва машқ майдонларда ўқитиш, янги технологик жараёнлар билан таништириш кўзда тутилган. Асосий эътибор уларда мустақил фикрлашни ривожлантириш, меҳнатга онгли ва ижодий муносабатни тарбиялашга қаратилган.

Касб-ҳунар коллежларининг ўқув режаларида назарий ва ишлаб чиқариш таълими кўзда тутилган. Назарий таълимнинг вазифаси, мазмуни, усуллари, ташкилий шакллари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар ягона, яъни юқори малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилади. Шунинг учун назарий ва ишлаб чиқариш таълими касб-ҳунар коллежларидаги ўқув жараёнининг мустақил аммо ўзаро алоқадор қисмлари ҳисобланади.

Касбий таълимда назарий ва амалий машғулотлар маълум нисбатда бўлиши лозим. Бунда ўқувчилар ўрганилаётган фан билан таниш эмаслигини, ўзлаштириладиган билимлар улар учун янгилигини назарда тутиш зарур.

Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги касб-ҳунар коллежларида техник фанлар - «Трактор ва автомобиллар», «Механизациялашган ишларнинг технологияси», «Қишлоқ хўжалик машиналари ва чорвачилик учун жихозлар», «Машина ва жихозларга техник хизмат кўрсатиш» бўйича назарий ва амалий, лаборатория машғулотлари, ишлаб чиқариш таълими дарслари ўтказилади.

Махсус техник фанларни ўрганишдан мақсад-ўқувчиларда ҳозирги замон техникаси ва ишлаб чиқариш технологиясига оид танланган мутахассисликлар бўйича касбий малакани шакллантиришдир.

«Механизациялашган ишлар технологияси» предметини ўқитишда асосий эътибор қишлоқ хўжалик техникаларидан самарали фойдаланиш, экинларни жадал етиштириш технологиясини ўрганишга қаратилиши керак.

«Тракторлар ва автомобиллар» фани бўйича трактор ва автомобилларнинг тузилиши, ишлаши ва созланиши ўрганилади.

«Қишлоқ хўжалиги машинлари ва чорвачилик учун жихозлар» фанини ўрганишда касб-ҳунар коллежи жойлашган зонада ишлатиландиган қишлоқ хўжалик машиналарга алоҳида аҳамият бериш керак. Уларнинг тузилишини қуйидаги тартибда ўрганиш тавсия этилади:

- а) муайян технологик жараённинг моҳияти ва вазифаси;
- б) технологик жараённи амалга оширишга мўлжалланган машинанинг элементлари (иш қисми);
- в) иш қисмларининг жойлашиши ва маҳкамланиши;
- г) машинадаги айрим иш қисмларининг тузилиши ҳамда ишлаши бўйича схемалар;
- д) технологик созлашлар;
- е) рўй бериши мумкин бўлган технологик ва техник нуқсонлар, уларнинг келиб чиқиш сабабалари, нуқсонларини бартараф этиш йўллари;

ж) машиналарнинг ҳамда технологик жараённинг экологик ва иқтисодий жиҳатлари

з) машиналарга узоқ муддат тўхтовсиз ишлашда техник хизмат кўрсатиш қоидалари;

и) хавфсизлик қоидалари.

Махсус техник фанлар бўйича дарсларга тайёргарлик кўришда дидактик принципларни ҳисобга олиш зарур.

Ўқитувчиларнинг ўқитиш қонуниятларини билишигина эмас, балки уларни амалга ошириш учун қулай шароитлар яратиш ҳам муҳимдир. Бунга эса ўқув жараёнини ташкил этишда ўқитишнинг асосий қоидаларига таяниш кераклигини чуқур англаган тақдирдагина эришиши мумкин. Бу қоидалар дидактикада ўқитиш принциплари ёки дидактик принциплар деб аталади.

Дидактик принциплар: таълимни илмий асосда ташкил этиш; унинг тарбиявий характери, мунтазамлиги ва изчиллиги; кўргазмалилиги, мазмунининг ўқувчиларга мос бўлиши; ўқитишнинг фаоллиги ва онглилиги; билим, кўникма ва малакаларни пухта ўзлаштириш ва ҳар бир ўқувчига яқка тартибда ёндашишдан иборатдир.

Ўқитувчи ўқувчиларга машина ва қуролларнинг тузилиши, ишлаш принципи ва меҳнатни ташкил этишни чуқур ўргатиши, уларни қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш режалари, фан ва техниканинг ютуқлари, олимлар, муҳандис ва ишчиларнинг хизматлари ҳақидаги маълумотлар билан ҳам таништириш лозим.

Таълимни илмий асосда ташкил этиш принципи ўқувчиларнинг таълимий ишларини фаоллаштирувчи, ақлий қобилиятларини ўстирувчи, уларни мустақил билим олишга ўргатувчи усулларни танлаш ва техник атамалардан фойдаланишга одатлантиришдир.

Таълимнинг тарбиявий характери ўқувчиларга касбий билим бериш, уларнинг ақлий ўсиши ҳамда дунёқарашининг шаклланиши учун шароит яратади.

Таълимни амалга оширишда ўқитувчи ўқувчиларда ўз касбларига мухаббат, онгли интизом, ўз меҳнатини режалаштира билиш, жамоа билан ишлай олиш кўникмаларини тарбиялаши лозим. Ҳар бир дарсни ўқувчилар билми ва малакаларни эгаллашлари билан бирга уларда дунёқараши ҳам шаклланадиган йўсинда ташкил қилиш лозим.

Кўргазмалилик принципи ўрганилаётган ҳодиса ва нарсаларни жонли идрок этиш асосида ўзлаштиришни кўзда туттади.

Таълимнинг кўргазмалилик принципи ўқув материалини аниқ образлар орқали бевосита идрок қилишни таъминлайди.

Таълим жараёнида кўргазмали воситалардан тўғри фойдаланиш; ўқувчилар техникага оид билимларни пухта ўзлаштириб олишига, уларнинг малакаларини ошишига ёрдам беради.

Агар кўргазмали қурол бирор ўқув материални ифодалаши кўрсатиш воситаси бўлса, нутқ асосий, кўргазмали қурол эса ёрдамчи восита бўлади. Агар кўргазмали восита кузатишни ривожлантириш учун қўлланса, нутқ қисқа бўлиши, фақат асосий воситага, яъни кузатишнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилиши керак.

Билимларни эгаллаш жараёнида нарса ва ҳодисаларни кузатиш, сезиш ва идрок этишнинг муҳимлигини ифодалаган Я.А.Коменский шундай ёзган эди: «Ўқувчилар сезиб идрок этиши мумкин бўлган нарсаларни албатта, сезгилар воситаси билан, яъни кўриш мумкин бўлган нарсаларни кўз билан кўриб, эшитиш мумкин бўлган нарсаларни қулоқ билан эшитиб, ҳиди бор нарсаларни ҳидлаб кўриб, ушлаб сезиш мумкин бўлган нарсаларни ушлаб билиб олишлари керак. Бирданига кўп сезгилар ёрдамида идрок этиш мумкин бўлган нарсаларни, иложи борича, бир неча сезгилар иштирокида идрок этиш лозим. Болаларга билим бериш учун, умуман ҳамма нарсага бевосита кузатиш ва сезгилар асосида ўқитиш керак»[47;246]

Мана шу талабларни бажариш учун назарий дарсларда плакат, видеофильм, диафильм, ёнилғи ва мойлаш материаллари, мойлаш ва ёнилғи билан таъминлаш ускуналари ва бошқалар бўлиши керак. Таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиши принципи уларнинг ақлий жисмоний ва ёш хусусиятларини ҳисобга олишни талаб қилади.

Онглик ва фаоллик принципи таълими ўқувчилар илмий билимларни онгли, ижодий ўзлаштирадиган йўсинда ташкил этишни кўзда тутди. Бунга эса ўқувчиларнинг дарс вақтидаги фаоллиги билан эришиш мумкин. Бу принцип ишлаб чиқариш таълими жараёнида касбий малакаларни онгли ўзлаштиришда ундаги иш ҳаракатларини фарқлай билишда кўринса, амалий топшириқларни бажаришда мазкур принципнинг натижаси меҳнат усуллари тўғри ва белгиланган вақтда бажарилишида, машинани бошқаришда педаль ва ричаглардан тўғри ва тез фойдаланишда, билим ва малакаларни янги объектларга тез ва аниқ кўчиришда намоён бўлади.

Малакаларни пухта ўзлаштириш принципи. Бу принципга кўра ўқитувчи амалий-лаборатория машғулотларининг самарадорлигини назорат қилиб туради. Малакалар пухта ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида ўрганилган материаллар мунтазам равишда такрорлаб борилади, янги материални мустаҳкамлаш тартиблари қўлланилади.

Бу принцип ишлаб чиқариш таълим жараёнида қуйидагича амалга оширилади:

- мутахассисликни мустаҳкам эгаллаш мақсадида меҳнат усулларини кўп марта такрорлаш;
- машиналар хайдашни ўргатиш вақтида ўқувчиларнинг турли малакаларни мустақил эгаллашларига аҳамият бериш;
- ўқувчиларда техник адабиёт ва маълумотномалардан фойдаланиш кўникмаларини хосил қилиш;
- малакаларни шакллантиришда оддий машқлардан мураккаб машқларга ўтиш ва дарсларни ишлаб чиқаришга яқин шароитда олиб бориш.

Ҳар бир ўқувчига яқка тартибда муносабатда бўлиш принципи ўқувчиларни ҳар томонлама ўрганишини, уларга ўз вақтида ёрдам беришни, уларнинг ташаббускорлиги ва ижодий қобилияти намоён бўладиган шарт-шароит яратишни талаб қилади.

Ҳар бир ўқувчининг ўзига хос томонларини ҳисобга олиш учун ўқитувчи ва уста дарс ўтилгунича уларнинг тавсифномаси билан танишиши ва ҳар бири билан суҳбат ўтказиши керак.

Назарий таълим дарсларининг ташкилий шаклларини тўғри танлаш катта аҳамиятга эга. Бунда дарсни ўтиш жойи ва тартиби, ўқувчиларнинг фаолияти ҳамда дарсда уларни гуруҳларга ажратиш, дарс давомида ўқитувчи билан ўқувчилар орасидаги алоқанинг моҳияти кўзда тутилади. Дарсларнинг ташкилий шакллари касб ҳунар коллежининг таълим-тарбиявий вазифалари билан белгиланади ва ўқитиш усуларига боғлиқ бўлади.

Дарсларни юқори методик савияда ташкил этиш ва ўтказиш учун ўқитиш методларидан оқилона ва самарали фойдаланиш зарур.

Ўқитиш методлари таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятининг йўналишини, ўқитиш жараёнининг қандай ташкил этилиши ва олиб борилишини ҳамда ўқитувчининг ҳатти-ҳаракатларини белгилайди. Бу методлар ўқитувчи томонидан ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириши учун қўлланадиган усуллар йиғиндисини ўз ичига олади.

Таълим тизимида ўқитиш методлари билан бирга «усул» ва «восита» атамалари ҳам ишлатилади.

Усул - маълум ўқув материални ўтишда қўлланаётган асосий ўқитиш методи билан бирга иккинчи бир ўқитиш методининг айрим элементларидан фойдаланиб иш кўришдир.

Восита – ўқитиш методларини амалга ошириш учун зарур бўлган ёрдамчи ўқув материаллари, асбоб-ускуналар, қурол, аппарат ва шу кабилардан фойдаланишдир. Таълим методлари ўқитиш жараёнида ва педогогик тафаккурнинг кўп асрлик ривожланиши тарихида муҳим ўзгаришларга дуч келади.

Педагогикада таълим методларини таснифлаш ва белгилашга бир хил ёндошиш мавжуд эмас. Айрим муаллифлар ўқитиш методларни белгилашда билиш манбаларининг хусусиятларини асосий деб ҳисоблайдилар; чунончи, оғзаки (суҳбат, тушунтириш, баён қилиш, ўқувчиларнинг техник адабиётлар билан мустақил ишлаши ва бошқалар); кўргазмали (кўргазмали қурол, кинофильм ва диафильмларни намойиш этиш; меҳнат усулларини кўрсатиш, ўқувчиларни мустақил қузатишлари ва бошқалар); амалий (машқлар операциялар, иш усуллари, амалий лаборатория машғулоти) ва бошқалар.

Кейинги пайтларда педагогика назарияси ва амалиётида ўқувчилар билиш фаолиятининг характери бўйича таснифланадиган методлар қўлланмоқда.

Таълим жараёнида қўлланадиган методлар ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, ўрганилаётган ўқув материални ўқувчилар чуқур ўзлаштиришини таъминлаши лозим. Бу талабларга И.Я.Пернер ва М.Н.Скаткин томонидан таклиф этилган методлар тизими тўлиқ жавоб беради. Уларнинг асосини ўқувчиларнинг билиш фаолияти ташкил этади.

Тушунтириш - кўргазмали метод. Ўқитувчи ҳар хил воситалар ёрдамида ўқувчиларга тайёр маълумот беради ва улар маълумотни қабул қиладилар, англайдилар ва ўз хотираларида сақлайдилар.

Эслаш методи. Ўқитувчи топшириқлар тизими билан ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этади. Ўқувчи эса тасвирлар бўйича малакаларни эгалайдилар. Ўқувчилар билимининг ҳажми ортиб борган сари биринчи методдан иккинчиси билан бирга фойдаланиш кўпайиб боради.

Муаммоли баён. Ўқитувчи муаммоли вазиятни вужудга келтиради, дарс давомида уни ҳал қилиш йўллари тушунтириб боради ва ҳал қилади. Ўқувчилар ўқитувчи билан биргаликда муаммони ҳал қилишда фаол иштирок этадилар.

Қисман изланиш ёки эвристик метод. Ўқитувчи ўқув муаммосини айтиб, уни ёрдамчи қисмларга бўлади ва изланиш йўлини белгилайди, ўқувчилар эса ўз-ўзларини текшириб муаммони ҳал қиладилар. Бунда ўқитувчи ўқувчиларга айрим йўналишларни, масалан, олдиндан тузилган саволларни айтади.

Тадқиқот методи. Ўқувчиларнинг янги муаммони ҳал қилишидаги мустақил изланиши ва ижодий фаолиятини ташкил этиш усулидир. Бунда ўқитувчи уларга тайёр муаммони баён қилмайди. Уни ўқувчиларнинг ўзлари ўқув материални ўзлаштириш жараёнида топадилар, шундан сўнг ўқитувчи муаммоли вазиятни вужудга келтиради.

Анъанавий ўқитиш методлари – оғзаки баён қилиш, тушунтириш, суҳбат, лекция, ўқув адабиётини ўқиш; тажрибалар,

ўтказиш, натурал объектларни, кўргазмали воситаларни намоиш этиш; машқ, ёзма иш, график иш лаборатория ишлари-баён этилган методлар тизимида восита ва усул сифатида намоён бўлади, ўқитувчи эса улар ёрдамида у ёки бу методлардан фойдаланиб дарсни юқори савияда ўтказади.

Амалий метод деганда ўқув материални машқлар, мустақил топшириқлар, амалий ва лаборатория ишлари асосида ўзлаштиришнинг шакллари тушунилади. Ишлаб чиқариш таълимида бу методга иш усулари, меҳнат операциялари, мажмуавий ишлари вазифаларни бажаришда мустақилликни ривожлантиришга қаратилган ишлари машқ қурилмаларга оид машқлар лаборатория-амалий ишларига эса технологик жараёни бошқариш машқлари киради.

Машқлар - кўникма ва малакаларни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш мақсадида муайян ҳатти-ҳаракатларни кўп марта такрорлашдир. Ишлаб чиқариш таълимидаги машқларга асосан қуйидаги талаблар қўйилади: машқларни ўқувчилар онгли ва мақсадга мувофиқ йўсинда бажаришлари; ишлаб чиқариш методикасига асосланиши, тизимли изчил узлуксиз бўлиши ва такрорланиши; ўқувчиларнинг ишдаги мустақиллиги мунтазам ривожланиб бориши керак.

Онглилик ва мақсадга мувофиқлик машқларни бажаришдаги энг муҳим талабдир, ўқувчилар машқнинг нима учун кераклигини аниқ тасаввур қилишлари ва мақсадга эришишга фаол интилишлари лозим. Ўрганиладиган меҳнат жараёнларининг илмий-техник асосларини бажариш йўллари, ишда учрайдиган хатоларни билиш ўқувчиларга ўрганилаётган ҳаракатларни ўзлаштириш имконини беради.

Онглилик, мақсадга мувофиқлик кўникмалар шаклланишининг дастлабки пайтларда айниқса катта аҳамиятга эга. Ўқувчилар машқ натижаларидан довдираб қолмасликлари учун ўқитувчи уста уларни қийинчиликлардан, қийинчиликларни енгиш йўлларидан огоҳлантиради. Машқлар муваффақиятли ўтиши учун ўқитувчи ўқувчиларнинг тегишли натижаларга эришишдаги интилишларни қўллаб-қувватлаши керак, машқларни тобора мураккаблаштириб бориш зарур.

Кўникмаларни шакллантириш жараёни ўқув фаолиятида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Кўникма ҳосил қилишнинг муваффақияти қатор шартларга боғлиқ.

Биринчи шарт - кўникма нима? Кўникма-автоматлашган даражага етказилган ҳаракатлар тизимидир. Агар ўқувчи материални ўзлаштиришда унинг аҳамиятини тушунмаса, унда бундай ҳаракатлар шаклланиши қийин бўлади.

Иккинчи шарт – машқларнинг тизими бўлиши. Одатда кўникмалар ҳосил қилишдаги қийинчиликларга ўқув машқлар

тизимини ташкил этиш ва уларни ўтказишдаги камчиликлар сабаб бўлади.

Учинчи шарт - амалий ҳаракатларни онгли равишда бажариш. Ўқувчи ўз ҳаракатларини, иш операцияларининг изчилигини яхши тушуниши зарур, уларни механик тарзда ва ёдлаб олишга йўл қўймаслик керак.

Тўртинчи шарт - дастлабки амалий ҳатти-ҳаракатлар ва операцияларга пухта тайёрланиш. Операциялар онгли равишда, режа асосида бажарилса, кўникма тезроқ ва муваффақиятлироқ шаклланади. Ўқувчи ўзининг дастлабки ҳатти-ҳаракатларида хатога йўл қўймаслиги лозим, чунки уларни қайта ўрганишга тўғри келмайди. Дастлабки ҳаракатлардаги хато кейин такрорланиб, мустаҳкамланиб олиш мумкин ва уни тузатиш қийин бўлади, шу сабабли ҳаракатларни бажарётганда операциялар тартибини овоз чиқариб ёки чиқармай гапириб туриш фоят фойдалидир. Ўқитувчи шу ҳаракатлар ва операцияларни эътибор билан назорат қилиб боради.

Бешинчи шарт – машқларни мустақил бажариш ва ўзини-ўзи назорат қилиш. Ўқитувчи ўқувчига бундай назоратнинг усулларини ўргатиш зарур.

Олтинчи шарт - бажарилган машқлар, амалий ишларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. Ўқув кўникма ва малакаларининг ижобий ҳамда салбий жиҳатлари бўлади. Ўқувчилар типик хатоларга йўл қўядилар. Дарсларда яхши ишларни намойиш қилиш, ижобий намуна асосида ўқитиш мақсадга мувофиқдир.


Кўникмаларни шакллантиришнинг мана шу шартларига риоя қилинса, ўқитишнинг амалий методлари ўқув материални муваффақиятли ўзлаштиришга олиб келади.

Шаклланган кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш ва такомиллашишини таъминловчи асосий омиллари:

- кўникма ва малакаларнинг онгли тушуниб ва мустаҳкам шаклланиши.
- уларни шакллантиришда ўзлаштирилган билимларга таянилиши.
- хатоларнинг олдини олиш, уларни ўз вақтида тузатиш, яъни нотўғри иш усулларига йўл қўймаслик.
- барча ўқувчиларга ягона педагогик талаблар қўйиш.
- топшириқларни секин-аста мураккаблаштириб (энг оддий иш ҳаракат усулларида мураккаб иш ҳаракатларига ўтиб) бориш.
- машқлар учун ажратилган вақтдан тўғри фойдаланиш.
- малакалар тўлиқ шакллангунча машқлар давом эттириш.
- ўқувчиларнинг эътиборлилиги.

- машқларнинг мунтазам равишда ўтказилиши.

Қуйида ўқитиш методларининг таснифи ва намуна сифатида дарс режаси келтирилган.



4-расм. Ўқитиш методларининг таснифи.

Шу билан бирга ўқитиш методларининг қуйидаги таснифи ҳам мавжуд (4-расм). Унда ўқитиш методлари икки гуруҳга: билимларни дастлабки эгаллаш методлари ва билимларни мустаҳкамлаш, такомиллаштириш, кўникма ва малакаларни шакллантириш методларига бўлинган. Ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг фаоллик даражасига қараб биринчи гуруҳдаги методлар яна иккига бўлинади, булар маълумотли-ривожлантирувчи, муаммоли-изланишли методлардир.

Анъанавий таълимда маълумотли-ривожлантирувчи методларнинг салмоғи анча катта. Бундай дарсда ўқувчига нисбатан ўқитувчи фаолроқ қатнашади (лекция, тушунтириш, ҳикоя ва сўхбат).

Билимларни мустаҳкамлаш ва кўникмаларни шакллантириш учун кўпинча маҳсулсиз методдан фойдаланилади (ўқувчиларнинг

материални қайта айтиб бериш, намуна бўйича машқлар бажариш, кўрсатма бўйича лаборатория ишларини амалга ошириши). Бу метод ўқув материални айтиб бериш ва эсда сақлашга, ижодий тафаккурнинг ривожланишига мустақил билиш фаолиятини кучайтиришга қаратилган бўлади.

Лекин ўқитиш методлари турғун, доимий эмас, улар кейинги пайтларда ривожланиб фаол ўқитиш методлари шаклида намоён бўлмоқда.

Фаол ўқитиш методлари ўқув материални эгаллаш жараёнида ўқувчиларни фикрлаш ва билиш фаолиятига ундайди (5-расм).

Фаол ўқитиш методидан қуйидагича фойдаланилади:

а) ўқитувчи ўқув материални қайта гапириб бериш ва эсда сақлаш учун билимларни намойиш этмайди;

б) ўқув материални шундай баён қиладики, ўқувчилар фаол билиш ва амалий ишлар жараёнида мустақил билим ҳамда кўникмаларни эгаллайди.



5-расм. Фаол ўқитиш методларининг таснифи.

Дарс режаси

Фан-«Қишлоқ хўжалик машиналари ва чорвачилик учун жиҳозлари».

Мавзу - Ерга асосий ишлов бериш машиналари.

Дарснинг мақсади – ўқувчилар плугларнинг умумий тузилиши, ишлаши ва созланиши билан таништириш, уларда касбий билимларни шакллантириш.

Тарбиявий мақсади - техник тафаккурни шакллантириш ва ривожлантириш.

Ривожлантириш мақсади – ўқувчиларни қишлоқ хўжалиги машиналари ўқув предмети бўйича лаборатория амалий машғулотларини онгли равишда бажаришга тайёрлаш.

Дарснинг тури - янги билимларни ўрганиш.

Ўқитиш методлари – оғзаки, кўргазмали.

Ажратилган вақт - 2 соат.

Дарсни жиҳозлаш - 1. Плакатлар - а) плуглар.

2. Диафильмлар - а) плуглар; б) тошли ерлар учун плуглар;
в) ерни механик усулда ҳайдаш.

Моделлар – а) осма плуг; б) айланма.

Плугнинг қисмлари - а) плугнинг ишчи корпуси йиғилган ҳолда; б) плугнинг бошқа қисмлари;

Ташкилий қисм. (3-5 дақиқа).

Ишчанлик ҳолатини вужудга келтириш (долзарблаштириш).

Янги ўқув материални баён қилиш (70-75 дақиқа).

1. Ер ҳайдашга қўйиладиган агротехник талаблар.

2. Умумий ишларда ишлатиладиган плугларнинг вазифаси, техник таснифи, умумий тузилиши ва ишлаши.

3. Плугларнинг асосий қисмлари.

4. Плугларда бажариладиган сошлаш ишлари.

5. Плугни ишга тайёрлаш

Ўтилган материални мустаҳкамлаш (10 дақиқа).

1. Плугларнинг вертикал ва горизантал ҳолатлари қандай созланади?

2. Пахта етиштириш зонасида қандай плуглар ишлатилади?

3. Плугни ҳайдаш чуқурлигига қандай қилиб ростланади?

Уйга топширик.

1. Гуруҳга бириктирилган плугларнинг маркаларини аниқлаш.

2. Плугларни сошлаш ишларини кўриб чиқиш ва натижаларини дафтарга ёзиш.

3. Плуглардаги носозликларни аниқлаш.

Дарсни ўтиш бўйича методик кўрсатмалар

Бу дарс ўқувчилар учун анча мураккаб бўлиб, уларнинг кўпчилиги махсус ва умумий ишларга мўлжалланган плугларнинг тузилиши билан илк бор танишадилар. Лекин дарсда фойдаланиладиган кўргазмали қуроллар уларга дарс материалларини онгли равишда ўзлаштиришда ёрдам беради. Дарс бошида ўқитувчи ўқувчиларга бир неча саволлар бериб, уларнинг шу дарсга доир бошланғич билимларини аниқлайди.

Ўқитувчи плугларга қўйиладиган агротехник талабларни тушунтириши уларни бажармаслик нимага олиб боришини ҳам ўқтиради. Ҳар бир масала тушунтирилгандан кейин уни диафильм, билан бирга унинг асосий қисмларини ҳам кўрсатиш

керак. Ана шунда ўқувчиларни кўриш хотираси янада ривожланади, техник тафаккур шаклланиб боради.

Ўқитувчи плугларнинг созланишини тушунтиришдан аввал ўқувчилар диадатини осма плугга кейин тиркама ва ярим тиркама плугларга қаратиш керак. Дарс давомида «Ерга асосий ишлов бериш агрегатларини ишга тайёрлаш» кинофильмидан ҳам фойдаланиши мумкин, чунки унда плугни ишга тайёрлашдаги асосий созлаш ишлари яхши кўрсатилган.

Уйга топшириқ беришда ўқувчилар ўзларига бириктирилган плуглар билан танишувининг тарбиявий аҳамиятини ҳисобга олиш лозим.

Якка тартибдаги лаборатория амалий машғулотларидан трактор, автомобиль, пахта териш машиналарини ҳайдашни ўргатишда ва машина тарактор агрегатларини ишга тайёрлаш дарсларида, махсус фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин. Уйда топшириқларни бажаришда қийналиб қолган ёки улгурмаган ўқувчиларга маслаҳат ва ёрдам берилади. Фронтал гуруҳли лаборатория амалий машғулотида ҳамма ўқувчилар кириш йўл-йўриғидан кейин бир хил ишни бажарадилар. Бундай машғулотнинг афзалликлари қуйидагилардир:

1. Ўқувчиларнинг амалий иши билан йўл-йўриқда айтилганлар орасидаги фарқлар сезилмайди.

2. Кириш йўл-йўриғи режа асосида тўлиқ кўрсатилади.

3. Ўқувчи бир турдаги машиналар (тарактор двигателларини ёки пахта териш машинаси) бўйича дарсга тайёргарлик кўради, бу эса унинг дарсга яна ҳам самарали раҳбарлик қилишига шароит яратади.

4. Ўқувчининг ютуқ ва камчиликларни, ўзларига хос хусусиятларини ҳисобга олиш мумкин.

5. Ҳар бир ўқувчи алоҳида иш ўрнида ишлаш имкониятига эга бўлади, ҳамда унинг мустақил ишлаш салмоғи ортади.

Камчилиги шуки, бу машғулотни ўтказиш учун бир хил машина ва уларнинг қисмлари жуда кўп миқдорда керак бўлади.

Звеноли лаборатория амалий машғулотида ўқувчилар (3-4 кишилик) звеноларга бўлинади ва ҳамма звенолар учун бир хил иш ўрни ташкил этилади.

Афзалликлари - олдинги машғулотларнинг ҳамма афзалликларига қўшимча равишда звенолар сонига қараб шунча марта кам техника керак бўлишидир.

Камчилиги - звенодаги ҳар бир ўқувчи режада кўрсатилган ҳамма ишларни тўлиқ мустақил бажара олмайди, чунки ҳар бир иш ўрнида 3-4 ёки 5-6 ўқувчи ишлайди. Бунда уларнинг мустақил ишлаш вақти ўқувчилар сонига қараб шунча марта камаяди.

Давра (туркум) ташкилий шакл билим юртида бир хил машина ва жихозлар етарли бўлмаган ҳолда қўлланади.

Бундай машғулотларнинг афзалликлари бир хил машина ва унинг қисмлари кам керак бўлишидан, иш ўринларини ташкил этиш енгиллашувидан, яъни ҳар бир иш ўрнига ҳар хил машина ва механизмлар ўрнатилишидан иборат.

Камчиликлари - биринчи кириш йўл-йўриғи билан охириги топшириқни бажариш оралиғининг катталиги; кириш йўл-йўриғида умумий ахборотлар берилиши; ўқитувчи ҳамда топшириқлар бўйича яхши тайёрланиши кераклиги; ҳар бир ўқувчининг мустақил ишлаш вақти звенодаги ўқувчилар сонига қараб камайишидир.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ РЕЖАСИ

Фан - Механизациялашган ишларнинг технологияси.

Амалий машғулот.

Мавзу - Дон ва дуккакли экинларни етиштириш ва ҳосилни уриб-йиғиб олиш технологияси.

Мақсад - таълимий – ўқувчиларни дон экиш ва йиғиштириб олиш технологияси бўйича назарий билимларни мустаҳкамлаш, экиш агрегатини ишга тайёрлаш бўйича малакаларни шакллантириш.

Тарбиявий - иш жойини ташкил этиш ва ўз фаолиятини текшириш ва таҳлил қилиш малакаларини шакллантириш.

Ривожлантириш – ўқувчиларни техникавий тафаккурларини ривожлантириш ва уларни ўқув ҳамда ишлаб чиқариш амалиёти топшириқларини бажаришга тайёрлаш.

Ажратилган вақт - 4 соат.

Ўтказиш жойи - лаборатория хонаси.

Ўқитиш усуллари – оғзаки, кўргазмали амалий билан биргаликда.

Иш жойини жиҳозлаш - дон экиш сеялкаси; дон экишга доир плакат ва схемалар; 10 кг буғдой; асбоблар комплекти; турли хил калитлар; чизгич; домкрат; меҳнат хавфсизлиги бўйича плакат; аптечка; кўрсатмали технологик харита; ҳисобот нусхаси; топшириқ мазмуни.

Ишнинг мазмуни ва уни бажариш тартиби - дон экиш агрегатини ишга тайёрлаш, йиғиш, жамлаш, ростлаш ва ишлатиш. Дон экишга қўйиладиган агротехникавий талаблар. Далани тайёрлаш. Агрегатни далада ҳаракатланиши. Иш сифатини назорат қилиш. Техника хавфсизлиги чоралари.

Амалий машғулот бўйича ҳисобот.

1. Ўлчаш натижаларини жадвалларга ёзиш.
2. Дон экиш агрегатини техникавий ҳолати тўғрисида хулоса қилиш, мавжуд бўлган нуқсонлар сабабларини кўрсатиш ва уни йўқотиш усуллари қайд этиш.

Билимларни текшириш.

1. Дон экиш сеялкасини ишга тайёрлашда қандай ишлар бажарилади?
2. Сеялка дон экиш нормасига қандай ростланади?
3. Дон экишга қандай агротехникавий талаблар қўйилади?
4. Дон экишга дала қандай тайёрланади?
5. Агрегат далада қандай ҳаракатланади?
6. Дон экиш сифати қандай назорат қилинади?

Адабиётлар.

1. «Сельскохозяйственные и мелиоративные машины», М., Агропромиздат, 1986 й.
2. А.Хамидов «Қишлоқ хўжалик машиналарини лойиҳалаш» Тошкент, «Ўқитувчи», 1991 йил.

§ 4.2. Ўқув устахонасида дарсни ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси

Ўқув устахонаси ҳақида умумий маълумотлар

Билим юртида ўқув устахоналари ўқувчиларига касб асосларини меҳнат ҳаракатлари, операцияларини ишчи бажарадиган вазифаларини, тегишли касб учун асос бўлган ишларни бажариш усулларини сифатли ўрганиш учун махсус шароит яратиш мақсадида ташкил этилади. Турли касблар бўйича меҳнатнинг мазмунига, ишлаб чиқариш ишларининг ўқиға хослиғига қараб, турли касблар учун ўқув устахоналарида ишлаб чиқариш таълимининг муддати турличадир. Токаръ, фрезерчи, ремонтчи-слесаръ, пайвандчи ва шунга ўхшаш касбларга, яъни ўқув ва ишлаб чиқариш вазифаларини муваффақиятли қўшиб олиб бориш мумкин бўлган жойларда ўқувчилар ўқув устахоналарида уч йил эмас, икки йил давомида таълим оладилар, бу эса таълим даврининг 50-60 фоизини ташкил қилади. Ишчилар меҳнати мураккаб, қимматбаҳо, йирик ўлчамли ишлаб чиқариш ускуналарига хизмат кўрсатиш, уларни тузатиш, созлаш билан мураккаб технологик жараёнларни, қурилиш-монташ ишлари ва шунга ўхшаш ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа касблар бўйича ўқув устахоналарида фақат асосий ҳаракатлар ва операцияларни: слесарлик, электр-монтаж ишлари, қурилишда пардозлаш, дастлабки монтаж ишлари ва шу кабиларни ўрганиш учун (3-6 ой ва ўқув вақтининг 15-20 фоизи) ташкил қилинади. Чунки тўла технология жараёнини бажаришга ўргатиш учун махсус ўқув шароитини вужудга келтириш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас.

Касб бўйича меҳнат мазмунининг хусусиятига қараб ўқув устахоналарида ўқувчиларни ишлаб чиқариш таълими уларнинг

унумли меҳнати жараёнида ўтказилади. Шу сабабли ўқув устахоналари таълим талабларига ҳам, ишлаб чиқариш талабларига ҳам мувофиқ бўлиши зарур.

Ўқувчиларнинг иш ўринларини режалаштириш, ташкил этиш ва жиҳозлаш, ўқув устахоналарини ташкил этиш ҳамда ўқув ишлаб чиқариш фаолияти хусусиятлари, табиийки турли касблар учун турличадир. Аммо умуман ўқув устахоналари учун хос бўлган умумий талабларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ўқув устахоналари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

ускуналарнинг нормал ўрнатилиши, жойлаштирилиши ва ишлаши учун шароитларга (майдон, бинонинг қавати, баландлиги, технологик потокни ҳисобга олган ҳолда режалаштириш ва ҳоказо);

меҳнат хавфсизлиги, санитария ва гигиена талабларига мувофиқ бўлиши (ёнғин ва портлаш хавфибўлган бўлимларни, шунингдек чанг ва газ чиқадиган бўлинмаларни асосий бинодан ажратиш; кўтарма-транспорт қурилмаларининг, ёнғин пайтида чиқиш йўллари ва ўт ўчириш воситаларининг мавжудлиги, нормал ва сунъий ёриткичлар, шамоллатиш қурилмаларининг мавжудлиги; бинода нормал иш хароратининг таъминланиши ва ҳоказолар).

Ўқувчилар иш ўрнини жиҳозлашнинг асоси-якка тартибда фойдаланиладиган ускуна, яъни ўқувчилар ўз касблари учун хос бўлган ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажарадиган ускунадир. Бу техникага нисбатан асосий ўқув-техника талаблари: уларнинг касбга мослиги, конструкциясининг замонавийлиги, универсаллиги, бошқаришнинг нисбатан осонлиги, ихчамлиги, фойдаланиш ва хизмат кўрсатишда қулайлиги, ишда хавфсизлиги.

Бу талабларнинг нормативлари тегишли норматив ҳужжатларида кўзда тутилган бўлиб, турли тармоқлар учун турличадир;

ишлаб чиқариш эстетикаси талабларига – бинонинг ранги ва бўёқ турлари (шифти оқ, деворлари оч сариқ бўлиши); безаклар ва мебель филофиҳамда деворлардаги безаклар услубининг уйғунлиги, пол ва деразаларни яхшилаб тозалаш имкониятини мавжудлиги ва ҳоказо.

Ўқув устахонасининг жиҳозланиши шартли равишда уч қисмга бўлиш мумкин: ўқувчиларнинг иш ўрни, ҳамда фойдаланиган ускуналар ва устознинг иш ўрни.

Ўқувчининг иш ўрни ўқув дастури талабларига мувофиқ ишлаб чиқиш таълими учун зарур ускуналар, асбоблар, приборлар, мосламалар билан таъминланади. Иш хусусиятига, таълим даврига, ўқув ишлаб чиқариш меҳнатининг ташкил этилиш усулига қараб ўқувчиларнинг иш ўринлари якка тартибда ва бригадаларга мўлжалланган бўлиши мумкин. Ремонтчи слесарлар, йиғувчи слесарлар, электромонтажчи каби касблар учун бригадага мўлжалланган иш ўринлари хосдир.

Ўқувчининг иш ўринининг асосий таркибий қисмлари:

1. Ўқув устахоналарида меҳнат қуролларидан фойдаланиш ва жойлаштириш учун зарур бўлган муайян майдон.
2. Ўқув – ишлаб чиқариш жиҳозлари.
3. Материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулотлар ва чиқиндиларни сақлаш ва жойлаштириш учун мосламалар.
4. Мосламалар, асбоб-ускуналар, ўқув ва техник ҳужжатларни сақлаш ва жойлаштириш учун мосламалар.
5. Иш ўринларига бириктирилган кўтарма транспорт воситалари (аравачалар, таллар, кўтаргичлар ва ҳ.к.).

Ўқувчиларни иш ўринларига нисбатан умумий талаблардан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

- ускуналарнинг техник жиҳатдан соз бўлиши, тўсиқлар, ерга улаш ўз-ўзидан тўхтатиб қўювчи мослама, ҳимоя қурилмалари, сақлагичлар, кўтарма ускуналар ва ўқувчилар ишини ҳавфсизлигини таъминловчи бошқа воситаларнинг мавжудлиги;
- иш вақтида асбоблар, мосламалар асосий ва ёрдамчи материаллар; тайёр маҳсулотни, ўқув-техника ҳужжатларини қулай ва ишончли тарзда сақлаш ва жойлаштириш учун қурилмалар билан таъминлаш;
- иш ўрнининг яхши ёритилган бўлиши, ўқувчиларнинг иш пайтида ўзларини эркин хис қилишлари ва энг унумли ҳаракат қилишлари учун шароитнинг яратилиши; зарур ҳолларда ўтириб ишлаш учун қулайлик яратилиши ва эргономика талабларига жавоб бериши;
- зарур ҳолларда авария сигналени бериш учун мослама ёки устоз билан масофадан алоқа ўрнатиш воситалари билан жиҳозланиши;
- ускуналарга жорий хизмат кўрсатиш, уларни тозалаш ва йиғиштириш учун қулайлик бўлиши лозим.

Ўқувчилар иш ўрнини жиҳозлашнинг асоси-якка тартибда фойдаланиладиган ускуна, яъни ўқувчиларга ўз касблари учун хос бўлган ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажарадиган ускунадир. Улар касбга мос бўлиши, замонавий бўлиши, универсал ва бошқариш осон, ихчам фойдаланишда қулай, ишда ҳавфсиз бўлиши шарт.

Ўқувчиларнинг иш ўринлари якка тартибда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар билан ҳам жиҳозланади. Асбоблар туркумини белгилашда унинг универсаллиги, фойдаланиш муддати, қиймати ҳисобга олинади. Одатда, ўқувчиларнинг иш ўринлари энг кўп ишлатиладиган асбоблар билан жиҳозланади. Ўқувчиларга ишда керак бўладиган асбоблар устоздан ёки асбоблар омборидан олинади.

Энг оммавий ўқув устахонаси-умумий слесарлик устахонаси бўлганлиги учун слесарь иш ўрнини якка тартибда фойдаланиладиган доимий асбоблар билан жиҳозлашнинг тахминий рўйхатини келтириб ўтамиз: исканжани ўқувчи бўйига мослаш учун калит даста - 1; металлдан ясалган ўлчов линейкаси-1; чизғич-1; белги қўядиган циркуль-1; кернер-1; текширишда фойдаланиладиган шаклдор

линейка-1; слесарлар текширишда фойдаланадиган ясси учбурчак линейка-1; штангенциркуль-ШЦ 1-1; слесарлик исканаси-1; слесарлик крейцмейсели-1; вазни 400-500 грамм бўлган слесарлик пўлат болғаси-1; № ва №2-4-5 тишли хилма-хил эговлар; шетка-супурги-1.

Бунда энг муҳими-ҳамма нарса ўзининг аниқ ўрнига эга бўлиши, доимо қўл етадиган жойда туриши, таълимнинг турли тегишли воситаларининг яхши сақланишидир.

Ўқув устахонасида ўқувчилар иш ўрнини режалаштириш ва жойлаштириш уларнинг ускуналар билан жиҳозланишига, ўқув устахонасининг типик маҳсулотига, деразалар қандай ўрнатилганлигига, бинонинг ҳажми ва шаклига боғлиқ. Иш ўринлари ускуналарини жойлаштириш нормативлари турли касблар учун турлича бўлиб, улар вазирликлар ва идоралар томонидан тасдиқланган ишлаб чиқариш цехлари ва участкалари нормативларига мувофиқлаштирилган. Шу билан бирга мўлжал учун дастгоҳ ва бошқа йирик ускуналарни ўқув устахонасида жойлаштиришнинг ўртача нормативларидан фойдаланиш мумкин:

девор ва устундан дастгоҳ, қурилма, агрегатнинг ён ёки орқа томони ўртасидаги масофа камида 0.5 м; ускуналарнинг қаторлари орасидаги йўлнинг кенглиги камида 1,5 м; бир қатордаги дастгоҳлар, қурилмалар, агрегатларнинг ён томонлари ўртасидаги масофа камида 0,5 м; марказий йўлак кенглиги-камида 2м;

Ускуналарнинг деразага нисбатан жойлашуви - дераза ишлаётган ўқувчининг чап ёки олд томонида бўлади.

Ўқувчиларнинг иш ўринларига ўрнатиладиган ускуналардан, яъни якка тартибда фойдаланадиган ускуналардан ташқари **ҳамма фойдаланадиган ускуналар** билан ҳам жиҳозланади. Бундай ускуналарнинг турлари ва миқдори касб хусусиятига, ўқув устахонасининг маҳсулотига, ўқув юртида ўрганилаётган касбларга, ўқув юртида ёрдамчи хизмат хоналарининг мавжудлигига ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ. Бундай ускуналарнинг асосий вазифаси – ишлаб чиқариш таълими дастурининг тўла ва сифатли бажарилишини таъминлашдир.

Мисол тариқасида умумий слесарлик ўқув устахонаси учун ҳамма фойдаланадиган ускуналар рўйхатини келтирамиз:

- исканжа дастгоҳли пармалаш дастгоҳи-3;
- дастаки бурма пресс (ёки гидравлик)-1;
- исканжа дастгоҳини кўндаланг рандаловчи дастгоҳ-1;
- икки ёқлама чарх дастгоҳи-1-2;
- пишангли қайчи-1;
- белги қўядиган плитали стол-1;
- металлни текислаш учун плита-1;
- труба қисқичли стол-1;
- қиринди учун қути-1.

Амалий касбий таълим ўқитувчисининг иш ўрни

Устоз амалий касбий таълим ўқитувчисининг иш ўрнининг оқилона жиҳозланиши ва ташкил этилиши ўқув устахонасида ўқувчиларга мувоффақиятли ишлаб чиқариш таълими беришда катта аҳамиятга эга. Ўқув устахонасининг нимага ихтисоланганлигидан қатъий назар, устознинг иш ўрни қуйидаги умумий талабларга жавоб бериши керак:

Намунали ўқув-техника жиҳозлари, эстетик беазаги ва доимо саранжом бўлишининг ўқувчиларга тарбиявий таъсири катта бўлиб, улар учун ўрнақдир.

Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришнинг меҳнат ҳаракатлари ва усулларини яққол кўрсатиш учун зарурий шароит яратилиши-маҳсус қурилмалар билан таъминланиши, улар қулай жойлаштирилиши, ёруғлик, фон яхши бўлиши керак; барча ўқувчилар аниқ кўриши учун қулай бўлиши;

Ускуналар, жиҳозлар, ўқув-техника ҳужжатлари, таълимий-дидактик ва техник воситалар жойлаштирилиши, сақланиши ва фойдаланишининг қулайлиги-ҳамма нарса қўл етадиган жойда бўлиши, қидириш ва фойдаланиш учун кўп вақт ва куч сарфлаш талаб қилинмаслиги;

Ўқувчиларга кириш, жорий ва якуний йўриқлар бериш пайтида улар танлайдиган маҳсус майдончаларнинг мавжудлиги;

Таълим мазмунининг такомиллаштирилишига, илмий тавсияларга ҳамда педагогик тажрибанинг ютуқларига мувофиқ ўқув-техника ва дидактик материалларининг систематик тўлдириб ва янгиланиб туриши.

Устоз иш ўрнининг ташкил этилиши ва жиҳозланиши тегишли касб хусусиятларига, ўқув юртининг имкониятларига, устознинг тажрибасига, билим юртидаги ўқув-материал таъминотининг умумий услубига боғлиқ. Шартли равишда устоз иш ўрнини асосий қўшимча (такомиллаштириш мақсадида вужудга келтириладиган) жиҳозлашга ажратиш мумкин. Асосий жиҳозларга қуйидагилар:

устоз иш ўрнининг ускуналари ўрнатиладиган подиум (супача) иш столи ва стули, синф доскаси, видеопроектор;

ўрганиладиган барча операциялар ва типик ишлаб чиқариш ишлари бўйича дидактик воситалар ва ўқув-техника ҳужжатлари;

ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришнинг меҳнат ҳаракатлари ва усулларини намоиш қилиш учун мослама (намоиш қилинадиган дастгоҳ панел, дастгоҳ, электр йиғув шчитти, ўқув хонаси, пайвандлаш пости ва ҳоказо);

асбоблар, мосламалар, материаллар, ҳужжатлар, таълимнинг дидактик ва техника воситаларини сақлаш учун мослама (шкафлар, қутилар, кассеталар, пештаҳталар ва ҳоказо);

таълимнинг дидактик ва техник воситаларидан фойдаланиш ва сақлаш учун мослама (намойиш тахталари, плакатлар осиладиган жой, экран ва ҳоказо);

Таълимнинг техник воситалари (ТТВ), сигнализация ва ўқувчилар билан тезкор алоқа боғлашни масофадан бошқариш пультаи;

ўқувчиларнинг иш ўрнига энергия – электр токи, сиқик ҳаво, иссиқ газ ва ҳоказоларни етказиб бериш ва тўхтатиб қўйиш учун махсус шчит.

Устознинг иш ўрнини дидактик воситалар билан таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Бу масалага комплекс ёндошиш керак, яъни устахонада ўрганиладиган ўқув дастурининг ҳар бир мавзуси уни ўқувчилар тўла ва сифатли ўрганилишини таъминлайдиган «энг мақбул миқдордаги» воситалар билан жиҳозланиши лозим.

Иш ўрнида албатта барча зарур маълумотнома жадваллари, стандартлар жадвали, маълумотнома адабиёти, тегишли касб бўйича барча дарсликлар ва қўлланмалари бўлиши шарт. Буларнинг ҳаммаси устоз ишини тартибга солади, иш вақтини анча тежайди, унинг обрўси ошишига ёрдам беради. Ўқувчиларнинг иш жараёнида уларда асосий маълумотнома материаллари бўлиши ҳақида ҳам ғамхўрлик қилиш керак. Устахона деворларига осилган маълумотнома жадваллари ўрнатилган тахталар, ёки асосий маълумотнома жадвалларининг тўпламлари шулар жумласига киради.

Ўқув устахона ташқи беаги ниҳоятда хилма-хил бўлиши мумкин, бунда кўп нарса ана шундай беагининг имкониятларига, устоз ва гуруҳ фаолларининг ташаббускорлигига, билим юрти беакларининг умумий услубига боғлиқ бўлади. Ўқув устахонасини беаш пайтида меъёрдан чиқиб кетмаслик керак. Устахона деворларининг бўм-бўш бўлиши яхши эмас, аммо деворларга кўпдан-кўп плакатлар, тахталар ва жадвалларни қалаштириб ташлаш керак эмас. Деворларда турли-туман ахборотлар кўп бўлса, улар идрок этилмайди, аксинча уларга кўникиб қолинади, холос. Деворларда, устахоналарда таълимни самарали ўтказишда ёрдам берадиган зарур нарсаларгина бўлиши лозим.


Устахона деворлари беагининг ҳолати катта аҳамиятга эга. Устоз шуни ҳамиша ёдда тутмоғи керакки, шу жумладан, устахонанинг беаги ҳам тарбиялайди. Пала-партиш бажарилган схемалар, жадваллар ва хоказоларни устахонага осиб қўйишга сира йўл қўймаслик керак. Устахонадаги кўргазмали материаллар бир хил рақамларга жойлаштирилиши ва албатта ойна билан қопланган бўлиши керак.

Устахона ташқи беаги тахминий энг ихчам рўйхатини қуйидагича тузилиши мумкин:

- «Маҳорат тавсифи» стенд–плакати.
- «Ўқув устахоналарида меҳнат ҳавфсизлиги қоидалари» стенд-плакат.

- «Ёнғиндан сақланиш қоидалари» стенд-плакати.
- «Ўқув устахонасида ўқувчиларнинг хулқ-атвори қоидалари» стенд-плакат.
- «Меҳнатни ва иш ўрнини ташкил этиш юзасидан ўқувчиларга эсдалик» стенд-плакат.
- Типик ўқув-ишлаб чиқариш ишлари намуналари тахтаси.
- Тез-тез ишлатиб туриладиган маълумотнома жадваллари.
- Гуруҳ деворий газетаси.

Ўқув устахоналарида (лабораторияларида) “Чилангарлик – механик” устахонасида жиҳозларни жойлаштириш чизмаси



Шартли рақамлар:

1. Чилангарлик верстаклари.
2. Пармалаш дастгоҳи.
3. Қайраш дастгоҳи.
4. Фрезалаш дастгоҳи.
5. Токарлик дастгоҳи.
6. Чиқиндилар учун қути.
7. Амалий касбий таълим ўқитувчиси иш ўрни.
8. Электр тармоғини улаш қутиси.
9. Диаметри 8 мм. Дан 20 мм. гача бўлган пармалар тўплами.
10. Стол усти пармалаш дастгоҳи.

Амалий касбий таълимнинг мажмуавий методик таъминоти мазмуни

Ўқув методик ҳужжатлари: ўқув режалар; амалий касбий таълим дастури; ўқув ишлаб чиқариш ишлари руйхати; гуруҳнинг

ишлаб чиқариш фаолияти режаси; ўқувчиларнинг кўчиш жадвали; ишлаб чиқариш амалиёти дастури; ўқув-ишлаб чиқариш ишларига ўқув-техник ва ўқув технологик талаблар.

Ўқувчилар учун таълим воситалари: ўқув дастури; дарслик; ўқув қўлланмаси; маълумотнома; масалалар тўплами; иш чизмалари тўплами; касбга ўргатиш бўйича қўлланма (йўриқлар, хариталар тўплами); технологик жараён хариталари тўплами ва ҳ.к.).

Дарсинг дидактик воситалари: аслий ва тасвирий кўрсатмали қўлланмалар; ахборотларни етказувчи техник воситалар; машқ мосламалари ва қурилмалари; йўриқли хариталар; йўриқли-технологик ва технологик хариталар ва ҳ.к.

Амалий касбий таълим ўқитувчиси учун дидактик воситалар: касб бўйича хусусий методика; касб бўйича ахборот материаллари; ўқув дастурининг мавзулари бўйича методик ишланмалар; ўқув ишлаб чиқариш ишлари учун йўриқли ва технологик хариталар тўплами; иш ўринларини ўтказиш учун методик ишланмалар ва ҳ.к.

Ўқув устахонасида дарс. Ўқув устахонасидаги дарсларнинг мақсади.

Оммавий касбларнинг аксарияти бўйича ўқувчиларга ўқув устахонасида ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқариш таълимини бериш операция-комплекс системаси бўйича ўтказилади. Бу системанинг моҳияти шундан иборатки, типик ишларни бажаришнинг барча меҳнат операциялари ва усуллари уларни ўрганиш пайтида бир қатор комплексларга тақсимланган. Ҳар бир комплекс учта-тўртта меҳнат операцияси ва комплекс ишларини ўз ичига олади. Бу ишлар ана шу операциялардан фойдаланилган ҳолда бажарилади. Ҳар бир навбатаги комплекс ишлар мазкур комплекс операцияларнигина эмас, балки илгари ўрганилган операцияларни ҳам ўз ичига олади. Шу тарзда таълим жараёни ҳаракатлар, операцияларни ўрганишни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш таълими дарсининг таркиби

Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг юқоридагидек бўлишни афзаллиги шундаки бунда касб асосларини - ҳаракатлар ва операцияларни махсус ўрганиш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилади. Бу эса ўқувчилар касб маҳоратини келгусида шакллантириш учун мустаҳкам негиз яратади.

Бунда ишлаб чиқариш таълими ҳаракатини шартли равишда «операиця даври» ва «комплекс ишларини бажариш даври» га ажратиш мумкин. Ишлаб чиқариш таълими методикаси ва уни ташкил этиш тегишли даврда ана шу таълим мақсадларига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш таълимнинг операция даврида асосий мақсади ўқувчиларга асосий меҳнат ҳаракатларини тўғри ва сифатли бажаришга ҳамда операция таркибидаги барча хилма-хил элементларни қўшиб олиб боришга ўргатишдан иборат. Ўрганилган операциялар базасида ўқувчилар турли технология изчиллигида ана шу операцияларни қўллаш йўли билан тобора мураккаблашиб боровчи комплекс ишларни бажарадилар. Бунда ўқув-ишлаб чиқариш мақсадлари операцияларни бажариш пайтидагидан бошқача бўлади. Умуман меҳнат ҳаракатлари ва операцияларини тўғри бажариш билан бир қаторда энг муҳим нарса: ўқувчиларга ўрганилган операцияларни ўқув-ишлаб чиқариш ишларини бажаришнинг муайян технология жараёнида қўшиб олиб боришга ўргатишдан; ўқувчиларни тез ва аниқ ишлашга ўргатишдан иборат, яъни таълимнинг бу босқичида ўқувчиларда тез ва аниқ ишлаш кўникмалари шунингдек, меҳнатни режалаштириш кўникмалари шаклланади.

Кириш инструктажи.

Кириш инструктажи одатда дарс бошида ўтказилади.

Кириш инструктажини ўтказиш пайтида унинг қуйидаги тузилишига амал қилиш зарур:

- дарс мавзуси ва мақсадларини айтиш;
- назарий дарсларда, шунингдек мазкур дарс материали билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш таълимнинг аввалги дарсларида ўрганилган материаллари юзасидан ўқувчиларнинг билимларини текшириш;
- дарсда бажариладиган ишларнинг хусусияти ва мақсадини ўқувчилар машқларининг ёки мустақил ишларининг бажарилиш таркибини тушунтириш;
- бажариладиган ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг чизмалари, схемалари, техника талабларини ўрганиш намуналарини намойиш қилиш;
- ўқувчиларни ларсда қўлланиладиган ва ишни бажаришда фойдаланиладиган мосламалар ва бошқа воситалар билан таништириш;
- топшириқни бажаришнинг энг оқилона йўллари, усуллари ва изчиллигини, шунингдек иш сифати назоратининг усулларини тушунтириш ва кўрсатиш;
- типик хатоларни, уларни олдини олиш ва бартараф этиш усулларини усулларини кўриб чиқиш;
- топшириқларни бажариш пайтида иш ўринларини оқилона ташкил этиш усулларини тушунтириш ва кўрсатиш;
- ўқувчиларни меҳнат ҳавфсизлиги қоидаларини кўриб чиқиш;
- кириш инструкцияси материалини мустаҳкамлаш ва ўқувчилар қандай ўзлаштирганини текшириш, иш йўллари ва усулларини қўшимча такрорий тушунтириш ҳамда кўрсатиш;

- топшириқлар бериш ва ўқувчиларни иш ўринларига тақсимлаш ва шу кабиларни ўз ичига олган ҳолда амалга оширилади.

Ўқувчиларни машқлари.

Бўлғуси дарс материални ўқувчиларнинг билимлари ва ишлаб чиқариш тажрибаси билан боғлаш, уларнинг машқларини ва мустақил ишни онгли равишда бажаришлари учун асосдир. Ана шундай боғланиш йўли билан ўқувчилар онгида улар биладиган ва қила оладиган нарсалар билан улар дарсда ўзлаштиришлари, ўрганишлари керак бўлган нарсалар ўртасида «кўприк» ўрнатилади. Бундай боғланишга ўқувчиларга кириш инструктажи бошида махсус предметлар материални ҳамда ишлаб чиқариш таълимнинг илгариги дарслари бўйича савол бериш орқали эришилади. Бунда муваффақият кўп жиҳатдан масалаларни тўғри танлаш ва таърифлашга ҳамда савол бериш тартибига боғлиқ.

Саволларни таърифлашда шуни назарда тутиш керакки жавоб бериш пайтида ўқувчилардан эслашнигина эмас, фикр юритишни ҳам талаб қилинадиган саволлар бериш мақсадга мувофиқдир.

Жорий инструктаж

Дарсда ўқувчиларнинг ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятига раҳбарликни, уларда касб маҳорати ва малакасини шакллантиришни устоз уларга машқлар ва мустақил ишларни бажариш жараёнида жорий инструктаж йўли билан амалга оширади. Бу устознинг таълим бериш фаолиятининг асосий шаклидир. Жорий инструктаж беришнинг асосини дидактик мақсади – ўқувчилар энг кам хато ва камчиликлар билан ўқув-ишлаб чиқариш топшириғини бажаришга эришишдан иборат. Шунга асосан тажрибани устоз ўз таълим бериш фаолиятини шундай ташкил қиладики, бунда у ўқувчиларнинг хатолари, камчиликлари ва қийинчиликларини тугатишга қараганда, уларни олдини олишга кўпроқ эътибор беради.

Якунловчи инструктаж

Ишлаб чиқариш таълими дарсининг мажбурий тузилиш элементи якунловчи инструктаждир. У фақат дарс охирида ўтказилади. Якунловчи инструктажнинг дидактик мақсади – дарс муваффақиятлари ва камчиликларини таҳлил қилиш асосида ўқувчиларга улар нимани ўрганганликлари, камчиликларга йўл қўймаслик ва муваффақиятни мустаҳкамлаш учун нималар қилиш кераклигини уларга кўрсатишдан иборат. Якунловчи инструктаж пайтида одатда қуйидаги асосий масалалар ўртага қўйилади:

- дарс мақсадига эришганлиги тўғрисида ахборот;
- гуруҳ ва ўқувчилар бригадаларининг ўқув-ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришларига яқун яшаш ва таҳлил қилиш;

- типик хатолар ва характерли камчиликларни муҳокама қилиб уларнинг олдини олиш в абартараф қилиш йўлларини кўриб чиқиш;
- ўқувчилар хавфсизлик қоидалари ҳамда меҳнат ва иш ўрнини ташкил этиш, иш вақтидан фойдаланиш қоидаларини қандай бажарилганликларини таҳлил қилиш ва ҳоказолар.

Якка тартибда жорий инструктаж бериш

Ўқувчиларнинг иш жараёнида вужудга келадиган муайян вазиятлар хилма-хил бўлиши мумкин, шу боис устознинг кундалик фаолиятини ташкил этиш ва унинг методикаси юзасидан маслаҳатлар бериш имконияти йўқ. Шу билан ёш устоз ўз ишида ўқувчиларга якка тартибда жорий инструктаж беришнинг қуйидаги қоидаларини билиши ва тадбиқ этиши фойдалидир.

- ўқувчилар фаолиятининг мақсадини аниқ белгилаш, бу мақсадни тушуниб олишларига эришиш;
- ҳар бир ўқувчининг ишини эътибор билан ўрганиш, бутун гуруҳ ишини назардан четда қолдирмаслик;
- ўқувчиларда ўз меҳнатини мустақил таҳлил қилиш, хатоларни, уларнинг сабабларини бартараф этиш ва олдини олиш усулларини қобилиятини доимо ривожлантириш;
- ўқувчиларни ўз-ўзини назорат қилишга рағбатлантириш, улар ишининг юқори бўлишини таъминлаш ва бошқаларни билиш зарурдир.

Жамоага жорий инструктаж бериш

Ўқувчиларнинг машқлари ва мустақил иши жараёнида устознинг ўқувчилар билан ишлашининг жамоа шаклларида ҳам фойдаланилади. Бу жамоага жорий инструктаж бериш деб аталади. Бу нарса устоз иш ўринларини айланиб юрганида ўқувчиларнинг кўплари ёки аксарияти бир хил хатоларга йўл қўйганлигини, камчиликлар бир хил эканлигини аниқланган ҳолларда ўтказилади. Бу ҳолда устоз барча ўқувчиларнинг ишини тўхтатиши, уларни ўз иш ўрнига тўплаши ва тегишли тузатишлар киритиши керак. Операцияларни ўрганиш пайтида жамоага жорий инструктаж бериш айниқса муҳимдир. Лекин бу тадбирни, комплекс ишларни бажараётганда ҳам ўтказиш мумкин ва мақсадга мувофиқдир. Жамоага жорий инструктаж беришда йўл қўйилган хатолар, уларнинг сабаблари, бартараф этиш усуллари ўқувчилар билан биргаликда таҳлил қилаётганида суҳбат йўли билан ўтказиш янада самарали бўлади.

§ 4.3. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил қилиш ва ўтказиш

Малакали мутахассисларни ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларида тайёрлаш жараёни, яъни ишлаб чиқариш таълими уч босқичдан иборат.

Ўқувчиларга ўқув устахоналарида, ишлаб чиқариш шароитида (корхоналар, қурилишларда, жамоа кўникмаларида ва бошқаларда) ва битирув ишлаб чиқариш амалиёти. Ҳар битта ишлаб чиқариш амалиёти учун дастурлар мавжуд бўлиб бу дастурларда ишлаб чиқариш муддатлари, хажми кўрсатилган бўлади.

1. Агар ўқув устахоналарида ишлаб чиқариш таълимнинг асосий вазифаси ўқувчиларни бўлажак касби бўйича таништириш, иш жойлари билан таништириш, жихозлар билан таништириш билан бирга ўқувчилар бу босқичда мураккаб бўлмаган бошланғич меҳнат усуллари, ишлаб чиқариш операцияларини бажаришни, уларни мустахкамлашни ҳамда мустақил иш бажариш йўллари, ишлаб чиқаришни таълими устаси-устоз раҳбарлигида амалга оширади.

2. Ишлаб чиқариш шароитида ишлаб чиқариш таълимини амалга ошириш анча мураккаб босқич бўлиб, бу даврда ўқувчилар ўқув устахоналарида олган билим билан малака ва кўникмаларини такомиллаштиришади. Янги жихозлар билан танишади. Илғор иш тажрибалар билан танишади ва ўқувчиларга мўлжалланган иш нормалари асосида мустақил иш бажаришади. Натижада, улар меҳнат жамоаси аъзоларига ҳурмат, ўз қўлиги ишонч, жамият олдидаги бурч ҳамда ўз касбига бўлган муҳаббат фикрлаш каби хислатлар шаклланиб боради. Бу босқичда ўқувчилар фаолиятига ишлаб чиқариш корхонасининг илғор ишчилари, ишчиларга раҳбарлик қилишади. Устоз эса улар билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими дастури материалларининг бажарилишини кузатиб боради ҳамда биргаликда раҳбарлик қилалади.

3. Унинг яқунловчи босқич-бу битирув олди ишлаб чиқариш амалиёти бўлиб, бу босқичда ўқувчилар ўз касбий билим, малака ва кўникмаларини мустахкамлашади, юқори иш умумдорлиги эслатган жихозлар, қурилмалар, ускуналар, мосламалар билан танишади ва уларда ишлаш йўлларига эга бўлишади.

Ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида бўлажак мутахассисларининг мутахассис сифатида ишлаб чиқаришда маълум даражадаги аниқ ишларни бажаришлари, ускуналарга хизмат кўрсатиш, талаб даражасида (меъёрида) иш бажаришади ва амалга оширилади. Бу даврда ишлаб чиқариш устасининг асосий вазифаси ўқувчиларни иш жойи билан таъминлаш, зарур бўлган ишлаб чиқариш воситалари, материаллар, асбоблар, техникавий жихозлар, кўрсатмали материаллар ва бошқалар билан таништирилади, таъминлаш ва уларнинг ҳамма ишлаб чиқариш талабларига риоя қилиш, босқичларини кузатиш бўлади.

Ишлаб чиқариш амалиётти ҳар бир соҳа учун ҳар хил даврда, ҳажмда амалга оширилади. Масалан ҳозирги даврда саноат соҳаси учун ишлаб чиқариш, амалиёти учун 648 соат ажратилган. Бу ишлаб чиқариш таълимнинг _____ фоизини ташкил қилади. Яъни 18 ҳафта ёки 108 кун демақдир.

Устознинг ишлаб чиқариш амалиётига тайёргарлиги

Ишлаб чиқариш амалиётини амалга ошириш учун ишлаб, чиқариш устаси-устоз амалиёт бошланишдан энг камида бир ой олдин унга тайёргарлик ишларини амалга оширади. Бунинг учун у қуйидаги ишларни бажариш керак:

1. Ишлаб чиқариш амалиёти объекти (корхона, завод, фабрика, жамоа хўжалиги, бригада ва бошқалар) билан танишади. Бу объектлар бажариладиган ишлаб чиқариш иш жараёнининг амалиёт дастурида кўзда тутилган мақсадларга мос келишган яъни, дастур мазмунини амалга ошириши имкониятлари аниқланди. Иш жойлари танланади ва амалиётни бажариш мумкинлигини унинг самарадорлиги белгиланади.

2. Корхона билан ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш бўйича **шартнома** тузилади ва бу шартномада «**корхона**» ва «**ўқув муассаси**» нинг ўзаро шартлари белгиланади.

3. Шартнома тузилгандан кейин ўқувчиларни иш жойларига тақсимлаш ва уларни бир жойдан иккинчи жойга график асосида ишлашга ўтиш графиги тузилади.

4. Ишлаб чиқариш амалиётини бошлашдан олдин «корхона» ходимлари томонидан махсус, инструктаж ўтказилади. Бунда «корхона» да қандай юриб туриш кераклиги, ускуналар билан ишлаганда қандай техник хавфсизлиги чораларига риоя қилишни, корхонанинг иш тартиби ва қоидалари, иш ўринларида ўзлаштириш қандай тутишни ва бошқа талаблар ҳақида йўриқнома беради.

5. Ишлаб чиқариш амалиёти одатда ишлаб чиқариш корхонаси экскурсиядан бошланади ва ўқувчиларни корхона цехлари, участкалари билан ҳамда чиқариладиган махсулотлар ва уларга ишлатиладиган материаллар билан таништиради. Бу вақтда ишлаб чиқариш корхоналаридан илғор ишчилар ёки муҳандислар ҳам қатнашади. Шу билан бирга экскурсия охирида корхонанинг раҳбари, ўринбосарлари, жамоатчилар, илғор тажриба эгалари корхона ҳақида, унинг анъаналари тарихи ҳақида сўзлаб берилади.

6. Устоз корхонадаги иш ўринларига ўқувчиларни бириктириб, уларнинг ишларини кузатиб боради, керакли инструктажлар беради, зарур вақтда ўқувчилар иш жойларини график асосида алмаштиради. Ишлаб чиқариш амалиётига корхонадаги жавобгар шахслар, томонидан асосий раҳбарлик амалга оширилади. Агар ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида баъзи камчиликлар учраса бундай камчиликларни устоз ва раҳбарлар орқали барҳам берилади.

7. Ишлаб чиқариш амалиёти натижаси бўйича ҳисобот учун материаллар тўплаш учун устоз томонидан кўрсатмалар берилиб борилади.

Касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларининг ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиёти ҳақида намунавий шартнома

_____ 2001 й.

Тошкент миллий хунармандчилик касб-ҳунар коллежи директори _____ бундан кейин «ўқув муассаси», бир томондан ва Қурилиш трести бошлиғи _____

Иккинчи томондан, бундан кейин «Корхона» қуйидаги шартномани тузишди:

1. «Ўқув муассаси» юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун дастурлар ва ўқув режасига асосланиб, «қурилиш ишлари» касби бўйича 20 ўқувчидан иборат А-21 гуруҳини 10 декабр 2001 йилдан 15 январ 2002 йилгача ишлаб чиқариш амалиётини ўташга йўллайди. Ўқувчилар рўйхати илова қилинади.

2. «Ўқув муассаси», «Ишлаб чиқариш амалиёти Низоми» га биноан ўқувчиларнинг дастлабки касбий тайёргарлигини, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни, иш шароити қоида тартибларини сақлашни, ускуналарни эҳтиётгарлик билан бошқаришларига бўлган муносабатларини таъминлайди. Ўқувчилар ишлаб чиқариш амалиёти даврида «Корхона» нинг ички тартиб қоидаларига тўлиқ бўйсинишади.

«Ўқув муассаси» устоз орқали ўқувчиларнинг ўқув ишларини ташкил қилади ва уларга услубий раҳбарликни амалга оширади.

3. «Корхона» бажаради:

а) ўқувчиларга-амалиётчиларга зарур бўлган жиҳозлар билан жиҳозланган иш жойларни, ишлаб чиқариш топшириқлари, ҳужжатлар ва бошқалар билан таъминлайди. Ўқувчиларни касбга оид бўлмаган бошқа ишларга жалб қилмайди ва уларнинг бўш, бекорчи бўлишларига йўл қўйилади;

б) «Корхона» да қабул қилинган меъёрлар, талаблар бўйича ўқувчиларни махсус кийимлар, шахсий хавфсизлик воситалари билан таъминлайди. Иш шароитини санитария гигиена талаблари асосида таъминлайди.

в) ўқувчиларнинг бажарган иш натижаларини қатъий ҳисобга олиб боради. Ўқувчиларнинг ишлаб топган ҳақлари қайдномаси асосида ҳар ойда «Ўқув муассаса» ҳисоб рақамига пулларни ўтказиб туради;

г) ўқувчиларнинг ва устознинг йўл харажатларини тўлайди.

4. Агарда шартномада кўрсатилган талаблар «Корхона» томонидан бажарилмаса у ҳолда «Ўқув муассаса» ўқувчиларни ишлаб чиқариш амалиётидан чақириб олишлари мумкин.

5. Агарда ишлаб чиқариш амалиёти даврида ўқувчилар «Корхона» ички қоидаларини бузишса у ҳолда «Корхона» раҳбарияти

уларни ишлаб чиқариш амалиётидан четлатиб, «Ўқув муассаса» га қайтариб юборишлари мумкин.

6. Томонларнинг қўшимча шартлари _____

7. Томонлар томонидан пайдо бўлган келишмовчиликлар қабул қилинган меъёрлар асосида ҳал қилинади.

8. Шартнома муддати _____дан _____гача

Корхона раҳбари

Ўқув муассаси раҳбари

Ишлаб чиқариш амалиёти дастурларининг намунавий тузилмаси

Ишлаб чиқариш таълими амалиётини ўтказишнинг энг муҳим қисми бўлиб, унинг дастурини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Ишлаб чиқариш дастури қуйидаги тузилишга эга:

1. Умумий қоидалар. Амалиётга ажратилган умумий вақти, ўташ муддати, иш режаси, амалиётга раҳбарликнинг ташкилий масалалари, амалиёт ўтишини назорат қилиш.

2. Ишлаб чиқариш амалиётининг ўқув тарбиявий масалалари.

3. Иш мазмунига қўйиладиган талаблар, ўқувчилар бажариши лозим бўлган вазифалар ва бошқалар.

4. Амалиёт ўтиши учун керак бўлган иш ўринлари рўйхати ва бажариладиган ишлар тафсилоти.

5. Амалиёт жараёнида ўрганадиган юқори унумдорликли асбоблар ва мосламалар.

6. Илғор ишчилар меҳнати усуллари ва уларни ўрганиш режалари.

7. Ишлаб чиқариш таълими устозига услубий тавсиялар.

8. Якуний малакавий ишга қўйиладиган талаблар.

§ 4.4. Ўқувчиларни билим, малака кўникмаларини назорат қилиш ва баҳолаш усуллари

Ўрта махсус, касб-ҳунар муассасаларида ўқув тарбиявий жараёнда унумли меҳнатни амалга ошириш учун ўқувчиларни тайёрлашга йўналтирилган бўлиб, жамият ва шахсий талабларни қондириш ҳам керак.

Малакали, унумли меҳнат ўқувчиларнинг таълим-тарбия олиш жараёнида шаклланган билим, малака ва кўникмаларига асослангандир.

Ўқув-тарбиявий жараён – бу бошқариладиган ва ростланадиган жараён бўлиб, ўқитувчи, устоз ўқувчилардаги билим, малака ва кўникмаларини сон ва сифат жиҳатдан ҳаққоний баҳолаш ва ўқув-тарбиявий жараёнга олишган натижалардан қараб ўзгартишлар киритиб бориш билан бирган ўзининг фаолиятига ҳам тавсиф беради.

Ўқувчиларнинг билим, малака, кўникма ва қобилиятларига баҳо бериш қараб чиқишдан олдин яна бир бор билим, малака, кўникма ва қобилиятлар таъсирини қараб чиқайлик.

Билим – назарий ва амалий фаолият натижасида ўрганган, эса сақлаб қолинган, қабул қилинган ва фикрлаштирилган ҳодиса ва предметлар ҳақидаги тушунчалар тизимидир.

Билимлар ўз навбатида тизимли ва тизимсиз, назарий ва амалий, кенг ва тор, чуқур ва юзаки, мосланувчан ва шаблонли, мустаҳкам ва мустаҳкам бўлмаган турларига бўлинади. Буларнинг ичида касбий таълим натижасида ҳосил бўладиган назарий ва амалий билимларни ошириш мумкин. Чунки, назарий билимлар нарсаларнинг (предметлар) етаоли даражадаги хусусиятларни техника ва технологиялардан ҳодисасини (явлений) ва уларнинг объектив муносабатини билдиради. **Амалий билим** эса техника ва технология соҳасидаги жараёнларнинг алоқасини, ҳодисасини ва бошқаларнинг тўғридан тўғри амалий фаолиятга киритилганлигини билдиради.

Малака – бу ўқувчининг автоматик равишда йўналтирилган ҳолда бирорта ишни баҳолаш қобилиятидир.

Кўникмалар: ақлий (хотира ва фикрлаш), сенсорли (қабул қилиш кўникмаси), двигателли ҳаракати (психомоторли) ва **волевоийли**.

Кўникма - янги шароитда инсоннинг (мутахасиснинг) ишни сифатли, кераклиҳажмда ва ажратилган – белгиланган вақтда бажариш қобилиятидир.

Кўникмани шакллантириш бу касбий таълимнинг мажбурий охириги мақсади бўлиб, бу кўникма ўқиш, амалиёт жараёнида босқичма-босқич шаклланиб боради.

Касбий қобилият – касбий фаолият шароитида ишни муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган шахснинг шахсий – психологик сифати белгисидир.

Қобилият туғма бўлмасдан унинг кўзга ташланиши ёки ажралиб туриши муҳитга, ўрганишга, тарбияга боғлиқдир. қобилиятнинг туғма кўриниши унинг қабул қила олиши, фикрлаши, хотираси, фараз қилиши ва бошқалар бўлгани учун булар ривожлантирилса, тўғри йўлга солишса қобилият юқори чўққига чиқади.

Билим, малака ва кўникма, қобилият ўзаро боғлиқ бўлиб, уларни алоҳида-алоҳида баҳолаш жуда мураккаб.

Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини баҳолаш устознинг, ўқитувчининг муҳандис педагогнинг услубий фаолиятини таркибий қисмидир. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўқув шароитида ҳар бир ўқувчини диққат билан кузатиб, ўрганиб бориш ва фаолиятини баҳолаб бориши зарур.

Умумтаълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий ўқув юртлардаги техникавий, технологик фанлар бўйича билим, малака ва кўникмаларини баҳолаш усуллари ва шакли асосан бирхилдир. Уларда фақат мазмун жиҳатдан яъни амалиётни, касбий

йўналтирилганлик, малака ва кўникмаларга бўлган талабнинг кўпроғи ва бошқалар билан боғлиқдир.

Машинасозлик фанларини ўрганишда билим, малака ва кўникмаларни баҳолашнинг куйидаги турлари мавжуд:

Жорий – оғзаки сўраш, ёзма назорат ишлари, амалий иш, ўқитувчининг кузатиб бориши, дастурли назорат.

Даврий – ҳар битта мавзунинг ўтгандан кейин текшириб бориш.

Якуний – назорат ишлари, зачетлар, имтиҳон ва битирув ишлари.

Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини назорат қилишда учта асосий функция (вазифа) амалига оширилади: текширувчи, ўргатувчи ва тарбияловчи.

Текшируви – назорат қилувчи – ўқувчиларнинг гуруҳ ўқувчиларининг ўзлаштирганлик даражасини белгилаб бориш (яъни билими, малакаси ва кўникмаси).

Ўргатувчи – ҳар бир ўқувчининг билими, малакаси ва кўникмасининг текшириш натижасида бошқа ўқувчилар ўзларининг билим, малака ва кўникмаларини таққослайди ва ўзига хулосалар чиқаради. Шу билан бирга ўқитувчи умумий камчиликларга ҳам тўхталиб ўтиши натижасида бошқа ўқувчиларга сабоқ бўлади.

Тарбияловчи функцияси – тизимли назорат ўқувчиларда ўзига ўзи баҳо беришни, имкониятларини тарбиялайди ва ўз вақтларини тўғри тақсимлашга ундайди.

Ўқувчиларнинг билими, малакаси ва кўникмаларини назорат қилишнинг энг кўп тарқалган шакли оғзаки сўраш (шахсий, группали) дир. Бунинг кенг тарқалганлигининг сабаби уни ташкил қилишнинг осонлиги. Лекин бунинг ҳам ўзига хос қийинчилик томонлари бор, яъни камни қачон чақириш керак? Қандай савол бериш керак? Саволнинг хажми қандай бўлиши керак? Қанча вақт керак? Нимани сўраш керак? Қачон ўқувчилар билан нима қилиш керак? ва х.к.

Нazorat қилиш қандай бўлмасин, уларга қўйиладиган умумий талаб: ўқувчиларга аниқ саволлар билан мувожабат қилиш ва бу назоратга кўпроқ ўқувчиларни жалб этишдир.

Ўқувчиларнинг касбий маҳорат юритувчи объектлари бўлиб куйидаги ишлаб чиқариш билим, малака ва кўникмалари ҳисобланади.

- ўқув ишлаб чиқариш ишларини бажариш сифати;
- ишлаб чиқариш моҳити унумдорлиги – вақт ва маҳорат;
- ишни бажаришда ишлаб чиқариш негизларининг усулларини қўллаш олиш;
- ҳозирги замон техника ва технологиясини қўллаш олиш, иш бажариш;
- мустақил иш бажара олиш;
- амалий ишларни бажариш назарий билимларни қўллаш олиш;
- меҳнат маданияти, иш жойи тартиби;
- иш бажариш вақтида техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш.

Меҳнат ва касб таълими бўйича ўзлаштиришни баҳолаш мезонлари мезонлари.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига ўқитувчи, уста беш балли система бўйича баҳо қўяди. Баҳо қўйишнинг беш балли системасини амалида тадбиқ этишда сўзлар билан ифодаланадиган «аъло», «яхши», «қониқарли», «ёмон», «жуда ёмон» деган баҳоларни «5», «4», «3», «2», «1» рақамлари билан алмаштириш мақсадга мувофиқ деб топилган. Рақамли баҳолаш кўпроқ аниқлиги, пухталиги ва фойдаланиш учун қулайлиги билан фарқ қилади.

Кўпинса уста ва ўқитувчилар ўқувчиларнинг интизомига оид бирорта камчилиги (кечкиб келиши, машғулотларга келмай қолиши, дарс вақтида гаплашиб ўтириши ва ҳоказолар) учун баҳони камайтириш каби хатога йўл қўядилар. Бу ўринда уста ва ўқитувчи тарбиявий таъсир кўрсатишнинг бошқа воситаларидан фойдаланилиши лозим.

Қуйидаги баҳо мезонлари белгилаб чиқилган.

Ўқув материални бутун тавсилотлари билан билиш ва тушуниш, материални изчил, мантиқан боғланган ҳолда хатосиз баён этиш, ҳисоб-китоб ва графика ишларини намунали бажариш, меҳнат топшириқларини бажариш вақтида олинган илмий-техникавий билимларни мустақил, дадил ва тўғри тадбиқ этиш, меҳнат усулларини тўғри бажариш (меҳнат ва ҳунар таълими дастурининг талаблари доирасида), техникавий талаблар доирасида сифат кўрсаткичларига риоя қилиш, ишни вақт нормаси доирасида бажариш «5» баҳо билан баҳоланади.

«4» баҳо бутун ўқув материалларини билиши ва тушуниши, уни оғзаки ва ёзма равишда тўғри баён этиши, ҳисоб-китоб ва графика ишларини тўғри ва пухта бажариши, олинган билимлардан ўқув-меҳнат топшириқларини, берилган ишни белгиланган вақт нормасига мувофиқ ўз вақтида бажарилганлиги учун қўйилади.

«3» баҳо программадаги асосий материални бундан кейинги ўқув-меҳнат вазифаларини бажаришга имкон берадиган ҳажмда билиши ва тушуниши, ўқув материални бирмунча хато ва камчиликлар билан, ўқитувчининг озгина ёрдами орқали содда қилиб баён этиши, меҳнатни ташкил этишда бир оз камчиликлар бўлган ҳолда белгиланган вақт нормасини 75% бажаргани учун қўйилади.

«2» балли баҳо программа материалнинг кўп қисмини яхши тушунмаслик, уни қўпол хатолар билан баён қилиш, ҳисоб-китоб ва графика ишларини етарли даражада бажармаслик, олинган билимларни хатоларга йўл қўйиб тадбиқ этиш, меҳнат операцияларини кўп хатолар билан бажариш, меҳнатда белгиланган сифат кўрсаткичларини таъминлай олмаслик учун қўйилади.

Бутун программа материални билмаслик ва тушунмаслик, ўтилган материални баён қилиб бера олмаслик, олинган билимлардан

амалда фойдалана билмаслик, меҳнат усулларини қўллана олмаслик, бракка йўл қўйиш учун «1» баҳо қўйилади.

Баҳолашни тарбиявий ролини ошириш масаласи диққатга сазовордир. Шу муносабат билан уста, ўқитувчилар қўйган баҳоларини изоҳлаб бериши муҳимдир. Бу ҳол ўқувчиларга ўз билимларидаги камчиликларини, амалий ишларидаги нуқсонларини билиб олишларига ёрдам беради. Баҳолашни мунтазам изоҳлаб бориш уларнинг таълимий ролини оширади.

Меҳнат ва касб таълимида рейтинг усули баҳолашнинг энг замонавий усули.

Узлуксиз таълим тизимини барча босқичларида мослиги билан аниқланади. Фанлар ва ихтисосликлар бўйича таълим стандартларида ўқувчилар ўзлаштириш, билими, кўникма ва малакаларига эга бўлиши учун зарур бўлган энг минимал талаблари белгиланган.

Ўзбекистон ва бошқа хорижий давлатлар ўқув муассасаларининг тажрибаси ўқитиш сифатини ва ўқув жараёнининг хилма-хил бошқа кўрсаткичларини баҳолашда ва унга объектив ёндашишда баҳолашнинг рейтинг тизими энг замонавий усул эканлигини кўрсатмоқда. Чунки, ҳозирги кунда кўп ўқитувчилар ўқувчиларнинг ўқув фанлари бўйича ўзлаштириш даражасини белгилаш яъни аниқлашда маълум даражада хатликларга йўл қўйиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши таълим борасида олиб борилаётган туб ислохотларни амалган оширишда ҳуқуқий асос яратди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасини 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикасида Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора тадбирлар тўғрисида»ги 204 сонли қарорининг 7-бандига асосан академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларни билим савияси, кўникма ва малакаларининг назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомини ишлаб чиқиш, ҳамда жойларда жорий қилиш, касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларда таълим-тарбия олувчи ўқувчиларнинг билимини ҳаққоний баҳолаш, билим ва касбий кўникмалар олишга жонкуярлик хиссини ўйғотиш ўқувчиларда ўқишга интилишга, ўзаро беллашиш муҳитини шакллантириш зарурлиги кўрсатилган ва бу Низом ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилди. Худди шу Низом Умумий ўрта мактаб ўқувчиларининг билимини баҳолаш учун ҳам жорий этилди.

Бугун сизларнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган мавзу ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларида билимлар сифатини назорат қилиш рейтинг тизими ҳақидаги низом асосида амалга оширилаётган тажрибаларга асосланган.

Рейтинг тизимининг мақсад ва вазифалари

Рейтинг тизими ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат таълим стандартлари ҳамда, меҳнат таълими давлат таълим стандартларининг таркибий қисми бўлиб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастур талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларнинг билимини ҳаққоний баҳолаш, улардан фанларни ўзлаштириш бўйича қизиқишларни ошириш ва уларнинг билим, кўникма ва малакаларини эгаллашга бўлган эҳтиёжларни ривожлантириш ўқитиш жараёнида рейтинг тизимини қўллашнинг асосий мақсадини ташкил қилади.

Рейтинг тизими қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш учун киритилади:

- давлат таълим стандартлари талабларига мос ҳолда барча ўқув фанлари ўқув дастурлари бўйича билим, кўникма ва малакаларни ўқувчилар толмонидан ўзлаштириш даражасини объектив баҳолаш;
- ўқувчиларда билим олишга бўлган ижобий интилиш эҳтиёжини шакллантириш, уларда ўзаро беллашувга қизиқиш уйғотиш;
- ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатиш;
- ўқувчиларни доимий баҳолаш ва баҳоларни таққослаб бориш;
- ўқув муассасалари ўқитувчилари ишлаб чиқариш таълим усталари педагогик фаолиятини тўғрибаҳолаш;
- ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятини олдиндан режалаштириш, ўқув жараёнига зарурий ўзгаришлар киритиш;
- Республиканинг турли ҳудудларидаги ўқув муассасалари натижаларини таҳлил қилиш, таққослаш ва чора тадбирлар ишлаб чиқиш;
- Ўқувчиларнинг меҳнат ва тарбиявий интизомини яхшилаш, уларнинг фанлар бўйича узлуксиз тайёргарлигини амалган ошириш.

Рейтинг тизимини назорат турлари

Рейтинг тизимида ўқув режасига киритилган ҳар бир ўқув фани бўйича ўқувчиларнинг билим сифатини баҳолаш учун қуйидаги назорат турларидан фойдаланилади:

Жорий назорат (ЖН);

Оралиқ назорат (ОН);

Якуний назорат (ЯН).

Жорий назорат (ЖН) – оғзаки сўров, коллоквиумлар, семинарлар, ёзма ишлар, лаборатория ишлари, техникавий диктант, курс лойиҳалари, уй вазифаси ва ҳоказо, яъни сиз ўз амалиётингизда қўллайдиган барча сўров турларини ўз ичига олади.

Жорий назорат (ЖН) да ўтказиладиган сўров турларини қуйидаги қисқартирилган кодлар билан белгилашни тавсия этилади:

Тест сўровлар(Т), оғзаки сўров(О), лаборатория иши(Л), масала ечиш(М), уй вазифаси(У), курс лойиҳаси (КЛ), ёзма иш (Ё), карточка сўрови (КС), техникавий диктант (ТД), амалий иш (А), ва хоказо.

Жорий назорат ўқув дастурини бир ёки бир нечта мавзуларини ўргангандан сўнг ўтказилади.

Оралиқ назорат (ОН)- ўқув фанининг алоҳида мақсадга қаратилган катта ва тугалланган ҳажмидан кейин ўтказилади. Бу ўқув дастурини бир ёки бир нечта бўлими бўлиши мумкин. ОН семестр давомида 2-4 марта ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Якуний назоратга (ЯН) – якуний назорат (ЯН) семестр давомида ўтилган барча боб ва мавзуларга тааллуқли асосий саволларни қамраб олиши керак. Бу назорат семестр якунида тест асосида ўтказилади.

ОН ва ЯН ўтказишнинг объективлигини таъминловчи назоратни асосий шакли-тест синовлари ўтказишдир. Тест синовларини ўтказишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур, яъни ўқув материални ўзлаштириш натижаларини объектив баҳолаш учун шароитлар яратиш; кўп вариантли тест саволларини ишлаб чиқиш; бир-биридан кўчира олмаслигини таъминлаш; ҳар бир ўқувчини индивидуал тест саволлари билан таъминлаш.

ОН сонини, мазмунини ва ўтказиш вақтини ўқитувчи тақвим мавзулар режага мос ҳолда белгилайди. ОН ўтказилиш ҳақида ўқувчилар бир ҳафта олдин огоҳлантирилади.

ОН ва ЯН доирасида биттаси ёки бир нечтаси бўйича танлаб олиниб ташққи назорат ўтказилиши мумкин. Назорат қилиш таълимий муассаса раҳбарлари томонидан ўтказилади.

Ташққи назоратнинг мақсади таълим стандартида кўрсатилганга мос даражада ўқувчилар ўзлаштиришининг кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда бир хилдаги фанлар бўйича (касблар) бу кўрсаткичларни таққослаш.

Ўқувчиларнинг қизиқишини уйғотиш учун ўтказилган назорат натижасини дарс мобайнида бевосита ўқувчилар иштирокида кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш яхши натижа беради.

Ҳар бир ўқитувчи ўз фани бўйича рейтинг тизимини лойиҳалаштиришда қуйидагиларга асосланиши керак:

1. Ҳар бир фан бўйича семестр давомида ўқувчи тўплаши мумкин бўлган максисал балл 100 баллни ташкил этади;

2. Ҳар бир фан учун ажратилган максимал балл назорат турлари бўйича тақсимланади:

- Жорий назорат (ЖН) бўйича 60%, яъни 60 балл;
- Оралиқ назорат (ОН) бўйича 20%, яъни 20 балл;
- Якуний назорат (ЯН) бўйича 20%, яъни 20 балл.

Бу баллар баҳо ва фоиз жиҳатдан қуйидагича тақсимланади:

Мак. балл	Баҳолар, фоизлар, баллар			
	«қониқарсиз» 54,9%	«ўрта» 55%-69,9%	«яхши» 70%-84,9%	«аъло» 85%-100%
100	0-54,9	55,9-69,9	70-84,9	85-100

Якуний назоратга (ЯН) жорий ва оралиқ назоратларда йиғилган умумий балли максимал баллнинг 60% дан кам бўлган ва рейтинг баллини яхши лаш ҳоҳишини истаган ўқувчилар киритилади. Агар ўқувчининг жорий ва оралиқ назоратларида йиғилган умумий рейтинг балли 60% дан кўп бўлса ва бу ўқувчилар якуний назорат топшириш истагини билдирмаса, у ҳолда журналга улар жамлаган умумий балл қўйилади. Якуний назоратга ажратилган баллни ўқувчи токи шу назоратни топширмагунча автоматик равишда қўшиб қўйишга рухсат берилмайди.

Курс лойиҳаларига максимал баллнинг 20-40% ни ажратиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир ўқитувчи ўз фанидан курс лойиҳасини фойизлаш жараёнида ҳар бир қисм учун шу максимал 20-40 баллдан келиб чиққан ҳолда балларни тақсимлайди.

Ишлаб чиқариш таълими ва амалиёти учун ҳам максимал балл 100 балл бўлиб, рейтинг тизими уларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда юқоридаги намунадагидек лойиҳалаштирилади.

Диплом ишлари ва лойиҳалари, давлат имтиҳонлари учун ҳам максимал балл 100 балл деб белгиланади.

- диплом иши ёки лойиҳаси раҳбарига - 30%, яъни 30 балл;
- рецензентга – 20%, яъни 20 балл;

Давлат ҳимоясида малака комиссиясига ажратилган максимал 50 баллнинг 60% ни олган ўқувчигина ҳимоя қилган ҳисобланади.

Рейтинг тизимини амалга ошириш.

Ўқув режаси ва фан дастурига асосан тузилган тақвим-мавзуй режаси бўйича, ҳамда ажратилган соатларни эътиборга олган ҳолда, ҳар бир ўқувчини семестр давомида неча марта назорат қилиш имкониятидан келиб чиқиб, назорат ва сўров турлари аниқлаб чиқилади ва маълум бир фан бўйича рейтинг балларини тақсимланиш жадвали тузилади. (жадвал 1). Бу жадвал 7 устундан иборат бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади: (қуйидаги жадвалга қаранг).

Биринчи устунга назорат ва сўров турларининг номлари киритилади.

Иккинчи устунга назорат ва сўровлар учун белгиланган қисқартирилган кодлар киритилади.

Учинчи устунга сўровларининг қай даражада муҳимлигига қараб муҳимлик даражаси аниқланиб киритилади.

Тўртинчи устунга семестр давомида ҳар бир ўқувчини белгиланган сўров тури бўйича неча марта назорат қилиш имкониятидан келиб чиққан ҳолда сўровларнинг сони киритилади.

Бешинчи устунга семестр давомида жами ўтказилган сўровлар сонидан назорат тури учун ажратилган максимал баллдан ва сўровларнинг муҳимлик даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир сўров тури учун ажратилган максимал баллар аниқланиб киритилади.

Олтинчи устунга тақвим-мавзуй режаси бўйича ҳар бир сўровлар ўтказилиши керак машғулотлар номери аниқланиб киритилади.

Еттинчи устунга ўқувчи семестр давомида ҳар бир назорат ва сўров турлари бўйича тўплаш мумкин бўлган максимал баллар аниқланиб (4 ва 5 устундаги сонлар ўзаро кўпайтирилиб) киритилади.

« _____ » фани бўйича рейтинг балларини тақсимланиши.

Жадвал 1

Назорат ва сўров турлари	Сўров кодлари	Сўровларнинг муҳимлик даражаси	Семестр давомида ўтказилган сўровлар сони	Ҳар бир сўровга ажратилган мах балл	Сўровлар ўтказилган машғулотлар №	Ҳаммаси
1	2	3	4	5	6	7
Жорий назорат	ЖН	5	1	3	2-40	3
1. Оғзаки сўров	О					
2. Тест	Т	2	2	5	18;34	10
3. Масала ечиш	М	1	2	6	5-20;22-40	12
4 Лаборатория иши	Л	3	6	4	3;8;12;23;27 ; 36	24
5. Ёзма иш	Ё	4	2	3,5	15;30	7
6. Уй вазифаси	У	6	2	2	10;32	4
Жами			15			60
Оралиқ назорат	ОН					
Тест	Т		2	10	21;40	20
Якуний назорат	ЯН					
Тест	Т		1	20		20
Жами			18			100

Тузувчи: « _____ » фани ўқитувчиси

Сатторов З.М

1 жадвал тузилиб, тақвим-мавзуй режа билан биргаликда ўқув ишлари бўйича директор муовинига тасдиқлаш учун топширилади ва гуруҳ журналига кўчирилади.

1 жадвалга асосланган ҳолда ҳар бир фан бўйича журналда келтирилган рейтинг асосида баҳолаш жадвалининг юқори қисми тўлдирилади. Жадвал 2.

Бу жадвалда қуйидагилар кўрсатилади:

- ўқувчининг фамилияси ва исми шарифи;
- назорат ва сўров кодлари;
- назорат ва сўров учун ажратилган максимал балл;
- жорий ва оралиқ назоратларда ўқувчининг жами жамғарган балли;
- якуний назоратга ажратилган балл;
- қайта топшириш;
- жами жамғарилган баллар (ҳаммаси).

Жадвал 2 да назорат ва сўров турлари ҳамда ўтказилган машғулотлар номери, уларга ажратилган максимал баллар аниқ кўрсатилиши керак. ҳар бир ўқитувчи ўз фани бўйича рейтинг балларини тақсимланишини ўқувчиларнинг кундалик рейтинг дафтарига кўчириши ва ўз вақтида олган балларини қўйиб бориши зарур. Бу эса ўқувчиларни ўзаро беллашишга, ҳамда ҳар бир назоратга ўз вақтида тайёрланиб келишга чорлайди.

Агар ўқувчи баъзи бир сабабларга кўра назоратни топширмаса, у ҳолда унинг сабаблари аниқланиб қайта топширишга рухсат берилади. қайта топширганда назоратни сабабли қолдирган бўлса, максимал балл 0,9 га сабабсиз қолдирган бўлса 0,7 га кўпайтирилади.

Семестр якунида ўқувчи максимал баллнинг 55% дан кам жамғарган бўлса, у ҳолда илмий педагогик кенгашнинг қарорига асосан ўқувчига икки ҳафта муддат ичида қайта топширишга рухсат берилади.

қайта топшириш фақат оралиқ ва якуний назоратлар бўйича ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари рухсатномасига асосан фақат бир марта рухсат этилади. Кейинги қайта топшириш директор буйруғига асосан комиссияга топширилади. Шундан кейин ҳам ўқувчи 55% дан кам балл тўплаган бўлса, у ҳолда курсдан курсга қолдирилади. Ўқувчи ҳар бир фандан максимал баллнинг 55% ни жамғармагунча курсдан курсга ўтказилмайди.

Сўров даражаларига ажратилган максимал баллар баҳолаш тизими бўйича 3 жадвалда кўрсатилгандек тақсимланади.

Сўров даражаларининг максимал баллини белгилашда ҳисоблаш жраёнларини енгиллаштириш мақсадида иложи борица бутун сонлар қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Рейтинг тизими биринчи марта жорий қилинаётган ўқув муассасаларида токи ўқувчилар кўникма хосил қилгунларига қадар баҳолаш тизимининг баллар интервали ўрнига 3 жадвалда кўрсатилган тақрибий баллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Ўқув муассасасида рейтинг тизими бўйича маълум бир тажриба орттирилгандан кейин ҳамда техник воситалардан фойдаланиш имконияти яратилгандан сўнг баҳолаш тизимининг баллар интервалига ўтиш мақсадга мувофиқ.

Баллар интервалини таклиф қилишдан мақсад ўқувчиларнинг билимларини аниқ ва реал баҳолаш, ҳамда ўқувчилар ўртасида ҳар бир улуш балл учун курашиш мухитини яратишдир. Баллар

интервалидан фойдаланиш гуруҳда, курсда, коллежда, ҳамда Республикадаги лицей ва коллежлараро энг яхши ўқувчиларни ҳеч қандай қўшимча коэффициентларсиз аниқлаб беради.

Рейтинг тизимида ўқувчиларнинг умумий тўплаган баллини ҳисоблаш ва уларни ўзаро таққослаш

Рейтинг тизимини лойиҳалаштириш ва баҳолаш мезонини энгиллаштириш мақсадида барча фанлар учун 100 баллик тизим белгиланган эди. Лекин энг яхши ўқувчини аниқлаш ва ўқувчилар билимини ўзаро таққослаш учун албатта ҳар бир фанга ўқув жараёни режасида ажратилган соатларни ҳам ҳисобга олиш керак. ўқувчиларнинг ҳар бир фан бўйича тўплаган бошланғич макисмал рейтинг балли қуйидаги формула билан аниқланади.

$$P_{\text{б}} = P_{\text{жн}} + P_{\text{он}} + P_{\text{ян}} = 60 + 20 + 20 = 100 \quad (1)$$

Бу ерда:

$P_{\text{жн}}$ - ўқувчиларнинг жорий назоратда тўплаши мумкин бўлган макисмал балли, яъни 60 балл;

$P_{\text{он}}$ - ўқувчиларнинг оралиқ назоратда тўплаши мумкин бўлган макисмал балли, яъни 20 балл;

$P_{\text{ян}}$ – ўқувчиларнинг якуний назоратда тўплаши мумкин бўлган макисмал балли, яъни 20 балл.

ўқувчиларнинг ҳар бир фан бўйича балли қуйидаги формула билан аниқланади:

$$P_{\text{ўб}} = P_{\text{ўжн}} + P_{\text{ўон}} + P_{\text{ўян}} \quad (2)$$

Бу ерда:

$P_{\text{ўжн}}$ – ўқувчиларнинг жорий назоратда тўплаган реал балли;

$P_{\text{ўон}}$ - ўқувчиларнинг оралиқ назоратда тўплаган реал балли;

$P_{\text{ўян}}$ - ўқувчиларнинг якуний назоратда тўплаган реал балли.

2 формула ҳар бир фан бўйича ўқувчининг тўплаган реал баллини аниқлашга имкон яратди. Лекин ўқув жараёни режасида ҳар бир фан учун ажратилган соатларни ҳисобга олган ҳолда ўқувчининг ҳаққий рейтинг баллини аниқлаш имконияти бермайди. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$P_{\text{х}} = P_{\text{ўб}} \times K_{\text{ф}}$$

Бу ерда:

$K_{\text{ф}}$ - С|100-фан коэффициенти бўлиб, ўқув жараёни режасида маълум бир фан учун ажратилган соатларга боғлиқ;

C – ўқув жараёни режасида маълум бир фан учун семестрда ажратилган соатлар сони.

Ўқувчининг маълум фанлар бўйича тўплаган рейтинг балларини аниқлаганимиздан сўнг барча фанлар бўйича умумий рейтинг баллини қуйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$P_y = P_{x1} + P_{x2} + P_{x3} + \dots + P_{xn} \quad (4)$$

Бу ерда: n – фанлар сонини билдиради.

Масалан: 1 курс бўйича n – 18 га тенг, чунки ўқув жараёни режаси бўйича ушбу курсда 18 та фан ўқитилиши мўлжалланган. Худди шундай курсларда ёки бутун 3 курс мобайнида тўплаган умумий рейтинг баллини аниқлаш мумкин. Бу аниқланган рейтинг балли ўқув жараёни режасида ажратилган умумий соатлар сони (4560) билан мос келади. Агар диплом ҳимояси ва давлат имтиҳонларига ажратилган балларни қўшсак бу балл яна озгина кўпайиши мумкин. Ўқувчининг 3 курс мобайнида тўплаган умумий баллини ҳисоблашда 4 формулага албатта диплом ҳимояси ва давлат имтиҳонларига ажратилган балларни ҳам қўшиб ҳисоблаш керак. 4 формула гуруҳда энг яхши ўқувчини аниқлашга имкон беради, лекин курсда, коллежда ва коллежлараро энг яхши ўқувчини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$P_n = P_{yp} | P_{ym} \times 100 \quad (5)$$

Бу ерда:

P_n – ўқувчининг нисбий рейтинг балли;

P_{yp} – ўқувчининг фанлар бўйича тўплаган умумий реал балли

P_{ym} – ўқувчининг фанлар бўйича тўплаши мумкин бўлган максимал балли.

5 формула ўқувчиларнинг ўзаро таққослаш учун тўрт, беш ва ундан ортиқ хонали сонлардан Яна 100 баллик мезонга ўтишга имкон яратади. Бу баллар фоиз жиҳатдан қуйидагича тақсимланади:

- 0-54,9%, яъни ўқиш жараёнида рейтинг кўрсаткичи 0-54,99 баллгача бўлган ўқувчилар қониқарсиз;

- 55-69,9%, яъни ўқиш жараёнида рейтинг кўрсаткичи 55-69,99 баллгача бўлган ўқувчилар ўрта;

- 70-84,9%, яъни ўқиш жараёнида рейтинг кўрсаткичи 70-84,99 баллгача бўлган ўқувчилар яхши;

- 85-100%, яъни ўқиш жараёнида ўқиш кўрсаткичи 85-100 баллгача бўлган ўқувчилар аъло.

Бу рейтинг кўрсаткичлари ўқувчиларнинг билим сифатини 100 баллик тизим бўйича таққослаш ва уларнинг ўзаро беллашишга чорлаш имкониятини яратади. Чунки ўқувчилар билимини баҳолашда

баллар интервалидан фойдаланганда икки ўқувчининг рейтинг кўрсаткичи бир хил бўлиш эҳтимоли нолга яқин. (жадвал 4).

Юқорида келтирилган формулалар бўйича ҳисоб-китоб ишлари ўқув муассасаларининг методик хоналарида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бошчилигида амалга оширилади. Бу ишларни компьютерга маълум бир дастур киритиб амалга ошириш ҳисоб-китоб ишлари анча енгиллаштиради.

Рейтинг тизимида ўқувчиларни рағбатлантириш.

Ҳар бир семестр курс якунида ўқувчиларнинг рейтинг кўрсаткичлари Аниқланиб, ўқув муассасасининг эълонлар тахтасида ёритилиб борилади (4 жадвал).

№	Ўқувчилар шарифи	исм	Семестрлар бўйича рейтинг					
			I	II	III	IV	V	VI
1	Абдуллаева А.Х.		88,15	89,36	91,31	85,96	78,02	98,97
2	Норматов Т.Д.		77,56	89,89	86,9	88,9	79,09	90,07
3	Сатторов З.М.		68,45	65,89	77,09	89,76	90,0	98,98
4	Ибрагимов Т.Р.		56,06	65,98	67,98	77,45	88,09	89,07
5	Музаффаров А.		76,98	77,08	89,04	87,98	90,78	92,67
6	Махмудов Х.А.		88,0	87,98	89,78	77,46	79,09	89,89
7	Бобожонов С		61,76	67,56	68,09	78,05	85,09	86,34

Ўқувчиларнинг рейтинг тизимидаги ўқув натижалари ҳар семестр якунланганидан сўнг рўйхат шаклида энг юқори рейтинг кўрсаткичидан энг паст рейтинг кўрсаткичга қараб тартиблантирилган ҳолда расмийлаштирилади.

Педагогик кенгаш, гуруҳ раҳбарлари, ўқувчилар ва ота-оналар йиғилишларида семестр якунлари таҳлил қилинади, ўқувчиларнинг рейтинг кўрсаткичларини кўтариш мақсадида, ўқитувчиларнинг бу борада қиладиган ишларига тавсиялар берилади.

Семестр курс якунига кўра академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорлари икки хафта ичида ўқув жараёнида юқори рейтинг кўрсаткичларига эришган ўқувчиларни рағбатлантириш тўғрисида буйруқ чиқаради. Рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқ ўқув муассасасининг эълонлар тахтасига илиб қўйилади:

- семестр якунида рейтинг кўрсаткичи 75 дан 85 гача бўлган ўқувчиларга ташаккурнома эълон қилинади.

- семестр якунида рейтинг кўрсаткичи 85 дан 90 гача бўлган ўқувчилар фахрий ёрлиқ билан мукофотланадилар.

- семестр якунида рейтинг кўрсаткичи 90 дан юқори бўлган ўқувчилар фахрий ёрлиқ мукофотланиш билан биргаликда ўқув муассасасининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда моддий рағбатлантирилади.

- курс якунида рейтинг кўрсаткичи 95 дан ошган ўқувилар маҳаллий ҳокимиятлар, хамий ва васий ташкилотлар томонидан рағбатлантиришга тавсияқилинади, уларнинг фотосуратлари ўқув муассасаси ҳурмат тахтасига илиб қўйилади. Бундан ўқувчиларга хомий ва васий ташкилотлар томонидан қўшимча стипендия берилиши мақсадга мувофиқдир.

ХУЛОСА

Шундай қилиб, ўқувчиларнинг меҳнат ва касб таълими бўйича ўзлаштиришни тўғри ҳисобга олиш уларнинг билим, меҳнат, кўникма ва малакаларини мустаҳкамлашга имкон беради. Интизомни ўқишдаги актиклиги ва мустақиллигини оширади, уларнинг ўқишга бўлган масъулиятини оширади.

Фанлар бўйича рейтинг тизимини лойиҳалаштиришга оид методик тавсиянома.

Қуйида сизга ўз фанингиз бўйича рейтинг тизимини лойиҳалаштиришни енгиллаштириш мақсадида фанлар бўйича рейтинг тизимини лойиҳалаштириш намунасини қараб чиқамиз.

Ўқув режаси бўйича фанга 1-семестрда 85 соат ажратилган. Бу семестр 17 ҳафтадан иборат бўлиб, ҳар ҳафтага 5 соатдан тўғри келади.

Фан дастурига асосан тузилган тақвим-мавзуий режаси бўйича ҳамда ажратилган соатларни эътиборга олиб, ҳар бир ўқувчини семестр давомида неча марта назорат қилиш имкониятидан келиб чиққан ҳолда назорат, сўров турларини аниқлаб чиқамиз ва фан бўйича рейтинг балларини тақсимланиш жадвалини қуйидагича тузамиз (жадвал 1).

Бу жадвал 7 устундан иборат бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Назорат ва сўров турлари.
2. Сўров кодлари.
3. Сўровларнинг муҳимлик даражаси.
4. Семестр давомида ўтказилган сўровлар сони.
5. Ҳар бир сўровга ажратилган максимал балл.
6. Сўровлар ўтказиладиган машғулотлар номери.
7. Ҳаммаси (жами жамғарилган баллар).

Жорий назоратга максимал баллнинг 60%, яъни балл ажратилганини эътиборга олиб сўровлар йиғиндисини шундай белгилаймизки, бу сон 60 қолдиқсиз бўлсин. Юқоридан келиб чиққан ҳолда жарий назоратга қуйидаги сўровларни киритамиз.

Оғзаки сўров (О)-1 марта;

Тест (Т)-2 марта;

Масалани ечиш (М)-2 марта;

Лаборатория иши (Л)-6 марта (ўқув режаси ва дастури бўйича фандан 1-семестрда 6 та лаборатория иши ўтказилиши режалаштирилган);

Ёзма иш (Ё)-2 марта;

Уй вазифаси (У)-2 марта.

Фаннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда сўровларнинг муҳимлик даражасини қуйидагича белгилаймиз:

1 даража-масала ечиш;

2 даража-тест;

3 даража-лаборатория иши;

4 даража-ёзма иш;

5 даража-оғзаки сўров;

6 даража-уй вазифаси.

Сўровларнинг муҳимлик даражасини эътиборга олган ҳолда ҳар бир сўровга ажратилган максимал баллни аниқлаймиз.

Умумий сўровлар йиғиндиси 15 га тенг. Бу сонга 60 қолдиқсиз бўлинади (60 : 15 қ 4). Демак ўртача даражадаги сўровнинг максимал балли 4 га тенг. Ўртача даражадаги сўровни аниқлаш учун даражалар сонини 2 га бўламиз (6 : 2 қ 3). Бундан кўришиб турибдики 3 даражадаги сўров, яъни лаборатория иши учун ажратилган максимал балл 4 балл экан. Шунга асосланиб қолган даражадаги сўровларнинг максимал баллини аниқлаймиз.

1 даража-масала ечиш-6 балл;

2 даража-тест-5 балл;

3 даража-лаборатория иши-4 балл;

4 даража-ёзма иш-3,5 балл;

5 даража-оғзаки сўров-3 балл;

6 даража-уйга вазифа-2 балл.

Ҳар бир сўровга ажратилган максимал баллни (5 устун) семестр давомида ўтказилган сўровлар сонига (4 устун) кўпайтириб ўқувчининг ҳар бир сўровлар бўйича семестр якунида жамғариш мумкин бўлган максимал баллни (7 устун) аниқлаймиз. Ўқувчининг ҳар бир сўровлар бўйича семестр якунида жамғариш мумкин бўлган максимал балларнинг (7 устун) йиғиндиси 60 га тенг бўлиши керак. Агар максимал балларни йиғиндиси 60 тенг бўлмаса, у ҳолда сўров даражаларига ажратилган максимал балларни қайта кўриб чиқиш зарур.

1 жадвалнинг 6 устунда тақвим-мавзуий режага асосланган ҳолда ҳар бир сўровнинг қайси машғулотда ўтказилиши кўрсатилади. Бу эса ўқувчиларга ҳар бир сўровни ўтказилиш вақтини олдиндан билган ҳолда машғулотга тайёрланиб келишга имконият яратади.

1 жадвал тузилиб, тақвим-мавзуий режа билан биргаликда ўқув ишлари бўйича директор муовинига тасдиқлаш учун топширилади ва гуруҳ журнаliga кўчирилади.

1 жадвалга асосланган ҳолда ҳар бир фан бўйича журналда келтирилган рейтинг асосида баҳолаш жадвалининг юқори қисми тўлдирилади (2 жадвал).

Биз қараб чиққан ва тавсия этган рейтинг тизими намунавий характерга эга бўлиб, ўқув муассасаси 100 баллик тизимни сақлаб қолган ҳолда, назорат турларига баллар тақсимотини ўзининг ўқув жараёни хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириши мумкин. Лекин бу ўзгартиришлар рейтинг тизимининг асосий мақсадлари бўлмиш ўқувчилар билим сифатини ўзаро таққослаш, улар ўртасида беллашиш муҳитини яратиш ва гуруҳда, курсда, коллежда ҳамда коллежлараро энг яхши ўқувчини аниқлаш имониятига таъсир қилмаслиги керак.

§ 4.5. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида таълим сифати мониторингини ташкиллаштириш

Ўзбекистонда касб-ҳунарга тайёрлаш жараёнида ижтимоий фаол, маънавий жиҳатдан бой ижодий шахсни шакллантириш учун барча шароитлар яратилди. Зеро, кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ҳам шахснинг устиворлиги эътироф этилган. Шахс – кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг асосий компоненти, таълимнинг объекти ва субъекти, таълим хизматларининг истемолчиси ва ишлаб чиқарувчиси. Ўзбекистон Республикасининг таълим сиёсатида маълум даражаси «мутахассис» тушунчасига яқинлаштирилган ишчини Янги «генерация» ни шакллантиришнинг мустаҳкам асослари қўйилди. Бу билан ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига эга, ижтимоий жараёнлара фаол таъсир кўрсатишга қодир, мамлакат ва оила тақдири учун масъулиятни ҳис қилувчи юқори малакали мутахассисларни давлат миқёсида қайта тайёрлаш дастурлаштирилмоқда.

Таълим сифати ҳақидаги масала ҳар доим долзарб бўлган ва бу тушунча узоқ ўтмишдан бери амалий ҳамда илмий билимларда мавжуддир. Анъанавий касбий таълим педагогикасида таълим сифатига қўйилган талаблар, мутахассиснинг касбий қиёфаси, билими, маҳорат даражаси ва унинг муайян аниқ соҳадаги меҳнат фаолияти сифатида умумий мулоҳазалар кўринишида эътироф этилган. Касбий – малака нуқтаи назаридан у мутахассислар тайёрлаш натижаси билан тенглаштирилган, яъни аттестациялаш мезони сифатида разряд, тоифа, класс кабилар билан белгиланган (масалан, 3-разрядли ишчи, 1-тоифали мутахассис ва шу кабилар).

Кўпчилик илмий-услубий изланишлар шуни кўрсатдики, таълим сифатини таъминлаш муаммоси бевосита унинг мониторингини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ. Кўп сонли илмий манбаларнинг таҳлили асосида шу нарса аниқландики, илмий-педагогик адабиётларда шу пайтгача «мониторинг» тушунчасини

аниқлаш ва таълим соҳасида уни қўллаш чегараси бўйича умумий тўхтамага келинмаган.

«Мониторинг» тушунчаси лотинча «монитор»дан келиб чиққан бўлиб, эслаб турувчи, кузатилиб борилувчи, хатоларни олдини олувчи маъносини англатади. «Мониторинг» тушунчаси педагогикада XVII аср XIX асрнинг бошларидан бошлаб Буюк Британия, АҚШ, Франция, Белгия ва Россияда қўлланила бошланган. Техниканинг ривожланиши билан маълум кўрсаткичларни назорат қилишга мўлжалланган приборлар «монитор» деб атала бошланди, уларда берилган доирадаги маълумотлар, телетасвирлар кўринишида сақланиш имкониятига эга бўлади.

Мониторинг кўп ўлчамли интеграл ва тизимли тушунча бўлиб, таълим соҳасидаги мониторингнинг моҳияти ўзига хос хусусияти ва вазифасини ёритувчи қуйидаги тушунчалар мавдуд.

- **«Мониторинг** – бу объектлар, ҳодисалар, жараёнлар ҳолатини баҳолаш, назорат қилиш, олдиндан башорат қилиш мақсадида махсус ташкил этилувчи мунтазам кузатиш».
- **«Мониторинг** - бу педагогик тизим фаолиятдан олинган далилий натижаларни унинг мақсадига нечоғлик мослигини кўрсатувчи, тескари алоқани таъминловчи мустақил бошқарувли вазифадир».
- **«Таълим мониторинги** – педагогик тизим фаолияти ҳақида ахборот йиғишни ташкил этиш, сақлаш, қайта ишлаш ва тақсимлаш тизими, у кузатилаётган объект ҳолатини ва келгусида унинг ривожланишини олдиндан башорат қилишга имкон беради».
- **«Профессиографик мониторинг** – мутахасис тайёрлаш педагогик жараёнининг ҳолати ва ривожланиши учун мақбулроқ таълимий вазифалар, шунингдек, метод ва воситаларни танлаш мақсадида узлуксиз, илмий асосланган, режали-фаолиятли кузатиб бориш жараёни».
- **Педагогик мониторинг** – бошқарувнинг мустақил вазифаси, тескари алоқани таъминловчи ва берилган кўрсаткичларга кўра олинган натижаларнинг муштараклиги ҳақида таълим муассасалари раҳбарлари ҳамда ўқувчиларга мунтазам ахборот берувчи тизимдир.
- **Таълим сифатининг мониторинги** – бу таълим жараёни ва унинг ривожланиш йўналишларини узлуксиз равишда назорат қилиб баҳолаш ва диагностик-прогностик кузатиб боришга имкон берувчи илмий асосланган методдир.

Таълим сифати мониторингининг мақсади - маълум белгиланган вақт бўйича таълим олувчи сифатини қатъий белгилаш ва қайд этиб бориш, амалга оширилаётган Давлат таълим стандартларининг меъёрий кўрсаткичлари билан таққослаш ҳисобланади.

Таълим сифати мониторинги қуйидаги вазифалар билан характерланади:

- ахборот алмашиш – дастур ва графикка биноан таълим жараёни натижаларини мунтазам кузатиб бориш. Улар асосида доимий қайд этиш, баҳолаш ва берилган мезонларга кўра жадваллар тузиш;

- ташкилий - таълимнинг мақбул мақсадлари ва воситаларини танлаш ҳақида қарор қабул қилиш учун мақсадга мувофиқ ҳолда ахборотлар йиғиш, уларни умумлаштириш, тизимлаштириш ёки педагогик тизим ривожланишини башорат қилиш;

- назорат қилиб баҳолаш - ўтказилган педагогик хатти-ҳаракатлари самарадорлигини тез назорат қилиш ва баҳолаш ҳамда ЎМКХТ тузилмасида педагогик тизимнинг якуний мақсадларини амалга ошириш;

- ўзгартиришлар киритиш – юзага келган ҳолатнинг сабабларини тез излаб топиш ва аниқлаштириш, зарур пайтларда бажарилаётган вазифага ўзгартиришлар киритиш;

- ташхисий – олдиндан башорат қилиш (диагностик) касб-ҳунар коллежларида ёки академик лицейларда кадрлар тайёрлаш жараёнлари ва педагогик тизимларда кечаётган ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, педагогик ташхис қўйиш, сабаб-оқибатли муносабатларни ўрнатиш ва ўларни келгусида ривожлантиришни тез башорат этиш.

Мониторингни муҳим компонентларидан бири таълим сифатини қайд этиш ҳисобланади. Уни қуйидагича тасаввур этиш мумкин: - қўйилган мақсад билан олинган натижаларнинг муносабати (таълим, тарбия); кўзланган мақсадга эришганлик даражаси.

Таълим сифати таълим жараёнининг турли босқичларида қайд этилиб борилиши зарур, яъни вақт жиҳатдан баҳоланиши керак: ўқув мавзусини ўрганиш жараёнининг бошида ва охирида; - ўқув кўрсаткичини ўрганишдан олдин, охирида ва бевосита ўрганиш жараёнида; таълимнинг ҳар бир босқичида, ўқув йилида, ярим йилликда (семестрларда), ўқув чораги даврининг охирида ёки бошида ўқув жараёнида ва ҳоказо.

ЎМКХТ тизимида таълим сифати мониторингини келгусида ишлаб чиқариш ва амалга жорий этиш учун қуйидаги масалаларни мажмуавий ечимини топиш талаб этилади:

1. Мавжуд муаммолар ва эришилган ютуқлар таҳлили асосида:

Буюртмачилар (давлат, жамият, иш берувчилар)нинг таълим сифати ва битирувчилар тайёргарлигига қўйилган талабларни башорат қилиш; келажақдаги таълим сифатига бўлган талабларни лойиҳалаштириш ва моделлаштириш.

2. Таълим сифатларининг ҳаётий эканлигини давлат таълим стандартларига мослигини аниқлаш мақсадида тез режали ташхислаш.

3. Таълим натижаларининг мақбуллигига эришишни таъминлаш.

4. Таълим сифати мониторингини кузатиш асосида буюртмачилар талабига мослигини аниқлаш. Бу ўз навбатида давлат таълим стандартлари ва таълим технолгиясига ўзгартиришлар киритиш ҳақида қарорлар қабул қилишни кўзда тутди.

Касб-ҳунар таълимида таълим сифати мониторинг ва модели

Мониторингни йўлга қўйиш учун зарур бўлган шарт-шароит ва асос таълим стандартлари ҳамда кичик мутахасиснинг модели ҳисобланади.

Илмий манбаларда «модел» ва «моделлаштириш» тушунчаларига яхлит ва умумэътироф этилган изоҳ берилмаганлиги туфайли «моделлаштириш» ва таълим сифати мониторингининг моделини қуйидагича ифодалаш мумкин:

- **Моделлаштириш – бу реал мавжуд педагогик объект (ҳодиса, жараён, тизимларни модел орқали бевосита билиш методи);**
- Модел фақатгина объектни билиш усули бўлмай, балки белгиланган мақсадга эришишни таъмин этувчи меъёрий хатти-ҳаракатлар усуллари ҳамдир;
- Модел абстракт бўлиб мониторингининг тузилмавий ва функционал компонентларини ёритиб берувчи мантиқий асосланган схема шаклида ҳам лойиҳалаштирилиши мумкин.

Мониторингининг бош мақсади таълим сифати динамикаси ва педагогик тизим ҳолатини кузатиб боришдан иборат бўлгани учун уни операцион алгоритми воситасида амалга ошириш мумкин: маълумотлар йиғиш, маълумотларга тескари ишлов бериш; умумлаштириш ива тизимлаштириш; маълумотлар базасини тузиш; таҳлил ва баҳолаш; ривожлантириш динамикаси ва йўналтиришларини аниқлаш; аппаратларни тасвирлаш.

Таълим сифати мониторингини тўғри ва тескари жараёнлар орқали амалга ошириш мумкин.

Тўғри амалга ошириш жараёни – бош мақсаддан мустақил ҳолдаги вазифаларни амалга оширишга томон боради (педагогик тизим ҳолатини, таълим сифати динамикасини кузатиб бориш). Бу вазифаларнинг ҳар бири ўзининг маълум мазмунига эга бўлиб, амалий жиҳатдан ягона операцион алгоритм асосида амалга оширилади.

Тескари жараён – истеъмолчи олган ахборотдан улар томондан қарор қабул қилишга ва кейинчалик бажарилаётган вазифалар, қўлланилаётган метод ва воситаларга ўзгартиришлар киритиш ёки педагогик тизим ривожланишини башорат қилиш томон кечади.

Таълим сифати мезонлари

Педагогик ташхис ва олдиндан башорат этишга бағишланган манбларнинг таҳлилий ва касбий таълимдаги иш тажрибаларига

асосланган ҳолда таълим сифати мониторингини баҳолашда қуйидаги кўрсаткич мезонларга эътибор қилиш мақсадга мувофиқдир:

А. Таълим олувчининг таълимий ривожланганлиги:

- ўқув предметлари бўйича шаклланган билим, кўникма ва малакалар;
- натижалар давлат таълим стандартларига мос келади;
- таълим муассасасида тузилган умумий мақсадларга мос умум ўқув билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлиги.

Б. Таълим олувчиларнинг шахсий ривожланганлиги:

- таълим муассасаси битирувчиси модели билан шахсда шаклланган ижтимоий муҳим шахсий фазилатларнинг ўзаро муносабати касбий муҳим шахсий фазилатларни шаклланганлиги;
- таълим муассасаси битирувчисининг модели мос келади. Таълим олувчилар соғлиғининг касбий талабларга мос келиши;
- Давлат таълим стандартлари талаблари ва тиббий кўрсаткичлари билан мутаносиблиги – касб танлаш ва унинг асосларини эгаллаш мотивларининг шаклланганлиги таълим муассасаси битирувчисини моделига мос келади;
- ўз-ўзини баҳолаш, ривожлантириш ва режалаштира олиш методларининг эгаллаганлиги.

В. Таълим берувчиларнинг касбий лаёқатлиги (компетентлиги): таълимий, ихтисослик ва ёш тавсифлари; педагогик иш столи; малака оширишда иштроки; меҳнати ва касбий ўсишининг натижалари; инновацион фаолият ва ижодий ютуқларнинг характери; инновацион фаолият ва ижодий технологиянинг характери; амалга оширилаётган таълим технологиясининг характери.

Г. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасининг инфратузилмаси:

- ташкилий тузилмаси;
- бошқариш тузилмаси;
- моддий-техник базаси (ўқув кабинетлари лабораториялар, ўқув ишлаб чиқариш бинolari, жиҳозлари, техник воситалари ва шу кабилар билан таъминланганлиги);
- таълим муассасасининг ўқув-методик базаси (дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар, педагогик ва ахборот технологиялари билан таъминланганлиги);
- таълим муассасасининг коммуникацияси ва коммуникатив воситалари (алоқа, электрон алоқа «интернет» тизими, ва шу каби коммуникатив воситалар).

Д. Таълим муассаса нуфузининг ортиши. Бу кўрсаткич қуйидаги мезонларга биноан ўрнатилади:

- таълим олувчилар ва таълим берувчиларнинг таълим муассасасига келиши ёки кетиб қолиши; ушбу таълим

муассасасини ўқувчилар ва ота-оналар томонидан тан олинганлиги; ижтимоий муҳитда таълим муассасасининг статуси (туман, шаҳар, вилоят, республика миқёсида тутган ўрни).

Демак, мониторинг таълим жараёнини бошқаришнинг мустақил вазифаси ҳисобланади, чунки мониторинг ўлчашлар натижалари келгусидаги бошқарув қарорларини қабул қилинишига асос бўлади. Шу билан бир вақтда мониторинг таълим жараёнининг барча вазифалари ва босқичлари билан оралиқ алоқададир.

Таълим сифати педагогик мониторинг технологияси

Технологик ёндашув замонавий педагогикада методологик тадқиқотларнинг муқим йўналишларидан бири ҳисобланади ва у педагогик жараёнларни ташкил этишда зарурий билиш босқичи ва бажариладиган хатти-ҳаракатлар кетма-кетлигини аниқлаб беради. Унинг воситалари орқали педагогик тизим элементлари таҳлилидан жараёнларни лойиҳалаштириш, уларни ростлаш ва бошқаришга ўтиш амалга оширилади. Умумий маънода технология қўйилган мақсадга эришиш учун фаолиятни ташкил этиш усули сифатида қаралади.

Педагогик мониторинг технологияси:

- таълимий фаолият натижаларини ташкилий ва ахборот воситаларидан фойдаланиб кузатиш жараёни;
- қўйилган мақсадга эришиш жараёнларини, лойиҳалаштирилган таълим натижаларига эришиш бўйича педагогик тизим ва педагогик ҳаракатлар самарадорлигини тезкор кузатиш;
- таълим сифатини стандартлаштирилган кўрсаткичларини назорат қилиш ва баҳолаш бўйича иш-ҳаракат усуллари ва воситаларини ўзида ифода этувчи ҳужжат.

Педагогик мониторинг – технологикжараёнга хшаш бўлиб, у: тайёрлаш, бевосита ижро этиш ва умумлаштирувчи босқичлардан иборат.

I. Тайёрлов босқичи қуйидаги вазифаларнинг ечимини топишни кўзда тутди: мониторинг объекти аниқланади. Мониторинг объектини кузатишдан кўзланган якуний натижалари ва мақсадлари аниқ ифодаланади назорат, ўрганиш, тадқиқот, чунки келгусида бажариладиган ишлар мазмунига боғлиқ. Мониторинг объектининг кўрсаткичлари ва мезонларини аниқланади. Ахборот йиғиш, уларга ишлов бериш метод ва воситалари амалга ошириш механизми танланади, ўлчашлар частотаси ва хронологик ўлчаш доираси ўрнатилади. Ахборот йиғиб уларга ишлов берувчи шахслар, бажарувчилар тайинланади. Олинган ахборотни истеъмолчилари аниқланади.

Имкон борича мониторингни таъминловчи компьютер дастури ишлаб чиқилади. Ахборот технологияларини кенг кўламда қўлланилиши қуйидагиларни таъминлайди:

- мониторинг объектини мунтазам ёки режага биноан кузатишни;
- энг муҳим ресурс бўлган вақтни тежашни;
- катта ҳажмдаги ахборотни тезкор йиғиш, таҳлил этиш ва ошириш графиги ишлаб чиқилади.

II. Ижро этиш босқичи. Бу қуйидаги кетма-кет ҳаракатларни ўзига қамраб олувчи мониторинг жараёнидир:

Далилларни қайд этиш. Танланган метод ва воситалар ёрдамида маълумотлар йиғиш. олинган натижаларга тезкор миқдорий ва сифат кўрсаткичлари бўйича ишлов бериш.

III. Умумлаштирувчи босқич. Бу мониторингнинг якуний босқичи бўлиб, унинг операцияларини бажарилиш тартиби қуйидагича бўлади: Ахборотларни умумлаштириш ва тизимлаштириш. Барча ўлчашлар натижасига биноан маълумотлар банкини (базасини) яратиш. Мониторинг объекти ҳолатини ўзгартириш ва динамик ривожланишини аниқлаш. Сабаб-оқибатли боғлиқликни ўрнатиш ва таҳлил этиш орқали тизим (жараён) ҳолатини белгилаш. Яхлит педагогик тизимни, тўлиқ жумладан амалга оширилган хатти-ҳаракатларни баҳолаш. Эришилган ҳақиқий ютуқлари (натижа)ни аниқлаш.

Олинган маълумотларнинг вазифаси истеъмолчи томонидан қўйилган масалаларни стратегик ёки тактик жиҳатдан мақбул ечимни топишни таъминлаш ёки у қуйидагилар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин:

- бажарилаётган вазифага керакли ҳолларда ўзгартиришлар киритишни аниқлаш. Педагогик тизимга тўлиқ ва педагогик хатти-ҳаракатларга хусусий ҳолларда ўзгартишлар киритиш;
- педагогик тизим ва педагогик хатти-ҳаракатларни келгусидаги ривожланишни олдинданбашорат этиш;
- таълимнинг мақбул мақсадлари ва уларни амалга ошириш воситаларини танлаш.

Мониторингни босқичли лойиҳалаш ва амалга ошириш технологиясини амалга ошириш учун касб-ҳунар коллежлари учун таълим сифати мониторингининг графигини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим сифати мониторингини амалга ошириш шарт-шароитлари

Таълим сифатида мониторингни амалга ошириш шарт-шароитларига: мониторингнинг илмий ахборот таъминоти: мониторингнинг ташкилий-техник таъминланганлиги: мониторингнинг ташкилий-технологик жиҳатдан таъминоти: мониторингнинг ташкилий-методик таъминоти ва мониторингнинг ташкилий-аналитик таъминотлари киради.

Мониторингнинг илмий-ахборот таъминоти **қуйидагиларни ўзига қамраб олади:**

- аниқ тайёрлов йўналишлари бўйича касб-ҳунар коллежи битирувчиси шахсининг педагогик моделини ишлаб чиқиш;
- абитуриентларнинг умумтаълим предметлари бўйича касб-ҳунар сирларини ўзлаштириш учун таянч билимларини олдиндан ташхислаш тестларини ишлаб чиқиш;
- битирувчи шахси модели билан таълим олувчининг шахсий ривожланганлик кўрсаткичларини мослигини, уларнинг кваллиметрик ўлчаш методлари ва баҳолаш;
- таълим олувчиларнинг психо-физиологик сифатлари ва соғлиғини касбий талаблар кўрсаткичига тўғри келиши;
- коллежларда 3 йил давомида ўқитиш даврида ўқувчиларнинг ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини тарбиялаш шахсий хариталаридан фойдаланиши;
- касб-ҳунар коллежлари педагоглари учун таълим сифати мониторингини амалга ошириш бўйича методологик тавсиялар;
- таълим олувчилар ва битирувчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ҳамда шахсий фазилатларини ДТС ва педагогларнинг касбий лаёқати, ўқув машғулотларининг замонавий технологияга мослиги.

Мониторингнинг ташкилий-техник таъминланганлиги:

- бланкалар, анкета-сўровномалари кузатиш варақалари, шахсий сўровномалар, тестлар, эксперт варақалари, умумий натижалар жадваллари ва шунга ўхшаш мониторингда қўлланадиган материални кўпайтириш;
- мониторинг натижаларига ишлов беришнинг компьютер дастурларини ишлаб чиқиш.

Мониторингни ташкилий-технологик жиҳатдан таъминоти ўзига қуйидагиларни қамраб олади:

- коллежлар учун мониторинг дастури таълим мақсадлари ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган ДТС талабларига мос ҳолда ишлаб чиқиш.
- коллежлар педагогларини уларнинг малакасини ошириш ва касбий лаёқатини ривожлантириш тарзида мониторинг технологиясини ўргатиш.
- «таълим берувчи-таълим олувчи», «таълим олувчи-таълим муассасалари» даражасида касбий таълимнинг операцион берилган мақсадини қўйиш ва уларни ЎМКХТнинг меъёрий ҳужжатларида тасдиқлаш;
- касбий таълимнинг операцион - берилган мақсадларини (ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантириш) ўқув-тарбиявий жараёнда амалга ошириш;
- қўйилган мақсад билан таълим сифати мониторинги жараёнида муштарак боришини муштарак ҳолда кузатиб бориш ва натижаларни баҳолаш;

- таълим жараёни натижалари ва таълим сифати ҳақидаги маълумотни истеъмолчиларга (раҳбарият, ўқитувчилар, ижтимоий ҳамкорларни иш берувчилар, ота-оналар ва бошқалар) зарур ҳолатда расмийлаштириш ҳамда тақдим этиш;
- қуйидагилар бўйича дастур ва тадбирлар ишлаб чиқиш: бажарилаётган ишга ўзгартиришлар киритиш, педагогик тизимнинг ривожланишини олдиндан башорат қилиш, мақбул таълим мақсадлари ва уларни амалга ошириш воситаларини танлаш;
- мониторингни амалга ошириш масалалари бўйича коллежлар ўқувчиларига маслаҳатлар бериш ва уларни тайёрлаш;

Мониторингни ташкилий-методик таъминоти қуйидагиларни кўзда тутди:

- касб-ҳунар коллежида таълим сифати мониторингини амалга ошириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш;
- таълим жараёни натижалари ҳақида ахборот йиғиш, таҳлил қилиш умумлаштириш, тизимлаштириш ва уларга ишлов бериш ва истеъмолчиларга ахборот тайёрлаш бўйича доимий ҳаракатдаги тизимни ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш;
- коллеждан ҳар бир тайёрлов йўналишга таълимнинг маълум даврида (семестр, ярим йиллик, йил) таълим сифатига ўқиритишни. Педагогик тизимни ривожлантириш ва башорат этиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш.

Мониторингни ташкилий - аналитик таъминотида қуйидагиларни бажариш лозим:

- касб-ҳунар коллежларида бўлажак кичик мутахассислар тайёрлаш жараёнида ва педагогик тизимларда содир бўлаётган ўзгаришлар динамикасини ифодаловчи компьютер ахборотлар банкни тузиш;
- педагогик тизим амалга ошириш жараёнида ўзининг якуний мақсадларини тўла амалга оширилаётганлигини ва ўтказилаётган педагогик жараён самарадорлигини таҳлил қилиш;
- таълим жараёни ва ривожланиш йўналишларини таъминловчи педагогик тизимни башорат қилиш;
- таълим сифати ва коллежларнинг битирувчилари тайёргарлигига ташқи буюртмачилар томонидан (давлат, жамият иш берувчилар) қўйилган истиқболдаги талабларни башорат қилиш;
- таълим жараёни охирида «чиқиш»да келажакда талаб этиладиган таълим сифатини шунингдек, битирувчи сифат ва фазилатларини лойиҳалаштириш ва моделлаштириш.

Юқорида баён этилганларга асосланиб қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

1. Мониторингни педагогик тажрибада синаш натижасида олинган ижобий натижалари таълим сифатини баҳолаш учун танланган кўрсаткичлари ва баҳолаш мезонларини тўғри

танланганидан, шунингдек таълим сифати мониторинги операцион алгоритми ва технологиясини ҳақиқийлиги ва амалийлигидан далолат беради.

2. Таълим сифати кўрсаткичларини ва уларни баҳолашда аниқланган баъзи салбий натижалар ва касб-ҳунар коллежларининг педагоглари мониторинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишнинг лаёқатга етарли даражада эга ва тайёр эмаслигини кўрсатади.

3. Таълим сифатининг мақбул даражасини таъминловчи омиллар мажмуасининг назарий таҳлил тажриба-синов натижаларига асосланиб таъкидлаш мумкин, агарда биз томондан ифодаланган қатор ташкилий-педагогик шартларга амал қилинса касб-ҳунар коллежларида тўлақонли таълим сифати мониторингни амалга ошириш мумкин, чунки, назарий таҳлил ва тажриба-синов натижаларига асосланиб айтиш мумкинки, юқоридаги омиллар мажмуаси таълим сифатининг мақбул даражасини шаксиз таъминлайди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонуни.-Т.: 1997.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида» ги қонуни.-Т.:1997.
3. Абдуҳалиқов Т. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида таълим сифати мониторингини ташкиллаштириш илмий-педагогик асослари. Номзодлик диссертацияси.-Т.: УМКҲТРИ,2003
4. Абдуҳалиқов Т. Касб-ҳунар таълимида таълим сифати мониторинги.-Т.:МРИ,2003.
5. Даужанова Т. Касб-ҳунар таълим муассасаларида тажриба-синов ишлари мониторинги». Касб-ҳунар таълими» илмий-методик журнал. 2000, №9.
6. Майоров А.Н. Мониторинг в образовательном СПб.: образования-культура,1998.
7. Педагогический мониторинг: проектирование и реализация.-Т.: ИРССПО, 2001

V-БОБ. МЕҲНАТ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ ҲЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ

§ 5.1. Педагогик маҳорат манбалари ва услубий ишларни ташкил қилиш

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ўқув тарбиявий жараёни такомиллаштириш натижасида баркамол, малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларни рақобатбардош, етук бўлиб етишишларида таълим муассасаларида олиб бориладиган, амалга ошириладиган услубий ишлар муҳим ўринга эгадир. Услубий ишлар таълим тарбия жараёни билан шуғилланиладиган ҳар бир ўқитувчи муҳандис-педагог, раҳбар ходимларнинг ўз малакаларини оширишда катта аҳамиятга эгадир. Чунки, кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъкидлангандек давр талабига жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун авваламбор таълим тарбия билан шуғулланувчиланинг ўзлари етук, юқори малакали бўлишлари шарт. Бу талабга жавоб бериш учун ҳар бир ўқитувчи, инженер-педагог, раҳбар услубий ишлар билан шуғилланиши ва уларда қатнашиши зарур.

Ўқув-тарбия жараёни илмий-услубий жиҳатдан таъминлаш масалаларидан бири бўлиб **таълим мазмунини** такомиллаштириш масаласи туради. Чунки, таълим мазмуни ўқув режа, дастурлар, давлат ҳужжатлари бўлиб, уларни такомиллаштириб бориш ва тўлатўқис амалга ошириш натижасида кўзланган мақсадга эришиш мумкинлиги сабабли бу масала услубий ишларда асосий бўлиб хисобланади.

Бизга маълумки, кадрлар тайёрлаш миллий дастур қабул қилингандан сўнг, таълим тизимида янги бўғин ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими пайдо бўлди ва ҳозирги кунда 500 дан ортиқ касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ташкил қилинди ва фаолият кўрсатмоқда.

1998-2004 йиллар ичида бу ўқув муассасаларида 280 дан ортиқ тайёрлов йўналишлари бўйича кичик мутахассисларни тайёрлаш амалга оширилмоқда. Бу тайёрлов йўналишлар бўйича ўқув режалари ва дастурлар тайёрланган бўлиб, улар тажриба-синовдан ўтмоқда. Бу ўқув режаларида умумтаълим фанлар, махсус фанлар, умумкасбий фанлар, ишлаб чиқиш таълими амалиёти кўрсатилган бўлиб, уларни такомиллаштиришда услубий ишларни амалга оширилиши катта аҳамиятга эгадир.

Методик ишлар ўқув муассасаларидаги ўқув тарбиявий жараёнинг ҳолатини ўрганиш, илғор педагоглар тажрибасини ўрганиш, уларни ҳаётга тадбиқ этиш орқали амалга оширилади.

Ўқув муассасасининг муҳандис-педагогларнинг фаолияти фақатгина назарий ва амалий билимлар бериш яъни дарслар ўтиш билан чекланиб қолмаслик улар фаолиятида ҳар бир ўқувчи билан

шахсий ишлаш, ўз устида мустақил ишлаш, ўқувчилар гуруҳи билан ишлаш, ўз фани бўйича ташкилий ишларни олиб бориш, кабинет, лаборатория, ўқув устахоналарини ташкил қилиш ва жиҳозлаш, оналар билан ишлаш, фанлар бўйича услубий комиссиялар ишида қатнашиш ва ҳақозолар билан боғлиқ.

Муҳандис-педагоглар ўқувчилар гуруҳи билан ишлаш, уларнинг ишларини ташкил қилиш ва кўзланган мақсадга эришиш учун ўз устида ҳар доим тинимсиз ишлаши керак, бунинг учун улар билимини ошириб ва такомиллаштириб бориш зарур. Чунки, олий билим даргоҳида олган билимлари етарли бўлмай қолади. Бу ўз устида ишлашлар, изланишлар, яратишларнинг асосида услубий ишлар ётади. Шунинг учун ҳам муҳандис-педагоглардан ўз мустақил ишларини ташкиллаштиришда, уларни илмий асосида ташкил этиш лозим.

Маълумки, ўқув муассасаларида ўқув тарбиявий жараёни таълимий, тарбиявий жараён билан чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам муҳандис-педагоглар ўз ишларини илмий асосида ташкил этишда уларнинг қуйидаги таркибий қисмлари (элементлари) тадбирларини амалга ошириш зарур:

- ўқув жараёнида ўқувчиларни давр руҳида ғоявий савиясини ошириш, уларда миллий истиқлол ғояларини шакллантириш;
- ўқув жараёнига фан ва техниканинг сифат ютуқларини жорий этиш;
- ўқув жараёнини ташкил қилиш шаклларини мақбуллаштириш, яъни дарс турларини қўллаш (дарс, бирлашган дарслар) илғор ишлаб чиқариш услалари билан биргаликдаги дарслар;
- таълим-тарбия жараёнини бошқаришни мақбуллаштириш (ўқувчиларда билимга бўлган чанқоқлик, қизиқишларни бошқариш, ташкиллаштириш);
- ўқув жараёнини техникавий таълимотини мақбуллаштириш; ўқитувчи ва ўқувчи меҳнат шароитини мақбуллаштириш.

Педагогик маҳорат ва унинг таркибий қисмлари

Таълим муассасасининг педагог ва муҳандис-педагогларнинг касбий маҳоратини такомиллаштиришда имкониятлари ниҳоятда улкан. Аммо уларни ягона мақсадга йўналтириш, улар фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш таълим муассасаси раҳбаридан чуқур билим ва тажрибани талаб қилади.

Педагог кадрларни малакасини ошириш тизимида таъсирчанлиги ва уларга яқинлиги, вақт, кучни, моддий ресурсларни иқтисод қилиш ҳамда бошқа жиҳатлардан қулайлик билан ажралиб тургани ўз иш жойларида, яъни таълим муассасида малака оширишдир. Таълим муассасасида педагогларнинг касбий маҳоратини ошириш ўз ичига қуйидагиларни олади: методик ишлар, ишлаб чиқариш кенгашлари; илмий-амалий семинар, конференциялар; педагогик ўқишлар; умумтаълим фан ва махсус фанлар методик комиссиялари; илғор

тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш; дарсларга кириш ва таҳлил қилиш; очиқ кўргазмали дарслар танловлар, чет эллар билан ҳамкорлик; компьютер ва ахборот, информатсион-техник воситалар орқали билим, тажриба ўрганиш ва масофада малака ошириш, коллеж раҳбарларининг педагоглар билан якка ва жамоавий методик ишлари ва бошқалар. Бу тизимнинг бунча кўп қирралиги педагог касбининг мураккаб ва жамиятда муҳим ижтимоий аҳамиятга моликлигидан далолат беради.

Педагог маҳорат рус тили луғатида «бирор соҳада моҳирлик даражаси» деб талқин этилади.

Педагог маҳорат тушунчасига ягона таъриф ҳам йўқ, чунки баъзи муаллифлар бу фазилат – педагогнинг ягона хусусиятлари деб ҳисоблашса, бошқалар бу билим, кўникма, малакалар эканлигини айтади, учинчилари-бу иккаласини бирлаштиради, хусусиятларини айтса, бошқа ҳолларда фаолиятни амалга ошириш даражасини айтади ва ҳоказо.

Педагог маҳоратининг асоси илк даврдаёқ педагогнинг тегишли билим юртида тайёргарлигида шаклланади. Шунинг учун маҳорат асоси бўлиб, юқори касб маҳоратининг зарур, аммо етарли бўлмаган шarti ҳисобланади.

Таълим муассасасида ишлашнинг биринчи йилиданоқ педагог тажрибанинг интенсив шаклланиши бошланади, унинг боши педагог амалиёт даврига тўғри келади. Айнан педагог фаолият тажрибаси педагог олий ўқув юрти битирувчиси таълим мобайнида олмаган нарсаларини тўлдиради ва мужассамлаштиради. Унда касбий-педагог фаолиятини амалга ошириш тажрибаси, ижодий фаолият тажрибаси, шахс фазилатларини намоён этиш тажрибаси бирлаштирилади ва уйғунлаштирилади. Амалий педагог фаолият жараёнида барча оинган билимлар такомиллашади, шахс фазилатлари ва педагогик қобилиятлар ривожланади, касбий кўникма ва малакалар шаклланади. Ўз малакасига кўра моҳир педагог даражасига кўтарилгунча бир неча йил ўтади.

Педагогнинг билим, кўникма ва малакалари педагогик маҳорати асосларининг таркибий қисми сифатида 2 даражада бўлиши мумкин.

Касбий педагогик фаолиятга тайёргарлик жараёнида ва касбий педагогик фаолият жараёнида эгаланган-педагогик тажриба жараёнида.

Яъни биринчи ҳолда педагог олий таълим муассасаларида ўқиш пайтида олинган бошланғич педагогик тажриба бўлиши мумкин, иккинчи ҳолда касб-амалий касбий педагогик фаолият жараёнида олинган педагогик тажриба бўлади.

Албатта, биринчи даража қанча юқори бўлса, иккинчисига эришиш осон, педагогик маҳоратга эришиш қисқа бўлади.

Шаклланиши лозим бўлган педагог маҳорат пойдевори қуйидаги асосий таркибий қисмларни қамраб олади: педагогнинг шахси,

билимлари ва педагогик тажрибаси, бунда ҳар бир таркибий қисм ўзлаштирилиши мумкин. Демак педагог маҳорат асослари ҳар бир педагогда шакллантирилиб, педагог маҳорат даражасига кўтарилишига имкон берувчи негизни яратиб бериши мумкин.

Амалий фаолиятда амалга ошириладиган педагогик маҳорат асослари касбий етукликнинг белгисидир.

Педагог маҳоратининг тўртта мустақил элементини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Ўқувчилар жамоавий ва шахсий фаолиятини ташкил қила олиш маҳорати;
- Ишонтириш маҳорати;
- Билимларни бериш ва фаолият тажрибасини шакллантириш маҳорати;
- Педагогик техникани эгаллаш маҳорати.

Демак, педагогик маҳорат фаолият ривожланишининг, педагогик технологияни эгаллашнинг юқори даражасини ифодалаб, шу билан бирга педагогнинг умуман шахсини, унинг тажрибасини, фуқаролик ва касбий ўрнини ҳам ифодалайди.

Педагогик маҳоратга эришиш усуллари:

Педагогик маҳоратга эришиш усулларига қуйидагилар кириди:

1. Малака оширишнинг турли шаклларида таълим олиш;
2. Мустақил равишда ўз педагогик билимларини ошириш;
3. Илғор педагогик тажрибаларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш;
4. Шахсий педагогик тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш;
5. Методик ҳайъат, шўъба ва бирлашмалар ишида иштрок этиш;
6. Очиқ дарсларга кириш ва удларни таҳлил этиш, ўзаро дарсларга кириш;
7. Педагогик ўқишлар, конференциялар ва семинарлар ишида иштирок этиш;
8. Педагогик мураббийлик;
9. Методик ишланмалар тайёрлаш ва бошқалар.

Педагогик маҳоратни ошириш манбалари

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари педагог кадрлари амалга оширадиган услубий ишлари жуда хилма-хил бўлиб, уларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- Жамоавий услубий ишлар: педагогик кенгаш, педагогик ўқиш, услубий комиссиялар, илғор педагогик тажрибалар, муаммоли семинарлар, илмий амалий конференциялар.
- Якка тартибдаги (шахсий) услубий ишлар: раҳбар, педагог ва тарбиячи кадрларининг мустақил услубий ишлари; раҳбар, педагог, тарбиячи кадрларининг ўз устида мустақил ишлаши; раҳбарларнинг педагог кадрлар билан якка тартибдаги услубий ишлари.

- Ўқув-услугий (педагогика) хонаси.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларидаги услугий ишлар тизими

Ўқув муассасаларида бажариладиган услубий ишларнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

-ўқув муассасаси муҳандис-педагогларнинг ғоявий сиёсий, педагогик малакаси ва касбий маҳоратини ошириш;

-ўқувчиларни давр талабида тарбиялаш ва таълим мазмуни, шакли ва услубларини такомиллаштириш;

-таълим-тарбия бирлигини таъминлаш ва умумлаштириш ҳамда касбий тайёргарликдаги ўзаро бирлигини таъминлаш;

-ўқув жараёнини такомиллаштириш бўйича илғор педагогик, ишлаб чиқариш ва фан техника ютуқларини ўрганиш, умумлаштириш ва тадбиқ этиш;

-илмий услубий ишларини амалга ошириш йўл-йўриқларини ўрганиш ва амалга ошириш.

Илмий услубий ишлар муҳандис-педагоглар фаолиятининг таркибий қисми бўлиб, уни бажариш ўқув муассасаси педагог ҳамкорларининг ҳаммаси бажариши шартдир.

Шундай қилиб, педагог фаолияти илмий асосида ташкил этиш деганда-ўқувчиларнинг, муҳандис-педагогларнинг иш шароитини яхшилаш, ўқитиш ташкил қилишни ва усулларини такомиллаштиришни, бунга фан ва техника ютуқларини тадбиқ этиш, ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишни таъминлаш, тарбияни шакллантиришга қаратилган услубий ва ташкилий мажмуалар тадбирини тушунамиз.

Услугий ишлар мазмуни

Ўқув муассасаларида амалга ошириладиган услубий ишлар икки турга бўлинади: жамоавий ва шахсий.

Жамоавий услубий ишларни ўқув муассасаларидаги: педагогик кенгаш (пед. совет), услубий комиссиялар, илғор педагогик ва амалий тажрибалар манбаи, муаммоли семинарлар, илмий-амалий конференциялар (анжуманлар), педагогик ўқишлар орқали амалга оширилади.

Шахсий услубий ишларга ўқув муассасалардаги ҳар бир ўқитувчига инженер-педагог, усталарнинг ўз малакаларини ошириш устида олиб борилаётган тинимсиз меҳнати тушунилади.

Услугий ишлар асосан дарс беришда ўқув жараёнини такомиллаштириш, унга янги усул ва воситаларни қўллашни амалга оширишни мўлжаллангандир.

Ўқув муассасидаги кенг қиррали ва хилма-хил услубий ишларни ўқув муассасидаги ўқув ишлари бўйича директор муовини

ташкиллаштиради. Яъни, ўқув муассаси бўйича услубий ишлар режасини тузади, аммо умумий раҳбарликни директор олиб боради.

Услубий ишларнинг асосий вазифалари:

- ўқув муассасидаги ўқитувчилар, ишлаб чиқариш усталари, инженер-педагогларнинг педагогик малакасини ғоявий-сиёсий даражасини, касбий маҳоратини ошириш;
- ўқувчиларга таълим-тарбия беришнинг янги замонавий усуллари ўқув жараёнига қўллаш;
- ўқув жараёнига илғор педагогик ва ишлаб чиқариш тажрибаларини қўллаш, умумлаштириш, танишиш ва бошқалар.

Жамоавий услубий ишлар мазмуни ва ташкил қилиш.

1. Педагогик кенгаш (пед.совет). Педагогик кенгаш ўқув муассасининг асосий органи бўлиб, у ўқув муассасидаги асосий масалаларни муҳокама этиш, хулосалар қабул қилиш учун тузилган бўлиб, «Педагогик кенгаш ҳақидаги Низом» асосида фаолият кўрсатади, ва йиллик план асосида иш юритади. Педагогик кенгаш иш режасида асосан қуйидаги масалалар ёритилади ва амалга оширилади: ўқув муассасаси педагог жамосининг ўтган даврда бажарилган ишлар натижаси ва олдинда турган вазифалар; услубий ишлар режаси ва ходимларнинг малакасини ошириш, усталарнинг тарбиявий иш режаси, ярим йиллик, йиллик имтиҳон натижалари; таътил вақтларида ўқувчилар билан спорт ишларини ташкил этиш; библиотека ҳолати; ишлаб чиқариш амалиёти натижалари ва бошқа кўп масалалар педагогик кенгаш ишида йил мобайнида тасдиқланади ва ҳар ойда бир марта ўтказилади. Педагогик кенгаш иш режасидаги ҳар бир масала бўйича маъсул ходим тайинланади ва у бу масалани кенгашга тайёрлайди, керак бўлса, бу масалани тайёрлашга бошқаларни ҳам жалб қилиши мумкин.

Педагогик кенгаш қарорини раис-директор ва котиб қўл қўйиб тасдиқлайди. Кенгаш қарорининг бажарилишини директор ва унинг ўқув ишлари бўйича муовини назорат қилиб боради.

Педагогик кенгаш хужжатлари: иш режаси, баённомалар, маърузалар ва қарорлар директор муовинида сақланади.

Услубий комиссиялар:

Услубий комиссиянинг асосий вазифаси ўқув-тарбиявий жараёни такомиллаштириш, ўқитувчиларга, инженер-педагогларга, усталарга амалий-услубий ёрдам беришдир.

Ўқув муассасида услубий комиссиялар, тайёрлов йўналишлари, фанлар бўйича ва амалиётлар бўйича ташкил қилиниши мумкин. Услубий комиссия таркиби ва сони педагогик кенгаш тавсиясига кўра директор буйруғи билан тайинланади. Услубий комиссия таркибига малакали ўқитувчилар, усталар киради.

Ўрта махсус касб-хунар таълими ва ўқув муассасаларида фанлар бўйича услубий комиссия тузилади: физика ва электротехника; химия ва биология; ўзбек ва рус тили; тарих ва бошқалар, умумкасбий фанлар, махсус фанлар, ишлаб чиқариш таълими ва бошқалар. Баъзи ҳолларда услубий комиссиялар тузиши мумкин фанларни гуруҳлаштириш бўйича, мисол учун, табиий фанлар: физика, химия, биология; гуманитар фанлар, махсус фанлар ва ҳоказо.

Услубий комиссиялар ўз фанлари, цикл фанлари бўйича ўқув жараёнини ташкил қилиш, янгиликларни дарс жараёнида тадбиқ этиш, ўқитиш услуб, воситаларини такомиллаштириш, назарияни амалиёт билан боғлаш, фанларнинг кетма-кетликда ўтишини белгилаш, ўқув услубий материални муҳокама қилиш ва ўқув дастурини ўрганиш, такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ишлар рўйхати ва ишлаб чиқариш технологик ҳужжатлар ҳамда назорат ишлари мазмунини таҳлил этиш, техник воситалардан самарадорли фойдаланиш ва бошқа муаммолар билан шуғулланади.

Педагогик кенгаш муассасасининг ўқув жараёни ва услубий ишларини муҳокама этиб қарор қабул қилувчи кенгашдир.

Педагогик кенгаш аъзолари: муассасаси директори (раис); унинг муовинлари, ўқув бўлим мудирини, услубий комиссия раислари ва етакчи муҳандис-педагоглар, катта усталар, касаба бирлашмаси ва ёшлар иттифоқи раислари, илмий тадқиқот институти ва ишлаб чиқариш корхонасидан етакчи мутахассислар. Бу таркибдаги кенгаш аъзолари кўриладиган масалаларни, яъни ўқув-тарбиявий жараён масалаларни, ўқув ишлаб чиқариш жараёни ҳамда услубий ишларга оид муаммоларни ҳал қилади ва тавсиялар қабул қилади.

Педагогик кенгашнинг асосий услубий функцияси ўқув муассасида услубий ишларни такомиллаштириш бўйича асосланган тавсиялар қабул қилиш, касбий малакаларини ошириш иш режаларини тасдиқлаш ва ҳакозолар.

Педагогик кенгаш ўз фаолиятини илм ўқув муассасасининг услубий ишлар иш режаси асосида амалга оширади.

Педагогик кенгашнинг ҳамма аъзолари ўқув-тарбиявий жараёнга, услубий ишларга оид масалаларни унинг иш режасига таклиф этиши мумкин.

Педагогик кенгашнинг қарори ўқув муассасаси директори томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради ва қарорни ҳамма бажариши шарт.

Методик кенгашлар-бу жамоавий услубий иш тури бўлибгина қолмай балки алоҳида муаммоларни ҳал этишни ўз ичига олади (педагогик, услубий).

Методик кенгашларнинг-инструкцияли, ахборотли ва ҳисоботли турлари мавжуд.

Илмий-амалий конференциялар - ўқитувчилар томонидан ва бошқа мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўқув тарбиявий жараёни такомиллаштиришга мўлжалланган мавзу бўйича қилинган назарий ва амалий ишлар натижасининг муҳокамаси, қарор, тавсиялар қабул қилиш.

Педагогик ўқишлар - илғор педагогик тажрибаларни аниқлаш, умумлаштириш ва тадбиқ этиш мақсадида ўтказилади ҳамда ўқув тарбия жараёнини такомиллаштиришга оид масалаларни муҳокама қилади.

Педагогик ўқишлар ташкил қилишда ўқув муассасаларида кўргазмалар ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Дидактик воситалар ўқув услубий қўлланмалар ўқувчи иш режаларидан намуналар, дарслар режаси, конспекти, услубий қўлланмалар ва бошқалар.

Педагогик ўқиш жараёнида ташкилий кўламда энг яхши маъруза танлаб олиб уни туман, вилоят педагогик ўқишларга тавсия этилади ва чоп этишга тавсия этилади.

Илғор педагогик тажриба-асосан ўқув муассасаси муҳандис-педагогларининг педагогик маҳоратини оширишга қаратилган бўлади. Бу илғор педагогик тажрибалар ўқув муассасасида ва яна бошқа жойда ўрганилиши ва оширилиши мумкин.

Муаммоли семинарлар – бу семинарларнинг асосий вазифаси баъзи муаммоларни чуқурроқ ўрганиш бўлиб, бунда муҳандис-педагоглар, усталар маърузалар ўқишади ва муҳокама қилинади.

Услубий комиссиялар-ўқув муассасасида фанлар, яъни бир-бирига яқин фанлар бўйича энг камида бешта муҳандис-педагог ва уста бўлган тақдирда тузилиши мумкин, баъзи ҳолларда чилангарлик, металлларга ишлов бериш мутахассислари бўйича ҳам тузилиши мумкин.

Агарда ўқув муассасасида битта фандан 3 дан ортиқ муҳандис-педагоглар бўлса фан бўйича ҳам тузилиши мумкин. Масалан: материалшунослик, математика, физика ва бошқалар. Услубий комиссия раислари энг тажрибали ўқитувчи, усталардан шаклланади.

Услубий комиссиялар ўз фанлари, махсус фанлари бўйича ўқув жараёнини ташкил қилиш, янгиликларни дарс жараёнида тадбиқ этиш, ўқитиш, услубий воситаларини такомиллаштириш, назарияни амалиёт билан боғлаш, фанларнинг кетма-кет ўтилишини белгилаш, ўқув услубий материалларни муҳокама қилиш ва бошқалар билан шуғулланади.

Фанга оид муаммоларни услубий комиссиялар ҳал қилади. Яъни улар: ўқув муассасаларини ўрганиш, такомиллаштириш, ишлаб чиқариш рўйхати ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологик ҳужжатлари; назорат ишлари мазмунини таҳлил этиш, ўқувчиларнинг ўзлаштиришини таҳлил этиш, муҳокама этиш; илғор педагогик, ишлаб чиқариш тажрибаларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш, техник воситалардан самарадорлик билан фойдаланиш ва бошқаларни амалга оширади.

Услубий комиссиялар ўз ишларини истиқболли тематик ва иш режалари асосида амалга оширади ва бу режаларда асосий масалалар бўлиб қуйидагиларни режалаштириш зарур: янги ўқув йилига тайёргарлик, имтиҳонларга тайёргарлик, ўқувчилар малакасини ошириш, методик кўрсатмалар ишлаб чиқиш, маърузалар мавзуларини аниқлаш, рефератлар тематикасини белгилаш, ташкилий тадбирлар, очиқ дарслар, таълим, ўзаро дарслар кириш ва бошқалар.

Ўқитувчи ва муҳандис-педагогларнинг шахсий услубий ишлари (мустақил) ва унинг мазмуни

Муҳандис-педагогнинг маҳоратини унинг тинимсиз ишлаш, мақсадга йўналтирилган тизимли ижодий меҳнатининг натижасидир. Шунинг учун ҳам ўқитувчи агарда ўз устида ишлаб бормаса, унинг ўқитувчилик хусусияти йўқолиб боради. Бу бўлмаслиги учун, яъни у ҳар доим ўз фани мутахассислиги бўйича махсус ва педагогик билимларини ошириб бориши керак. Агарда, у ўзининг тажрибаси билан чекланиб қолса ҳам бўлмайди.

Педагогик маҳоратини ошириб боришнинг мажбурий характеридан бири, ўз педагогик фаолиятига ижодий ёндашишга ва янгиликка интилиб бориши керак.

Педагогларнинг ўқув тарбиявий жараёнидаги фаолият ва педагогик маҳоратини ошиши кўп жиҳатдан у ишлайдиган муҳитга, жамоасининг шаклландирилуви ҳам боғлиқ.

Касб-ҳунар таълими тизимида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш турларига: малака ошириш курслари ва ўз устида мустақил ишлаш (шахсий) киради. Булар ўз навбатида узвий боғланган.

Ўз устида ишлашнинг энг юқори шаклига ўқитувчиларнинг илмий иши киради.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларида ўқув тарбиявий жараёни такомиллаштиришни кўп жиҳатдан ўқитувчиларнинг, инженер-педагогларнинг ўз устида мустақил ишлаб ўзларининг малакаларини ошириб бориш билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ҳар бир ходимдан ўз устида мутақил ишлаш иш режаси бўлишини талаб қилинади. Бу иш режаси қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши қабул қилинган:

- I. Сиёсий-ғоявий даражасини ошириб, сиёсий адабиётлар, муаммоли семинарларда фаол қатнашиш, кузатишларда қатнашиш.
- II. Педагогик малакани ошириш, фанлар бўйича илмий-амалий, услубий адабиётларни ўқиш, докладлар ёзиш, очиқ дарслар ўтказиш.
- III. Педагогик билим ва услубий тайёргарлигини ошириш.
- IV. Маънавият ва нафосат кўрсаткичларини шакллантириш.
Мустақил ўз устида ишлаш ва услубий ишлаш асосан қуйидаги тўрт бўлимдан иборат (табл. 3)

1. Ғоявий-сиёсий маърифий даражасини ошириш
2. Илмий-техникавий билимларни такомиллаштириш
3. Педагогик билими ва услубий тайёргарлигини ошириш
4. Маънавият ва назорат кўрсаткичларини шакллантириш

Мустақил ишлаш орқали ўз малакасини оширишни яна бошқа турларидан бирига семинарларга, педагогик ўқишларга, конференцияларда ўз илмий натижалари, амалий иш тажрибасига тайёргарлик кўриш хисобланади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг **ўқув методик (педагогика) хонасининг** асосий вазифалари:

- Илғор педагогик тажрибанинг тарғиб қилинишини ташкил этиш
- Умумтаълим, махсус ва амалий касбий таълим ўқитувчиларига педагогик маҳорат ва ўқув-тарбиявий фаолият сифатини оширишда ёрдам кўрсатиш
- Ўқув-тарбиявий ва методик ишлар масалалари бўйича материаллар тўплаш ва уларни тартибга солиш
- Касб-хунар коллежида илмий-педагогик ахборотлар тўплаш

Ўқув методика хонасининг фаолият мазмунини қуйидагилар ташкил қилади:

- Касб-хунар коллежи ходимларининг ўзаро педагогик тажриба алмашиши бўйича семинарлар ташкил этиш.
- Педагогик ва бошқа мавзуларда маърузалар ташкил этиш.
- Методик кўргазмалар ташкил этиш.
- Педагогик машғулотлар ташкил этиш.
- Касб-хунар коллежида педагогик ўқишлар ташкил этиш.
- Умумтаълим, махсус фанлар ва амалий касбий таълим ўқитувчилари учун педагогик маслаатлар ташкил этиш.
- Педагогик янгиликлар бўйича конференциялар ташкил этиш.
- Касб-хунар коллежида муайян мавзулар бўйича методик ишлар якунига бағишланган конференциялар ташкил этиш.
- Касб-хунар коллежи ходимларининг педагогик меҳнат фидоийлари билан учрашувлар ташкил этиш.

Ўқув методик хонаси қуйидагилар билан жиҳозланса мақсадга мувофиқ бўлади:

- Намунавий ҳамда ишчи ўқув режалар ва дастурлар

- Режалаштириш, ҳисобга олиш ва ҳисобот хужжатларининг намуналари
- Ўқув хонаси, лаборатория ва устахоналарни жиҳозлаш меъёрлари, каталоглар, рўйхатлар, паспорт
- Меъёрий ва йўриқли хужжатлар: низомлар, кўрсатмалар, йўриқномалар ва ҳоказо
- Касблар бўйича ўқув-ишлаб чиқариш ишлари рўйхати
- Илмий педагогик адабиётлар, педагогик журналлар, газеталар ва бошқа даврий нашрлар
- Методик ишланмалар, ўқитувчиларнинг маърузалар матнлари
- Йўриқлар ва технологик хариталар тўплами
- Назарий ва амалий касбий таълим фанлари бўйича тест топшириқлари тўплами
- ЎМКҲТ илмий ва ўқув методик ташкилотларининг методик тавсиялари
- Таълимнинг «фаол» шакллари ва методларидан фойдаланиш бўйича материаллар
- Дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, маълумотномалар.

Педагогик маҳорат кўрсаткичлари ва мезонлари

Амалий фаолиятда амлга ошириладиган педагогик маҳорат асослари касбий етукликнинг белгисидир, лекин унинг даражасини педагогик вазифалар қандай ҳал этилиши ва пировардида қайси натижаларга эришилишидан кўриш мумкин.

Олимлар педагогик маҳоратни баҳолашнинг беш даражали тизимини таклиф қилади:

1-репродуктив; педагог бошқаларга ўзи билган нарсасини ва ўзи билганича гапириб бера олади.

2-адаптив; педагог ўзининг маълумотини фақатгина узатиб қолмай, ишлаётган объектнинг хусусиятларига мувофиқ равишда ўзгартира олади;

3-локал-моделлаштирувчи; педагог маълумотни фақат узатиб ва мувофиқ ҳолда ўзгартирибгина қолмай, айрим масалалар бўйича билимлар тизимини моделлаштириши ҳам мумкин;

4-билимларни тизимли моделлаштирувчи; педагог ўз фани юзасидан билимлар тизимини шакллантирувчи фаолият тизимини моделлаштира олади;

5-фаолият тизимли-моделлаштирувчи; педагог шундай фаолият тизимини моделлаштира оладики, у ўз навбатида ўқувчиларда зарур хусусиятларни шакллантиради.

Педагог ўқув ишларидаги маҳоратини қуйидагича (балларда) баҳолаш таклиф этилади.

6	5	4	3	2	1	0
Жуда	Юқори	Ўртадан	Паст	Ўртача паст	Паст	Жуда паст

Педагог маҳорати даражасининг умумий баҳоланиши бирор мезонларга таянмайди. «Ўртадан паст» даражаси паст бўлганда «Ўртачадан юқори» даражаси ҳам бўлиши керак, унда педагог педагогик маҳорат даражасига яқинлашаётган, лекин ҳали унга етмаган бўлади. Афтидан, бундай атама аниқроқ бўлади, чунки бу даражалар ичида фақат иккита юқори даража (бешинчи ва олтинчи) педагогик маҳорат даражалари бўлади.

Касбий маҳорат бу маҳоратни ўқув-тарбиянинг ҳамма шакллари ташкил қила олиш, уни мақсадга қаратиб шахсни баркамоллиги, дунёқараши кабиларни ривожлантиришга қарата олишдир.

Педагогик маҳорат мураккаб тизимига эга бўлган туридир. У ўз тартибини ўқитувчи шахсининг комплекс хусусиятларини олиб ўз касбий фаолияти даражасида ўзи ташкил қила олишдир.

Методик ишларни тўғри ташкил қилиш педагогик маҳоратни оширишнинг муҳим воситаси.

Юксак педагогик маҳоратга ўқитувчи ўша вақтда эришадики, қачон умумпедагогик ва методик тайёргарликни таълим-тарбияга ижодий ёндашиш, ўзининг касбий билимларини ва кўникмаларини ўз фаолиятининг доимий таҳлил қилиш билан қўшиб бора олса.

Маърузага тайёргарлик

I. Маърузага ёзиш қуйидаги структурада бажарилади:

1. Маърузага ёзишга тайёргарлик: маъруза мавзусини танлаш
2. Педагогик адабиётларни, турлари темага оид ўқиш
3. Ўз материалларини тартибга солиш
4. Хулосаларни ёзишни ўйлаш, шакллантириш
5. Маърузанинг план проспектини тузиш

II. Маърузанинг (мақола, брошюра) намунавий тузилиши.

1. Кириш қисми
2. Ўқув тарбиявий жараённинг ҳозирги аҳволи ва уни такомиллаштириш масалалари
3. Муаммонинг назария ва амалиётдаги ҳолати
4. Мавзунинг долзарблиги

III. Асосий назарий ва амалий натижалар хусусияти.

1. Таълим тарбия сифатини ошириш воситаларини таҳлил этиш ва асослаш
2. Педагогик воситаларни назарий асослаш
3. Педагогик тажрибалар натижасида олинган натижаларни кўрсатиш (таблица, график, компьютер)
4. Олдинги ҳолатдан фарқи
5. Изланишдаги қийинчиликлар

6. Ўқув тарбиявий жараёни такомиллаштиришга оид йўл-йўриқлар

IV. Хулоса ва таклифлар.

Қилинган, олинган иш тажрибаларини умумлаштириш, олинган натижаларини тадбиқ қилиш бўйича тавсия этиш.

Жадвал – 8

Ушлбий ишларнинг асосий йўналишлари:

1. Ўқув жараёнини такомиллаштиришнинг илмий асослари
2. Муҳандис-педагогларнинг педагогик маҳоратини ривожлантириш
3. _____

Ой, кун	Педагогик кенгаши	Инструктив-ушлбий кенгаш	Илмий-амалий конференция	Ушлбий комиссиялар							Илгор педагогик тажрибалар	Семинар-амалиёт	Педагогик ўқишлар	Сиёсий ўқишлар	Эслатма
				Умум таълим фанлар	Гуманитар фанлар	Умум касбий фанлар	Махсус фанлар	Ишлаб чиқариш таълими	Ишлаб чиқариш амалиёти	Очиқ дарслар					

**2001 / 2002 ўқув йили учун «Терига ишлов бериш» тайёрлов
йўналишидаги ишлаб чиқариш таълими бўйича (муҳандис-
педагоглар, усталар) услубий комиссиясининг
иш режаси**

Маъзу: Дарсни такомиллаштириш

Т/Р	Иш мазмуни	Маъсул	Изоҳ
Август			
1	Меъёрий хужжатлар. Янги ўқув йилдаги услубий комиссиянинг вазифалари	Услубий комиссия раиси	
2	Янги ўқув режалари, дастурлар, ўқув дастурий хужжатларга ўзгартиришлар киритиш	Педагоглар, устозлар	
3	Истиқболли-тематик режаларни ишлаб чиқиш ва йўлдириш	Услубий комиссия	
4	Терига ишлов бериш бўйича устаси касби бўйича ишлаб чиқариш ишлари рўйхати муҳокамаси	Катта устоз	
Сентябрь			
1	Услубий комиссиянинг йиллик иш режасини тасдиқлаш	Услубий комиссия раиси	
2	Устозларнинг истиқболли-тематик иш режаларини (ярим йиллик) муҳокамаси	Усталар	
3	Ўз билимини ошириш режаларини тасдиқлаш	Услубий комиссия режаси	
4	Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва тадбиқ этиш режасини тасдиқлаш	Педагоглар, усталар	
Октябрь			
1	Ҳозирги замон дарсларига қўйиладиган талаблар	Ўқув ишлари бўйича директор муовини	
2	Ишлаб-чиқариш таълими ва махсус фанлар бўйича дарсларда фаол усулларни қўллаш	Услубий комиссия раиси	
3	Очиқ дарслар муҳокамаси: 1. Текис юзаларга ишлов бериш (Аббосов Т.)	Педагог	
Ноябрь			
1	Махсус технология ва ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида иқтисодий тарбия	Услубий комиссия раиси	
	Ўқувчиларнинг касбий қизиқишларини дарс жараёнида ўқитиш	Педагоглар	
	Техник воситаларни назарий ва амалий дарсларда қўллаш	Услубий комиссия раиси	

**«Ишлаб чиқариш таълими» бўйича муҳандис-педагог
Турғунов Т.нинг ўз билимини ошириш ва мустақил услубий**

ИШЛАР РЕЖАСИ

Т.р.	Иш мазмуни	Муддати	Изоҳ
I.	Ғоявий-сиёсий даражасини ошириш 1.1. И.А. Каримовнинг асарларини ўрганиш 1.2. Ўқувчиларнинг умумтаълим ва касбий фанлар бўйича бўлимларга қўйиладиган талаблар (реферат ёзиш) 1.3. Иқтисодиёт ва сиёсатга оид семинарларда қатнашиш	Сентябрь, Июнь Апрель Ҳар доим	
II.	Педагогик малакасини ошириш		
	2.1. Дарсларни такомиллаштиришга оид адабиётлар, ўқиш 2.2. мавзу бўйича маъруза тайёрлаш 2.3. Очиқ дарс ўтказиш	Сентябрь, Май Февраль Апрель	
III.	Фан бўйича илмий-назарий билим даражасини ошириш		
	3.1. Рақобатдош кадрларни тайёрлаш бўйича услубий тавсияларни ўрганиш 3.2. Кўрсатмали қўлланмалар тайёрлаш	Йил давомида Март	
VI.	Маънавият ва услубий даражасини ошириш		
	4.1. «Ақлий меҳнат маданияти» мавзусида суҳбат ўтказиш ва х.к.	Октябрь	

Умумкасбий фанлар бўйича услубий комиссия иш режаси

Мавзу: Назарий таълим дарсларини такомиллаштириш

Т/р	Бажариладиган ишлар мазмуни	Бажариш муддати	Масъул
1	1. Комиссиянинг иш режаси муҳокамаси 2. Календар-тематик режаларини тасдиқлаш	Сентябрь	Раис Ўқитувчилар
2	1. Электротехник фанлар бўйича очиқ дарслар муҳокамаси 2. Электротехника бўйича методик ишланма муҳокамаси «дарсда техник воситалари мажмуасидан фойдаланиш»	Октябрь	Ўқитувчи Электроника ўқитувчилари
3	1. Дарсларга ўзаро кириш натижалари муҳокамаси 2. Янги ўқув услубий адабиётлар муҳокамаси 3. Тест саволлари муҳокамаси ва бошқалар	Декабрь	Ўқитувчилар усталар Кутибхоначи

§ 5.2. Ўқитувчилар тайёрлашнинг янги педагогик технологияларини ишлаб чиқиш ва ўқув-тарбиявий жараёнга тадбиқ этиш муаммолари

Таълим-инсон фаоллигини белгиладиган муҳим бир тармоққа айланмоқда. Шунинг учун таълим тизимида инсон фаолияти билан боғлиқ кўпгина муаммоларни ҳал этиш зарур. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу вазифаларни илмий техника жараёнининг ўзгариши билан боғлиқ таълимнинг янги назариясини яратиш, яъни фанни жамиятнинг ишлаб чиқариш кучига айлантириш ва амалий кўрсаткичларини ривожлантириш натижасида амалга ошириш мумкин.

Республикада таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ ўзгаришлар таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни миллий руҳ билан суғориш, самарали анъанавий услубларни сақлаб қолган ҳолда янгиларни яратиш ва амалиётда қўллаш борасида олиб борилаётган ишлар билан боғлиқ. Бу йўналиш кенг қамровли бўлиб, унинг соҳалари кенгайиб, мазмуни такомиллашиб бормоқда, яъни у таълимда янги педагогик технологияларни қўллаш, таълимнинг бутун жараёнини аниқ

режа асосида ташкил қилиш ҳамда ўқув жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил қилиш ҳисобига уни индивидуаллаштиришни кўзда тутди.

“Педагогик технология” тўғрисида кўплаб тушунчалар мавжуд бўлиб, уларнинг баъзиларини келтириб ўтамиз.

Технология-бу саънат, маҳорат, кўникма, методлар йиғиндиси.

Технология-бу инсон фаолияти ва тафаккури билан боғлиқ бўлган маданий тушунча.

Технология-бу техник жihatдан аҳамиятли сифат ва қобилиятнинг интеллектуал қайта ишланиши.

Технология-бу қандайдир жараёни амалга ошириш методлари ҳақидаги билимлар йиғиндиси.

Технология-бу ўқув жараёнига ташкилий, мақсадли педагогик таъсир ўтказиш натижаси.

Технология-бу ўқув жараёнини амалга ошириш техникаси.

Технология-бу таълим мақсадига эришишнинг кафолатланган воситаси.

Технология-бу режалаштириладиган натижаларга эришиш жараёнининг баёни.

Технология-бу амалиётга жорий қилиниши керак бўлган маълум бир педагогик тизимнинг лойиҳаси.

ЮНЕСКОнинг берган таърифига кўра: Педагогик технологи-инсон ва техника ресурсларини ҳисобга олган ҳолда бутун таълим жараёнини ва билимларини ўзлаштиришнинг баҳолашнинг тизимли методи ва самаралироқ таълим шаклларига эришиш учун улар ўртасидаги ўзаро таъсиридир.

Касбий педагогика "дарслигида шундай тавсиф берилади: Педагогика технология-бу педагогика фани ва мактаб амалиётини ривожлантиришда узвиликни сақлаб қолган ҳолда педагогика ва методиканинг методологик ва интеллектуал воситаларини радикал равишда янгилаш.

Бизнинг фикримизча “педагогик технология” тушунчаси барча бошқарилувчи ташкилий қисмлар ва уларнинг боғлиқлиги таҳлил қилиш, танлаш, лойиҳалаш ва назорат қилиш йўли билан педагогик самарадорликни юқори даражага кўтариш ҳамда бу борада тизимли ёндашувни жорий этишни ифодалайди. "Педагогик технология"нинг таълимидаги амалийлик ҳамда ташкилий-услубий имкониятларини амалга оширишга йўналтирилганлиги, унинг аниқ воситалар ёрдамида ҳаётга тадбиқ этилиши бутун жаҳон педагогларининг унга эътиборини кучайтирмоқда. “Технологик” йўналишга турлича қарашлар мавжуд, баъзи педагоглар "педагогик технология" да таълимни дифференциялаштириш воситасини кўрмоқдалар, бошқаларни ундаги ким меҳнат сарфлаб юқори натижаларга эришиш имкониятлари, “педагогик технология” ни барча таълим олувчиларни олдиндан белгиланган билим, кўникма ва малакалар даражасига етказиш мумкинлиги қизиқтирмоқда. Баъзи педагоглар таълимини "технология"

лаштириш ёрдамида оммавий таълим амалиётида туб бурилиш ясашга умид боғлаган эдилар.

Педагог технологияни амалга оширишнинг умумлашган кетма-кетлигини қуйдагича амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади (биз тажриба ишларини амалга оширишда ундан услубий асос сифатида фойдланганмиз):

-талабаларнинг истиқболдаги фаолиятини таҳлил қилиш, таълим жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган мақсад ва вазифаларни белгилаш;

-умуммеҳнат ва касбий малакарни ривожлантиришда таълим воситаларини қўллашга оид таълим услуги мазмуни ишлаб чиқиш;

-олий ўқув юрлари ўқув дастурларида талабалар томонидан таълим воситаларидан фойдаланиш технологиясини ўзлаштиришлари учун вақт мезонини белгилаш;

-талабаларда кўникма ва малакарни ривожлантиришга қаратилган машқлар тизимини ишлаб чиқиш;

-талабаларда билим кўникма ва малакаларнинг сифатини назорат қилиш билан боғлиқ объектив назорат ўтказиш ва тестлар тизимини ишлаб чиқиш;

-ишлаб чиқилган "педагогик технология" ни амалда синаш ва уни ўқув жараёнига татбиқ қилиш;

Келтирилган босқичларнинг тавсифи амалда ўқитувчи фаолиятининг даврий алгоритминини ифодалайди ва уларнинг мос равишда мақсадлар, аниқ назорат усуллари бутун таълим жараёнини қамраб олади. Ушбу жараён стандартлаштирилган таълим мақсади асосида педагогик тизим воситасида амалга оширилади.

Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки педагогика фанидан ҳар қандай педагогик технология асосини тизим ташкил этади. Бундай педагогик технологияни режалаштирилган самараси унинг қандай тизимлаштирилганлиги ва тузилишига боғлиқ:

Педагогик тизим тушунчаси кўплаб педагог олимлар томонидан таҳлил қилинган бўлиб , 80-йиллар охиригача аниқ бир тўхтамга келинмаган.

Педагогика тизим тушунчаси ва уни ташкил этувчи вариант элементларини биринчи бўлиб академик В.П.Беспалько асослаб берди.

В.П.Беспалько таърифи бўйича "Педагогик тизим (ПТ) деганда маълум сифатларга эга бўлган шахсни шакллантиришга аниқ мақсадли ташкилий педагогик таъсир кўрсатиш учун талаб этиладиган ўзаро боғланган услуб, восита ва жараён мажмуаси тушунилади" [23]. Жамиятнинг устувор қадриятлари шахс шаклланишига қўйиладиган талаблар ва унинг мақсадини белгилаб беради.

Педагогик технология яратилиш босқичлари академик В.П.Беспалько томонидан асосланган бўлиб [23], У таълим тури ҳамда тадбиқ қилинишдаги шакли, дарслик, методик тавсиянома, ЭҲМ

дастурларидан қатъий назар умумий ҳисобланади. Шу асосда биз педагогик технологияни лойиҳалашни қуйдаги босқичларда амалга оширдик (4-шакл):

-биринчи босқичда касб таълими факультети талабаларнинг келажакдаги касбий фаолиятини таҳлил қилинди.

Ушбу таҳлилда талаба фаолияти истиқболини қамраб олган келажак фаолиятида дуч келадиган вазифалар аниқлаб олинди.

-иккинчи босқичда умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакарни ривожлантиришнинг психофизиологик асослари; ўқитувчилар тайёрлашнинг янги педагогик технологияларини ишлаб чиқилди ва таълимнинг ҳар бир даври учун унинг мазмуни аниқлаб берилди.

-учинчи босқичда умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакарнинг таркибий қисмлари, шакллантириш жараёни; малака кучиши ва мослашувчанлиги хусусиятлари, умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантириш жараёнида таълим воситаларини қўллаш технологияси ишлаб чиқилди;

-тўртинчи босқичда умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакарни ривожлантириш дидактик жараёнининг энг мувофиқ таълим шакллари аниқланди. Унинг натижаси кўникма ва малакаларни ривожлантириш педагогик тизимида ўқитувчи ва талаба муносабатлари мазмуни ишлаб чиқилди;

-бешинчи босқичда умуммеҳнат ва касбий малакаларни қўллашга оид таълим методи мазмуни ишлаб чиқилди, унинг натижаси сифатида умуммеҳнат кўникма ва малакарни ривожлантириш жараёнида тренжерлардан фойдаланиш технологияси яратилди;

-олтинчи босқичда таълим мақсади асосида кўникма ва малакаларни ривожлантиришга қаратилган машқлар тизими ишлаб чиқилди ҳамда ўқув қўлланмалари мазмуни билан умумлаштирилди, натижалар белгиланган кўрсаткичлари даражасида таълим жараёнига тадбиқ этилди;

-еттинчи босқичда-ўзлаштириш даражасини баҳолаш мезонларига ва таълим мақсадларига мос келувчи талабаларнинг билим ва кўникмаларини аниқ назорат қилиш билан боғлиқ кузатишлар ўтказилди ва тестлар ишлаб чиқилди.

-саккизинчи босқичда таълим мақсадларига эришиш имконини берувчи ўқув машғулотларининг тузилмаси ва мазмуни шакллантирилди ҳамда талабаларнинг умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларини ривожлантиришга қаратилган топшириқлар мажмуаси ишлаб чиқилди;

-тўққизинчи босқичда умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакарни ривожланганлик даражасини баҳолашнинг кўрсаткич ва мезонлари тажриба-синов ишалари асосида синаб кўрилади ва таълим жараёнининг яқунланганлик даражаси ($K > 0,7$ кўрсаткичга

эришиш мақсадида) текширилди. Босқич натижасида лойиҳага тегишли тузатишлар киритилди.

Кўникма ва малакаларни фаолият тавсифига кўра таснифлаш мумкин (5-шакл). Мисол учун, бир гуруҳни интеллектуал кўникма (эшитиш қобилияти, китоб билан ишлаш, иншо ёзиш, режа тузиш, ўз ишини режалаштириш, уни қулай ташкил этиш) ва малакалар (ёзув савотхонлиги, ифодаси ўқиш) ташкил қилади. Иккинчи гуруҳга меҳнат кўникмалари (чизмалар бўйича буюм ясай олиш) ва алоҳида автоматлашган меҳнат операциялари (арралаш, қирқиш, рандалаш, кесиш малакалари) киради. Бу гуруҳга ҳаракат ва конструктив техник кўникма ва малакалар киради, бунда иккинчиси ҳамма вақт асбоб ва машиналар билан ишлашга боғлиқ бўлади.

Учинчи гуруҳни жисмоний тарбия ва спорт кўникмалари (жисмоний тарбия машқларини бажара олиш) ва малакалар (сакраш, сузиш, арқонга чиқиш) ташкил қилади. Одатда гигиеник кўникма ва малакаларни ҳам алоҳида гуруҳ сифатида қаралади.

Бундан ташқари малакалар мураккаблик ва автоматлашганлик даражаларига кўра ҳам фарқланади.

КАСБИЙ ТАЪЛИМНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ ФАНИДАН НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

§ 1.1. бўйича

- Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мақсади ва вазифалари
- Кадрлар тайёрлаш миллий дастури моҳияти
- Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисмлари
- Узлуксиз таълимнинг моҳияти
- Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мазмуни
- Касб-ҳунар коллежлари ва уларнинг тайёрлов соҳалари
- Касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва ривожлантириш шарт-шароитлари
- Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида II босқичида касб-ҳунар таълими ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

§ 1.2. бўйича

- Давлат таълим стандартларининг мақсад ва вазифалари.
- Давлат таълим стандартларининг вазифалари:
- Таълимнинг стандартлаштириладиган турлари.
- Таълимнинг стандартлаштириш объектлари.
- Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар
- Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими стандартлари давлат тизими
- ЎМКҚТ стандартларининг жорий этилиши қуйидаги мақсадлар амалга оширилишини назарда тутди:
- Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат таълим стандартларининг вазифалари:
- ЎМКҚТ ни стандартлаштириш тамойиллари:
- Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими сифатини назорат қилиш
- ЎМКҚТ тайёрлов йўналишлари касблар ва ихтисосликлар тармоқ стандартларини ишлаб чиқиш
- Тармоқ таълим стандартларини ишлаб чиқиш босқичлари
- Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тайёрлов йўналишлари бўйича ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқиш асослари
- Ўқув дастурларни ишлаб чиқиш

§ 1.3. бўйича

- Умумдавлат таснифлагичининг қўлланиш соҳаси
- Кичик мутахассис
- Кичик мутахассислар қуйидаги вазифаларни
- Таснифлагичда нечта билим соҳаси назарда тутилган?
- Таснифлагичда қандай вазифаларни ҳал этишда фойдаланиш мумкин?
- Таснифлагичига қандай тартибда ўзгартиришлар киритилади?

§ 2.1. бўйича

- Асосий тушунча ва қоидалар

- «Ишлаб чиқариш таълими» тушунчасининг мазмуни
- Ишлаб чиқариш таълим ва назарийсининг асосий муаммолари
- Ишлаб чиқариш ва назарий таълимнинг методик асослари
- Ишлаб чиқариш таълими тизими ва шакллари
- Ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш таълими

§ 2.2. бўйича

- Педагогикада ишлаб чиқариш таълимининг ташкилий шакллари муаммоси.
- Ишлаб чиқариш таълимининг баъзи тушунчалари.
- Ишлаб чиқариш таълимининг ташкилий шакллари типологияси.
- Ишлаб чиқариш таълимининг шакллари.
- Ишлаб чиқариш амалиётида бажариладиган ишлар.

§ 2.3. бўйича

- Машғулотларни режалаштириш ва унга тайёргарлик кўриш
- Касб бўйича ўқув ишлаб чиқариш ишларининг руйхати
- Ўқув-ишлаб чиқариш ишларини танлашда қуйидаги талабларга амал қилиш зарур:
- 2. Гуруҳнинг 1-ойлик ўқув ишлаб чиқариш таълими иш режаси
- Ишлаб чиқариш таълимида истиқболли тематик режа
- Ишлаб чиқариш таълими дарси режаси
- Назарий таълим дарсининг режаси
- Касбий таълим ўқитувчиларнинг машғулотларига тайёрлаш
- Касбий таълим ўқитувчисининг ўқув йилига тайёргарлиги
- Касбий таълим ўқитувчисининг мавзуни ўрганишга тайёргарлиги
- Амалий касбий таълим ўқитувчисининг дарсга тайёргарлиги

§ 3.1. бўйича

- Педагогикада ишлаб чиқариш таълимининг ташкилий шакллари муаммоси.
- Ишлаб чиқариш таълимининг баъзи тушунчалари.
- Ишлаб чиқариш таълимининг ташкилий шакллари типологияси.
- Ишлаб чиқариш таълимининг шакллари.
- Ишлаб чиқариш амалиётида бажариладиган ишлар.

§ 3.2. бўйича

- Жараён деб нимага айтилади?
- Таълим жараёни бевосита қуйидагилар билан боғлиқ:
- Ўқитиш усули
- Таълим усуллари тизимини қуйидаги белгилари бўйича гуруҳларга бўлиш мумкин.
- Таълим усуллари гуруҳи моҳияти ва мазмуни
- Сухбат, баҳс, мияга ҳужум, ишбилармонлик ўйини.
- Муаммоли вазифалар усули, индивидуал (амалий) усул, лойиҳалар усули.
- Таълим усулларини танлаш

§ 3.3. бўйича

- Дарс ва унинг турлари.
- Дарсларга қўйиладиган талаблар.
- Замонавий дарснинг мақсадлари
- Ўқувчиларнинг ўқув, билим фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш методлари.
- Назарий ўқитиш дастурлари.
- Ишлаб чиқариш таълими дастури.
- Дастурнинг структурали компоненти.
- Фанлараро алоқадорлигидан фойдаланиш.
- Дарсларни ташкил қилиш ва ўтказишдаги камчиликлар.

§ 4.1. бўйича

- Дидактик принциплар
- Таълимни илмий асосда ташкил этиш принципи
- Таълимнинг тарбиявий характери
- Кўргазмалилик принципи
- Малакаларни пухта ўзлаштириш принципи
- Ҳар бир дарс қандай талабларга жавоб бериши керак:
- Дидактик мақсадлар бўйича дарснинг нечта тури мавжуд?
- Анъанавий ўқитиш методлари
- Фаол ўқитиш методидан қуйидагича фойдаланилади:

§ 4.2. бўйича

- Ўқув устахонаси ҳақида умумий маълумотлар.
- Ўқувчининг иш ўрнининг асосий таркибий қисмлари:
- Амалий касбий таълим ўқитувчисининг иш ўрни
- Амалий касбий таълимнинг мажмуавий методик таъминоти мазмуни
- Ўқув устахонасида дарс. Ўқув устахонасидаги дарсларнинг мақсади.
- Ишлаб чиқариш таълими дарсининг таркиби
- Кириш инструктажи.
- Ўқувчиларни машқлари.
- Жорий инструктаж
- Якунловчи инструктаж
- Якка тартибда жорий инструктаж бериш
- Жамоага жорий инструктаж бериш

§ 4.3. бўйича

- Ишлаб чиқариш амлиёти вазифалари.
- Ишлаб чиқариш устасининг амалиётга тайёргарлик.
- Ишлаб чиқариш амалиёти дастурини ишлаб чиқиш.
- Ишлаб чиқариш амалиётини ўтказиш.
- Ишлаб чиқариш амалиёти ҳисоботи.

§ 4.4. бўйича

- Билим, малака ва кўникма, қобилият.
- Билим, малака ва кўникмаларни назорат қилиш ва баҳолаш.
- Ўқувчилар фаолиятини баҳолаш усуллари.
- Ишлаб чиқариш ишларини назорат қилиш услубиёти ва ташкил қилиш.
- Ишлаб чиқариш амалиётининг реётинг усулида баҳолаш.

§ 4.5. бўйича

- Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида таълим сифати мониторингининг мақсад ва вазифалари
- «Мониторинг» тушунчасига таъриф беринг?
- Таълим сифати мониторинги қайси вазифалар билан характерланади?
- ЎМКХТ тизимида таълим сифати мониторингини келгусида ишлаб чиқариш ва амалга жорий этиш учун қандай масалаларни мажмуавий ечимини топиш талаб этилади:
- Касб-ҳунар таълимида таълим сифати мониторинг ва модели
- Таълим сифати мезонлари
- Таълим сифати педагогик мониторинг технологияси
- Педагогик мониторинг технологияси:
- Мониторингининг ташкилий- техник таъминланганлиги:

§ 5.1. бўйича

- Услубий ишларнинг илмий асослари
- Педагогик маҳорат ва унинг таркибий қисмлари
- Услубий ишлар мазмуни
- Жамоавий услубий ишлар
- Шахсий услубий ишлар
- Педагогик маҳорат кўрсатгичлари ва мезонлари
- Маърузага тайёргарлик

§ 5.2. бўйича

- “Педагогик технология” тушунчасини таърифланг?
- Педагог технологияни амалга оширишнинг умумлашган кетма-кетлигини қандай?
- Педагогика тизим тушунчасига таъриф беринг?

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” ги Қонуни. Т.: 1997. й.
2. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Т.: 1997 й.
3. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. 29-август 1997 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 5-январдаги “Узлуксиз таъли тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида” ги 5 сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 – майдаги “Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 204 сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 16 октябрдаги «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» ги 400-сонли қарори.
7. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тайёрлов йўналишлари касб ва ихтисосликлар умумдавлаттаснифлагичи. -Т.: 2002, 2004.
8. Абдуллаев А.Х. Аметов А.К. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури фалсафаси, давлат таълим стандартларини ўрганиш бўйича” ўқув қўлланма. -Т.: 2003.
9. Абдуллаев А.Х., Дехкамбаева З. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тайёрлов йўналишлари бўйича тармоқ таълим стандартларини ишлаб чиқиш» услубий қўлланма. -Т.: 2000.
10. Абдуллаев А.Х. Дехкамбаева З. «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тармоқ таълим стандартларини эксперт баҳолаш» услубий қўлланма. -Т.: 2001
11. Шаперинский С.А. Вопросы теории производственного обучения М: 1981.
12. Методический основы преподавания машиностроительных дисциплин М: 1981.
13. Скакун В.А. ишлаб чиқариш таълими усталари учун қўлланма-Т: 1995.
14. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими стандартлаштириш тизимини белгиловчи асосий атама ва таърифлар. Касб-ҳунар таълими 5 нашр 2001.
15. А.И. Вайнатовский. Организационные формы производственного обучения в учебных заведениях профтехобразования. – М: 1990
16. Б.А.Соколов Методические основы преподавания машиностроительных дисциплин. – М: 1981

17. Абдуҳалиқов Т. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида таълим сифати мониторингини ташкиллаштириш илмий-педагогик асослари. Номзодлик диссертацияси.-Т.: ЎМКҲТРИ,2003
18. Абдуҳалиқов Т. Касб-ҳунар таълимида таълим сифати мониторинги.-Т.:МРИ,2003.
19. Даужанова Т. Касб-ҳунар таълим муассасаларида тажриба-синов ишлари мониторинги». Касб-ҳунар таълими» илмий-методик журнал. 2000, №9.
20. Майоров А.Н. Мониторинг в образовательном СПб.: образования-культура,1998.
21. Педагогический мониторинг: проектирование и реализация.-Т.: ИРССПО, 2001

Мундарижа

Кириш	3
I-БОБ	КАСБ ТАЪЛИМИНИ АМАЛГА ОШИРИШ АСОСЛАРИ
§ 1.1.	Ўзбекистонда таълим ислохотлари, касб-хунар таълимини ривожлантириш истиқболлари 6
§ 1.2.	Узлуксиз таълимни стандартлаштириш асослари 14
§ 1.3.	ЎМКХТ мидаги тайёрлов йўналишлари, касблар ва ихтисосликлар умумдавлат таснифлагичи 31
II-БОБ	КАСБ ТАЪЛИМИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИ АСОСЛАРИ
§ 2.1.	Ишлаб чиқариш таълимининг умумий масалалари 38
§ 2.2.	Ишлаб чиқариш таълимининг ташкилий шакллари..... 45
§ 2.3.	Ишлаб чиқариш таълимини режалаштириш 51
III-БОБ	КАСБИЙ ТАЪЛИМДА ҲЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ
§ 3.1.	Педагогикада ҲЎҚИТИШ методларининг асосий масалалари..... 62
§ 3.2.	Касбий таълимда фаол ҲЎҚИТИШ усуллари мазмунини танлаш, амалга ошириш 75
§ 3.3.	Касб-хунар таълими ҲЎҚУВ муассасаларида замонавий дарсга қўйиладиган талаблар 88
IV-БОБ	КАСБИЙ ТАЪЛИМДА ҲЎҚУВ МАШЎУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ҲЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ
§ 4.1.	Лаборатория-амалий машЎулотларни ташкил этиш ва ҲЎТКАЗИШ методикаси 100
§ 4.2.	ҲЎҚУВ устахонасида дарсни ташкил қилиш ва ҲЎТКАЗИШ методикаси 113
§ 4.3.	ҲЎҚУВЧИЛАРНИНГ ишлаб чиқариш амалиётини ташкил қилиш ва ҲЎТКАЗИШ 123
§ 4.4.	ҲЎҚУВЧИЛАРНИ билим, малака кўникмаларини назорат қилиш ва баҳолаш усуллари 127
§ 4.5.	Ўрта махсус, касб-хунар таълимида таълим сифати мониторингини ташкиллаштириш 142
V-БОБ	МЕҲНАТ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ ҲЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТИНИ ОШИРИШ УСУЛЛАРИ
§ 5.1.	Педагогик маҳорат манбалари ва услубий ишларни ташкил қилиш 152
§ 5.2.	ҲЎҚИТУВЧИЛАР тайёрлашнинг янги педагогик технологияларини ишлаб чиқиш ва ҲЎҚУВ-тарбиявий жараёнга тадбиқ этиш муаммолари 167
	Касб таълимининг методологик асослари бўйича назорат саволлари 173
	Фойдаланилган адабиётлар руйхати 177